



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
**ФУҚАРОЛИК
КОДЕКСИНИНГ**

БИРИНЧИ ҚИСМИГА

**УМУМИЙ
ТАВСИФ
ВА
ШАРҲЛАР**

"Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси" Нашриёт уйи
ТОШКЕНТ 1997

**Ўзбекистон Республикасининг
Адлия Вазирлиги**

Ҳ. Раҳмонқулов

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ**

БИРИНЧИ ҚИСМИГА

**Умумий тавсиф
ва
шарҳлар**

**I
ЖИЛД**

**Тошкент
1997**

67.99(2)3

P - 33

**Муаллиф: ЎзР ФА мухбир аъзоси,
юридик фанлари доктори, профессор
Раҳмонқулов Ҳожи-Ақбар**

**Масъул муҳаррирлар:
юридик фанлари доктори Раҳмонқулов Мир-Ақбар.
юридик фанлари номзоди, доцент Анортоев Исмоил.**

Раҳмонқулов Ҳ.

Ўзбекистон республикаси

Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига
умумий тавсиф ва шарҳлар.

/Масъул муҳаррирлар:

Мир-Ақбар Раҳмонқулов, Исмоил Анортоев/;

1 жилд. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ
дунёси" нашриёт уйи, 1997.-504б.

© "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи,
Тошкент, 1997

Муаллифдан

Фуқаролик кодекси икки қисмдан иборат бўлиб, унга шарҳлар учта жилдда берилди. Ушбу биринчи жилддаги шарҳлар Кодекснинг 1-бўлими "Умумий қоидалар"га, 2-бўлими "Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар"га, 3-бўлими "Мажбурият ҳуқуқи" ва унинг таркибий қисмларидан иборат бўлган иккита кичик бўлимлар: "Мажбурият тўғрисидаги умумий қоидалар"га ва "Шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар"га бағишланади.

Иккинчи жилддаги шарҳлар, Кодекснинг иккинчи қисмига киритилган 3-бўлимнинг 3-кичик қисмидан иборат бўлган "Мажбуриятларнинг айрим турлари"га берилди.

Учинчи жилддаги шарҳлар, Кодекснинг 4-бўлими "Интеллектуал мулк", 5-бўлими "Ворислик ҳуқуқи", 6-бўлими "Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш"га берилди.

Шарҳларнинг уч жилдда берилишидан асосий мақсад амалиётда фойдаланиш учун қулай имконият туғдиришдан иборат.

Шарҳларнинг биринчи жилдида Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишига умумий тавсиф ҳам берилди.

Шарҳларни камчиликлардан мутлоқ холи, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, ҳурматли китобхонлар, Сизларнинг билдирган мулоҳазаларингиз ва таклифларингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсизлар.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, унинг ҳаётида муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланишида ва давлат қурилишида янги босқичга ўтишдан далолат берувчи ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши 1991 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги Асослари тўғрисида” Қонун қабул қилди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Конституцияси Асосий Қонун сифатида мамлакатимизда қонунчилик фаолиятини ривожлантиришга ва бу соҳада эркин ижод қилишга имконият яратиб берди. Уни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа ҳамма қонунларнинг, шу жумладан махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи кодексларнинг юридик манбаи, пойдевори десак муболаға бўлмайди.

Биз қура бошлаган жамиятнинг табиати мулкнинг барча шакллари, жумладан хусусий мулкнинг ҳам таркиб топиши ва улар асосида бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек жамиятни бошқариш тизимида тегишли демократик шакллар ва усуллардан фойдаланилиши билан ифодаланади. Бу эса жамиятнинг табиатига монанд бўлган, унинг хусусиятларини ўзида мукамал акс эттирадиган ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатадиган қонун-қоидаларни яратиш ва жорий этишни талаб қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” деб номланган китобида бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратиш иқтисодий ислоҳотни амалга

оширишнинг асосий нуқталаридан бири эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади:

“Мустақкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Республиканинг барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишонч уйғотилади”¹.

Ана шу юксак талаблар нуқтаи назаридан қаралганда, собиқ тоталитар тузум даврида яратилган барча қонунлар янги жамият барпо этишга мутлақо хизмат қила олмаслиги яққол кўзга ташланади.

1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодекси ҳам бундан истисно эмас. Чунки у моҳияти ва мазмуни жиҳатидан социализм жамиятига хос ғоялар билан суғорилган эди. Кодексда давлат хоҳиш-иродаси акс эттирилган бўлиб, у бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига бўйсундирилган эди. Кодекс янги жамиятни барпо этишга, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилар эди. Бу ҳол мустақиллик йилларида қабул қилинган ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган қонунларни ҳисобга оладиган, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт талабларига жавоб берадиган, уларни тартибга солиш имкониятини яратадиган янги Фуқаролик кодексини қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

1. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 29-бет.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини ва 1996 йил 29 августда ушбу Кодекснинг иккинчи қисмини тасдиқлади ва 1997 йилнинг 1 март кунидан бошлаб кучга киритиш ҳақида Қарор қабул қилди. Кодекс ва у билан бир қаторда бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижтимоий-иқтисодий, мулкый, интеллектуал фаолият соҳасидаги муносабатларни, улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни белгилаб беради, ушбу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг кимлигидан қатъи назар, улар учун фуқаролик ҳуқуқининг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Келажакда бозор муносабатлари ривожланиб борган сари фуқаролик ҳуқуқининг элементи сифатида ушбу муносабатлар соҳасида ўзлаштирилган иш муомаласи одатлари ҳамда маҳаллий одат ва анъаналар ҳам муҳим аҳамият касб этиб боради. Шунинг учун ҳам Фуқаролик кодексидан олдинги кодекслардан фарқли ўлароқ, фуқароларга, юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш учун кенг имкониятлар берилади.

Ўзбекистон Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар бозор муносабатларининг ташкил топишида ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Улар товар - пул муносабатлари асосида фуқаролар, юридик шахслар, давлат, шу жумладан хорижий фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида келиб чиқадиган мулкый муносабатларни ва мулк билан боғлиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солади, уларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилади.

Фуқаролик қонунлари ижтимоий адолат принципларига амал қилувчи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқадиган вазифаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Бу қонунлар жамиятнинг иқтисодий ва ҳўжалик тизимини, мулк-

нинг ҳамма шакллари мустаҳкамлашга, тадбиркорлик фаолиятининг барча турлари кенг миқёсда ривож топишига хизмат қилади. Уларда моддий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида фуқаролар, корхоналар, уюшмалар, концернлар, ассоциациялар, биржалар, фирмалар ва ҳоказо ўртасидаги асосий юридик ҳужжат ҳисобланувчи шартномалар (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, комиссия, лизинг, транспорт экспедицияси, хизмат кўрсатиш, воситачилик, суғурта, ижара, пудрат, франчайзинг ва ҳоказо)нинг аҳамияти оширилган. Кодексда турли мажбуриятларнинг бекаму-қўст ва лозим даражада бажарилишини тегишли кафолатлар (неустойка, гаров, ипотека, кафолат, закалат ва ҳоказо) билан таъминлашга, шартномада қатнашувчи тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилишга, фуқаролар ва юридик шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини, моддий ва маънавий манфаатларини қўриқлашга катта эътибор берилган. Фуқаролик муносабатларига бағишланган ана шу асосий қонун ижодий фаолият натижаларига бўлган мулк ҳуқуқи, яъни фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва ижодий ташаббусни ривожлантиришга, шунингдек турли шахсий, мулкий муносабатларни тартибга солишда халқаро ҳуқуқ қоидаларини тўғри татбиқ қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган, биз қадам қўйган янги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қонунларни ҳурмат қилиш, кундалик ҳаётда юз берадиган муносабатларда уларга риоя этиш, уларни бекаму-қўст бажариш республикамизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш учун зарур замин яратди, жамият олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беради. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, хусусан бирмунча

мураккаб бўлган фуқаролик қонун ҳужжатларининг моҳиятини, мазмунини ва уларнинг бозор муносабатлари ташкил топаётган ҳозирги даврдаги аҳамиятини таҳлил ва тарғиб қилишга, кенг оммага тушунтиришга, Фуқаролик ҳуқуқ нормалари ишлаб чиқариш, тadbиркорлик ва хўжалик юритишнинг турли соҳаларида, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолиятини амалга оширишда тўғри татбиқ этилишини таъминлашга қаратилган ҳар қандай ижодий фаолият ва амалий иш яхши самаралар келтириши, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада оширишга ёрдам бериши турган гап.

Ишонаманки, юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадни амалга оширишни кўзлаб, республикамизнинг йирик олимлари, педагог-профессорлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ёзилган ушбу шарҳлар Кодекс моддаларидан амалиётда фойдаланишга ва уларни тўғри татбиқ этишга хизмат қилади.

*Э.Халилов,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

1. ЛОЙИҲА УСТИДАГИ ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 20 май Фармойишига асосан Фуқаролик кодекси лойиҳаси бўйича комиссия ташкил қилинди. Ушбу комиссияга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.М.Мардиев раис этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 1993 йил 24 июнда қабул қилган Буйруғи билан Кодекснинг лойиҳаси устида иш олиб бориш учун махсус ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳига раҳбар ЎзФА мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор Ҳ.А.Раҳмонқулов, гуруҳ таркибига аъзо сифатида юридик фанлари докторлари, профессорлар И.Б.Зокиров, Б.И.Ибратов, юридик фанлари номзодлари И.А.Анортоев, Р.М.Муҳамедовлар киритилди.

Республикамизнинг мустақил давлат деб тан олинishi, унда мукамал амалга оширила бошланган иқтисодий ислохотлар, хусусий мулк шаклининг таркиб топиши, шунингдек жамият бошқарув тизимида демократик усуллардан фойдаланиш ва бошқа туб ўзгаришлар натижасида республика юристларида жамият учун янги, олдинги социализм давридаги Кодексдан мутлоқ фарқ қиладиган, янги жамият талабларига жавоб берадиган Фуқаролик кодекси яратиш зарурлиги ҳақида фикр туғилган эди. Бу муҳим ишни амалга ошириш мақсадида 1992 йилнинг иккинчи ярмида бўлажак Кодекснинг концепцияси ишлаб чиқилди ва ушбу концепция олимлар, ўқитувчи-профессорлар ва амалиёт ходимлари иштирокида муҳокама қилинди ва маромига етказилди.

Республика ҳукуматининг Кодекс ҳақида қабул қилган Фармойишидан сўнг унинг лойиҳаси устида иш олиб бориш авж олиб кетди. Конституциянинг 4-моддасига асосан Ўзбе-

кистон Республикасида давлат тили ўзбек тили деб эътироф этилганлиги туфайли Кодекс лойиҳасининг биринчи нусхаси ўзбек тилида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасини она тилида ва шу билан бирга бевосита республиканинг мутахассислари иштирокида ишланиши ҳаётимизда юз берган янгилик эди. Бундай қувончли воқеа ишчи гуруҳи аъзоларида кўтаринки руҳ ва миллий ғурур туйғуларини уйғотди. Шу билан бирга қийинчиликларга ҳам олиб келди. Чунки ўзбек тилида юридик атамалар етарли даражада ишланмаган эди ва бунинг устига қонун лойиҳаси устида ишлаш учун тажриба ҳам етарли даражада ривожланган эмас эди. Ўтмишда, яъни СССР даврида тайёр қонунлар марказдан юборилиб, қонун лойиҳаси устида ишлаш учун ҳожат қолмасди. Бир ҳисобдан қулай эди, ортиқча бош қотиришга ўрин қолмас эди. Лекин бунинг оқибати яхши бўлмади, республикада қонунчилик тажрибасининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Унинг устига, марказда қабул қилинган ва республикалар учун мажбурий қонунлар шакл ва мазмун жиҳатдан бир хил бўлиб, СССР таркибидаги республикалар халқларининг миллий қадрият ва манфаатлари, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи ва даражаси эътиборга олинмаган ҳолда ва бир хил андозада тартибга солинарди.

Кодекс лойиҳасининг ўзбек тилидаги биринчи нусхасини ишлашда республиканинг аксарият юридик жамоатчилиги вакиллари фаол қатнашди. Бу ишда юридик фанлари докторлари, профессорлар И.Б.Зокиров, Б.И.Ибратов, Ш.Н.Рўзиназаров, М.Х.Раҳмонқулов, юридик фанлари номзодлари Ш.М.Асьянов, И.А.Анортоев, Р.М.Муҳамедов, Б.О.-Эшонов, О.Оқйўлов, О.Э.Эрназаров, И.Эгамбердиев, Ф.М.Отахўжаев, М.М.Баратова, Д.Қорахўжаева, Т.В.Кочергина, Б.Самархўжаев, Р.Ж.Рўзиев, К.Рашидов, И.Насриев, К.Синдоров, Т.Бекмуродов, В.Умаралиев, И.Мардонов, К.Ҳамроев, С.Холбоев, Х.Азизов, Ш.Шодмонов, С.Бобоқуловлар хусусида алоҳида тўхтаб ўтиш зарур. Улар лойиҳанинг алоҳида бобларини ва қолаверса алоҳида моддаларини ҳам ишлаб чиқишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Кодексда назарда тутилган қоилалар ижтимоий ҳаётнинг кўп қирраларига тааллуқли бўлиши ва унинг воситасида тартибга солиналган муносабатларда фақат республикамиз жамоатчилигигина эмас, балки чет эл фуқаролари, юридик шахслари ва бевосита давлатлар қатнашини ҳамда республикамизнинг иқтисодий соҳада ривожланган давлатлар қаторига ва жаҳон миқёсига интилиши ҳисобга олинган ҳолда у ҳар томонлама чуқур ишланган бўлиши, халқаро ҳуқуқ мезонларига мос келиши ва бунинг учун кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамадан, экспертизадан ўтиши зарур эди. Ўзбек тилида ёзилган лойиҳани фақат Ўзбекистон ҳудуди доирасида муҳокама қилиш билан чекланиб, чет эл мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказиш учун имконият бўлмади. Шунинг учун лойиҳани тез орада рус тилида тайёрлашга киришилди. Аммо лойиҳани ўзбек тилидан рус тилига кўчириш янада мушкулроқ бўлди.

Кодекс лойиҳасини рус тилида ишлаб чиқишда юридик фанлари номзодлари Ш.М.Асьянов, И.А.Анортоев, Б.О. Эшановлар фаол қатнашдилар. Ушбу лойиҳанинг қисмлари, бўлимлари, боблари алоҳида-алоҳида ва бир бутун ҳолатда Москвада, Санкт-Петербургда, Голландияда, Ирландияда, Россия ва МДҲга аъзо бошқа давлатлар, АҚШ, Германия, Голландиянинг йирик олимлари, юрист экспертлари, шунингдек халқаро юридик ташкилотларнинг ходимлари иштирокида муҳокамадан ўтказилди ва ижобий баҳоланди. Республикамизда лойиҳа Олий суд, Олий ҳужалик суди, Адлия вазирлиги, Прокуратура ходимлари, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон ИИВ Академиясининг ўқитувчи-профессорлари, олимлари иштирокида муҳокамадан ўтди. Кодекснинг муҳим масалалари, яъни мулкчилик ҳуқуқи, шартномаларга бағишланган бўлимлари бўйича Тошкентда 1994, 1995 йилларда халқаро конференция ва семинарлар ўтказилди.

Кодекс лойиҳасининг охириги нусхаси Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э.Ҳ.Халилов раҳбарлигида, Олий Мажлис Раисининг муовинлари Б.И.Бугров, Б.А.Шодиева,

А. Қосимов, шунингдек Олий Мажлис қўмиталари, комиссияларининг раислари, депутатлари ишпирокида моддама-модда муҳокамадан ўтказилди, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Натижада Кодекснинг лойиҳаси янада тақомиллаштирилди.

Ўтказилган муҳокамалар, экспертизалар ўз самарасини берди. Кодекснинг лойиҳаси ниҳоясига етди. Кодекснинг биринчи қисми 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан биринчи ўқишда маъқулланди. 1995 йил 21 декабрда иккинчи ўқишда тасдиқланди: Кодекснинг иккинчи қисми Олий Мажлис томонидан биринчи ўқишда 1996 йил 25 апрелда маъқулланди, иккинчи ўқишда 1996 йил 29 августда тасдиқланди. Олий Мажлиснинг 1996 йил 29 августда қабул қилган қарорига асосан Кодекснинг иккала қисмини ҳам 1997 йил мартдан бошлаб амалга киритиш белгиланди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фуқаролик кодексини бир бутун қонун даражасига етказиш учун гўрт марта қақирилган сессияларида депутатлар муҳокамасидан ўтказди ва тасдиқлади. Ўз-ўзидан савол туғилиши мумкин, нима учун шундай қилинди? Кодекс лойиҳаси битта сессияда кўрилиб, тасдиқланса бўлмасмиди. Албатта, бўларди, лекин унга йўл қўйилмади. Чунки бу ҳолат социализм даври тажрибасига хос ҳолат бўлиб, у даврда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш юзаки ўтказиларди, халқ депутатлари лойиҳаларга унчалик қизиқиш билдирмасдилар, уларга қўшимчалар киритиш ва фикр билдириш учун ўрин қолмасди, чунки собиқ СССР қонунларига зид келиши мумкин эмас эди. Энди шароит мутлақо ўзгарди, мустақил давлат — Ўзбекистоннинг Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида ўз фаолиятини мустақил равишда шахсан ўзи томонидан амалга ошириш имкониятига эришди. Шу туфайли ҳам Олий Мажлис Фуқаролик кодексининг ҳозирги даврда мулкӣ ва бозор муносабатларини тартибга солишдаги роли ва аҳамияти бениҳоя муҳимлигини ҳамда у ҳажм жиҳа-

тидан катта эъанлигини ҳисобга олиб, **Кодексни қабул қилишга бўлган муносабатда** шонима-шошарликка, юзакиликка йўл қўймади, унга кенг жамоатчилик эъгиборини тўла жалб қилиш мақсадида кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун етарли вақт ажратди, ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси ўзининг биринчи мустақил Фуқаролик Кодексига эга бўлди. 1929 йилга қадар Ўзбекистон РСФСРнинг 1922 йилда қабул қилган Гражданлик Кодексига амал қилиб келди. 1928 йилнинг охирида Кодексга “Ўзбекистон ССРнинг гражданлик кодекси” деган ном берилди. Лекин РСФСР Кодексидан деярли фарқ қилмас эди. Ўзбекистоннинг 1963 йилда қабул қилинган Кодекси “ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Гражданлик қонунлари асосларига” амал қилинган ҳолда ишланган бўлиб, ундан фарқ қилиши мумкин эмас эди. Асосларнинг 3-моддасига ҳамда Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 3-моддасига мувофиқ, ижтимоий-иқтисодий, фан-техникага оид ва бошқа асосий масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш ССР Иттифоқи ваколатига топширилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси аввалги кодекслардан ўзининг фақат мустақил Кодекс мақомига эга бўлиши билангина эмас, балки у ўз моҳияти, аҳамияти, мазмуни ва унда ўрнатилган қоидалар воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг характери ҳамда ҳажми жиҳатдан ҳам фарқ қилади.

2. КОДЕКС ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ НОМИ

Анъанага кўра, Кодексда ҳам Конституцияга ўхшаб асосий қоидалар йиғиндиси мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам Кодекс Конституциявий қонун дейилади. Чунки у бошқа одатдаги (масалан, мулк тўғрисида, ер тўғрисида, корхона тўғрисида ва ҳоказо) қонунлардан фарқ қилади. Лекин бевосита Конституцияга ва Кодекснинг ўзига тааллуқли бўлган қоидалар аҳамияти, вазифалари ва улар воситасида тартибга

солинадиган масалалар, муносабатларнинг моҳияти ва доираси жиҳатдан бир-биридан ажралиб туради. Конституция асосий Қонун сифатида барча қонун-қоидаларни, жумладан ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида кундалик турмушда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган турли номлар билан аталган кодекслар (Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси)нинг ҳам сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини ташкил қилади. Кодексда назарда тутилган тартиб ва қоидалар Конституция билан ўрнатилган асосий қоидаларга мос бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддаси 2-қисмига биноан “Бирорга ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”.

Мустақил давлат - Ўзбекистон Конституциясида жамият тизими ва давлат қурилишининг асосий тамойиллари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс тараққиётининг иқтисодий ва маънавий йўналишлари, маъмурий-ҳудудий, давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва уларнинг ваколатлари каби муҳим масалаларга ва давлатнинг ички, ташқи сиёсати-га оид умумий ва асосий қоидалар белгиланган бўлса, Кодекслар ижтимоий жамиятнинг маълум бир доирасида мавжуд ва вужудга келиши муқаррар бўлган ёки мумкин бўлган муносабатларни, ҳатти-ҳаракатларни тартибга солишга қаратилган қоидаларни ўз ичига қамраб олади. Шу билан Кодекс одатдаги қонунлардан фарқ қилади. Одатдаги қонунлар Кодексга нисбатан ўзгарувчан бўлади, чунки улар кундалик ҳаётда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни тезда ҳал қилиш вазифасини бажаради. Шу билан бирга уларда турли хил тоифадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонунда давлат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва молия-

вий ҳуқуқ воситасида тартибга солинадиган турли тоифадаги муносабатларга оид қоидалар белгиланган. Ушбу қоидалар алоҳида ва махсус кодексларда назарда тутилиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодекси умуман олганда, иштирокчилари ким бўлишидан қатъи назар, ўзаро тенг ҳуқуққа эга бўлган шахслар (жисмоний ва юридик шахслар, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, давлатлар) ўртасида вужудга келадиган мулкӣ, мулк билан боғлиқ шахсий ва номулкӣ муносабатларни тартибга солиш ва муҳофаза қилишга оид қоидалардан ташкил топади. Шундай экан, “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонунда қорхоналарнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқӣ мақоми, уларни вужудга келтириш, қайтадан ташкил қилиш, бекор қилиш ва унинг оқибатлари, уларнинг мулки, улар ўртасида тузиладиган шартномалар, мажбурият юзасидан вужудга келадиган жавобгарлик ва ҳоказо бўйича ўрнатилган қоидалар Фуқаролик кодексига тааллуқлидир.

Кодексни конституциявий қоидаларнинг амалда қўлла-нишини таъминловчи, рўёбга чиқарувчи қонун воситасидан иборат десак ҳам бўлади. Унинг ёрдамида конституциявий қоидалар ҳаётга татбиқ қилинади, амалга оширилади ва тегишли кафолатлар билан таъминланади. Шундай экан, Кодекс қонунлар йиғиндиси, бошқача қилиб айтганда мажмуаси эмас, балки турдош аломатлардан иборат муносабатлар ва хатти-ҳаракатларга тааллуқли ҳуқуқӣ қоидалардан ташкил топган яхлит Қонундир. Узининг бундай хусусияти билан Кодекс ижтимоий муносабатларнинг маълум доирасида Конституцияга асосан ҳаракат қилувчи конституциявий хусусиятга эга бўлган қонундан иборат десак ҳам бўлади.

Юқоридаги мулоҳазага кўра, Кодексни “қонунлар мажмуаси” ибораси билан алмаштирилиши керак деган фикрга қўшилмаймиз. Масалан, 1993 йилда “Адолат” нашриётида чоп этилган “Юридик атамалар ва иборалар луғати”да Кодекс “қонунлар мажмуаси” деб талқин қилинган. Кодекс атамаси сақлаб қолиниши лозим. Ушбу атама лотин тилидан олинган бўлиб, у ўз мазмуни ва моҳиятига кўра бир хил

тоифадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ва маълум системага солинган яхлит қонундан дарак беради. Кодекс атамаси кўпчилик давлатларнинг қонунчилик тажрибасида қўлланилади ва халқаро атама сифатида тан олинган.


Амалдаги “Гражданлик кодекси”нинг лойиҳасини тайёрлашда (ишлашда) унга қандай ном бериш ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлди. Кодекс ўзбек ва рус тилида ҳам “Гражданлик кодекси” деб аталиб келинди. Ушбу ном Кодекс моддалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларга ва уларда иштирок этувчи тарафларга хос хусусиятларни тўлиқ акс эттирмайди, кўпчиликда фақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларига тегишли тартиб-қоидалар ҳақидаги қонун бўлса керак, деган нотўғри тушунча туғдиради. Ҳолбуки, Кодекс нафақат фуқаролар, шунингдек юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солишга қаратилган қоидаларни ўз ичига қамраб олади. Шу туфайли Кодекснинг номи унинг мазмунига монанд бўлиши зарурлиги ҳақида барча юрист мутахассислар ягона фикрга келишди. Аммо у қандай ном билан аталиши лозим? Ушбу саволга жавоб бериш анча қийин вазифалардан бири бўлиб қолди. Бу ҳақда қуйидаги фикр ва таклифлар мавжуд: “Фуқаровий кодекс”, “Фуқаролик кодекси”, “Маданий кодекс”, “Бозор кодекси”, “Хусусий кодекс”, “Фуқаролик муомала кодекси”.

“Фуқаролик кодекси” деганда, ҳозирги ҳаракатдаги номга нисбатан ўзгариш ҳосил қилмайди. “Фуқаровий кодекс” деганда, унда назарда тутилган қоидалар маълум даражада фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишга қаратилгангина бўлиб, у фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати ва мулкчиликка оид масалаларга бевосита тааллуқли бўлмаслиги ҳақида тушунча ҳосил қилиши мумкин. “Маданий кодекс” деган ном асосан Эрон, Покистон, Туркия давлатларида ишлатилиб, Тожикистон ҳам кодексни ўша ном билан атамоқчи. Маданий кодекс деган сўз маъно жиҳатдан маданият деган тушунчадан иборат бўлганлиги ту-

файли бизнинг кўпчилик олимлар ушбу номни рад этдилар. Фикримизча, маданият кенг мазмундаги тушунчадан иборат бўлиб, у барча қонун-қоидаларнинг мукамал ишлаганлигини билдириб, мазмуни ва шакл жиҳатдан талабга жавоб берувчи кодексдан иборат деса бўлади. “Бозор кодекси” деганда эса фуқаролик ҳуқуқига оид бўлган кўп масалалар ҳуқуқий қоидалар билан қамраб олиниши шарт эмас. Масалан, шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эгалити, мулкчилик ҳуқуқи ва унинг шакллари, мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий ва бошқа муносабатлар туширилиб қолдирилади.

Илмий-амалий истеъмолда ва жаҳон амалиётида “Хусусий кодекс” деган тушунча йўқ. Лекин “хусусий ҳуқуқ” алоҳида соҳа сифатида Фарб давлатларида, АҚШда, Англияда ва бошқа давлатларда мавжуд. Хусусий ҳуқуқ асосан Оила, Никоҳ, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, меҳнатга ёллаш, фуқаролар ва юк ташиш ҳамда бошқа ҳуқуқий тартиб қоидалардан ташкил топади. Унинг асосий қисми бўлиб гражданлик ҳуқуқ соҳаси ва алоҳида олди-сотди ҳуқуқи ҳисобланади. “Фуқаролик-муомала кодекси” деган ном мазмун жиҳатдан бирмунча кенгроқ тушунча бўлиб, лекин ушбу ном ҳам кодекс мазмунини ва унинг вазифасини тўлиқ акс эттирмайди. Биринчидан, “муомала” фақат фуқарога эмас, шунингдек юридик шахсга ҳам тегишли бўлиши керак. Иккинчидан, “муомала” - “алоқа”, яъни ўзаро шартнома деган тушунчани англатиши мумкин. Кодекс фақат ўзаро алоқа, шартнома муносабатини англатибгина қолмасдан, балки шартнома билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятни бажаришга, мулкка нисбатан мавжуд ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга оид қоидаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ўтмишда ҳам “Гражданлик кодекси” деган ном турлича мулоҳазаларга сабаб бўлган. Нима учун кодекс “Гражданлик” деб номланиши керак, деган савол ҳозир баъзан юристлар томонидан ҳам берилди. Бунга асосий сабаб кодекснинг номи унинг мазмунига мос келмаслигидадир. Кўпчилик ушбу



кодексада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига тааллуқли қоидалар назарда тутилган бўлса керак, деган фикрга ҳам келишади. Ҳолбуки, ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси юқоридаги фикрдан фарқланиб, Ўзбекистон Конституциясининг иккинчи бўлимида ўзининг мукамал ифодасини топган.

Кодекснинг номини унинг мазмунига таққослаб тушунтириш осон эмас. Чунки унинг кўпчилилик моддалари тўп-тўғри фуқароларга, бошқача айтганда гражданларга тегишли эмас. Кодексада тижоратчи, тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, бирлашмалар - юридик шахслар, уларнинг мулклари, ташкил топиши, тугатилиши, улар иштирокида тузиладиган шартномалар, давлат ва муниципалитет мулки, интеллектуал мулк ва шунга ўхшаш қоидалар мавжуд.

Ҳуқуқнинг “Гражданлик ҳуқуқи” деб номланиши Рим ҳуқуқидан мерос бўлиб ўтган. Уша даврда жиной жавобгарлик ҳақидаги қоидалар, қарз бўйича тўланадиган фоизнинг энг кам миқдори, кўчанинг кенглиги ва бошқа масалалар бўйича қабул қилинган қонунлар битта умумий хусусияти билан ифодаланган - уларда назарда тутилган ҳуқуқлар Рим гражданларига тааллуқли бўлиб, чет эл фуқаролари ва қулларга нисбатан жорий қилинмаган. Ушбу маънода, яъни қонунлардаги ҳуқуқ фақат Рим гражданларига тегишли бўлганлиги туфайли у гражданлик ҳуқуқи деган иборани олган. Рим империясининг юксалиши, унда товар-пул ҳўжалиги ва муносабатларининг ривож топиши, Рим ҳуқуқининг мулкый муносабатларни тартибга солишга бағишланган қисмига жиддий таъсир кўрсатди. Унда хусусий мулк ҳақидаги қоидалар ва уни ҳимоя қилиш, бошқа ашёвий ҳуқуқлар, турли битимлар ва шартномалар, мерос ҳақидаги ва бошқа қоидалар чуқур ва мукамал ишлаб чиқилади.

Европа мамлакатларида товар - пул муносабатларининг жадал ривожланиши уларнинг қонунларида Рим ҳуқуқини, биринчи галда мулкый муносабатларга тегишли қоидаларни

қабул қилишга сабаб бўлади. Кўпчилик давлатларнинг кодекслари, жумладан, Наполеон (1804 й.) кодекси ҳам “Гражданлик кодекси” деган номга эга бўлади. “Гражданский кодекс” деган ном қонунчиликда биринчи марта 1922 йилдан истеъмол қилинади. Ундан олдин фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар Россия империяси қонунлар тўпламининг X жилди қисмидаги қоидалар билан тартибга солиниб келинган. Ушбу ном ўша даврнинг ўзидаёқ деярли шартли равишда қабул қилинган бўлишига қарамай, у ҳеч кимда эътироз туғдирмади, уни ҳаяжонга солмади. Советлар ҳокимияти даврида “Гражданский кодекс” деган ном барча республикаларда жорий қилинди. Кодекснинг ўзбекча номини тушунтириш ҳам осон эмас.

“Гражданский кодекс” ўзбек тилида “Фуқаролик кодекси” дейилади. Ўтмишда “фуқаро” деган сўз бошқача маънода ишлатиб келинган, яъни аҳолининг энг қашшоқ, фақир қисми маъносиди. Аҳоли римликларнинг табақали (патрийцы и плебеи) жамиятига ўхшаб асосан икки гуруҳга, яъни хўжалар (имтиёзли шахслар) ва фуқаролар (оддий, паст табақали одамлар)га бўлинган. Советлар ҳокимияти (1917-1991 йиллар) даврида “хўжа” ва “фуқаро” деган иборалар ўзининг ўтмишдаги мавқеини йўқотди, аҳолининг ишлаб чиқаришда эгаллаган ўрнига сиёсий баҳо берилиб, у иккита асосий синфга, яъни ишчилар синфи ва деҳқонлар синфига бўлинди. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий келиб чиқиши, насл-насабидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли гражданлар, яъни фуқаролар деб эълон қилинди.

Демак “фуқаро” деган сўзни биз ҳозирги замон маъносида, яъни рус тилида айтилганда “гражданин” деган маънода тушунишимиз ва қабул қилишимиз мумкин. Шундай экан, “Гражданский кодекс” - “Фуқаролик кодекси” дейилиши мақсадга мувофиқ. Кодекста бундай ном берилиши юқорида айтиб ўтилганидек шартли равишда қабул қилинса-да, жаҳон қонунчилик тажрибасига мос келади ва Ўзбекистон Республикасида кодекс икки тилда, яъни ўзбек ва рус тилларида чоп этилиши нуқтаи назаридан ҳам талабга жавоб беради.

Сиёсий ва иқтисодий тузумнинг тубдан ўзгариши натижа-сида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик прин-ципларни қўллаш учун кенг имконият яратилди. Хусусий мулк-чилик ҳуқуқининг жорий қилиниши, ушбу ҳуқуқнинг объекти деярли чекланмаслиги, ишлаб чиқариш воситаларининг ҳам фу-қароларга тегишли бўлиши, уларнинг тadbиркорлик фаолияти доирасини кенгайтиришга, улар ўртасидаги турли мулккий муно-сабатларнинг кенг миқёсда ривож топишига асос солди. Ушбу ўзгаришлар ва бозор муносабатларининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бўлажак фуқаролик кодексининг номи устида ҳар томонлама фикр юритилди. Бинобарин, кодекс “Фуқаролик кодекси” деган ном билан аталди. Бундай ном бериш учун кор-хона ва хўжалик жамоаларининг фуқаролардан ташкил топиши, кодекс билан тартибга солинадиган барча муносабатларнинг пи-ровард натижада фуқаронинг манфаати учун ўрнатилиши ва ҳал қилиниши, эндиликда фуқаро фақат жисмоний шахс эмас, бал-ки юридик шахс сифатида ҳам турли тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлиги ҳисобга олинди.

3. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ ДАВРИ

Ҳуқуқ муайян даврда мамлакатда яшовчи аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган моддий ва маданий бойликлар, ахлоқий қоидаларни ифодаловчи, уларнинг мустаҳкам бўлиши ва ривожланишини таъминловчи муҳим воситадир.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий таълимот ўз моҳияти ва мазмуни билан ижтимоий жамият ривожланишининг у ёки бу даври-га қараб ўзгаради, ривожланади ва ўша давр муаммоларини ҳал қилиш учун хизмат қилади. Шунинг билан бирга муай-ян даврдаги мамлакатнинг ривожланиш даражаси ҳуқуқнинг такомиллашиши, фуқароларнинг манфаатларини ифода эти-

ши ва ҳимоя қилишига қаратилган бўлиши билан белгиланади.

Мусулмон ҳуқуқи моҳияти жиҳатдан хусусий мулкнинг муқаддаслиги ва дахлсизлиги, аҳолининг табақаларга, жинсларга бўлиниши, фуқароларнинг диний эътиқоди, уларнинг мулк эгаси бўлиши ёки бўлмаслиги ва бошқа тамойилларга жавоб бериши билан ифодаланади.

1917 йил Октябрь тўнгарувидан олдинги даврда Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида моҳияти, мазмуни ва тузилиши жиҳатдан ҳуқуқнинг икки хил тармоғи (системаси), яъни мусулмон ва Россия ҳуқуқи тармоқлари мавжуд бўлган. Маҳаллий аҳоли ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар мусулмон ҳуқуқининг бир соҳаси бўлган “илми-фикҳ” билан, руслар ўртасидаги фуқаролик муносабатлари эса Чор Россияси қонунлар тўпламининг X томи I-қисмида белгиланган ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган. Илми-фикҳ мазмун жиҳатдан анча кенг бўлиб, у фақат фуқаролик эмас, шунинг билан бирга бошқа ҳуқуқ соҳалари, жумладан, давлат, оила, никоҳ, меҳнат, молиявий, ер, сув, жиноят, фуқаролик-процессуал ва жиноий-процессуал ҳуқуқларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Мусулмон ҳуқуқининг манбаи бўлиб биринчи галда муқаддас Қуръон, сўнгра ҳадислар (ас-суннат) ва шунингдек мусулмон қонуншунос-фикҳларнинг биргаликда баён этилган фикрлари тўпламлари, улар томонидан яратилган асарлар ҳисобланади. Ушбу манбалар сифатида “Ҳидоё” (“ал-Ҳидоё”) алоҳида аҳамиятга эга. Марғилонлик Шайхул-Ислом Бурҳониддин ўзининг асари - “Ҳидоё” билан мусулмон дунёсида шухратга сазовор бўлди. Ушбу асар 1893 йили Тошкентда рус тилида нашр этилади. “Ҳидоё” - 53 китобдан ташкил топган, тўрт жилддан иборат асар.

Биринчи жилдда солиқ, никоҳ, оила, процессуал ҳуқуқларига оид қоидалар; иккинчи жилдда жиноий ҳуқуқ (жазо, ўғрилиқ), фуқаролик ҳуқуқи (топилган мол-мулк, дараксиз йўқолганлар, ширкатлик, вақф, олди-сотди, қарзни ўтказиш), гражданлик-процессуал, жиноий-процессуал (гу-

воҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа кўп процессуал тартиб) ва бошқа қоидалар; учинчи жилдда фуқаролик ҳуқуқига оид қоидалар (ишончнома, шартномалар, омонат, қарз, ҳадя, ижара), фуқаролик процессуал ҳуқуқи (даъво, иқрор бўлиш), оила ҳуқуқи (ҳомийлик ва ҳоказо) қоидалари; тўртинчи жилдда фуқаролик ҳуқуқи (гаров, васият ва ҳоказо), жиноят ҳуқуқи (шахсга қарши жиноятлар ва ҳоказо) қоидалар назарда тутилган.

“Ҳидоё”нинг мазмунидан кўриниб турибдики, унда бошқа ҳуқуқ соҳаларига қараганда фуқаролик ҳуқуқий қоидаларига анча кўп эътибор берилган. Бинобарин, мусулмон ҳуқуқига бағишланган бошқа асарлар ҳам, масалан, “ал-Мабуут”¹, “Милкатат Насири”² асарлари ҳам “Ҳидоё” каби ўзига мос мазмун ва тузилишдан иборат.

Мусулмон ҳуқуқининг манбаини Қуръон, ҳадислар билан бирга Ислоҳ мафқураси руҳида яратилган кўп жилддан иборат ҳуқуқий асарлар, қонунларга ёзилган шарҳлар, мусулмон қонуншунослари баён этган фикрлар ташкил этади. Улардаги тартиб ва қоидаларнинг оғишмай қўлланиши маҳаллий аҳоли учун диний ва умуминсоний жиҳатдан мажбурий ҳисобланади.

Ҳуқуқий манбаларнинг кўп бўлишига қарамай, фуқаролик ҳуқуқи кодификация қилинмаган. Бу ҳол қозилар (судлар) учун фуқаролик ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда қийинчиликлар туғдирар эди. Чунки улар ажрим чиқариш учун баъзан бир-бирига қарама-қарши шарҳлар, суд қарорлари тўпламлари ва ривоятлар, муфтилар фикрларига, юридик хулосаларга амал қилишларига тўғри келар эди.

Фуқаролик ҳуқуқий ҳаракатлар уларнинг қонуний характерга эга бўлиши ва бўлмаслигидан қатъи назар қуйидагича тавсифланарди: қонуний (ҳалол) ёки мумкин бўлган

1. *Муҳаммад б. Аҳмад б. Абу Саҳлас-Сараҳси. Ҳуқуқ соҳалари ҳақида. 18 жилддан иборат асар. Араб тилида. 483/1090 й.*

2. *Насриддин Абул Қосим Муҳаммад б. Юсуф ал-Ҳусайин ас-Самарқандий. Мусулмон ҳуқуқининг барча масалалари бўйича 40 китобдан иборат хулосалар тўплами. Араб тилида. 548/1153 й.*

(жоиз); гайриқонуний ёки мумкин бўлмаган (ҳаром); маъқулланган ёки мақтовга сазовор (мустахаб); маъқул бўлмаган ёки танбеҳланадиган (макруҳ) ва шунингдек зарур бўлмаган ҳаракатлар.

Фуқаролик ҳуқуқий ҳаракатларга уларга мос хусусиятларига қараб баҳо бериш билан уларни бундай тавсифлаш фақат мусулмон ҳуқуқида мавжуд.

Мусулмон ҳуқуқида юридик шахс тушунчаси бўлмаган. Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида асосан фуқаролар тан олинади. Улар тенг даражада ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаганлар. Ҳуқуқ лаёқати фуқароларнинг жинсига, табақаларга бўлинишига, мулкӣ аҳволига, диний эътиқодига қараб белгиланади.

Масалан, аёл киши барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эди. Аёл фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида мустақил ва эркин иштирок эта олмасди. Бундай муносабатларда иштирок этиш учун отасининг, акасининг, эрининг ёки катта ўғлининг розилигини олиши зарур эди.

Мусулмон ҳуқуқида ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати деган ибораларга алоҳида тушунча берилмаган бўлса-да, лекин фуқаролар ёшига, жинсига, ўз ҳаракатларининг моҳияти ва оқибатларига қараб етарли даражада ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган.

Ҳуқуқ лаёқати кишининг туғилиши билан вужудга келса, унинг ўлими ёки бедарак йўқолгани, ўлди деб тан олиниши билан тугатилади. Кишининг бундай деб тан олиниши учун узоқ муддат кўзда тутилади. Масалан, йўқолган кишининг туғилган кунидан 90 йил ўтганидан сўнг қози томонидан ўлган деб тан олиниши мумкин бўлса, бу ҳақда 120 йил ўтгач эълон қилиниши мумкин.¹ Шундан кейингина унинг мулки ворисларига ўтиши назарда тутилади.

Шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати мазмун жиҳатдан бир қатор турли мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлардан иборат. Жумладан, кўчар ва кўчмас мол-мулкка эгалик қилиш бўйича

1. "Ҳидоё" 11-жилд, 93-бет. Материалы к истории советского государства и права Узбекистана. Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1958, с-74.

чекланмаган ҳуқуқ; турли битим ва шартномалар тузиш учун чекланмаган ҳуқуқ; ишчи кучини ёллашга қаратилган чекланмаган ҳуқуқ, олди-сотди алоқаларини ўрнатишга ва бошқа касб, ҳунармандчилик билан шуғулланишга нисбатан чекланмаган ҳуқуқлар белгиланган.

Ўн бешга тўлмаган, вояга етмаган болалар, шунингдек руҳий касал ёки ақли заиф шахслар муомалага лаёқатсиз деб топилади. Улар учун маълум ҳуқуққа эга бўлиш ёки мажбуриятларни бажариш учун зарур ҳаракатларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари томонидан бажарилиши, агар улар бўлмаса, қози томонидан тайинланадиган эркак кишилардан иборат бўлган васийлари ва ҳомийлари бажаришлари кўзда тутилади. Шариат бўйича ворислик ҳуқуқини мукаммал билган ва амалга ошира оладиган она учун ҳам ўз болаларига нисбатан ҳомийлик қилиш ҳуқуқи берилади.

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти мол-мулклардан, ҳаракатлардан, шахсий ҳуқуқлардан ташкил топади. Мол-мулклар хусусиятларига кўра кўчар ва кўчмас мулк, бўлиниши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган, асосий ва қўшимча, истеъмол қилишга мумкин (ҳалол) ва мумкин бўлмаган (ҳаром) мол-мулкларга бўлинади.

Мусулмон ҳуқуқида ҳар қандай жамият учун асосий масала **мулкчилик** масаласи ҳам ҳар томонлама ҳал қилинган. Унда таъкидланишича, “Яйлов, сув манбалари, олов ва туз барчага тегишлидир”. Ерда ва суғориладиган ер майдонларида ишловчи деҳқонларга алоҳида муносабат билдирилган. Шу билан бирга ерга нисбатан хусусий мулкчилик инкор қилинмаган. Қуръондаги 7 суранинг 125 оятида шундай деб ёзилган: “Охир ер худога тегишлидир: у ерни ўзининг хоҳлаган умматларига (қулларига) мерос қилиб беради...” Ерга, сувга нисбатан ҳуқуқ давлат, вақф ва хусусий мулк ҳуқуқи шаклида маълум бўлган. Хусусий мулк ўз навбатида давлат (умумий), феодаллар ва меҳнаткаш деҳқонлар мулкига бўлинади.

Давлат мулкчининг асосий объекти бўлган ер деҳқонлар қулида бўлиб, ундан фойдаланганликлари учун ер рентаси ва

бошқа кўп солиқлар давлатга тўланарди. Ердан олинадиган солиқларнинг ҳажми баъзан ундан фойдаланиш натижасида олинган даромаднинг деярли ярмидан ортиб ҳам кетарди.

Вақф мулки билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқнинг алоҳида институти бўлиши вақф мулки ҳуқуқи билан тартибга солинарди.

Вақф мулки - турли диний жамиятлар (мачитлар), ўқув юртлари (мадрасалар) ва бошқа муассасалар фойдасига васият қилиб қолдирилган мол-мулк, уларга ўтказилган турли хайр-эҳсонлар, ёрдамлар ҳисобига ташкил топади.

Вақф мулк ҳуқуқи объекти бўлиб, катта майдонлардан иборат суғориладиган ерлар, кўчмас ва кўчадиган мол-мулклар, жумладан, карвонсаройлар, ҳаммомлар, савдо бинолари ва омбулари, тегиримонлар, мадраса бинолари, ётоқхоналар, шунингдек фойда келтирадиган даромадлар, бошқа мол-мулклар ҳисобланарди.

Шариат ҳуқуқига асосан вақф мулки ўзининг ҳуқуқий ҳолати бўйича муқаддас ҳисобланар ва ҳеч ким гомонидан тартиб олинishiга йўл қўйилмасди. Вақф ихтиёридаги мулкни сотиш, ҳадя қилиш ёки мажбуриятни бажаришга таъминлаш учун ундан фойдаланишга йўл қўйилмасди.

Хусусий мулк объеклари асосан эгалланган ерлар (мулк)-дан иборат бўлиб, улар ўз навбатида вужудга келиши ва солиқ тўланиши ёки тўланмаслигига қараб бир неча, яъни мулки хурри-халис ва мулки хирож турларига бўлинади.

Мулки хурри-халис ҳуқуқига эга ер эгалари — йирик ер эгалари ва жамиятда имтиёзли шахслардан иборат бўлиб, улар ҳар қандай солиқлардан озод эдилар ва ўз ерларини ери бўлмаган ёки кам ерга эга бўлган мардикор ва чорвадорларнинг меҳнатидан фойдаланиб ишлатар эдилар.

Мулки хирож ҳуқуқига эга бўлганлар асосан ер эгалари, аҳолининг кўп қисмини ташкил қилувчи меҳнаткаш деҳқонлардан иборат бўлиб, улар шариат бўйича олинган ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида мўмай (натурал) солиқ (хирож) тўлашга мажбур эдилар.

Чорвадор ва мардикорларнинг хусусий мулклари бўлиб, уларнинг ўзларига тегишли турар жойи, уй-рўзгорлари ва шахсий истеъмол учун зарур бўлган бошқа нарсалардан ташкил топарди.

Косиб ва ҳунармандларнинг хусусий мулклари уларнинг ўз шахсий меҳнатлари, оила аъзолари ва ёлланган шахсларнинг меҳнатларига асосланган бўлиб, йирик бўлмаган ишлаб чиқариш воситаларидан иборат эди.

Хусусий мулк биринчи галда мулк эгаларининг ўзлари томонидан ҳимоя қилинарди. Мулккий ҳуқуқ бузилган тақдирда мулк эгасининг шикоятига асосан ушбу ҳуқуқ қози (суд) томонидан тикланиши назарда тутилди. Мулккий ҳуқуқни тиклаш учун мусулмон ҳуқуқида даъво муддати жорий қилинмаган. Шунинг учун ҳам қози ушбу сабаб билан мулк эгасининг шикоятини рад қилиш ҳуқуқида эга эмас эди.

Мусулмон ҳуқуқида **мажбурият ҳуқуқи** ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу параграфда мажбурият ҳуқуқининг асосий белгилари ва унинг баъзи турларига эътибор жалб қилинади.

Мажбуриятнинг вужудга келиши ва унинг мазмунини, бажариш усулларини белгилашда, бузилган тақдирда эса юзага келадиган оқибатларни келишиб олишда унинг тарафларига кенг ҳуқуқ берилган. Чунки тарафлар, асосан хусусий мулк эгаларидан иборат бўлган.

Мажбуриятнинг турлари кўп бўлишидан қатъи назар битим ва шартнома тушунчалари фарқланмаган, улар ягона арабча “ақид” атамаси билан ифодаланган. Ушбу атама фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш учун шариатда йўл қўйилган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида тушунчани англатади.

Шартномалар хусусиятларига кўра қуйидагича тавсифланган: шароитга мувофиқ ёки номувофиқ (қонуний, ғайриқонуний), ўз ихтиёри билан ёки ихтиёрсиз тузилган, муомала лаёқатига эга ёки эга бўлмаган шахслар билан тузилган. Шартномаларни бундай усулда тавсифлаш тарафлар ўртасида вужудга келган низоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шартномалар асосида вужудга келган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш закалат, кафолат, гаров, айбона усулларини қўллаш йўли билан амалга ошириларди. Гаровга алоҳида аҳамият бериларди.

Гаров кўчар ва кўчмас мол-мулк, айрим ҳолларда фақат нарса эмас, балки шахсан қарздор ёки унинг оила аъзоларидан иборат ҳам бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Кафил эркак ва мулк эгасидан иборат бўлиши мумкин. Закалат бўлиб, пул ва шариат бўйича ҳаром деб ҳисобланмаган бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин. Айбона мажбурият бажарилмаган ёки бажаришдан бош тортилган тақдирда жавобгар тарафга нисбатан жавобгарлик пул шаклида қўлланилади.

Шариатда шартноманинг шакли ҳақида махсус талаб кўзда тутилмаган. Шартномалар аксарият ҳолатда оғзаки тузилган. Чунки шартнома тарафларининг бир-бирларига билдирган ишончи қатъий ифодаси бўлиб, у “лафзга”, яъни берилган сўзга, ваъдага асосланган. Ишончни оқламаган тараф учун “лафзи” йўқ деган сўз билан номланиш унинг жамоатчилик олдида обрўйига, шаънига доғ туширадиган ҳолат ҳисобланиб, келажакда унга мулкӣ ва шахсий муносабатларда бошқалар билан қатнашиш учун имконият бермасди, чунки у мутлоқ ишончдан чиққан шахс ҳисобланарди.

Шартномалар ёзма шаклда ҳам тузиларди. Бундай шартномалар катта миқдордаги, қиммат нарҳдаги мол-мулклар бир шахсдан иккинчи шахс эгалигига ўтиши зарур бўлган пайтларда қўлланиларди. Бундай шартномалар васиқа, иноятнома, вақфнома, шартномалар каби ҳужжатларни тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Васиқа деб, у ёки бу мол-мулкнинг маълум бир шахсга тегишли эканлигини қози томонидан гувоҳлантирилиб берилган ҳужжатга айтилади.

Иноятнома эса тапшилот, ширкат ёки алоҳида шахсинг у ёки бу мулкни эгаллаб туриш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини исботловчи давлат томонидан берилган ёки гувоҳлантирилган ҳужжатдир.

Вақфнома деб, маълум бир диний муассасага ҳада, хайрия тариқасида берилган ёки васият қилиб қолдирилган мулкка нисбатан ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатга айтилади.

Шартнома - бир томонлама ёки икки томонлама эрк билдирилиб тузилган ҳар қандай битимдир. Бир томонлама шартномада унинг мазмунини ташкил қилувчи шартлари бир тарафнинг (шахсининг) эркига асосан белгиланса ва ушбу шартларнинг бажарилишини ҳам ўша тараф ўз зиммасига олган бўлса, икки томонлама шартномада эса иккала тарафларнинг ҳам эрки билдирилган бўлиши ва бажарилишида иккала тарафнинг ҳам қатнашиши кўзда тутилади.

Шартномани тузиш ва уни бажариш тарафларнинг вакиллари орқали ҳам амалга оширилишига йўл қўйилади.

Мулккий муносабатларда кўпроқ учрайдиган шартномалар олди-сотди, контрактация, айирбошлаш, мулк ижараси, қарз, пудрат ва ширкатлардан иборат.

Олди-сотди шартномаси қуйидаги турларга бўлинади: “Бай-қатъий”. Ушбу шартномага асосан сотилган мол-мулк олувчига унинг ҳақи тўланмасидан олдин топширилиши мумкин.

“Бай-жаиз”. Ушбу шартномага асосан тарафлар маълум ва келишилган муддат давомида, шартнома бўйича берилган, олинган нарсаларни бир-бирларига қайтариб бериш шарти кўзда тутилади¹.

“Бай-фасид”. Ушбу шартнома бўйича сотилган мол-мулк уни мазмун ёки шакл жиҳатдан ўзгартириш ёки қайтадан учинчи шахсга сотиш мўлжалланган тақдирда ушбу мол-мулк унинг биринчи эгаси томонидан ўзи сотган нархда қайтариб олиш шарти билан тузилади.¹

Олди-сотди шартномаси асосан фуқаролар ўртасида тузилади.

Шартноманинг нарсаси бўлиб, турар жой, уй-рўзғор буюмлари, асбоб-ускуналар, чорва моллари, истеъмол қилиш учун зарур бўлган буюмлар, маҳсулотлар ва бошқалар ҳисоб-

1. Опыт систематического изложения главнейших начал шариата, применяемых ныне в коренных областях Туркистанского края, Ташкент, 1909 г. с. 284.

ланади. Шартнома нарсаси баъзан тирик товарлар - қўллардан иборат бўлиши мумкин эди.

Шартнома бўйича товарлар қўпинча насияга (қарзга) ёки ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилади. Бундай шартномалар ёзма равишда расмийлаштирилмасди ҳам. Кўчар мол-мулк сотилган вақтда шартнома оғзаки бўлса ҳам, лекин албатта гувоҳлар иштирок этишлари шарт эди. Кўчмас мол-мулк бўйича шартнома умумий қоидага биноан ёзма шаклда тузилиб, қози томонидан гувоҳлантирилади.

Айирбошлаш шартномаси хўнармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар ўртасидаги мулкий муносабатларда кенг қўлланилади. Айирбошлаш савдогарлар томонидан ҳам қўлланилади. Улар қишлоқ ва овулларга турли товарлар олиб бориб, уларни қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларига айирбошлаш билан шўғулланади.

Шартноманинг нарсаси бўлиб буғдой, пахта, газмол, чорва моллари, чарм, жун, қуритилган мевалар ва бошқалар ҳисобланади. Кўчмас мол-мулк бўйича тузилган айирбошлаш шартномаси қози томонидан гувоҳлантирилади. Кўчар мол-мулкни айирбошлаш учун ёзма шаклда тузилган шартнома талаб қилинмасдан, лекин гувоҳларнинг иштирок этиши инкор этилмасди.

Контрактация шартномаси асосан деҳқонлар билан пахтани сотиб олувчилар ўртасида тузилади. Деҳқон пахтани экиш, ўстириб ва йиғиштириб олиб, топшириш мажбуриятини олади. Сотиб олувчи (пахта тозалаш корхоналари, пахта тозаловчилар, аравакашлар ёки тарозибонлар) эса сотиладиган пахтанинг баҳоси ҳисобидан бўнак (аванс), газмол, чой ва товарларни бериш мажбуриятини олади.

Контрактация Россия Туркистонни босиб олганидан кейин биринчи марта пахтага нисбатан қўллана бошланган. Шартнома мазмун жиҳатдан бир томоннинг, асосан сотиб олувчиларнинг манфаатларини кўпроқ ақс эттиради. Деҳқонлар оғир шароитда кун кечиришарди. Улар пахтани сотиб олувчилар олдида доимо қарздор ҳисобланишарди.

Ижара шартномаси фақат мол-мулкка эмас, шахсга нисбатан ҳам қўлланади.

Шартноманинг нарсаси кўчар ва кўчмас мол-мулклар ҳисобланади. Шартнома кўпинча ердан фойдаланиш учун тузилади. Лекин унда назарда тугилган шартлар деҳқонни огир шароитга соладиган даражада бўларди. Ерни ижарага олган деҳқон олинган ҳосилнинг деярли ярмини ер эгасига берарди.

Шахс ижараси ҳақида тузилган шартноманинг мазмуни асосан ишга ёлловчининг хоҳиши билан белгиланади. Ишлар кўпинча вақтинча характерга эга бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш шартномада назарда тугилмайди. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик тарафларнинг айби билан бўлиши ёки бўлмаслиги ҳисобга олинган ҳолда юклатилади.

Қарз шартномаси - энг кўп тарқалган шартномалардан бири. У иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан турли туман аҳамиятга эга бўлган муносабатлар бўйича қўлланилади. Ушбу шартнома воситасида буюмни, асбоб-ускунани текинга фойдаланиш учун бериб туриш, шунингдек бошқа сабаблар, яъни насияга сотиш, мол-мулкни ижарага бериш, пудрат ва шунга ўхшаш бошқа муносабатларни амалга оширишда ҳам фойдаланилган.

Ўша даврларда Туркистонда судхўрлик кенг авж олади. Шариат бўйича “пулни фоиз ундириш мақсадида қарзга бериш ман этилади”¹ дейилганига қарамасдан, судхўрлар мушкул аҳволга тушиб қолган ва ёрдамга муҳтож пахтакор-деҳқонларга, ҳунармандларга пулни қарзга юқори фоиз ҳисобига бериш билан шуғулланганлар.

Маиший пудрат шартномаси ривож топган шартномалардан иборат. Шартнома бўйича бир томондан - ҳунармандлар (кўнчи, этикчи, бўзчи, темирчи, метанчи, дурадгор, бўёқчи, тегирмончи, нонвой, жувозчи), иккинчи томондан истеъмолчи - фуқаро ва савдогарлар қатнашади.

1. Опыт систематического изложения главнейших начал шариата, применяемых ныне в коренных областях Туркестанского края, Ташкент, 1909 г. с.288.

Савдогарлар ҳунармандлар тайёрлаган нарсаларни, асбоб-ускуналарни олиб-сотиш билан шуғулланади.

Шартноманинг нарсаси маҳаллий аҳоли кенг равишда истеъмол қиладиган ва ҳунармандлар ишлаб чиқарадиган қурол-асбоблар ва маҳаллий усталар, қурувчилар бажарадиган қурилишлар ва бошқа маҳсулотлардан иборат.

Ширкатлик шартномасида икки ёки ундан кўп шахслар қатнашган бўлиб, маълум бир мақсадга эришиш учун тузилади. Ширкатлик шартномаси қуйидаги икки турга бўлинади: “ширкати милк”, яъни биргаликда мол-мулкка эгалик қилиш ва “ширкати ақид”, яъни биргаликда битим тузиш, ўз навбатида “ширкати ақид” қуйидаги турларга бўлинади:

”Ширкати-муфавазат” - шартномада назарда тутилган мақсадга эришиш учун унинг аъзолари (иштирокчилари) томонидан мол-мулкларини тенг ҳиссада умумийлаштириш ва мажбуриятлар бўйича олинадиган даромадларни ҳам тенг ҳиссада олиш бўйича тузилган ширкат.

Шартномага мувофиқ шериклар бир вақтнинг ўзида бир-бирига нисбатан ҳам муовин, ҳам ижрочи вазифасини бажаради. Шериклардан бир-бири томонидан ўз ваколати доирасида тузилган битим иккинчиси ёки бошқа иштирокчилари учун ҳам мажбуриятларни вужудга келтиради. Бундай ширкат унда қатнашувчиларнинг ҳар томонлама тенг ҳуқуқли бўлишига асосланади.

”Ширкати-инво” ўз мол-мулкларининг бир қисмини умумлаштириб тижорат (савдо) билан шуғулланиш учун тузилган ширкат. Ушбу шартнома бўйича бир ширкат аъзоси иккинчисига нисбатан кафил эмас, балки ишончли шахс ҳисобланади. Ширкатга қўйилган шерикларнинг мол-мулки ҳиссаси тенг бўлмаслиги мумкин. Ҳиссани ва ширкат фаолиятини бажаришда унинг аъзоларининг шахсий иштирок этиши тенг бўлмаслигидан қатъи назар, олинган даромад шартномада назарда тутилган шартга мувофиқ тақсимланади. Бир шерик иккинчи шерикнинг шахсий қарзи учун жавоб бер-

майди. Ширкатга етказилган зиён шартномага мувофиқ тўлдирилади.

”Ширкати-вуджух” - қарз бериш ёки ишончга асосланган шерик. Шартномага асосан ширкат аъзоларининг ҳар бири ўзининг шахсий маблағи ҳисобига товар олиб, уни биргаликда сотишади. Ушбу шартнома бўйича ширкат аъзолари бир-бирига нисбатан ҳам ишончли шахс, ҳам кафил ҳисобланади. Шартнома тарафларидан ҳар бирининг даромади ва кўрган зиёни унинг ширкат фаолиятида иштирок этган ҳиссасига мувофиқ тенглаштирилади.

”Ширкати-санаия” - ҳунармандчилик ширкатида иборат бўлиб, маълум бир ишни бажариш ёки касб билан шуғулланиш мақсадида шартнома тузилади. Ушбу ширкат аъзоларининг битта ҳунар билан шуғулланиши ёки битта жойда ишлаши шарт эмас. Олинган даромадларни тақсимлаш тенг бўлмаслигига йўл қўйилади. Шунинг билан бирга мажбурият бўйича шериклар биргаликда жавоб беради.

Қишлоқ жойларда “тенг шерик” деган шериклик шартномалар тузилади. Бундай шартномага асосан шериклар тенг миқдордаги ҳисса сифатида ер, чорва мол, уруғлик ва бошқа нарсалар, шунингдек ўз меҳнатини қўшадилар. Ҳисса сифатида баъзи шериклар ишчи ҳайвон ва ишлаб чиқариш қуроллари, бошқалари эса фақат ер билан қатнашадилар. Бундай ҳолларда йиғиштириб олинган ҳосил баб-баравар тақсимланади. Фақат ўз меҳнатин қўшган шериклар олинган ҳосилнинг учдан бир қисмин олади.

Шартномага асосланмаган, яъни шахсга, унинг ҳаётига, соғлиғига ҳамда унинг мол-мулкига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солиш қоидалари ҳам мавжуд. Ушбу қоидаларга мувофиқ етказилган зарар, унинг қандай аҳамиятга эга бўлишидан қатъи назар, биринчи галда пул, мол-мулк тўлаш билан, агар зарарни бундай тарзда қоплаш имконияти бўлмаса

айбдор жабрланган шахсга ишлаб бериши ёки ўз қизини, синглисини топширини йўли билан қутилиши мумкин эди.

Шариат нормаларида “дията” деган қоида ишлатилган. Ушбу қоидага биноан қози шахснинг саломатлигига етказилган зарарни ундириш ҳақида қарор чиқаради. Мулкий зарарни ундириш бўйича тарафлар (жабрланувчи ва жавобгар) бетараф шахслардан ташкил топган ҳолислар (третейский) судларига мурожаат қилишади. Ушбу йўл билан даъво бўйича биронта битимга келишиш имконияти бўлмаган тақдирда низо тарафларнинг кимлиги ва уларнинг мулкий шароити ҳисобга олинган ҳолда қози томонидан ҳал қилинади.

Мусулмон ҳуқуқида мерос масаласига алоҳида эътибор берилади. Ўлган шахснинг мол-мулки шариат (қонун) қоидалари ва шунингдек васият бўйича мерос бўлиб ўтиши назарда тутилади.

Қонун бўйича мерос очилганда тирик бўлган барча тўлақонли қариндошлар, уларнинг эрга ёки хотинга яқин ёки узоқ бўлишидан қатъи назар, меросхўр деб ҳисобланади. Ҳар бир меросхўр ўз ҳиссасига эга эканлиги кўзда тутилади.

Ота-оналар ўз фарзандларининг мулкига нисбатан мерос ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Улар ўлган фарзандларининг ўғиллари ёки набиралари бўлмаган тақдирдагина мерос ҳуқуқига эга бўлганлар.

Мерос ҳуқуқига эга бўлган қариндошлар биргаликда эмас, балки уларнинг яқин-узоқлиги ҳисобга олинган ҳолда галма-гал мерос олишга чақирилган. Қоида бўйича марҳумнинг яқин қариндошлари турганда унинг узоқ қариндошлари мерос олишга умуман чақирилмаган.

Энг яқин қариндошлар қаторига қуйи поғона тўлақонли қариндошлар, яъни марҳумнинг фарзандлари ва уларнинг авлодлари киради. Набиралар тақдим қилиш ҳуқуқи асосида мерос олганлар. Улар боболарининг мулкига ворис бўлиш учун фақат ота-оналарининг вафотидан сўнг уларга тегишли ҳиссани олгани чақирилади.

Мулкни ворисларга тақсимлаш марҳумни кўмиш ва унинг ўлиmidан олдин даволаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳамда марҳумнинг қарзлари ундирилганидан сўнг амалга оширилади. Бундай тўловлар миқдор жиҳатдан марҳумдан қолган мол-мулк ҳажmidан ошиб кетмаслиги кўзда тутилади.

Марҳумнинг мол-мулки ҳисобидан уни даволаш ва ўлими билан боғлиқ харажатлар, шунингдек қарзлари тўланганидан кейин қолган “тозаланган” мол-мулкдан, биринчи галда хотини ёки хотинларининг (шариат йўл қўйган сонда) ҳиссаси, агар марҳумнинг ўғиллари ёки ўғилларининг ўғиллари (набиралари) бўлса - саккиздан бир қисми, агар улар бўлмаса - тўртдан бир қисми белгиланади.

Хотини ўлган эрнинг, агар хотиндан ва унинг ўғлидан авлод бўлса, хотиндан қолган мол-мулкда унинг ҳиссаси тўртдан бир қисми ташкил этади, агар улар бўлмаса - мол-мулкнинг ярми ҳажмида белгиланади.

Ота-онадан мерос қолган мол-мулкда болаларнинг ҳиссаси уларнинг жинсига қараб турлича бўлинади. Икки қизнинг ҳиссаси битта ўғилнинг ҳиссаси билан тенглаштирилади. Агар мерос қолдирувчининг қизлари бўлмаса, мерос ўғиллари ўртасида тенг бўлинади. Марҳумнинг ҳам қизлари, ҳам ўғиллари бўлган тақдирда ҳар бир қизга меросдан $1/14$ қисми, ҳар бир ўғилга $1/7$ қисми тегишли бўлади. Ворислар фақат қизлардан иборат бўлган тақдирда улар барчаси биргаликда мерос мулкнинг учдан икки қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Марҳумнинг ворис сифатида фарзандлари ёки ота-оналари бўлмаган тақдирда ундан қолган мол-мулк унинг қариндошлари ўртасида тақсимланади. Қариндош-уруғлар тўртта тоифага бўлинган бўлиб, мол-мулк мерос сифатида биринчисидан иккинчисига ўтмайди. Бундай ҳолда ҳам эркакнинг ҳиссаси икки барабар кўп бўлган.

Меросни васият бўйича қолдириш ҳақида ҳам махсус қоидалар ўрнатилган. Васиятнома ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган

шахс томонидан тузилган бўлиши зарурлиги назарда тутилган. Куйидаги сабабларга кўра васиятнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади: ақли заифлар, вояга етмаганлар, қозининг қарорига асосан ҳуқуқ лаёқатидан чекланганлар ва ўзини-ўзи ўлдирганларнинг васиятномалари.

Мархумнинг ўлими, ўлимдан олдинги харажатлари ва қарзлари ундирилгач, унинг мол-мулкни учдан бир қисми битта, бир неча ёки бегона шахсларга васият бўйича ўтиши мумкин бўлган. Мол-мулкнинг қолган икки қисмига нисбатан васиятнома ворисларнинг розилигига асосан кучга эга бўлган.

Васият қилувчи васиятномада мерос ҳисобидан битта ёки бир неча ворислар ёки бегона шахслар фойдасига маълум бир мажбуриятни бажаришни юклаши мумкин бўлган. Лекин бундай юклаш мерос мол-мулкнинг фақат учдан бир қисмига нисбатан кучга эга бўлган. Васиятнома қози иштирокида ёки иштирокисиз уйда ёзма, оғзаки, битим шаклида ҳам тузилади. Оғзаки васият ҳақиқий ҳисобланиши учун икки нафар эркак гувоҳнинг иштирокида тузилган бўлиши талаб қилинади.

Васият қолдирувчи ўзи ўлгандан кейин унинг эркини бажарувчи вакил (“васий-маит”) тайинлаши мумкин эди. Вакил васиятномани бажариш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширади.

Мерос қолдирувчининг ўлимига қасддан ёки эҳтиётсизлик билан сабабчи бўлган шахс қонун ва васият бўйича ҳам меросдан маҳрум этилади. Агар қонун бўйича, ҳам васиятнома бўйича ҳам ворислар бўлмаса, мероснинг эгаси йўқ деб тан олинади ва у давлат хазинасига топширилади.

Мусулмон ҳуқуқи, жумладан “илми-фикҳ” ҳуқуқи ўзига хос бой меросга эга. Унда ўрнатилган қоидалар ўша феодал ижтимоий жамият давридаги муносабатлардан келиб чиқиб, ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Лекин ушбу қоидалар ўзининг умуминсоний моҳияти билан ҳозирги даврда ҳам кундалик ҳаётимизда ўз мавқеини ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

4. СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Совет тузуми ўрнатилиши билан ҳуқуқ социалистик жамият ижтимоий муносабатларининг хусусиятларига кўра турли соҳаларга бўлинди. Асосий соҳалардан бири - фуқаролик ҳуқуқи.

Совет ҳокимиятининг бошланғич даврида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси фуқаролик ҳуқуқининг манбаи 1917 йил декабрда қабул қилинган “Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси”, 1916 йил январида қабул қилинган “Меҳнаткашлар ва эксплуатациядаги халқлар ҳуқуқлари Декларацияси”, 1918 йилда қабул қилинган Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси (РСФСР) ва Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) Конституцияларидан ташкил топди. Шунинг билан бирга РСФСР ва ТАССР ҳокимият органлари Декретлари, қонунлари, халқ комиссариатлари, маҳаллий советлари томонидан мулкни миллийлаштириш, маҳаллийлаштириш, мусодара ва реквизиция қилиш, баъзи битимлар ва шартномаларни тузишни ман қилиш аҳолининг маълум табақаларини фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан чеклаш ва бошқа мулквий, шахсий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив ҳужжатлари (низомлари, қарорлари, инструкциялари ва ҳоказо) фуқаролик ҳуқуқининг манбаи вазифасини бажарди.

РСФСР ва ТАССРнинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжатлари Туркистон Республикасидаги барча фуқаролар ва ташкилотларга тааллуқли бўлиб, бажарилиши ва уларга риоя қилиниши шарт эди, чунки ТАССР РСФСРнинг таркибида эди.

Фуқаролик ҳуқуқи манбаи сифатида баъзи шариат нормалари ва маҳаллий аҳолининг одат-қоидалари вақтинча қози судлари томонидан амалда қўлланиб келинди. 1928 йилга келгач қози судларининг фаолияти тугатилди.

Янги социалистик жамият ижтимоий муносабатларига тааллуқли қонун-қоидаларни бирданига ўрнатиш имконияти бўлмаганлиги туфайли маълум давр давомида судьяларнинг революцион ҳуқуқий онги ҳам фуқаролик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланиб келди.

Туркистон Республикаси ҳудудида РСФСРнинг 1922 йил 31 октябрида қабул қилинган Гражданлик кодекси қўлланиб келинди. Кодекс - Фуқаролик ҳуқуқининг асосий ва махсус манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг фуқаролик ҳуқуқ манбалари унинг 1924 йилда ташкил топиши даврида Ўзбекистон революцион комитетининг, ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг қарорлари ва декретлари, совет ҳокимияти маҳаллий идораларининг фармойишлари ва қарорлари, Халқ комиссариатларининг инструкциялари, циркулярлари, директив кўрсатмалари ва шунингдек СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ комиссарлари советларининг Бутуниттифоқ комиссариатлари, Умумиттифоқ халқ хўжалиги Советининг, Давлат плани комитети, Меҳнат ва Мудофаа Совети (СТО), Давлат банки ва умумиттифоқ ҳокимият органларининг Ўзбекистондаги вакилларининг норматив ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

1924 йилда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХСРлари негизида ЎзССР ташкил топди. Ўзбекистон революцион комитетининг 1924 йил ноябрдаги қарорига асосан ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон учун ягона қонунлар қабул қилинганига қадар унинг таркибига кирган ҳудудларда СССР ҳукумати ва тегишли ҳудудларда, яъни Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида ҳаракатда бўлган маҳаллий қонунларни татбиқ қилиш кўзда тутилади.¹

ЎзССР Марказий ижроия Комитетининг 1928 йил 28 январидagi қарорига² мувофиқ РСФСР Гражданлик кодек-

1. СУ ЎзССР, 1925, N 1 ст. 2 "Правда Востока" 1924 й. 31 ноябрь.

2. СУ ЎзССР, 1928, N 3 ст. 16.

си собиқ Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳудудларида татбиқ қилинди. 1920 йил 14 сентябргача (Бухоро инқилоби санаси), 1921 йил 3 мартгача (Хоразм инқилоби санаси) ва РСФСР Гражданлик кодекси татбиқ қилингунига қадар ушбу республикаларда вужудга келган фуқаролик муносабатлари ўша даврда вужудга келган ва ҳаракатда бўлган қонунлар билан тартибга солинди. 1920 йил 14 сентябрь (Бухоро), 1921 йил 3 март (Хоразм)гача вужудга келган низолар ЎзССРнинг суд ва бошқа идоралари томонидан кўриш учун қабул қилинмади.

Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган РСФСР Гражданлик кодексига 1929 йили “ЎзССР Гражданлик кодекси” деган ном берилади. Ушбу кодекс Ўзбекистонга Туркистондан ўтган ҳудудларда 1923 йил 1 январдан бошлаб, Бухоро ва Хоразм ҳудудларида эса 1928 йил 22 февралдан кучга киритилган деб тан олинади.

1924 йил 31 декабрида барча республикалар учун ягона асосий қонун – СССР Конституцияси қабул қилинади. Ушбу Конституциянинг асосий қоидалари ЎзССРнинг 1927 йил 30 мартда қабул қилган Конституциясига тўлиқ киритилади. Конституциялар пролетариатнинг яккаҳокимлигини янада мустаҳкамлайди ва мамлакатда хусусий мулкчиликни тўлиқ ман қилади. Конституцияда кўзда тутилган қоидалар Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқи манбаларини ривожлантиришнинг йўналишини ва моҳиятини белгилашда жиддий ўрин эгаллайди.

ЎзССРнинг 1937 йил 14 феврилидаги Конституцияси СССРнинг 1936 йил 5 декабрида қабул қилган Конституциясидан ҳам тузилиш ва ҳам мазмуни жиҳатдан мулақ фарқ қилмайди. Ушбу Конституцияда фуқаролик ҳуқуқи манбаларининг мазмунига таъсир ўтказувчи энг асосий қоида, у ҳам бўлса мамлакатда шахсий мулк ҳуқуқини таъсис қилишдан иборат эди. Мамлакатда мулккий муносабатларни тапқил қилишда давлат мулкчининг ҳал қилувчи роли ва шу туфайли иқтисодийни бошқариш тизимида маъмурий-буйруқбозлик усуллариининг авж оли-

ши натижасида фуқаролик ҳуқуқининг манбаларида мазмун жиҳатдан ўзгаришлар рўй берди. Мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ва тўлиқ, мутлақ ғалаба қозонган деб Конституцияда эълон қилинган “Социализм” тузуми тамойиллари руҳида суғорилган янги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси янги Гражданлик кодексини қабул қилиш учун сабаб ва асос бўлди.

1963 йил 23 мартда ЎзССРнинг Гражданлик кодекси тасдиқланди. Мазкур кодекс собиқ СССР Олий Совети томонидан 1961 йил 8 декабрда тасдиқланган “ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар гражданлик қонунларининг Асослари”га амал қилинган ҳолда ишланди ва кодекснинг 2-моддасига асосан мазмун жиҳатдан унга тўлиқ мувофиқлаштирилди. Шунинг билан бирга Асосларнинг 3-моддаси ва Кодекснинг ҳам 3-моддасига биноан кўп асосий мулкий масалалар, жумладан социалистик ташкилотлар иштирокида амалга ошириладиган маҳсулотни етказиб бериш, капитал қурилиш, колхоз ва совхозлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, темир йўл ва бошқа турдаги транспорт воситаларида юк ташиш, кредитлар бериш, суғурга, фан янгиликлари, ихтиро, рационализаторлик таклифлари ва бошқа муҳим масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қонунқоидаларни ўрнатиш СССР ваколатига тегишли эканлиги белгилаб қўйилди.

Совет тузуми даврида Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбаи сифатида 1978 йил 19 апрелда яна битта Конституция қабул қилинди. Ушбу Конституция ҳам моҳияти ва мазмуни жиҳатдан собиқ СССРнинг охириги 1977 йил 7 октябрда қабул қилинган Конституциясидан фарқ қилмас эди. Ушбу конституцияларда “Иқтисодий система”га бағишланган алоҳида боб берилиб, унда социалистик мулкнинг шакллари ва давлат мулки эса ушбу мулкнинг асосий шакли эканлиги уқтириб ўтилади.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг барпо бўлиши билан **фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъ-**

ектлари таркибий қисмида ҳам жилдий ўзгаришлар рўй берди. Фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари янги қоидаларга асосан тартибга солина бошланди. Ер, завод, фабрика ва бошқа муҳим мол-мулк, асосий ишлаб чиқариш воситалари эгалари судхўрликда айбланиб, уларнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати чекланди.

Тула муомала лаёқати ҳуқуқига 18 ёшга етганлар эга бўлди. Кичик ёшдаги болалар, руҳий касал шахслар муомалага лаёқатсиз деб ҳисобланди. 18 ёшга етмаганлар чекланган муомала лаёқати ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин эди.

Улар майда-маиший аҳамиятга эга битимларни тузиш ва қонуний вакиллари руҳсати билан ишга ёлланиш ҳуқуқига эга эдилар. Вояга етмаганлар ва доимий ёрдамга муҳтож шахслар учун уларнинг номидан ҳомийлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этадилар. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати унинг ўлими ёки бедарак йўқолганлиги туфайли уни ўлган деб тан олинини билан тугатилди.

Совет давлати ташкилотлари фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида мулкий муносабатларда асосий ўрин эгаллайди. Давлат ўзига тегишли мулк ҳуқуқининг яқкаю-ягона субъекти сифатида ўзининг махсус идоралари, муассасалари орқали мулкий муносабатларда фаол қатнашади.

Социалистик қоидаларга асосан ҳамда янги устав ва низомиларга риоя қилинган ҳолда юридик шахслар вужудга келади. Янги ташкил қилинган қишлоқ хўжалик кооперативлари - қишлоқ хўжалик коммунал артеллари ва “Камбағаллар иттифоқи”, “Кўнчилар иттифоқи”, “Кўшчи” каби ширкатлар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Диний жамоалар юридик шахс ҳуқуқидан маҳрум этилиб, хусусий жамоат ва иттифоқлар ҳақидаги умумий қоидаларга итоат этадилар.

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлиб мол-мулклар, ҳаракатлар ва шахсий ҳуқуқлар ҳисобланади.

Мол-мулк биринчи марта ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол қилинадиган нарсаларга бўлинади. Шунга асосан улардан бир гуруҳи олди-сотди муомалалада сақланиб қол-

дирил ан бўлса, иккинчиси чиқариб юборилди. Давлат мулки ҳисобланган асосий ишлаб чиқариш воситалари, масалан, ер, ўрмонлар, сув, фабрикалар, заводлар, коммунал корхоналар, қурилишлар олди-сотди муомаладан четлатилади. Мол-мулклар индивидуал ва турга хос аломатлари билан бўлинадиган ва бўлинмайдиган, истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган, асосий ва унга мансуб турларга бўлинади. Ерга нисбатан хусусий мулк бекор қилиниши билан мол-мулкнинг кўчмас ва кўчар турларга бўлиниши ман қилинади. Кўчмас мол-мулк бўйича тузиладиган битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Социалистик тузум кишилик жамиятида азалдан давом этиб келаётган мулкий муносабатларга тубдан ўзгартириш киритади. Шахсга нисбатан жамоа манфаатлари биринчи ўринга қўйилган ҳолда жамиятда асосий эътибор **давлат мулкни** ривожлантиришга, мустаҳкамлашга ва уни ҳар томонлама муҳофаза қилишга қаратилди. Социализм тузумининг ташкил топishi жамиятда ягона ҳукмронликни эгаллаган давлат мулкнинг вужудга келиши билан чамбарчас боғлиқ бўлганидек, бундай мақомга эга бўлган давлат мулки ҳам социализм тузумисиз бунёд бўлмаслиги муқаррар эди.

Совет давлати бутун совет халқи номидан давлат мулкнинг субъекти ҳисобланади. Асосий ишлаб чиқариш воситалари, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, заводлар, фабрикалар, ер ости қазилмалари, конлар, темир йўл, сув ҳаво транспортлари, банклар, алоқа тармоқлари, йирик қишлоқ хўжалик ва коммунал корхоналари, шаҳарлардаги асосий уй-жой фонди давлат мулки бўлди. Давлат мулки бошқа объектлардан ҳам иборат бўлиши мумкин эди.

Давлат мулки билан биргаликда **ширкатлар (кооператив) мулклари** ҳам пайдо бўла бошлади. Ер, машина ва техникалардан ташқари ширкат аъзоларининг ҳиссалари асосида ташкил топган мол-мулклар, йиғиштириб олинган ҳосил қишлоқ хўжалик корхонасига ва умумий мулк сифатида жамоага тегишли деб ҳисобланади. Матлубот ширкатлари ишчи ва фуқаролар жамоалари шаклида ташкил этилади. Матлубот

ширкатларининг мулки улар аъзоларининг бадаллари ва давлат томонидан берилган ёрдам ҳисобига ташкил тоиади.

Масжид ва диний жамиятларнинг мол-мулки давлат мулки деб эътибор қилинади, ва шу тариқа Октябрь тўнгару-видан олдин мавжуд бўлган “Вақф мулки”га чек қўйилади. Лекин ушбу мулк маҳаллий ҳокимият томонидан шартномага асосан диний жамиятларга доимий ва текин фойдаланиш учун бериб қўйилиши мумкин эди. Бу мулкни бопқариш учун Туркистон Ҳукумати томонидан Миллатлар иши бўйича Комиссариатда махсус вақф бўлимлари ташкил қилинади.

Вақф мулки юридик шахс ҳисобланган диний ташкилотга алоҳида шахслар, ташкилотлар, давлат томонидан берилган мол-мулк ва ушбу мол-мулқдан фойдаланиш асосида қўлга киритилган даромадлар ҳисобига ташкил топади.

Вақф мулки объекти алоҳида белгилли мол-мулк, буюмлар, яъни вақф ери шаҳар ва кишлоқлардаги қурилишлар, диний, маданий-оқартув, хайр-эҳсон, муассасалар эгаллаган бинолар, вақфга берилган тарихий ёдгорликлардан иборат бўлиб, вақт ўтиши билан у давлатнинг алоҳида бегоналаштириб бўлмайдиган мулки ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг 1927 йилда қабул қилинган Конституциясига асосан давлат мулки янада мустақамланди. Гражданлик кодексининг 21-моддасига мувофиқ ер давлат бойлиги ҳисобланади ва хусусий муомала предмети бўлиши мумкин эмаслиги таъкидлаб ўтилади. Ердан фақат фойдаланиш ҳуқуқи билан эгаллашга йўл қўйилади.

Гражданлик кодексининг 2-моддасига мувофиқ мулк қуйидаги шаклларга бўлинади: а) давлат (миллийлаштирилган ва маҳаллийлаштирилган); б) кооператив; в) хусусий мулк.

Мулкнинг социалистик моҳияти Ўзбекистоннинг 1937 йилги Конституциясида янада тўлароқ ўз аксини топди. Конституция Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини **социалистик мулк** ташкил қилишини қатъий равишда тасдиқлади, биринчи марта ушбу мулк икки шаклдан (давлат ва колхоз-коопе-

ратив) иборат эканлигини белгилади. Конституцияда биринчи марта **шахсий мулк** тушунчаси жорий қилинди ва икки кўри-нишда (колхоз хонадони ва фуқаролар мулки) ифодаланди, якка деҳқон ва ҳунармандларнинг шахсий меҳнатига асосланган майда хусусий хўжалик юритишга рухсат берилди.

Ўзбекистоннинг 1937 йилги Конституциясида давлат ва кооператив мулкларининг объектларида 1927 йил Конституциясига нисбатан деярли ўзгариш бўлмади, лекин ушбу даврга келиб қишлоқда колхоз қурилиши иқтисодиётнинг асосини ташкил қилиши ҳисобга олинган ҳолда кооператив сўзи кооператив - колхоз деган сўз билан биргаликда юритилди. Колхозлар томонидан эгаллаб турилган ер Конституциянинг 8-моддасига асосан уларга текин ва бемуддат фойдаланиш учун берилиши ҳақидаги қоида ўрнатилди. Колхоз хонадонининг шахсий мулк объектларига қишлоқ хўжалик артели Уставига биноан колхоздан олинган меҳнат даромадлари, томорқа ёрдамчи хўжалиги, турар жой, чорва-моллар, паррандалар ва майда қишлоқ хўжалик қуруллари киради. Фуқароларнинг шахсий мулк объектларига уларнинг меҳнат даромадлари, омонатлари, турар жой, уйдаги ёрдамчи хўжалик буюмлари, керакли ва уй-рўзғор ашёлари ва бошқа нарсалар, шунингдек мерос бўйича олинган мол-мулклар киради.

1963 йил 23 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Гражданлик Кодексининг 105-168-моддалари мулк ҳуқуқига бағишланади. Давлат мулки, колхоз-кооператив мулки билан бир қаторда касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг мулки ҳам социалистик мулк деб ҳисобланади. Хусусий мулк деган тушунча Кодексга киритилмайди. Фақат фуқароларнинг шахсий мулки тан олинади ва у фуқароларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган бўлиши назарда тутилади. Социалистик мулк ҳуқуқининг объектларида ўзгариш деярли рўй бермайди.

Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясида давлат мулкнинг мавқеи, унинг устунлиги янада кучайтирилади, энди

у социалистик мулкнинг “асосий шакли” деб ҳисобланали. Конституциянинг 12-молдасида шундай дейилади: “Давлат колхоз-кооператив мулкни ривожлантиришга ва уни давлат мулки билан яқинлаштиришга кўмаклашадил”. Ушбу молдада ўша даврда коммунистик партиянинг программасида белгиланган мақсад, яъни келажакда ягона коммунистик шаклдаги мулкчиликни барпо этиш ҳақидаги вазифа ўз аксини топади.

Жамиятда давлат мулкнинг яқка ҳукмронлиги иқтисодий муносабатлар соҳасида марказий планлаштириш тизими (системасини) ўрнатишга ва шунингдек маъмурий-буйруқбозлик усуллари қўллашга олиб келди. Мулк эгаси сифатида хўжалик муносабатларида шахсан давлатнинг ўзи қатнашишига ва сиёсий ҳукмрон орган сифатида қонун ҳужжатларини ўзи белгилаб беришига имконият туғдирди.

Хусусий мулкнинг бекор қилиниши, социалистик мулкнинг кенг қўламда ривожланиши ва мустақамланиши туфайли **мажбурият ҳуқуқи** соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Мажбурият ҳуқуқининг янги субъектлари (давлат, социалистик ташкилотлар) пайдо бўлди, давлат мулки деб ҳисобланган кўп мол-мулклар, жумладан, асосий ишлаб чиқариш воситалари мажбурият ҳуқуқи объекти таркибидан чиқариб юборилди, фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати мажбурият ҳуқуқи соҳасида чекланди.

Социалистик мулк асосида янги ташкил қилинган корхоналар, хўжалик ташкилотлари ишлаб чиқариш, ҳам ашё ва маҳсулотларини харид қилиш, сотиш, маҳсулот етказиб бериш, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа мулкий муносабатларнинг турли соҳаларида янги қонун ва қоидалар, улар ҳақида юқори бошқарув идоралари томонидан тасдиқланган Низомлар, Уставлар асосида фаолият кўрсата бошладилар. Улар ўз фаолиятида Низомда, Уставда белгиланган махсус ҳуқуқ лаёқатидан фойдаланишлари мумкин эди. Масалан, пахтачилик колхозини ўз Уставига асосан унинг мавжуд ер майдони, табиатининг шароити туфайли шолчилик, балиқчилик ва бошқа фаолият билан шуғулланиши учун имкониятларга эга бўли-

шидан қатъи назар, у фақат пахтани экиш, етиштириш ва асосан давлатнинг йиғиштириб олувчи ташкилотларига топшириш билан шугулланиши мумкин эди. Бундай қоида фақат колхозга нисбатангина эмас, балки бошқа қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналари учун ҳам тааллуқли эди.

Совет ҳокимиятининг бошланғич даврида фуқаролар ўртасида вужудга келадиган мажбуриятларни тартибга солишга қаратилган махсус ҳужжатлари етарли эмас эди. Ушбу мажбуриятлар юзасидан низолар судларнинг социалистик ҳуқуқий онги асосида, баъзан совет ҳокимияти сиёсатига зид бўлмаган мусулмон ҳуқуқи қоидаларига асосан ҳал қилинишига йўл қўйилади.

Миллийлаштирилган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича янги ташкил қилинган социалистик корхоналарга ворислик уларнинг қарзлари бўйича эмас, балки фақат талаб қилиш ҳуқуқлари ўтказилди. Шу билан бирга Октябрь тўнтарувидан кейин сақланиб қолган капиталистик корхоналар янги ташкил бўлган ташкилотлардан мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши асосларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ушбу асослар тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутилиб, уларга оғишмай риоя қилиш талаб қилинади.

Социалистик корхоналар ўртасидаги мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бекор бўлиши хўжаликни бошқарувчи давлат идораларининг планлаштириш ҳужжатлари қабул қилиниши, ўзгариши, муддатининг тугатилиши билан боғлиқ эди. Улар ўртасидаги шартномалар планли характерга эга бўлиб, шартномаларни тузиш, ўзгартириш, бажариш юзасидан вужудга келадиган низолар давлат арбитраж идоралари томонидан ҳал қилинади. Дастлабки даврларда, агар шартнома планга асосан тузилмаган бўлса, арбитраж шартнома юзасидан вужудга келган низони кўришдан воз кечарди, сўнгги йилларда, айниқса, 80-йиллардан бошлаб, бу масала бўйича ўзгаришлар рўй бера бошлади, шартнома асосий ҳуж-

жат ҳисобланиб, у планга асосан бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, арбитраж социалистик корхоналар ўртасидаги даъволарни қабул қилиш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мажбуриятларнинг алоҳида турлари сифатида бошлангич даврда **олди-сотди шартномаси** кенг қўламда қўлланди. Лекин унинг қўлланиш доираси тобора қисқариб, асосан чакана савдо соҳасида давлат савдо ташкилотлари билан фуқаролар ўртасида ва истеъмол характериға эга бўлган нарсаларға нисбатан амалда бўлади.

Корхоналар, хўжалик ташкилотлари ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш авж олди. Чунки ушбу шартнома асосида вужудға келадиган мажбуриятлар планга асосланган бўлиб, уни бажариш жараёнида маҳсулотға нисбатан бўлган эғалик ҳуқуқи ўзгармасди, корхона ҳам ва у ишлаб чиқарган маҳсулот ҳам давлат мулки ҳисобланарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш-сотиш мамлакатда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш давриға қараб, турли ҳуқуқий ташкилий шаклда амалға оширилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки, хусусан гражданлар уруши йилларида озиқ-овқатға нисбатан белгиланган миқдорда тақсимлаш (продразверстка) қоидаси қўлланилди, сўнгра янги иқтисодий сиёсат (НЭП)ға ўтиш йилларида унинг ўрниға озиқ-овқат солиғи (продналог) жорий қилинди. Ишлаб чиқаришда ашё сифатида қўлланиладиган техник экинлар (пахта, пилла, чой, каноп, зигир ва бошқалар)ға нисбатан давлат йиғиштириб олувчи ташкилотлари томонидан харид қилиш дастлаб **мажбурий тарзда маҳсулот етказиб бериш**, давлат сотиб олиши усулларини қўллаш, **контракция шартномасини** тузиш йўллари билан амалға оширилди. 1959 йилларнинг охиридан бошлаб барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишда контракция шартномаси қўлланди.

Ҳада шартномаси дастлаб 1918 йил 20 майда Бугуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети (ВЦИК) қабул қилган ва 1919 йил 9 июлда Туркистон Марказий Ижроия Комитети

(ТуркЦИК)нинг декрети билан амалга киритилган “Ҳады тўғрисида”ги декретга асосан тартибга солинади. Гражданлик оборотидан четлатилмаган, баҳоси 10.000 сўмдан ошиқ бўлмаган ҳар қандай нарса ҳады қилиниши мумкин бўлиб, ундан ошиқчаси бўйича тузилган ҳады шартномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва давлат фойдасига ўтказилиши назарда тутилади. Шартнома нотариал тартиби билан гувоҳлантирилиши ёки суд қарорига асосан тасдиқланиши лозим эди. Кейинчалик қабул қилинган Гражданлик кодексларида хусусий мулк ўтмишдаги ўз мавқеини йўқотганлиги, шахсий мулк объектлари қонун билан чекланганлиги туфайли ҳады қилиниши мумкин бўлган нарсанинг нархи кўзда тутилмади.

Мулк ижара шартномаси субъектлари сифатида фуқаролар ва юридик шахслар қатнашади. Миллийлаштирилган ва маҳаллийлаштирилган корхоналар, иншоотлар ва қурилмаларни ижарага бериш мумкин бўлмади. Лекин, истисно тариқасида ер маҳаллий ҳокимиятнинг тасдиқлаши йўли билан бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга яқка деҳқон хўжаликларига, деҳқонларга, деҳқон ширкатларига ижарага берилди. Қишлоқ хўжалик кооперативлари, колхозларнинг ташкил томиши билан ер уларга текин ва бемуддат фойдаланишга берилди бошланди.

Уй-жойлар давлат мулкига ўтиши билан уларни ижарага бериш шартларида ва шартномада қатнашувчи тарафларнинг таркибий қисмида ўзгаришлар рўй берди. Фуқароларга тегишли шахсий уй-жойнинг ижара ҳақи ижарага берувчи билан ижарага олувчининг ҳуқуқ ва бурчлари қонун бўйича аниқланди. Турар-жой кодекси билан тартибга солинди.

Қарз шартномаси кенг қўламда қўлланиб келинган шартномалардан ҳисобланади. Дастлабки йиллари қарз шартномаси фуқаролар ўртасида, фуқаролар билан ташкилотлар ҳамда ташкилотлараро қўлланиб келинди. 1930 йилларнинг бошларида амалга оширилган кредит ислоҳотига асосан корхоналар, ташкилотлар қарзга пул бериш ва олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Улар пулни қарзга фақат давлат банклари-

дан олиш ҳуқуқига эга бўлди. Қарз пул ёки сон, оғирлик ёхуд бошқа ўлчов бирлиги билан белгиланган нарсалардан иборат бўлиб, шартномада кўрсатилган муддатда, агар муддат кўрсатилмаган бўлса, қарз берувчи талаб қилган замон қайтариб берилиши кўзда тутилади. Эллик сўмдан ортиқ суммага тузилган қарз шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозимлиги талаб қилинади.

Пудрат шартномаси ҳам кенг тарқалган шартномалардан биридир. Унинг тарафлари сифатида фуқаролар ва социалистик ташкилотлар қатнашади. Совет тузумининг дастлабки даврида пудратчи сифатида майда товар ишлаб чиқарувчи турли ва кўплаб хунармандлар, яъни нонвойлар, шакарпазлар, дўзандалар, косиблар, кўнчилар, мисгарлар, заргарлар, чилангарлар, темирчилар, дурадгорлар ва бошқалар фаолият кўрсатадилар. Буюртмачилар истеъмолчи фуқаролардан, шунингдек йирик бўлмаган майда асбоб-ускуналар билан таъминловчи ва тижорат фаолияти билан шуғулланувчи турли давлат хўжалик, кооператив ва савдо ташкилотларидан иборат эди.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида фуқароларнинг пудратчи сифатида фаолият кўрсатиш доираси анча торайди. Ўтмишдаги майда хунармандлар, касб-корлар корхоналари, дўконлари деярли тугатилди. Фуқароларга моддий таъминот кўрсатадиган, устки кийим-кечаклар, пойабзаллар, уй-рўзгор буюмларини тайёрлайдиган ва таъмирлайдиган социалистик ташкилотлар - устахоналар, ательеларнинг сони кўнайтиди. Унинг устига капитал қурилишига оид пудрат шартномасининг тарафлари (пудратчи ҳам, буюртмачи ҳам) асосан давлат ташкилотларидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги муносабатлар махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу сабабли 1963 йилда қабул қилинган Гражданлик кодексида пудрат муносабатига оид қоидалар иккита бобга бўлинади: 32-бобда умумий қоидалар, 33-бобда капитал қурилишга оид пудрат бўйича махсус қоидалар назарда тутилади.

Туркистон Автоном Республикасида 1918 йил 27 апрелда Умумиттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг “Ворисликни бекор қилиш” тўғрисидаги декрети татбиқ қилинди. Ушбу декрет биринчи галда хусусий мулкни мерос сифатида ўтказишга йўл қўймасликка қаратилган эди. Декретнинг 2-моддасига биноан марҳумнинг ёрдамга муҳтож ишга яроқсиз қўйи поғона туғишганлари (болалари, набиралари ва ҳоказо), бир ота-она ва бошқа-бошқа ота-онадан бўлган ака-ука ва опа-сингиллари, марҳумнинг эри ёки хотини ворислар бўлиб ҳисобланади. Вақт ўтгач ворислар таркибига марҳумнинг ота-оналари ҳам киритилади. Улар марҳумнинг мол-мулкидан халқ депутатларининг маҳаллий советлари орқали моддий таъминот сифатида ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади. Марҳумнинг 10 минг сўмгача бўлган мол-мулки унинг ворисларига бевосита мерос мулк сифатида ўтказилади.

Мерос мулк ворисларнинг келишуви билан бошқарилади. Ушбу мулк юзасидан низо маҳаллий суд томонидан ҳал қилинади. Бундай вазиятда тарафларнинг Конституцияга асосан тенг ҳуқуқлигига амал қилинади. Эрақ ва аёллар ворис сифатида мерос мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Омонат кассаларга қўйилган пулларни омонатчи ўз вафотидан кейин тасарруф қилишга бўлган ҳуқуқи ҳам кўзда тутилади. Лекин бундай тасарруфлар “Ҳадя тўғрисида”ги ва “Ворисликни бекор қилиш тўғрисида”ги декретларга зид бўлмаслиги талаб қилинади.

Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган РСФСРнинг 1922 йилдаги Гражданлик кодексининг 416-моддасига мувофиқ марҳумнинг қарзлари тўланганидан сўнг орғиб қолган 10 минг сўмдан кўп бўлмаган мол-мулки қонуний мерос ёки васият бўйича унинг ворисларига ўтиши мумкин. Давлат тапшилотлари билан хусусий шахслар ўртасида тузилган шартномалар бўйича вужудга келган талаб қилиш ҳуқуқи қонуний меросхўрларга ёки васият бўйича марҳумнинг ворис-

ларига, суммасидан қатъи назар, тўлиқ ўтиши мумкин. 10 мингдан ортиқ мерос мол-мулк ворислар билан манфаатдор давлат муассасаси ўртасида тақсимланиши назарда тутилади. Агар мерос мулкнинг хусусияти уни бўлиш ёки тақсимлаш учун имконият бермаса, ушбу мулкка нисбатан ворислар ва давлат муассасаси ўртасида умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ёки ушбу мулк тарафлардан бирига сотилиши кўзда тутилади.

Меросга чақириладиган шахслар доирасида деярли ўзгариш бўлмади. Шунинг билан бирга марҳумнинг ўлимига қадар бир йил давомида унинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз ва мол-мулки бўлмаган шахслар мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Қонун бўйича мерос ҳуқуқига мерос қолдирувчи шахс вафот этган пайтда ҳаёт бўлган **фуқаролар**, шунингдек мерос қолдирувчи тириклигида пайдо бўлган ва у ўлганидан сўнг туғилган болалар ҳам ворис бўлиши назарда тутилади.

Гражданлик кодексининг 433-моддасига биноан, агар олти ой давомида ворислар меросни қабул қилиб олмасалар ёки улар қабул қилишдан воз кечсалар мулк вориссиз (эга-сиз) деб ҳисобланади ва давлат фойдасига ўтказиш қоида-си белгиланади.

Ўзбекистоннинг 1963 йилги Гражданлик кодексида ворислик бўйича амалдаги умумий қоидалар деярли сақлаб қолинади, шу билан бирга унга айрим ўзгаришлар ва аниқликлар киритилади. Масалан, мерос мулкнинг 10 минг сўм миқдоригача бўлиши ҳақидаги қоида тушириб қолдирилади. Чунки хусусий мулк ҳуқуқи ман қилиниб, шахсий мулк ҳуқуқи жорий қилиниши туфайли бундай қоидага ўрин қолмади. Шахсий мулк ҳуқуқининг объекти истеъмол характерига эга бўлиб, фуқароларнинг шахсий моддий ва маиший эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлиши мумкин эди.

Қонун бўйича ворислар биринчи ва иккинчи навбатларга бўлинади. Шунинг билан бирга ўлганнынг қарамоғида бўлган шахсларнинг мерос олиш, болаликка олинганларнинг

эса ворис бўлиш ҳуқуқлари белгиланади. Ворис бўлиши мумкин бўлмаган, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар ҳақида махсус қоидалар назарда тутилади.

Совет тузуми даврида Ўзбекистон ҳудудида гражданлик ҳуқуқий муносабатлари дастлаб Россия Совет Социалистик Республикаси, Туркистон Автоном Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва пировардида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинди. Ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган ва фуқаролар, ташкилотларнинг мулкӣ, шахсий муносабатларини тартибга солишга қаратилган тартиб ва қоидалар моҳияти ва мазмуни жиҳатдан мусулмон ҳуқуқидан фарқли ўлароқ маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, азалдан ривожланган маданий меросларини ўзида тўлиқ акс эттира олмади. Собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган барча республикаларининг гражданлик ҳуқуқий қонунлари, уларда яшовчи халқларнинг тарихи, ҳозирги шароити қандай даражада ривожланган бўлишидан қатъи назар, бир хил қонун мезонлари остида шаклланди ва ривожланди.

Совет қонунлари билан хусусий мулкнинг ман қилиниши гражданлик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган мулкӣ ва шахсий муносабатларнинг доирасини қисқартириб қўйди. Жамиятда давлат мулкнинг яққа ҳуқумронлик мавқеини эгаллаши ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда маъмурий-буйруқбозлик усулларини қўллашга олиб келди. Бу эса ўз навбатида гражданлик ҳуқуқи нормалари воситасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини чеклаш учун сабаб бўлди.

5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик кодекси моҳияти, мазмуни, шакли, ҳажми ва ўзига хос бошқа хусусиятларига кўра аввалги Гражданлик кодексидан кескин фарқ қилади. 1963 йилда қабул қилинган Кодекс моҳияти жиҳатдан социализм жамиятига хос ғоялар руҳи сингдирилиши билан ифодаланар эди. Кодексда ва бошқа қонунларда давлатнинг хоҳиш-иродаси акс эттирилган маъмурий-буйруқбозлик усуллари кўринишлари эндиликда биз кураётган янги ижтимоий тузумга мос келмасди.

Янги жамиятнинг асосий хусусияти мулкчиликнинг ҳамма шакллари, жумладан хусусий шакли ҳам таркиб топиши ва тенг равишда ривожланиши, улар асосида бозор муносабатларининг авж олиши, иқтисодий ва ҳўжаликни бошқариш тизимида демократик тамойилларга амал қилиниши билан белгиланади. Шундай экан, республикамиздаги ҳуқуқ соҳалари ва уларнинг юридик манбаини ташкил қилувчи кодекслар, жумладан фуқаролик Кодекси моҳияти ва мазмун жиҳатдан жамият хусусиятларига мос келадиган ва унинг талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқирилиши керак эди.

Мулк шакллари ва бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратишда, ушбу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда, уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишда, манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар ва чораларни белгилашда барча кодекслар муҳим роль ўйнайди. Лекин шу хил муносабатларга энг яқини ва бевосита тааллуқлиси Фуқаролик кодекси десак хато қилмаган бўламиз. Чунки, қисқача қилиб айтганда, товар ва пул мазмунига эга бўлган, ҳақ эвазига фуқаролар, юридик шахслар ва давлатлар иштиро-

кида амалга ошириладиган барча мулкый, мулк билан боғлиқ шахсий ва тадбиркорликка оид бўлган муносабатларнинг деярли барчаси Фуқаролик кодекси нормалари асосида тартибга солинади. Фуқаролик кодексининг ушбу хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда унинг матбуотда “Бозор Конституцияси” деб тан олинishi бежиз эмас.

Кодекс моҳиятини ифода этувчи ва унда белгиланган қоидаларнинг хусусиятларини белгиловчи тамойиллар унинг 1-моддасида атрофлича ўз аксини топди. Ушбу тамойиллар Ўзбекистон Конституциясида белгиланган қуйидаги қоидаларга асосланади: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга” (18-модда); “Фуқароларнинг Конституциявий ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” (19-модда); “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга” (25-модда); “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” (36-модда); “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ... ҳуқуқига эгадир” (37-модда); “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади” (42-модда); “Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир” (53-модда); “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади” (54-модда); “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ... ҳуқуқи кафолатланади” (44-модда) ва бошқа асосий қоидалар Фуқаролик кодексининг моҳиятини ифодалайди. 1963 йилдаги Кодекснинг биринчи моддаси фуқаролик қонунларининг вазифаларига бағишланган бўлиб, коммунизм қурилиши давридаги мақсадларни амалга оширишга қаратилган эди.

Фуқароларга ва юридик шахсларга ўзларига тегишли ҳуқуқларини ва уни ҳимоя қилишни ўз хоҳишлари билан амалга оширилиши мумкинлиги уларга ўз ҳуқуқларидан мустақил равишда ва эркин фойдаланиш имконини беради.

Фуқаролик ҳуқуқининг вужудга келиши, уни амалга оширишга оид талаблар кодексда ҳозирги янги жамиятнинг маънавий ва ахлоқий қоидаларига ҳурмат қилиш нуқтаи назардан анча кенгайтирилиб берилади. Янги Кодексда олдинги Кодексга ўхшаб фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши асослари сифатида маъмурий ва планлаштириш актлари назарда тутилмаган. Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаслик, жамиятнинг маънавий қоидалари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилиш, тадбиркорлар эса иш одоби қоидаларига риоя қилиш, ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик каби қоидалар ўрнатилди. Ушбу қоидалар тадбиркорларга бевосита тегишлидир. Улар ўз фаолиятларини амалга оширишда рақобатни чеклашга, бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилиб, товарлар ишлаб чиқаришни чеклашга, нарх-навони ошириб юборишга, бошқа тадбиркорларнинг манфаатига фирмом ҳаракатлар билан зарар етказишга ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўймасдан ўз ҳуқуқларини амалга ошириши лозимлиги ҳақида қоидалар назарда тутилди. Аввалги Кодекснинг 5-моддасида ҳуқуқни амалга ошириш масаласига батафсил эътибор берилмаган, у тегишли кафолатлар билан таъминланмаган. Бу моддага биноан ҳуқуқни амалга оширишда қонунларга риоя қилиш, социалистик турмуш қоидаларини ва коммунизм қураётган жамиятнинг маънавий принципларини ҳурмат қилиш каби талаблар назарда тутилган, холос.

Бозор муносабатларининг ривож топиши натижасида тадбиркорлар иштирокида амалга ошириладиган барча ҳаракатларни батафсил ҳуқуқий қоидалар билан таъминлаш имконияти бўлмаслиги эҳтимоли ва унинг олдини олиш мақ-

садида Кодекснинг 1-бобига янги моддалар, яъни фуқаролик қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича (қиёслаб) қўллаш (5-модда) ва иш муомаласи одатлари, маҳаллий урф-одат ва анъаналарга (6-модда) бағишланган моддалар киритилди. Ушбу моддалардаги қоидалар халқимизнинг маҳаллий урф-одат ва анъаналарини, улар амалдаги қонун талабларига зид келмаган тақдирда эркин қўллаш имкониятини беради. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг дахлсизлик, тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларига асосланиши Кодекснинг 12-15-моддаларида яққол кўзга ташланади. Ушбу моддаларда назарда тутилган қоидаларни ўтмиш социализм тузуми даврида фараз қилиб ҳам бўлмас эди.

Фуқаролик ҳуқуқи предметини ташкил қилувчи муносабатлар кодекс билан бир қаторда бошқа қонун ва қонун ҳужжатлари воситасида тартибга солиниши кодекс моддаларининг мазмунини белгилашда уларга императив (қатъий талаб ўрнатовчи) эмас, балки диспозитив (белгилаб берувчи) тус беришга ҳаракат қилинади. Бу демак, фуқароларга, юридик шахсларга фаолият турини танлаш, шартномалар тузиш, мажбуриятнинг мазмунини ва бажариш усулларини белгилаш бўйича у ёки бу қоидани танлаш ва қўллаш учун эркинлик берилиши назарда тутилди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, ўтмишда бўлганидек, бошидан оёғигача батафсил белгиланмаслиги ёки бошқача айтганда фақат қонунда назарда тутилган ҳаракатлар эмас, балки ўзаро келишиш йўли билан турли ҳаракатларни қабул қилинган урф-одат ва анъаналарга асосан белгилашга йўл қўйилди, қонун билан тақиқланмаган бошқа барча ҳаракатларни бажариш мумкинлиги ҳисобга олинди. Ушбу принципга амал қилинган ҳолда Кодекс моддаларида бошқа ёрдамчи қонунларга ҳавола қилиш йўли билан турли чеклашлар ўрнатишдан иложи борича воз кечиш кўзда тутилди. Аксинча, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳисобга олинган ҳолда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда шартномага ҳавола қилиш, шартномада бошқача тартиб ўрнатилмаган

бўлса, масалан, кодексда назарда тутилган қоидага асосан ҳал қилиниши мумкинлиги назарда тутилди.

Фуқаролик кодексда асосий ҳисобланган, муҳим ва принципиал қоидалар мужассам топди. Шунинг учун ҳам Кодекс фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли қоидалар мужассам топган барча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг негизи ҳисобланади. Кодекснинг бундай мақомга эга эканлиги унинг 3-моддасида намоён этилди. Кодексга мазкур модда нуқтаи назаридан яхлит қонун сифатида баҳо берилиши ва қабул қилиниши республикамызда ижтимоий-иқтисодий соҳага тегишли бўлган барча қонун-қоидалар тажрибасини тартибга солиш, уларда бири бирига қарама-қарши ва бири иккинчисини инкор қиладиган қоидаларнинг бўлишига йўл қўймайди.

Кодекснинг яхлит қонун сифатида тан олинishi келажакда қабул қилинадиган қонунлар лойиҳалари устида иш олиб боришни тартибга солиш учун ҳам керак. Масалан, кодекснинг ўзида акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамиятлар, ишлаб чиқарувчи ва матлубот кооперативлари, қўчмас мулк ва улар бўйича битимларга ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш, қимматбаҳо қоғозлар, ипотека, интеллектуал мулк ва бошқалар тўғрисида қонунлар қабул қилиш кераклиги назарда тутилган. Ушбу қонунлар Фуқаролик кодексда белгиланган асосий қоидаларга зид келмасдан, уларни янада ривожлантиришга ва тиклашга қаратилган бўлиши мумкин.

Кодекснинг аҳамиятига берилган юқори баҳога қўйиладигилар билан жавоб бериш мумкин. Биринчидан, Кодекс жамият ҳаётидаги асосий муносабатларни тартибга солади. Кодекснинг нормалари ҳар бир фуқаро, шунингдек танкилотнинг кундалик шахсий, мулкий, савдо-сотиқ, иқтисодий ҳаётига ўрнашган ва унга жавоб берадиган қоидалардан иборат.

Иккинчидан, Фуқаролик кодекси универсал, яъни ҳар томонлама ва турли масалалар бўйича ҳаммага тегишли қоидаларни ўз ичига қамраб олган ҳужжатдир. Унинг нормалари тадбиркорлик, қурилиш, ишлаб чиқариш, тижорат, буюртма бажариш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо билан шуғулла-

нувчи нафақат фуқаро, шунингдек юридик шахсларга ҳам татбиқ қилинади. Кодекс ўрнатган қоидаларга асосан фуқаролар истеъмолчи сифатида ўзларига керакли буюмлар, мол-мулк, уй-жойга ва ижодий меҳнати натижаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқларига эга бўладилар. Ушбу Кодекс нормаларига амал қилинган ҳолда мерос тариқасида мол-мулк оладилар, шунингдек мол-мулкни васият ёки ҳадя тартибида бошқаларга қолдирадилар. Ҳар қандай тадбиркор, агар у корхона қурмоқчи, тузмоқчи ёки уни сотиб олмақчи, рўйхатдан ўтказмоқчи ёки фаолиятини тўхтатмоқчи бўлса, республика ҳудуди доирасида ёки ундан ташқаридаги контрагентлари билан шартнома тузмоқчи бўлса, албатта, Фуқаролик кодексининг нормалари билан дуч келмасликнинг иложи йўқ.

Учинчидан, Кодекс ҳозирги даврда жамият ҳаётида рўй берадиган барча асосий муносабатларни тартибга соладиган муҳим қоида ва институтларни бирлаштирган ва қамраб олган бут қонундан иборат. Унда ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс тадбиркор бўлиши ёки бўлмаслигидан қаиъи назар, қундалик ҳаётда вужудга келадиган саволларга жавоб топиши мумкин.

Тўртинчидан, Фуқаролик кодекси нормалари фақат Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини белгилаш билан чекланмайди. Кодекснинг 2-моддаси, учинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидалар чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга ҳам қўлланилади. Умумлаштириб айтилганда, мазкур Фуқаролик кодекси ҳозирги биз қураётган демократик жамият ва унинг Асосий Қонуни - Конституция ва бошқа қонунларида назарда тутилган қоидалар ва тартиботларга асосланади, шунингдек халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига, умумбашарий қоидаларга амал қилади. Барча шахсий ва мулкӣ масалаларни ҳал қилишда қонунларнинг устунлигига сўзсиз амал қилади.

6. ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН МУНОСАБАТЛАР

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Фуқаролик кодекси мазмун жиҳатдан номига нисбатан анча бой. Кодекснинг мазмуни унинг моҳияти билан узвий боғланган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг маълум бир муҳим соҳасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга бағишланган қоидалардан ташкил топади. Ушбу муносабатларнинг моҳияти, энг аввало Кодекснинг 1-моддасида ва сўнгра бошқа моддаларида ўз ифодасини топади. Кодекснинг 2-моддасида тартибга солинадиган муносабатларга умумий тушунча берилди. Модданинг биринчи қисмига биноан: “Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашъвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади”. Ушбу модданинг тўртинчи қисмига биноан фуқаролик қонун ҳужжатлари билан айрим истисноларга кўра шахсий номулкий муносабатлар ва мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар ҳам тартибга солинади.

Фуқаролик кодекси ва қонунларининг таъсир доираси кўрсатиб ўтилган муносабатлар билан чекланмайди. 2-модданинг бешинчи қисмига биноан махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмайдиган оилавий, меҳнат муносабатлари ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан ҳам Фуқаролик кодекси ва қонунлари қўлланиши мумкин.

Демак, Фуқаролик кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар биринчи галда мулкий ва шунингдек шах-

сий муносабатлардан иборат. Бу тушунарли, чунки мулк жамият ривожланиши ва унинг доимо ҳаракатда бўлишининг моддий манбаи ҳисобланади. Мулк асосида турли муносабатлар, масалан, ишлаб чиқариш, ишни бажариш, маҳсулотларни товар сифатида тасарруф қилиш, хизмат кўрсатиш, юклар ва йўловчиларни ташиш, қарз бериш, ҳадя қилиш, мерос қолдириш, суғурта қилиш ва турли ҳаракатлар билан боғлиқ кўпгина бошқа муносабатлар вужудга келади. Бундай муносабатлар ўз моҳиятига кўра битта ягона умумий “мулкый муносабатлар” деган тушунча билан ифодаланади. Масалан, савол туғилади: Мулкни национализация (202-модда) ёки реквизиция (203-модда) қилиш шартларида белгиланган қоидалар билан ўйин ва гаров ўйинларини ташкил қилишга оид талабларнинг суд орқали ҳимоя қилишга тегишли бўлмаслиги ҳақидаги қоидалар ўртасида қандай умумий боғланиш бор? Нима учун юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшма ва иттифоқлари) (77-модда), ҳадя шартномаси (488-модда) ва транспорт экспедицияси шартномаси (707-модда) ҳақидаги қоидалар битта қонунда жойлаштирилди? Бунга жавоб ушбу қоидалар ва Кодексга кирган бошқа қоидаларнинг моҳияти ва аҳамияти жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлишидадир. Улар воситасида тартибга солинадиган муносабатлар мулк билан боғлиқ, мулк туфайли вужудга келадиган, уни турли шаклларда эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ муносабатлардан иборат. Буларнинг барчаси Кодекс тили билан айтилганда “мулкый муносабатлар” (2-модда) дейилади.

Фуқаролик кодекси билан тартибга солинадиган муносабатларнинг ўзаро боғлиқ бўлиши уларга хос яна битта муҳим хусусият билан ифодаланади. Бу ҳам бўлса, муносабатлар “иштирокчиларининг тенглиги”нинг эътироф этилиши ҳисобланади. Улар фуқаро, юридик шахс ёки давлат бўлишидан қатъи назар, ўзаро тенгдирлар. Бундай тенгликни тенг ҳуқуқлилиқ деб ҳам бўлмайди. Чунки давлатга ёки юридик шахсларга тегишли ҳуқуқ ва ваколатлар фуқароларда бўлмай-

ди, аксинча, фуқароларга тегишли нафақа олиш, соғлиғига ёки ҳаётига етказилган зарарни қоплаш каби ҳуқуқлар юридик шахсларга тегишли эмас. Баъзан муайян шартнома ёки бошқа муносабатлар бўйича уларнинг тарафлари ҳам тенг ҳуқуққа эга бўлмасликлари мумкин. Масалан, бундай ҳолат ҳада берувчи билан ҳада олувчи ёки мулк эгаси билан бошқалар ўртасидаги турли муносабатларда юз бериши мумкин. Лекин, Фуқаролик кодекси, шунингдек бошқа фуқаролик қонун ҳужжатлари ёрдамида тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг иштирокчилари шахс сифатида тенгдирлар. Чунки ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши уларда иштирок этувчи тарафларнинг ўзаро хоҳишига, келишувига ва эркига боғлиқдир.

Шунинг билан бирга барча мулкий муносабатлар фуқаролик қонунлари билан тартибга солинмайди. 2-модданинг олтинчи қисмига биноан “Бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунлишига асосланган мулкий муносабатларга, шу жумладан солиқ ва молиявий ҳамда маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди” дейилган. Аммо, модда ушбу қисмининг мазмунидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланиши мутлақ инкор қилинмайди, балки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қўлланиши мумкин, деган маъно келиб чиқади.

Демак, фуқаролар, ташкилотлар, давлат ўртасидаги муносабатлар тенглик принципига эмас, балки “бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунлиши” принципига асосланган бўлса, бундай муносабатларга нисбатан Фуқаролик кодекси ва бошқа фуқаролик қонунлари умумий қоидага биноан қўлланилмайди. Бундай бўйсунлиқ давлат органларининг ҳукмронлик фаолиятини (молиявий солиқ, божхона муносабатлари, давлатнинг текшириш ваколати) амалга ошириши ёки давлат органларининг бир бирига, давлат хизматчиларининг давлат органларига итоат этиши билан боғлиқ муносабатларидан иборат бўлиши мумкин. Шунинг билан бирга Фуқаролик кодексининг 12, 15-

моддаларида “маъмурий бўйсунлиқ” асосида вужудга келадиган муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун-қоидаларининг қўлланиши назарда тутилган. Масалан, давлат органининг нотўғри, гайриқонуний буйруқ ёки фармо-йиш қабул қилиши натижасида унга итоат этувчи ташкилотга ёки хизматчисига етказилган зарар ушбу ташкилот ёки хизматчи фойдасига ундирилиши зарур. Янги Фуқаролик кодексига бундан бошқа қоидалар ҳам мавжуд (959, 960-моддалар), уларга асосан ҳукмрон орган ёки лавозимли шахсининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкӣ ёки шахсий номулкий ҳуқуқларига зарар етказувчи ҳаракатлари фуқаролик ҳуқуқига хилоф ҳаракат, деб ҳисобланади ва етказилган зарарни қоплаш назарда тутилади.

Ўзбекистон Конституциясига асосан республикада хусусий мулкнинг таркиб топиши (53-модда), планли иқтисоддан бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли Фуқаролик кодекси билан тартибга солинадиган муносабатларнинг миқёси анча кенгайди. Ўтмишда тўлиқ ёки асосан давлат томонидан тақсимланадиган маҳсулотларнинг кўп турлари эндиликда фуқаролик муомала доирасига киритилиб, Кодекс қоидалари билан тартибга солинадиган муносабатлар қаторидан жой олмоқда.

Кодекснинг асосий мазмунини мулкӣ муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар ташкил қилади. Шунинг билан бирга Кодексда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муносабатлар шахсий номулкий ҳуқуқ бўйича вужудга келадиган муносабатларни тартибга солинадиган қоидалар ҳам кам эмас.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар Кодексда икки хил туркумга бўлинади. Улардан биттаси - мулк билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий, иккинчиси эса - мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар (2-модда, тўртинчи қисми) дан иборат. Биринчи туркумдагиси адабиёт, фан, санъат асарлари ва ихтироларга нисбатан ву-

жудга келиши ва фуқаролар, шунингдек юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин.

Иккинчи туркумдаги шахсий номулкий ҳуқуқлар эса номоддий неъматларга бўлган ҳуқуқлардан иборатдир (99, 100-моддалар). Бундай номоддий неъматлар қаторига шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи ва ҳоказо киради. Номоддий неъматлардан биронтасига нисбатан қонунда тегишли қонуннинг бўлмаслиги уни Кодекс қоидаларига асосан ҳимоя қилишнинг иложи йўқ деган хулосага олиб келиши мумкин эмас. Агар бундай номоддий ҳуқуқ бузилса, жабрланувчининг моддий (1017-1020-моддалар) ва маънавий зарарни қоплашга қаратилган талаблари Кодекснинг 14, 1021-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан ҳал қилинади.

7. ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ ҲАЖМИ ВА ТУЗИЛИШИ

Янги Фуқаролик кодекси ўзининг ҳажми ва тузилиши жиҳатдан 1963 йилдаги Кодексдан кескин фарқ қилади. Бунга асосий сабаб жамиятнинг ривожланишида юз берган ўзгаришлардир. Бозор муносабатларининг шаклланиши социализм даврида таркиб топган ва унинг гоёлари, тамойиллари асосида ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан воз кечишга, моҳияти, табиати жиҳатдан ҳозирги замон талабларига мос ва шунинг билан бирга янги, ўтмишда фараз қилиб бўлмаган ёки инкор қилинган муносабатларни юзага чиқарди. Жамият ривожланишидаги бундай жараён ҳуқуққа ҳам таъсир ўтказди. Кўп қонунлар ўз кучини йўқотди, сақланиб қолинганларига муҳим ўзгартиришлар киритилди, янги қонунлар қабул қилинди.

Жамиятда рўй берган ўзгаришлар, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши туфайли Фуқаролик кодекси мазмун жиҳатдан бойиди, ҳажм жиҳатдан кенгайди, янги қоидалар билан тўлдирилди, унда

турли муносабатларни тартибга солишга қаратилган моддаларнинг сони кўпайди. Буларнинг натижасида Кодекснинг тузилиши ҳам янгирақ тус олди.

Олдинги Кодекс тузилиши бўйича 8 бўлим, 46 боб, 662 моддадан иборат эди. Янги Кодекс 6 бўлим, 71 боб, 1199 моддадан иборат. Янги Кодексда йирик бўлимлар кичик бўлимларга, бўлимлар бобларга, боблар эса ўз навбатида параграфларга бўлиниб берилди.

Олдинги Кодекснинг тузилиши бундай эмас эди, баъзи бўлимлар умуман бобларга, боблар эса наараграфларга бўлинмаган эди. Олдинги Кодекснинг умумий қоидаларга бағишланган биринчи қисмида 255 модда жойлашган бўлса, янги Кодекснинг ўша қисми 385 моддадан иборат, яъни 130 модда кўп. Олдинги Кодекснинг иккинчи қисмида 366 модда бор эди, янги кодекснинг ўша қисми 814 моддадан иборат, яъни 448 модда кўп. Умуман олганда, янги Кодекс олдинги Кодексдан 577 моддага кўп. Бўлимларнинг қисқаришига сабаб олдинги Кодексдаги учта бўлим (авторлик ҳуқуқи, кашфиёт ҳуқуқи, ихтирочилик ҳуқуқи) умумлаштирилиб, битта бўлим “Интеллектуал мулк” деб берилди.

Биринчи бўлим - Умумий қоидалар қуйидаги бешта кичик бўлимдан иборат: 1-асосий қоидалар; 2-шахслар; 3-объектлар; 4-битимлар ва вакиллик; 5-муддатлар. Даъво муддати. Шунинг билан бирга ушбу бўлимда 12 боб ва 163 модда мавжуд.

Иккинчи бўлим - Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар. Ушбу бўлим 19 боб, 70 моддадан иборат.

Учинчи бўлим - Мажбурият ҳуқуқи. Ушбу бўлим қуйидаги 3 кичик бўлимларга эга: 1-мажбуриятлар тўғрисида умумий қоидалар; 2-шартнома тўғрисида умумий қоидалар; 3-мажбуриятларнинг алоҳида турлари. 3-кичик бўлим Кодекснинг 2-(махсус) қисмига жойлаштирилди. Бўлим моддалари 35-бобдан иборат бўлиб, улардан 3-кичик бўлимга тегишли бўлган 29-боб Кодекснинг 2 (махсус) қисмида жойлаштирилди. Бўлимнинг “Мажбуриятларнинг бажарилишини

таъминлашга” бағишланган 22-бобдаги 54 модда 6 параграфга бўлинди. Масалан, тегишли моддалардан ташкил топган неустойка(айбона), гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат алоҳида параграфларда берилди. Учинчи бўлим 767 моддадан иборат бўлиб, улардан 616 та модда Кодекснинг иккинчи қисмида жойлаштирилди.

Тўртинчи бўлим - Интеллектуал мулк-7 боб, 80 моддадан иборат. Бўлимнинг 65-бобидаги 14 модда 3 та параграфга бўлинди.

Бешинчи бўлим - Ворислик ҳуқуқи-4 боб, 72 моддадан иборат. Олтинчи бўлим - халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга қўллаш-2 боб, 8 параграф, 42 моддадан иборат.

Олдинги Кодексдаги кўп боблар (масалан, давлат мулки; колхозлар, бошқа кооператив ташкилотлари ва уларнинг бирлашмалари мулки; касаба союз ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг мулки; шахсий мулк; социалистик мулкни сақлаб қолиш натижасида вужудга келадиган мажбуриятлар; кашфиётчилик ҳуқуқи ва ҳоказо) янги Кодексга киритилмади ёки хусусият жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлганлиги туфайли қўшиб берилди, бозор иқтисодиётига хос мулкӣ ва шахсий муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда Кодекс янги боблар ва моддалар, шунингдек атамалар билан бойитилди. Аввалги Кодексдан лойиҳага ўтган кўп моддалар мазмун, шакл ва таҳрир жиҳатдан ҳозирги замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда қайтадан ишланди.

Кодекс нормаларини у ёки бу бўлимга, бобга ажратишда ва уларни кетма-кет жойлаштиришда ҳамда муовфиқлаштиришда умумий қоидага биноан мантиқий боғланишга амал қилинди. Лекин бундай боғланиш барча ҳолларда бир текисда сақлаб қолиниши ҳам шарт эмас. Масалан, учинчи кичик бўлимдаги мажбуриятнинг алоҳида турлари ёки бешинчи бўлимдаги ворислик ҳуқуқи боблари бошқача тартибда жойлаштирилган

бўлиши мумкин эди. Ҳозирги даврда мажбуриятларнинг турлари, уларнинг эгаллаган мавқеига аҳамият берадиган бўлсак, олди-сотди бобидан кейин ижара (аренда), сўнгра кредит ва қарз бобларини, шунингдек ворислик ҳуқуқи мулк билан боғлиқ бўлишини ҳисобга олиб, уни иккинчи бўлимда жойлаштириш мумкин эди. Лекин, агар биз бундай тартибда жойлаштиришга йўл қўйганимизда, кўпчилик давлатларнинг қонунчилик тажрибасида, жумладан МДҲ давлатларида ҳам қабул қилинган ва биз учун анъана бўлиб қолган қонун тузилишининг “пандект” тартибидан воз кечиб, фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг моҳияти ва аҳамиятини ҳисобга олмаган ва уларни иккита катта гуруҳга бўлмаган бўлар эдик.

Бир гуруҳдаги нормалар умумий ҳамда асосий қоидалардан иборат бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий (шахсий, мулкий) муносабатлар учун замин яратади, турли шарт-шароит ва гаровлар билан таъминлайди, яъни уларни мувозанат (статика) ҳолатда мустақамлайди. Ушбу нормалар воситасида мулкий муносабатларда қатнашувчиларнинг доираси ва мақоми, уларнинг бундай муносабатларда эгаллаши мумкин бўлган ҳуқуқлари ва бажариши лозим бўлган мажбуриятлари тушунчасини ва умумий қоидаларини белгилаб беради.

Иккинчи гуруҳдаги нормалар эса ушбу умумий қоидаларга асосан муносабатларнинг бевосита вужудга келиши, амалга ошишини, бажариш жараёнини, мулкий ва номулкий ҳуқуқларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини, ўтказилишини, яъни фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш, ўзгариш, ривожланиш, яъни ҳаракатда бўлиш (динамика) ҳолатини тартибга солишни таъминлайди.

Фуқаролик кодекси унинг моддаларининг моҳияти ва аҳамияти жиҳатдан белгилаб берувчи ва тартибга солувчи хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда икки қисмга бўлинади. Унинг биринчи қисми биринчи гуруҳга хос, иккинчи қисми эса иккинчи гуруҳга хос моддалардан ташкил топади. Шунинг учун ҳам Кодекс юридик жамоатчиликда “умумий қисм” ва “махсус қисм”дан иборат деб тан олинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИ АМАЛГА
КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ**

1996 йил 29 август

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми ва иккинчи қисми (бундан буён Кодекс деб юритилади) 1997 йилнинг 1 мартидан амалга киритилсин.

2. Бундан буён қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари Кодексга мувофиқлаштирилгунига қадар уларнинг Кодексга зид келмайдиган қисмлари қўлланилади.

3. Кодекс у амалга киритилганидан кейин юзага келган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Кодекс амалга киритилгунга қадар юзага келган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар бўйича у амалга киритилганидан кейин юзага келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

4. Кодексдаги битимлар ҳақиқий эмаслигининг асослари ва оқибатлари тўғрисидаги нормалар (109, 112, 128-моддалар), тегишли битимлар қачон тузилганидан қатъи назар, ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги талабномани суд 1997 йилнинг 1 мартидан кейин кўриб чиқадиган битимларга нисбатан қўлланилади.

5. Кодексда белгиланган даъво муддатининг ўтиши аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатлари 1997 йил 1 мартига қадар ўтиб кетмаган даъволарга нисбатан қўлланилади.

6. Кодекс 187-моддасининг қоидалари (эгаллик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат) мулкка эгаллик қилиш 1997 йилнинг 1 мартига қадар бошланган ва Кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

7. Кодекснинг 27-бобида белгиланган шартномалар тузиш тартиби 1997 йилнинг 1 мартидан кейин киритилган таклифларга биноан тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади.

8. Кодекснинг айрим турдаги шартномаларни тузиш тартиби ва шакли тўғрисидаги, шунингдек уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги нормалари Кодекс амалга киритилганидан кейин йўлланган таклифларга биноан тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. 1997 йилнинг 1 мартига қадар йўлланган таклифларга биноан 1997 йилнинг 31 мартидан кейин тузилган шартномаларга нисбатан Кодекснинг айрим турдаги шартномаларнинг шакли тўғрисидаги, шунингдек уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги нормалари қўлланилади.

Кодекснинг айрим турдаги шартномалар мазмунини белгилаб берувчи нормалари Кодекс амалга киритилганидан кейин тузилган шартномаларга нисбатан татбиқ этилади.

9. Айрим турдаги шартномаларни бекор қилишнинг шартномадаги тарафлар учун шарт бўлган асослари тўғрисидаги, оқибатлари ҳақидаги ва тартиби тўғрисидаги Кодекс нормалари, улар қачон тузилганлигидан қатъи назар, Кодекс амалга киритилганидан кейин амал қиладиган шартномаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Кодекснинг шартномадаги тарафлар учун шарт бўлган шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жаворгарлик тўғрисидаги нормалари тегишли қоидабузарликларга Кодекс

амалга киритилганидан кейин йўл қўйилган бўлса қўлланилади. 1997 йилнинг 1 мартига қадар тузилган шартномаларда бундай қоидабузарликлар учун бошқа жавобгарлик назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10. Кодекс 760-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларининг қоидалари омонатларга пул маблағларини жалб этиш билан боғлиқ муносабатлар Кодекс амалга киритилгунга қадар юзага келган ҳолларга ҳам татбиқ этилади ва Кодекс амалга киритилган вақтда сақлаб қолинади.

11. Кодекс 990 ва 991-моддаларининг қоидалари агар жабрланувчига зиён етказиш 1997 йилнинг 1 мартига қадар, аммо узоғи билан 1994 йилнинг 1 мартигача юз бериб, етказилган зиён ўрни қопланмай қолган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

Кодекс 1005-1016-моддаларининг қоидалари фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказиш 1997 йилнинг 1 мартига қадар, аммо узоғи билан 1994 йилнинг 1 мартигача юз бериб, етказилган зиён ўрни қопланмай қолган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

12. Кодекс 1112-1157-моддаларининг қоидалари Кодекс амалга киритилгунга қадар очилган бўлиб, аммо 1997 йилнинг 1 мартига қадар меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

13. Кодекснинг ер участкалари билан боғлиқ битимларга оид нормалари ерга доир қонун ҳужжатларида уларнинг татбиқ этилишига йўл қўйилган даражада қўлланилади.

14. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари иловага мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартидан эътиборан тўлиқ ва қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Кодексга мувофиқлаштириш тўғрисида Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини Кодексга мувофиқлаштирасин;

республика вазирликлари ва идоралари Кодексга зид келадиган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ БИРИНЧИ
ҚИСМИГА УМУМИЙ ШАРҲЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ**

БИРИНЧИ ҚИСМ

І БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-КИЧИК БЎЛИМ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-БОБ

ФУҚАРОЛИК ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари

Фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар ишпирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашishiга йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрklarига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар.

Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлади.

Хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, товарлар ва хизматлар ҳаракатда

булишини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин.

2-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар

Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидалар чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади.

Шахсий номулкий муносабатлар ва мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатларнинг моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган белгиларга жавоб берадиган оилавий муносабатларга, меҳнат муносабатларига ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда агроф муҳитни муҳофаза қилиш муносабатларига нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари бу муносабатлар махсус қонунлар билан тартибга солинмайдиган ҳолларда қўлланилади.

Бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунishiга асосланган мулкий муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатлари

Фуқаролик қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан, ушбу Кодекс 2-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисм - ларида кўрсатилган муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунлар ҳамда қонун ҳужжатларидан иборат.

Бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт.

Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат органлари ушбу Кодексда, бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар чиқаришлари мумкин.

4-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши

Фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Қонун у амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатларга қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.

Фуқаролик қонун ҳужжати амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонун ҳужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади.

Агар шартнома тузилганидан кейин тарафлар учун мажбурий бўлган, шартнома тузилаётган пайтдагидан бошқача қоидаларни белгилайдиган қонун қабул қилинган бўлса, тузилган шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолади, қонуннинг аввал тузилган шартномалардан келиб чиққан муносабатларга татбиқ этилиши кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

5-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича қўллаш

Ушбу Кодекс 2-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган муносабатлар қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган ҳолларда фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси қўлланилади (қонун ўхшашлиги).

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқилалик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган нормаларни ўхшашлик бўйича қўлланишга йўл қўйилмайди.

6-модда. Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар

Тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи оdatи деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади.

Тегишли муносабат ишпирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига ёки шартномага зид бўлган иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилмайди.

7-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар ҳамда битимлар

Агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

1-бобга шарҳлар

Фуқаролик кодексининг моҳияти унинг асосий қоидаларига бағишланган биринчи кичик бўлимида ўз аксини топди. Мазкур Кодекс ва бошқа фуқаролик қонунларида назарда тутилган ва назарда тутилиши мумкин бўлган барча қоидаларнинг моҳияти ва уларга хос хусусиятлар ушбу биринчи бобнинг “Фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари”

деб номланган 1-моддасидаги умумий тамойиллар билан ифодаланлади. Фуқаролик ҳуқуқий қоидалари мазмун жиҳатдан ушбу тамойилларга асосланади ва улардан келиб чиқади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий равишда бўйсунishiга асосланган эмас (2-модданинг 6-қисми), бундай муносабатларда ишпирок этувчи иккала тараф ҳам, уларнинг ким бўлишидан қатъи назар, тенг ҳисобланадилар. Бундай **тенглик** биринчи галда тарафларнинг ҳуқуқ лаёқатига асосланади. Чунки фуқаролар ва юридик шахслар қонунда назарда тутилган сабабларга кўра доимо бир хил муомала лаёқатига эга бўлмайдилар.

Шундай экан, улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган тенглик, фақат унда ишпирок этувчи тарафларнинг шахсан ҳар бирига тегишли бўлган ва муомала лаёқати билан ифодаланмайди, балки уларнинг ушбу муносабатларда ишпирокчи сифатида, бир-бирларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенг бўлиши, ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар бузилганда етказилган зиённи тўла ёки маълум миқдорда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи ва шу туфайли вужудга келган низонинг маъмурий равишда эмас, балки муносабатларда ишпирок этувчилар учун бетараф бўлган адолатли суд органи томонидан ҳал қилиниши билан белгиланади. Бундай ҳуқуқий тенглик заминида иқтисодий тенглик ётади. У ҳам бўлса фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган мулкий муносабатларнинг товар-пул характерида эга бўлишидан ва шу туфайли уларнинг ҳақ эвазига амалга оширилишидан иборат. Масалан, муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ўзаро келишуви билан бажарилган иш, биридан иккинчисига ўтказилган маҳсулот, бир-бирига кўрсатилган хизмат ҳақ эвазига амалга оширилади.

Муносабат ишпирокчиларининг ўзаро ҳуқуқлари тенг бўлмаслиги, бир тараф талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, иккинчи тараф ушбу талабни бажаришга мажбур бўлиши ҳам мумкин. Бундай нотенглик, тарафларнинг эркидан ташқари зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда юз беради

(мазкур Кодекснинг 56-боби). Лекин бундай ҳолатда ҳам фуқаролик ҳуқуқи қоидалари жабр кўрган тарафнинг ҳуқуқини тиклаш, унга етказилган зиённи тўлаш, яъни унинг олдинги моддий ва маънавий ҳолатини тиклашга қаратилгандир.

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг хусусиятини ифодаловчи тамойиллардан яна бири, у ҳам бўлса, улар тегишли мулкнинг дахлсизлигига асосланишидан иборат. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, 36, 53-моддаларида ўз аксини топди ва юқори мақомли қоида даражасида мустаҳкам тасдиқланди. 53-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин”.

Кодекснинг 1-моддасида мулкнинг дахлсизлиги белгиланган бўлса, унинг 164-моддасида “мулк ҳуқуқи муқаддасдир” деб тасдиқланади. Мулкка нисбатан мусулмон ҳуқуқида ҳам шундай қоида назарда тутилган. Унда мулк муқаддас деб эълон қилиниб, уни бировларнинг гайриқонуний эгаллаб туришидан талаб қилиб олиш учун даъво муддати назарда тутилмаган. Демак, мулкдор ҳар қачон ва ҳар кимдан ўзига тегишли мулкни талаб қилиб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган.

Мулк эгаси ўз мулкни ҳар қандай ҳолатда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Унинг мулк ҳуқуқи атрофдаги барча шахслар (фуқаролар, юридик шахслар) томонидан ҳурмат қилиниши, унга ўз мулкдан унумли фойдаланиши ва эркин тасарруф этиши учун тўсқинлик қилинмаслиги, унинг мулкни фақат қонунда назарда тутилган сабабларга кўра ва белгиланган тартибда бегоналаштириш мумкинлиги фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилади.

Мазкур Кодекснинг 228-233-моддаларида мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қоидалари белгиланган. Мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш ва ўз мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф этиш учун мавжуд бўлган ҳар қандай тўсқинликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шартноманинг эркинлиги ҳам асосий тамойиллардан ҳисобланади. Ушбу тамойил Кодекснинг 354-моддасида ҳар томонлама ўз ифодасини топди ва шартномага асосланган барча мажбуриятларнинг мазмуни унга асосан белгиланди. Демак, шартнома тарафлари уни тузиш, унга ўзгартиришлар киритиш ва бажариш учун ўз хоҳиш ва эрklarини чин маънода изҳор этадилар, уларни шартнома тузиш учун мажбур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Кодекснинг 353-моддасида шартномага берилган тушунчага мувофиқ: “Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади” деб тасдиқланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари **хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига** йўл қўйилмаслигига асосланади. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида ўз аксини топди. Конституциянинг 25-моддасига мувофиқ “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”. Конституциянинг 27-моддасига асосан “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштирилган ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга”. Шахснинг хусусий ишларига ўзбошимчалик билан аралаштириш натижасида унга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳақида Кодексда тегишли қоидалар назарда тутилади (954, 1021-моддалар).

Фуқаролик ҳуқуқи қоидалари **фуқаролик ҳуқуқлари тўқинликсиз амалга оширилишини** таъминлашга асосланади. Ушбу тамойил Кодекснинг барча моддаларида ўз аксини топган бўлиб, унинг асосий хусусиятлари Кодекснинг 9-моддасида мукаммал ифода этилди. Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда эркин ҳуқуққа эгадирлар. Улар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра амалга оширадилар.

Бузилган **ҳуқуқлар тикланиши**, уларнинг **суд орқали ҳимоя қилиниши** ҳам фуқаролик қонун ҳужжатларининг негизини таш-

кил қилади. Бузилган ҳуқуқни тиклаш фуқаролик ҳуқуқига хос асосий тамойиллардан ҳисобланади. Чунки фуқаролик нормаларига асосан қўлланиши зарур бўлган жавобгарлик чораси қоидага риоя қилмаган тарафнинг шахсига нисбатан қаратилмасдан, балки ҳуқуқи бузилган тарафнинг ҳуқуқини тиклашни, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни жавобгар томонидан қоғлашни таъминлашга қаратилади. Бузилган ҳуқуқни барча ҳолларда **суд орқали ҳимоя** қилиш Фуқаролик кодекси нормаларига демократик принципнинг сингдирилганлигидан дарақ беради.

Фуқароларни ва юридик шахсларни фуқаролик ҳуқуқларига ўз хоҳиш ва эрklarини изҳор этиш йўли билан эга бўлишлари ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширишлари, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажариш ва шартнома шартларини эркин белгилашлари ҳам фуқаролик қонун ҳужжатларининг хусусиятларини ифодаловчи тамойиллардан иборат.

Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, яъни унда назарда тутилган нормалар воситасида тартибга солинадиган муносабатлар ва тартибга солишга қаратилган фуқаролик ҳуқуқий усулининг хусусиятлари юқорида келтирилган омиллар билан белгиланади.

Фуқаролик қонунлари тамойилларининг аҳамияти, биринчидан, шундан иборатки, фуқаролик ҳуқуқи ва унинг махсус манбаи бўлиб ҳисобланган Фуқаролик кодекси ва бошқа барча қонун нормалари умуман олганда ва шунингдек Кодекснинг ҳар бир қоидалари мазмун ва вазифаси жиҳатдан ушбу тамойилларга мос келиши зарур. Иккинчидан, фуқаролик қонунларида бевосита тартибга солинмаган масалаларни ҳам ушбу тамойилларга асосан ҳал қилиш керак. Учинчидан, советлар даврида қабул қилинган, лекин ҳозирча ўз кучини йўқотмаган қонун ҳужжатларини амалда қўллаш ёки қўлламаслик ҳақида ҳам ушбу тамойиллар ҳисобга олиниши керак. Шу туфайли давлат мулкининг бошқа мулк шаклларида устун туриши ва унинг юқори даражада ҳуқуқий ҳимоя

қилинишига, фуқароларнинг мулкка нисбатан ҳуқуқ лаёқатининг чекланишига, шартномаларнинг фақат планга асосан тузилишига, фуқароларнинг шахсий муносабатларига давлат идораларининг ўзбошимчалик билан аралашishiга қаратилган қоидалар сўзсиз ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши керак.

Фуқаролик қонун ҳужжатларини татбиқ қилиш доираси олдинги Кодексга нисбатан анча кенгайди. Янги Кодекснинг 2-моддасида фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларини кўрсатиш билан бирга, ушбу институтлар воситасида **тартибга солинадиган муносабатларнинг** умумий хусусиятлари ва белгиларига аҳамият берилди. Улар асосан мулкий ва мулк билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатлардан иборат. Шунинг билан бирга фуқаролик қонун ҳужжатларининг қоидаларига асосан, агар улар моҳиятидан бошқача маъно вужудга келмаса, шахснинг тассаруф қилиб бўлмайдиган, яъни ундан ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда унинг бошқа номоддий неъматлари ҳимоя қилинади. Улар асосан мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлардан иборат.

Мулкий муносабатлар ўзларига хос хусусиятларига кўра фақат Фуқаролик кодекси билан тартибга солинмайди. Мулкий, муомаладаги кўчар ва кўчмас мол-мулк, интеллектуал фаолият натижалари билан боғлиқ муносабатларнинг тенглигига, уларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилишида улар иштирокчиларининг бир-бирига қарам бўлмаслигига, мол-мулкларининг алоҳида ажралган бўлиши ва мулкий мустақилликлигига асосланган муносабатлар фуқаролик кодексининг предметини, яъни унинг воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг мажмуасини ташкил қилади. Ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид усул ҳам Фуқаролик кодексининг предметини тавсифловчи асосий белгилар билан ифодаланади.

Фуқаролик кодекси нормалари татбиқ қилинмайдиган мулкий муносабатлар бошқа ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан тартибга солинади. Бу умумий қоида ҳисобланиб, ис-

тисно сифатида қонун билан бошқача тартиб ўрнатилган бўлиши мумкин.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган мулкӣ муносабатларнинг доираси анча кенгайди. Масалан фуқаролик ва ер қонунларининг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар юз берди. Ер участкаси фуқаролик ҳуқуқининг объекти (Кодекснинг 83-моддаси) сифатида фуқаролик ҳуқуқи муомаласига киритилди (Кодекснинг 482, 483, 537-м.м.). Келажакда табиий ресурсларнинг (ўрмон, ер ости бойликлари, сув) хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари қаторидан жой эгаллаши билан фуқаролик ва бошқа қонун соҳаларининг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар давом этиши мумкин.

Фуқаролик кодексига никоҳ ва оила муносабатларига оид қўшимча қоидалар киритилди. Амалда никоҳ ва оила кодексига тегишли бўлган васийлик, ҳомийлик ва фуқаролик ҳолатни қайд этишга оид масалаларни Фуқаролик кодекси билан (32, 36-м.м) тартибга солиниши ўринли бўлди.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан солиқ, молиявий ва маъмурий қонун ҳужжатлари ўртасидаги ўзаро бўлган муносабатлар мазкур модданинг 6-қисмида аввалдан белгиланганидек, яъни 1963 йилдаги Кодексада бўлганидек сақланиб қолинди.

Лекин солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий ҳуқуқий ҳужжатларни суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топиш натижасида етказилган зарарни қоплашга нисбатан фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли оқибатларни қўллаш назарда тутилади (Кодекснинг 12, 15-м.м).

Шахсий номулкий ва мулкӣ муносабатларни ўзаро боғлиқ бўлишини Кодексада тан олинидан қатъи назар, номулкий муносабатлар (ҳаёт, соғлиқ, шахсий қадр-қиммат ва ҳ.к.) иқтисодий мазмунга эмас, балки шахсий характерга эга. Шахсий номулкий (номоддий неъматлар) муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий усул билан ҳимоя қилиниши туфайли мулкӣ ҳуқуқларга тенглаштирилади.

Кодексда мулкый муносабатлар икки гуруҳга, яъни ашъвий-ҳуқуқий ва мажбуриятдан келиб чиқадиган-ҳуқуқий муносабатларга бўлинади. Биринчиси, мулкдор бўлиб ёки бўлмасдан туриб (хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш) мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари билан боғлиқ, яъни мувозанат (статик) муносабатлардан иборат бўлса, иккинчиси эса, тегишли фаолият натижаларини айирбошлаш, яъни шартномалар асосида ёки зарар етказиш оқибатида ва бошқа сабабларга кўра мол-мулк фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирокчиларнинг биридан иккинчисига ўтиши билан боғлиқ ҳаракатдаги (динамик) муносабатлардан иборат.

Фуқаролик кодекси яхлит қонун сифатида ҳисобланиб у алоҳида фуқаролик ва тадбиркорлик қонун ҳужжатларига бўлинмайди. Чунки унинг нормалари воситасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланувчи ёки унда қатнашувчи шахслар ўртасидаги муносабатлар бевосита тартибга солинади.

Моддада фуқаролик ҳуқуқининг предметини ташкил қиладиган муносабатларнинг турлари ва хусусиятларига эътибор бериш билан бирга ушбу муносабатларда кимлар иштирок этиши мумкинлигига ҳам тўхталиб ўтилди. Улар фақат Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари эмас, шунингдек чет эл фуқаролари ва юридик шахсларидан иборат бўлишлари мумкин. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар билан турли соҳаларда бевосита алоқада бўлиши фуқаролик муносабатларида иштирок этувчи шахслар доирасининг чет эл фуқаролари ва юридик шахслари ҳисобига кенгайишига имкон берди.

Кодекснинг 3-моддасига биноан **фуқаролик қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс**, бошқа фуқаролик қонунлари ва қонун ҳужжатларидан ташкил топади. Уларнинг барчаси умумлаштириб фуқаролик қонун ҳужжатлари деб номланади. Бунга мувофиқ, қонунда белгиланган ваколат доирасида ва унинг талабларига қатъий риоя қилган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон

Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам фуқаролик ҳуқуқининг манбаи сифатида тегишли фуқаролик-ҳуқуқий қоидаларни белгилаши мумкин. Вазирликлар ва бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари фақат Фуқаролик кодекси, республиканинг бошқа қонун-лари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланган қоидалар асосида ва маълум ваколат доирасида фуқаролик-ҳуқуқий мазмунга эга бўлган ҳужжатларни қабул қилиш-лари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (78-моддасининг 2-банди), фуқаролик қонун ҳужжатларини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига киради. Демак, бошқа давлат ҳокимияти, органлари ва айниқса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик ҳуқуқи қоидалари аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин эмас.

Конституциявий тамойилга мувофиқ давлат ҳокимияти тизимининг учта бўлиниши фуқаролик қонун ҳужжатларининг таркибий қисми бўйича янги тушунча ҳосил қилди. Энди фуқаролик қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан ташкил топади. Улар қаторида Фуқаролик кодекси алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий актлари қонун ҳужжатлари таркибига кирмайди. Улар қонунга тенглаштирилган қоида (подзаконный акты) сифатида фуқаролик ҳуқуқининг манбаини ташкил қилиши мумкин. Суд амалиёти бўйича Олий суд органлари томонидан тушунтиришлар, уларнинг Пленумларда қабул қилган қарорлари фуқаролик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг асосий катта қисми фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан ташкил топади. Улар республика миқёсида устуворлик аҳамиятига эга бўлиб, амалиётда тўғридан-тўғри қўлланиш мавқеига эгадир.

Мазкур моддага биноан, Фуқаролик кодекси бошқа фуқаролик қонун ҳужжатларининг таркибий қисмида асосий ўрин эгаллайди. Бошқа қонун ҳужжатлари ва уларга тенглаштирилган ҳужжатларда назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқий нормалар биринчи галда Фуқаролик кодексига мос келиши шарт. Фуқаролик кодекси билан бошқа қонун ҳужжатлари ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлса, амалиётда қўлланишида устуворлик Фуқаролик кодексига берилади.

Умумий қоидага мувофиқ Фуқаролик қонун ҳужжатлари **вақт бўйича** амал қилишида орқага қайтиш кучига эга эмас (4-модда). Улар мазкур ҳужжатлар татбиқ қилиш учун амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади. **Лекин бу ҳақда истиснога йўл қўйилади.** Қонун у амалга киритилгунга қадар вужудга келган тегишли муносабатларга нисбатан қўлланиши мумкин, агар бу ҳақда қонуннинг ўзида тўғридан-тўғри қоида назарда тутилган бўлса.

Қонуннинг шартномаларга нисбатан татбиқ қилиниши ҳақида алоҳида қоида назарда тутилди. Ушбу қоидага биноан қонун қабул қилинганидан кейин шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолиши ёки қолмаслиги эътиборга олинди. Қабул қилинган қонуннинг кучи уни қабул қилишдан олдин тузилган шартнома асосида вужудга келган муносабатларга нисбатан татбиқ қилиниши ҳақида қоида белгиланган бўлмаса, шартнома ўз кучини йўқотмайди. Шартнома тузилганидан кейин ёки у тузилаётган пайтда ҳам қабул қилинган қонун ёки унинг алоҳида қоидалари шартнома тарафлари учун мажбурий бўлишидан қатъи назар, агар қабул қилинган қонунда тузилган ва ҳаракагда бўлган шартномани бекор қилиш ёки уни ўзгартириш ҳақида аниқ бир талаб кўзда тутилмаган бўлса, шартнома ўз кучини сақлаб қолади.

Бундай қоида белгиланиши билан шартноманинг мавқеи, роли мустаҳкамланди. У ҳақиқий мустақил юридик ҳужжат мақомига эга бўлди. У энди план ёки маъмурий буйруқнинг бажарилишини таъминловчи, план бекор қилинса ўз-ўзидан

бекор бўладиган, ўзгарса - ўзгарадиган ёрдамчи ҳужжат эмас, балки фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни белгиловчи асосий ҳужжат сифатида тан олинди. Шартнома, агар унинг бекор бўлиши ёки ўзгариши ҳақида қонунда махсус қоида кўзда тутилмаган бўлса, иқтисодий шароитнинг ёки ижтимоий вазиятнинг ўзгариши натижасида қабул қилинган қонундан олдин ёки ундан кейин тузилган бўлишидан қатъи назар ўзгармайди, у ўз кучини сақлаб қолади.

Шартноманинг амал қилиши тўғрисида мазкур Кодекснинг 357-моддасига берилган шарҳларга қаралсин.

Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги Қарорига биноан фуқаролик қонун ҳужжатлари умумий қоида бўйича орқага қайтиш кучига эга эмас. Кодекс амалга киритилган қонунга қадар қўлланиб келинган фуқаролик қонун ҳужжатлари Кодексга мувофиқлаштирилгунига қадар уларнинг Кодексга зид келмайдиган қисмларини қўллаш мумкинлиги назарда тутилади.

Кодексни амалга киритиш тўғрисидаги Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, Кодекс амалга киритилгунга қадар юзага келган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар бўйича Кодекс амалга киритилганидан кейин вужудга келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан Кодекс қўлланилмайди. Масалан, агар маънавий зарар 1997 йил 1 мартдан аввал, яъни Кодекс амалга киритилгунига қадар етказилган бўлса, зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантириб бўлмайди, чунки зарар етказиш пайтида қонун билан бундай турдаги жавобгарлик назарда тутилмаган эди.

Ижтимоий муносабатлар - абадий ва ўзгарувчан. Давр ўзгариши билан баъзи муносабатлар ўз аҳамиятини йўқотади, уларни ҳуқуқий тартибга солиш учун зарурият ҳам қолмайди. Вужудга келган янги муносабатлар янги ҳуқуқий қоидаларни белгилашни талаб қилади. Ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган тур-

ли хил муносабатларнинг барчасини қонун-қоидалар билан тўлиқ қамраб олиш, муайян ўлчовга, яъни қолипга солишнинг имконияти йўқ. Шулар ҳисобга олинган ҳолда Кодексга “**Фуқаролик қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича қўллаш**” ҳақида янги модда (5-модда) киритилди. Рус тилида ушбу модда “Применение гражданского законодательства по аналогии” дейилади. Ушбу моддага мувофиқ фуқаролик ҳуқуқининг предметини ташкил қилувчи мулкӣ ва шахсий муносабатлар қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган тақдирда, фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси қўлланилади. Бундай таққослаб қўллашга “**қонун ўхшашлиги**” дейилади. Қонун ўхшашлигидан фойдаланишнинг имконияти бўлмаса, муносабатлар тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аҳамиятига, қонуннинг умумий моҳиятига ва тамойилларига амал қилинган ҳолда тартибга солинади. Бунга “**ҳуқуқ ўхшашлиги**” дейилади. Аммо, мулкӣ ва шахсий муносабат тарафларнинг ҳуқуқлари мукамал ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган нормаларни ўхшашлик бўйича қўллашга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ҳуқуқининг манбаи сифатида **маҳаллий урф-одат** ва анъаналар ҳамда **иш муомаласи одатлари** тан олинди (6-модда), уларга тушунчалар берилди. Муайян муносабатларни тартибга солиш учун фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда уларга нисбатан иш муомаласида одат бўлиб қолган қоидаларни, маҳаллий урф-одат ва анъаналарни қўллаш мумкинлиги назарда тутилди. Бундай қўллаш қонунга, шартномага зид бўлмаслиги талаб қилинади.

Мулкӣ ва шахсий муносабатларни тартибга солишда иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналардан фойдаланиш учун улар кундалик турмушда таркиб топган, кенг миқёсда азалдан ва доимо қўлланиб келинган, жамоатчилик томонидан тан олинган, лекин қонунда назарда тутилмаган бўлиши керак. Қонун билан тан олинган урф-

одатлар, анъаналар қонуний мақомга эга бўлади ва улардан амалиётда фойдаланиш учун ҳожат қолмайди. Шунинг билан бирга жисмоний ёки юридик шахслар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда алоҳида ўрнатилган ва уларнинг манфаатлари учун мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган ва қабул қилинган тартибни иш муомаласи одатлари ёки маҳаллий одат ва анъаналар деб бўлмайди. Бундай шахсий муносабатларда ўрнатилган тартиб мазмун жиҳатдан кимлигидан қатъи назар, кўпчиликнинг манфаатлари учун жавоб берадиган ва одоб, анъаналар учун хос бўлган умумий қоидадан фарқ қилади. Одоб, анъана тушунчаси кенг маънода талқин қилиниши лозим. Улардан тadbиркорликни турли соҳаларида (олди-сотди, ишни бажариш, хизмат кўрсатиш, жумладан турли транспорт воситалари билан давлатлар ўртасида юк ва йўловчилар ташишда ва ҳ.к.), маҳалла жамоатчилигида юз берадиган муносабатларни тартибга солишда фойдаланиш мумкин.

Иш муомаласи одатлари ёки маҳаллий анъаналар ёзма шаклда ифодаланган бўлиши шарт эмас. Лекин тadbиркорлик соҳасида бундай ҳужжатлар йўқ ҳам эмас. Масалан, Ўзбекистон савдо палатаси томонидан иш муомаласи одатлари ўрганилади ва манфаатдор шахсларга маълум қилиш учун нашр этилади. Шартномаларнинг намунавий шартлари эълон қилинишини ҳам ёзма шаклдаги иш муомаласи одатларидан иборат, деб ҳисоблаш мумкин (Кодекснинг 359-моддасига қаралсин).

Мазкур Кодекснинг кўпгина моддаларида кўрсатилганидек, агар тарафларнинг муносабатлари қонун нормалари ва шартномада белгиланган бўлмаса, иш муомаласи одатларини қўллаш назарда тутилади (236, 238, 243, 246 ва бошқа моддалар). Шартномани шартларини шарҳлашда ҳам иш муомаласи одатлари эътиборга олинади (Кодекснинг 363-м.). Ушбу 6-модданинг учинчи қисми, 354-модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган қоида билан тўлдирилади. Ушбу қоидага биноан, агар шартнома шартлари тарафлар

Ўртасидаги келишув ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар қўлланиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

Кодекснинг 7-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда **халқаро битимлар, шартномалар ва конвенциялар**нинг устуворлигини тан олади. Ушбу модда Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддаси билан белгиланган асосий қондан амалиётда жорий қилишга ёрдам беради.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормалари БМТнинг Уставида, БМТ Бош Ассамблеясининг декларациялари, қарорлари ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида назарда тутилган. Ушбу қоидаларни тўғри таъбиқ қилиш учун уларни ҳар томонлама батафсил талқин қилиш ва юз берган муайян вазиятни ҳисобга олиш керак.

Ўзбекистон Республикаси ўзи имзолаган халқаро шартномалар ва битимларга оғишмай амал қилади. Ушбу шартномалар ва битимлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қўшилган Конвенциялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаларида, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлигининг қонунлар тўпламларида нашр этилади. МДҲ аъзолари бўлган давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартномалар расмий матбуотда босиб чиқарилади.

Ҳозирги даврда бозор шароитида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга бағишланган ва халқаро шартномаларда назарда тутилган кўпгина қоидалар мазкур Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Масалан, Кодекснинг қатор моддаларида мажбурият бажарилмаган тақдирда вужудга келадиган оқибатлар БМТнинг 1980 йилдаги Халқаро товарлар олди-сотдиси тўғрисидаги Конвенцияда назарда тутилган қоидаларга мос равишда белгиланди (Ушбу Конвенция Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда ратификация қилинди).

Халқаро шартномаларнинг нормалари, уларни татбиқ этиш доирасига қараб, умумий қоидага биноан чет эл фуқаролари ва юридик шахслари иштирокида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади. Лекин баъзи ҳолларда, халқаро шартнома нормалари масалан, Ўзбекистон транспорт ташкилотлари томонидан давлатлар ўртасида юк ва йўловчилар ташишида Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари ўртасидаги муносабатларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Умумий қоидага биноан, халқаро шартномаларнинг нормалари, улар воситада тартибга солинадиган муносабатларга нисбатан тўғридан-тўғри қўлланилади. Лекин, баъзи ҳолларда, уларни қўллаш учун муайян давлатнинг ички қонун ҳужжатларини қабул қилиниши талаб этилади. Масалан, шундай ички давлат қонун ҳужжати талаб қилиш Нефддан ифлосланиш натижасида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги 1969 йилдаги халқаро Конвенцияда назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар нафақат Фуқаролик Кодекси ва бошқа фуқаролик қонун ҳужжатлари, шунингдек тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига нисбатан ҳам устуворлик аҳамиятига эга.

2-БОБ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ

8-модда. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиш асослари

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қуйидагилардан вужудга келади:

1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан;

2) қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;

3) суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қароридан;

4) қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида;

5) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;

6) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;

7) асоссиз бойиб кетиш натижасида;

8) фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида;

9) қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган

бўлмаса, унга бўлган тегишли ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

9-модда. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш

Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқиланадиган манфатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ишпирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тadbиркорлар эса - иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суийестемол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, суд шахсга қарашли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкин.

10-модда. Фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш

Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгиланган кўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди (бундан кейин - суд) томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

11-модда. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари

Фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

ҳуқуқни тан олиш;

ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарни тўлаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

12-модда. Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда ҳимоя қилиниши керак.

13-модда. Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

14-модда. Зарарни қоплаш

Агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олишди мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

15-модда. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни тўлаш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак.

2-бобга шарҳлар

Олдинги Гражданлик кодексининг қоидаларига (4-модда) қарама-қарши ўлароқ, янги ФКда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиши учун асос сифатида ушбу муносабатлар тарафларининг ҳаракатлари ва, биринчи галда, шартномалар назарда тутилади. Тарафлар учун мажбурий бўлган турли маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан фуқаролар, юридик шахсларнинг эрklarини чеклашларга барҳам берилди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳуқуқий ҳужжатлари фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина **фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун асос бўлиши мумкин** (8-модда).

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини ташкил қилувчи фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар юридик

фактлар асосида вужудга келади. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни нафақат вужудга келиши, шунингдек уларнинг ўзгариши ва бекор бўлиши ҳам қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга асосан юридик фактлар билан боғлиқдир. Шарҳланаётган моддада ушбу юридик фактларнинг рўйхати батафсил назарда тутилади. Лекин ушбу рўйхатни узил-кесил деб бўлмайди, унда, асосан амалиётда учраб турадиган юридик фактлар келтирилган. Шунинг учун ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган, лекин уларнинг умумий тамойиллари ва маъносига зид бўлмайдиган юридик фактлар фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни келиб чиқиши учун асос бўлиши мумкин (Кодекс 2-моддасининг 4-қ.).

Мазкур моддада назарда тутилган тўққизта асослардан (юридик фактлардан), 1963 йилдаги Кодекснинг 4-моддасига қараганда, улардан иккитаси янгилик ҳисобланади. Булар фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини келтириб чиқарадиган суд қарори ва мол-мулкни фақат шартнома (битим)га асосан эмас, балки қонун йўл қўядиган асосларга мувофиқ эгаллашдан иборат. Шунинг билан бирга бошқа асосларнинг номларига ва уларнинг мазмунига ҳам 1963 йилдаги Кодексдагига нисбатан жиддий ўзгаришлар киритилган.

Суднинг қарорига юридик факт сифатида аҳамият берилди. Энди суднинг қарори фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини нафақат ўзгартиш ёки бекор қилиш, айна вақтда билан у ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг келиб чиқиши учун ҳам асос бўлиши мумкин. Масалан, вояга етмаган шахс суднинг қарори билан тўла муомалага лаёқатли (эмансипация) деб эълон қилиниши мумкин (Кодекснинг 28-м.). Эгасиз қолган кўчмас мол-мулк суднинг қарори билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мулкига кирган деб ҳисобланиш мумкин (Кодекснинг 191-моддаси).

Шартнома олдидан бўладиган низолар бўйича суднинг қарори тарафлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар келиб чиқиши

учун асос бўлади. Шартноманинг тарафлар ўртасида келиш-мовчиликлар келиб чиқишга сабаб бўлган шартлари суд қарорига мувофиқ белгиланади (Кодекснинг 377, 378-м.).

Модданинг 4-банди янгилик ҳисобланади. Унга кўра мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ шартнома ва бошқа битимлардан ташқари қонун йўл қўйган бошқа асослар бўйича вужудга келиши мумкин.

Кодексга асосан улар қаторига, жумладан, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат (Кодекснинг 187-м.), топилмага нисбатан эгалик ҳуқуқи (Кодекснинг 192-м.); хазинага эгалик ҳуқуқини вужудга келиши (Кодекснинг 196-м.) киради.

Шарҳланаётган модданинг 7-бандига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари асоссиз бойиш натижасида вужудга келиши мумкин. Ушбу асос 1963 йил Кодекснинг 4-моддасида ҳам назарда тутилган эди. Лекин энди асоссиз бойиш фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг келиб чиқиши учун асос сифатида анча кенг мазмунда ифодаланди. Масалан, Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш ҳам асоссиз бойиш қаторига киритилади.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини келтириб чиқариш учун асос бўлувчи юридик фактлар қаторига мазкур модданинг 9-бандига биноан ҳодисалар киради. Кишининг эркидан қатъи назар, вужудга келадиган ҳодисалар (фуқаронинг ўлими, табиий офатлар ва ҳ.к.) Кодекснинг тегишли моддаларида назарда тугилади. Ҳар қандай ҳодиса фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларининг келиб чиқиши учун асос ҳисобланмайди. Фақат қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг вужудга келишини белгилайдиган ҳодисалар юз берган тақдирдагина, улар фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг келиб чиқиши учун асос бўлиши мумкин.

Иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва бошқа муҳим ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади (8-модда, 9-банди). Ушбу умумий қонундан алоҳида мулккий муносабатлар ва шартномаларга нисбатан қўллаш кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилади.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш доираси белгиланди (9-модда). Ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг ҳар қандай шаклларига йўл қўймаслик назарда тутилади. Масалан, “бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслик”, “жамиятнинг маънавий қоидалари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тadbиркорлар эса иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари”, “ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўймаслик” каби талаблар назарда тутилди.

Кўрсатиб ўтилган янгиликлар ушбу модданинг асосан диспозитив, яъни танлашга йўл қўювчи характерга эга эканлигидан дарак беради. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этувчи, жумладан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ўзларига тегишли ҳуқуқларини ўз хоҳишлари билан амалга оширадilar. Масалан, мулккий муносабат иштирокчиларини қарзни ундириш ҳақида бир-бирига нисбатан даъво қўзғатишга ҳеч ким, жумладан давлат органлари ҳам мажбур қилолмайди. Иштирокчиларнинг бири томонидан мажбурият бузилган тақдирда, бунинг натижасида етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш, иккинчи томоннинг бурчи эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши уларнинг ушбу муносабатлар натижаларига нисбатан моддий ва маънавий манфаатдор бўлиши билан рағбатлантирилади.

Кодекснинг қўпчилик нормалари диспозитив характерга эга. Агар тарафлар шартноманинг шартларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз хоҳишлари билан келишиб, белгилаб, олмасалар, Кодексда назарда тутилган норма (диспозитив норма) қўлланилади.

Аммо фуқаролик ҳуқуқларини тарафларнинг ўз хоҳишларига қўра амалга оширилишини чексиз деб бўлмайди. Бозор муносабатларини давлат томонидан бошқарилиши фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг зиммасига тегишли мажбуриятларни юклашни талаб қилади. Ушбу субъектлар императив, яъни қатъий нормаларни бажаришлари шарт (Кодекснинг 115, 354, 358-моддаси), ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ асосларига риоя қилишлари шарт (Кодекснинг 116-моддаси). Кўчмас мулкни тасарруф қилиш бўйича қатор чеклашлар назарда тутилади (Кодекснинг 84-моддаси) ва шунга ўхшаш Кодексга киритилган нормалар фуқаролик ҳуқуқини амалга оширишда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишни талаб қилади.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди. Агар тарафлар вужудга келиши мумкин бўлган низони фақат ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишни шартномага шарт қилиб киритган бўлсалар, бундай шарт судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ўзбекистон қонунларида фуқаролик ҳуқуқини судлов йўли ва бошқа усуллар билан ҳимоя қилишга оид сўнгги йилларда белгиланган қоидалар янада муҳим қўшимча билан тўлдирилди. Маъмурий орган томонидан қабул қилинган фуқароларнинг ҳуқуқини бузадиган қарор устидан **судга шикоят қилиш** ҳуқуқи назарда тутилди (10-модда, 2-қ). “Ўз ҳуқуқини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши; маънавий зиённи қоплаш; давлат органларининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги” каби фуқаролик ҳуқуқларини **ҳимоя қилишга** қаратилган янги усуллар белгиланди (11-модда, 2-қ).

12-модда янги Фуқаролик кодексининг демократик хусусиятларини яққол ифодаловчи моддалардан иборат. Унга кўра, давлат органлари фуқаронинг ёки юридик шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини гайриқонуний равишда бузишга қаратилган ҳужжат қабул қилсалар, бундай **ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш** ва бундай ҳужжат натижасида етказилган **зарарни ундириш** ҳақида фуқаролар судга мурожаат қилишлари мумкин. Социалистик қонунчилик тамойиллари асосида давлат манфаатларининг биринчи ўринда туриши даврида уларга бундай ҳуқуқ берилиши мумкин эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахсларга давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Конституция билан белгиланган ушбу асосий қоида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”-ги, 1995 йил 30 августдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунларида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномалари, 1994, N 5, 1995, N 9). Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми 1996 йил 19 июлда “Фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида” қарор қабул қилди (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси, 1996, N 3-4).

1995 йил 30 августдаги қонун ва бунга биноан қабул қилинган Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги Қарорига мувофиқ судга нафақат қонунга тенглаштирилган ҳужжат (поднормативный акт), шунингдек қонун ҳужжати (нормативный акт) устидан ҳам шикоят қилиниши мумкинлиги назарда тутилади.

Суд давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган ҳужжат-

ларни қонунга мувофиқ эмаслигини аниқлагач, ушбу ҳужжатни ҳақиқий эмас деб тан олади. Бундай ҳужжат бекор қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъи назар, у ўз юридик кучини йўқотади. Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий ҳужжат (қарор, фармойиш ва ҳоказо) қабул қилишдан ёинки муайян хатти-ҳаракатни бажаришдан ғайриқонуний равишда бош тортганлиги аниқланган тақдирда, суд юридик факт кучига эга бўлган қарор чиқариши мумкин (Кодекснинг 8-моддасининг 3-бандига қаралсин).

Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлишини чеклашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам ушбу 12-моддада назарда тутилган қоидага мувофиқ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай чеклашлар, агар улар хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликни муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин (Кодекснинг 1-моддасининг 4-қ.).

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга нисбатан қўлланиши (Кодекс 2-моддасининг 3-қ.) ҳисобга олинганлиги ҳолда ушбу шахсларнинг тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризалари суд томонидан қабул қилиниши ва умумий тартибда кўриб чиқилиши керак.

Суд, ҳужжатларни ҳақиқий эмас, хатти-ҳаракатларни ғайриқонуний деб топиши билан бузилган ҳуқуқни тиклайди ва Кодекснинг 8, 11-моддаларида назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан бош тортиши ҳам мумкин. Бундай бош тортиш учун мазкур Кодекс 9-моддасининг 5-қисмида

назарда тутилган сабаблар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Суднинг тегишли ажримининг далиллар келтирилган қисмида даъво кўзғатувчининг ҳаракатларида ўз ҳуқуқини суистеъмол қилишга қаратилган сабаблар асосли равишда исботланган бўлиши керак.

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши (13-модда) Фуқаролик Кодексга киритилган янги усуллардан ҳисобланади. Бундай усул судга мурожаат қилмасдан, ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш мумкинлигидан иборат. Шарҳланаётган моддага мувофиқ ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш қўйидаги ҳолатлар содир бўлган тақдирда: ҳуқуқ бузилганлиги, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш зарурлиги, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун қўлланадиган чоранинг бузилган ҳуқуқнинг характериға ва мазмуниға мутаносиб бўлиши, унинг доирасидан чиқиб кетмаслигини талаб қилиш каби ҳолатларда. Ўзини ўзи ҳимоя қилиш ижозат этилган ва мумкин бўлган доирадан чиқиб кетмасликни талаб қилади. Шу билан фуқаролик ҳуқуқидаги ўзини ўзи ҳимоя қилиш жиноят ҳуқуқидаги зарурий мудофаа тушунчасидан фарқ қилади.

Ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш усулидан мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора сифатида ҳам фойдаланиш мумкин (Кодекснинг 290, 291-моддалари). Масалан, 290-моддага мувофиқ қарздор ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли. Демак, кредитор қарздорга тегишли ашёни ушлаб қолиш йўли билан судга мурожаат қилмасдан қарздордан ўз талабини, яъни ҳуқуқини амалга ошириш, ҳимоя қилиш имкониятиға эға.

Бир тарафнинг шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортишини ҳам фуқаролик ҳуқуқларини фуқаронинг ёки юридик шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш тушун-

часи билан тенглаштириш мумкин (Кодекснинг 382, 383-моддалари).

Олдинги амалдаги қонун ҳужжатларида бўлганидек, ҳуқуқи бузилган шахсга **етказилган зарарни тўла қоплаш** таъминоти Кодексда ўз аксини топди. Етказилган зарарни камроқ миқдорда қоплашга фақат қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади (14-модда). Бу ҳақда Кодекснинг бошқа моддаларида ҳам махсус қоидалар мавжуд. Етказилган зарарнинг таркиби ҳақида муҳим тушунча берилди. Яъни, у “ҳақиқий зарар” ва “бой берилган фойда” каби туркумларга бўлинди. Ҳақиқий зарар деганда бузилган ҳуқуқни тиклаш учун қилинган ёки қилиниши керак бўлган харажатлар, мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши тушунилади. **Бой берилган фойда** деганда зарар кўрган шахснинг ҳуқуқлари бузилмаганида олинishi мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромад тушунилади.

1963 йилдаги Кодекснинг 231-моддасига мувофиқ, зарарни тўлаш ҳақидаги қоида фақат мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик сифатида белгиланган эди. Амалиётда корхоналар мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилиш ҳақида даъво қўзғатмасдан, неустойка (айбона) ундириш билан чекланар эдилар. Чунки неустойка ундириш тартиби зарарни тўлашни талаб қилишга нисбатан анча осон эди. Корхоналарнинг ўзи давлат мулки бўлганлиги сабабали зарарни ундириш учун астойдил қизиқмас эдилар.

Янги Кодексда зарарни ундириш ҳақидаги қоида фақат мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланадиган чора эмас, балки барча ҳолларда, яъни мулкӣ ва ашёвий ҳуқуқлар бузилган тақдирда ҳам қўлланиши мумкин бўлган жавобгарлик сифатида белгиланди. Шунинг учун ҳам ушбу қоида Фуқаролик кодексининг “Асосий қоидалар” ҳақидаги бўлимида назарда тутилди.

Давлат бошқарув олганлари, жамоат ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида йўл қўйган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида фуқароларга етказилган зарарни тўлаш ҳақида 1963 йилдаги Кодекснинг 481-моддасида ҳам назарда тутилган эди. Лекин ушбу норма амалиётда қўлланилмади, чунки етказилган зарарни ундириш тартиби қонун билан аниқ белгиланмаган эди.

Шарҳланаётган ушбу 15-моддада етказилган зарарни ундиришга сабаб бўладиган ҳаракатларга тўла тушунча берилади. Улар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан), шунингдек ушбу органларнинг қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжатларидан иборат бўлиши мумкин. Ҳаракатсизлик деб тегишли орган зиммасига юклатилган вазифани бажармаслигини тушуниш лозим. Ҳаракатсизлик билан боғлиқ қонун талабларига риоя қилмаслик Кодекснинг 44-моддасида келтирилади. Мансабдор шахс томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаришдан бош тортиш ҳаракатсизлик билан тенглаштирилади ва қонун билан тақиқланади.

Етказилган зарар учун ким жавобгар бўлади, ким уни тўлайди. Бу муҳим масала. Шарҳланаётган моддага биноан етказилган зарар давлат томонидан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўланиши керак. Демак, етказилган зарарни ундириш икки хил бюджетга қаратилади: Ўзбекистон Республикасининг бюджетига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг бюджетига. Ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан зарар етказган мансабдор шахсга нисбатан талаб қўйилмайди, унинг айби билан етказилган зарарни ё Ўзбекистон Республикаси, ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи тўлайди. Шундай экан, кимга нисбатан даъво қўзғатилади, суд олдида ким жавоб беради? Бу масала моддада ечимини топмаган. Айбсиз жавобгарлик бўлмас, деган тамойилга асосланган ҳолда,

ўйлаймизки, етказилган зарар қайси орган ёки қайси орган мансабдор шахсининг ғайриқонуний ҳаракати ёки қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқариши натижасида етказилган бўлса, ўша орган ёки мансабдор шахс хизмат қиладиган орган томонидан қопланиши керак. Зарарни ундириш ҳақидаги даъво ҳам ўша органга нисбатан қўзғатилиши керак. Зарарни қоплаш учун бу органлар мол-мулкининг етишмай қолган қисми миқдорида субсидиар жавобгарлик Ўзбекистон давлатига ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилиши мумкин (Кодекснинг 76-моддаси).

Даъво фуқаролар, юридик шахслар томонидан тегишли хатоларга йўл қўйган бевосита давлат органи, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига нисбатан қўзғатилган бўлиши мумкин. Суд даъво аризасини қабул қилиш ва уни кўриб чиқишдан бош тортиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда суд тегишли молия ёки бошқа ваколатли органни иш бўйича жавобгар сифатида жалб қилади.

Зарар етказилиши бошқарув соҳасидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) билан боғлиқ бўлишига қарамай, уларни ундиришга қаратилган талаб фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга. Шунинг учун зарар миқдорини, жавобгарликка тортиш асосларини, даъво муддатини белгилашда Кодекснинг тегишли моддаларига амал қилиш керак. Масалан, етказилган зарарнинг миқдори ва унинг таркибий қисми Кодекснинг 14-моддасига мувофиқ белгиланади.

2-КИЧИК БЎЛИМ

ШАХСЛАР

3-БОБ

ФУҚАРОЛАР (ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР)

16-модда. Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси

Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари барча фуқароларга нисбатан қўлланилади.

17-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати

Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

18-модда. Фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни

Фуқаролар:

мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер)хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

19-модда. Фуқаронинг исми

Агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро таҳаллусдан (тўқилган исмдан) фойдаланиши мумкин.

Фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Фуқаро ўз исмини ўзгартирганлиги ҳақида қарздорлари ва кредиторларига хабар бериш учун зарур чораларни кўриши шарт ва у мазкур шахсларда фуқаронинг исми ўзгарганлиги ҳақида маълумот йўқлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади.

Исмни ўзгартирган фуқаро ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишга ҳақли.

Фуқаро туғилган вақтида олган исмини, шунингдек ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак.

Бошқа шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди.

20-модда. Исмни ҳимоя қилиш

Ўз исми билан яшаш ҳуқуқига эътироз билдирилаётган ёки исмидан қонунсиз фойдаланилаётганлиги муносабати билан манфаатлари бузилаётган шахс манфаатларини бузувчидан бундай ҳаракатларга чек қўйишни ва раддия беришни талаб қилиши мумкин. Агар манфаатлар қасддан бузилаётган бўлса, жабрланган шахс қўшимча суратда зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Зарарни қоплаш учун манфаатни бузган шахснинг **даромадини бериш** талаб қилиниши мумкин. Манфаат қасддан бузилганида жабрланувчи маънавий зиённинг қопланишини ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Исм ёки шахсий шаън эгаси бўлмаган, лекин оилавий мавқеига кўра бундан манфаатдор бўлган шахс ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга чек қўйиш ёки раддия бериш ҳақидаги талабларни қўйиши мумкин. Бу шахс бошқа шахснинг ўлиmidан кейин ҳам унинг исмини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган талабларнинг бажарилишига ҳаракат қилиши мумкин. Исмни ва шаънини бузиш туфайли келтирилган зарарни қоплаш талаби ўлимдан кейин тан олинмайди.

21-модда. Фуқаронинг яшаш жойи

Фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари - ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

22-модда. Фуқаронинг муомала лаёқати

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хогин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

23-модда. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга йўл қўйилмаслиги

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас.

Фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгилаб қўйилган шартлари ва тартибига риоя қилмас-

лик давлат органининг тегишли чеклашни белгилайдиган ҳужжати ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатидан ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечипи ва ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир, бундай битимларга қонун томонидан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

24-модда. Фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти

Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга ушбу Кодекснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

25-модда. Фуқаронинг мулкий жавобгарлиги

Фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

26-модда. Якка тадбиркорнинг ночорлиги (банкروت бўлиши)

Якка тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкروت деб топилиши мумкин.

Якка тадбиркорни банкروت деб топиш расм-русмларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолия-

тини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русмлари тамом бўлганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Якка тадбиркор банкрот деб топилган тақдирда унинг, кредиторларининг талаблари ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган тартибда қондирилади.

Суд томонидан якка тадбиркорни банкрот деб топишнинг ёки якка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилишнинг асослари ва тартиби қонун билан белгиланади.

27-модда. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;

2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;

3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

4) ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равишда мулкий жа-

вобгар бўладилар. Бундай вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун ушбу Кодексга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин, бундай вояга етмаган шахс ушбу Кодекс 22-моддасининг иккинчи қисмига ёки 28-моддасига мувофиқ тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган ҳоллар бундан мустасно.

28-модда. Эмансипация

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

29-модда. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

1) майда маиший битимлар;
2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийи, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкий жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

30-модда. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бош қара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

31-модда. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган

битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкый жавобгар бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишга сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.

32-модда. Васийлик ва ҳомийлик

Васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади.

33-модда. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш

Агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин.

Йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин бўлмаса, бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан,

бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса - кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.

34-модда. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш оқибатлари

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни доимий суратда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади.

Ушбу мол-мулқдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ боқилши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади ва унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича қарзлари тўланади.

Васийлик ва ҳомийлик органи йўқолган фуқаронинг қаердалиги тўғрисида маълумот олинган кундан бошлаб бир йил ўтгунга қадар ҳам унинг мол-мулкани муҳофаза қилувчи шахсни белгилаши мумкин.

Шахсни бедарак йўқолган деб топишнинг ушбу моддада назарда тутилмаган оқибатлари қонун билан белгиланади.

35-модда. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорнинг бекор қилиниши

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаро қайтиб келган ёки унинг турар жойи аниқланган тақдирда, суд уни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорни бекор қилади. Суднинг қарори асосида фуқаронинг мол-мулкани бошқариш бекор қилинади.

36-модда. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш

Агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом

бўлган кундан эътиборан камида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ўлган куни деб ҳисобланади. Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг ўлган куни деб топиши мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради.

37-модда. Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг оқибатлари

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин у ҳар қандай шахсдан бу шахсга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мулкни ўзига қайтариб беришни уч йил мобайнида суд орқали талаб қилишга ҳақли, ушбу Кодекснинг 229-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулки унинг ворислари томонидан учинчи шахсларга сотилган бўлиб, бу шахслар харид нархини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом тўламаган бўлсалар, бу ҳолда тўланмаган суммани талаб қилиш ҳуқуқи қайтиб келган фуқарога ўтади.

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни ҳақ тўлашни назарда тутадиган битимлар асосида олган шахслар мол-мулкни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг тирикчилигини била туриб сотиб олганликлари исботланса, улар фуқарога бу мол-мулкни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мулкни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, унинг қиймати тўланади.

Агар вафот этган деб эълон қилинган шахснинг мол-

мулки мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган ва сотиб юборилган бўлса, фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин унга мол-мулкни сотишдан тушган пул қайтариб берилади.

38-модда. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш

Қуйидаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак:

- 1) туғилиш;
- 2) никоҳдан ўтиш;
- 3) никоҳни бекор қилиш;
- 4) фарзандликка олиш;
- 5) оталикни белгилаш;
- 6) исмни ўзгартириш;
- 7) фуқаронинг вафот этиши.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органлари томонидан фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш дафтарига (ҳужжатлар дафтарига) тегишли ёзувларни киритиш ҳамда шу ёзувлар асосида фуқароларга гувоҳномалар бериш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини тузатиш ва ўзгартириш етарли асослар бўлса ҳамда манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаса, фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса ёки фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи ёзувни тузатиш ёки ўзгартиришни рад этса, низо суд томонидан ҳал қилинади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини бекор қилиш ва тиклаш фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи томонидан суд қарори асосида амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этувчи органлар, бу ҳужжатларни қайд этиш тартиби, фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини ўзгартириш, тиклаш ва бекор қилиш тартиби, ҳужжат дафтарлари ва гувоҳномаларнинг шакллари, шунингдек ҳужжатлар дафтарларини сақлаш тартиби ва муддатларини белгиловчи органлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3-бобга шарҳлар

Олдинги Кодексларда “гражданилар” деган сўз ўзбек тилига таржима қилинмаган эди, биринчи марта Кодексда “фуқаролар” деган сўз ишлатилди. Шу туфайли Кодекс ҳам “Гражданлик кодекси” эмас, “Фуқаролик кодекси” деб номланди.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда фақат Ўзбекистон фуқаролари эмас, шунинг билан бирга бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тушунилади ва фараз қилинади. Чунки агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Кодекснинг қоидалари барча фуқароларга нисбатан, уларнинг қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, баб-баравар қўлланиши назарда тутилади (16-м.).

Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати, яъни мақоми Кодексда уларнинг фуқаролик қонунлари билан тартибга солинадиган муносабатларда иштирокчи сифатида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатига эга бўлиши билан белгиланади (17-м.). Ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш фуқаро учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқ лаёқати ўзининг аҳамияти билан ва ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилиниши билан фуқарога тегишли бўлган муайян субъектив ҳуқуқ эканлигидан дарак беради (Кодекснинг 23-м.).

Ҳуқуқ лаёқати ҳажм жиҳатдан унга мувофиқ вужудга келиши мумкин бўлган субъектив ҳуқуқдан фарқ қилади. Субъектив ҳуқуқ умумий қоидага биноан ҳуқуқ лаёқатига нисбатан қисқа ҳажмга эга. Ҳар бир фуқарога мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиш учун имконият берилади. (Кодекснинг 18-м.), лекин ҳар ким ҳам бундай ҳуқуқларнинг ҳаммасига тўла ҳажмда эга эмас. Масалан, ҳар бир шахс ижодий ёки тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга, лекин ҳамма ҳам бундай ҳуқуқларни амалга оширмайди.

Ҳуқуқ лаёқатига мувофиқ субъектив ҳуқуқлар муайян юридик фактлар (ҳаракатлар, ҳодисалар) юз бериши билан вужудга келади (Кодекснинг 8-м.) Масалан, фуқаронинг тад-

биркорлик фаолияти билан шуғулланишга бўлган субъектив ҳуқуқи унинг ҳуқуқ лаёқатига мувофиқ ва муайян юридик фактнинг юз бериши, яъни у тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади (Кодекснинг 24-м.)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан Кодекснинг 17-моддасида барча фуқаролар учун, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар баб-баравар ҳуқуқ лаёқати назарда тутилади. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқ лаёқатига эга (Кодекс 2-моддасининг 3-м). Уларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тааллуқли бўлган мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар берилади. Лекин уларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган ҳуқуқлардан ташқари, яъни бошқа қўшимча ҳуқуқ берилмайди. Масалан чет эл фуқаросига унинг ўз мамлакатида берилган ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасида унга берилмайди. Шунингдек агар чет мамлакат қонунлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари чекланган бўлса, унга жавоб сифатида ўша мамлакат фуқароларининг ҳуқуқлари ҳам Ўзбекистон Республикасида реторсия тартибида чекланади (Кодекснинг 1167-м.)

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати унинг туғилиши билан вужудга келади. Баъзан қонун ҳали туғилмаган, лекин туғилиш арафасида бўлган шахснинг ҳам фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олади. Масалан, мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари қонун бўйича ворислар жумласига киради (Кодекснинг 1135-м.).

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати инсоннинг тирик бўлиши билан узвий боғлиқ. Инсон тирик экан, у фуқаролик ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Унинг вафоти билан фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ҳам тугайди. Фуқаронинг вафот этганлиги унинг

фақат ҳақиқий ўлими эмас, шунингдек унинг вафот этган деб эълон қилиниши билан ҳам тан олинади.

Ҳозирги даврда фуқаролар иштирокида вужудга келадиган муносабатлар характерининг ўзгариши ва доирасининг анча кенгайиши натижасида уларнинг одатдаги ҳуқуқий мақомига муҳим ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Кодекснинг 18-моддасига асосан **фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати мазмун жиҳатдан ўзгарди**, улар олдинги чеклашлардан озод бўлди, энди улар фақат ўзларининг шахсий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга, юридик шахслар ташкил этишга ва улар билан биргаликда умумий мулк ҳуқуқига эга бўлишга ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига фақат ўз меҳнатини эмас, балки ёлланма меҳнатни ҳам жалб қилиб, фойдаланиш ва бунинг учун ишлаб чиқаришда керакли бўлган қуролларга эга бўлиш каби ҳуқуқларга эришди. Қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкинлиги фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатини белгилашда муҳим ўзгариш кашф этди.

Кодексга **фуқаронинг исми** ҳақида янги қоида киритилди (19-модда). Чунки фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида у ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади. Исмни ўзгартиришга йўл қўйилади. Аммо бундай ўзгартириш ушбу моддада назарда тутилишича, аввалги исм билан олинган ҳуқуқ ва бурчларни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Демак, кредиторнинг исми ўзгариши билан қарздор қарздан озод бўлмайди, шунингдек унинг тескараси юз берган тақдирда ҳам. Лекин бундай ўзгариш ҳақида улар бир-бирларини тезда хабардор қилишлари керак, акс ҳолда айбдор томон салбий оқибатлар хавфини ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Бошқа шахс исмидан тегишли ваколатсиз фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчлар олишга йўл қўйилмайди. **Исмни ҳимоя қилиш** ҳақида ҳам қоида белгиланди (20-модда). Бунга кўра бировнинг исмидан гайриқонуний равишда фойдаланган ва манфаат кўрган шахс бу ҳақда тегишли тартибда тан олиши, агар бунинг

натигасида исм эгаси зарар кўрган бўлса, зарарни тўлаши, қасддан фойдаланган бўлса нафақат моддий зарар, шунинг билан бирга маънавий зарарни ҳам қоплаши лозим. Энг муҳими шундан иборатки, исмини, шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи фақат жабрланган шахсга эмас, балки унинг ҳаёт даврида ва шунингдек ўлимидан кейин бошқа оилавий манфаатдор шахсларга ҳам берилди.

Нафақат доимий, шунингдек кўпроқ яшаб турган жойи ҳам **фуқаронинг яшаш жойи** деб ҳисобланди (21-модда). Бу муҳим аҳамиятга эга. Чунки, 33-моддага мувофиқ бедарак йўқолган деб топиш учун унинг яшаш жойида (доимий яшаш жойида дейилмаган) бир йил давомида маълумотлар бўлмаган бўлиши керак. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг яшаш жойини белгилашда махсус қоида белгиланди.

Фуқаронинг доимий яшаш жойи деб, унинг давр тақозоси билан турли узрли сабабларга кўра жамоатчилик томонидан тан олинган, расмий равишда ўрнашиб олган, уй-жой қилиб туриб қолган жойига айтилади. Фуқаронинг асосан, яъни кўпроқ яшаб турган жойи деб, унинг доимий яшаш жойида эмас, балки бошқа жойларга нисбатан кўпроқ яшаган, бошқа жойларда қанча вақт давомида яшаб турган бўлишидан қатъи назар, у турли сабабларга кўра, масалан меҳнат вазифасини бажариши туфайли маълум бўлган бошқа жойда яшаб турган жойига айтилади.

Вояга етган шахслар яшаш жойини ўз ихтиёрлари билан танлайдилар. Турар жой танлашга бўлган эркинлик инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан иборат. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-м.).

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар)нинг ёки руҳий касаллиги ва ақли заифлиги туфайли суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар (Кодекснинг 30-м)нинг яшаш жойи уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшаб турган жойи билан белгиланади. Агар кичик ёшдаги болаларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилар бошқа-бошқа жойда яшаб турган бўлсалар, боланинг яшаш жойи у ота-оналари-

дан, фарзандликка олувчиларидан қайси бири билан яшаб турган бўлса, ўша жой унинг яшаб турган жойи деб ҳисобланади.

Фуқаронинг яшаб турган жойини белгилаш муҳим юридик аҳамиятга эга. Кўпгина ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларининг вужудга келиши муносабатларда қатнашувчиларнинг яшаб турган жойи билан боғлиқ. Масалан, пул билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича уларнинг бажарилиш жойи умумий қоидага биноан кредитор яшаб турган жой, бошқа мажбуриятлар бўйича уларнинг бажарилиш жойи, агар қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, қарздор яшаб турган жой ҳисобланади (Кодекснинг 246-м.). Мерос очилиш жойи мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли мулк ёки унинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Тўла ҳажмда муомала лаёқатига ўн саккиз ёшга тўлган эга бўлиш, бу ёшга етмасдан қонунга асосан никоҳдан ўтган шахсни муомала лаёқатига эга деб ҳисоблаш ҳақидаги олдинги қонунларда ўрнатилган қоида сақланиб қолинди. Лекин **никоҳ бекор қилинган тақдирда** тўла лаёқатга эга эканлигининг **сақлаб қолиниши**, бундай лаёқатнинг йўқолиши фақат суд томонидан ҳал қилиниши ҳақида янги қоида белгиланди (22-модда).

Аввалги 1963 йил Кодексига биноан муомалага лаёқатли бўлган фуқаро ўзига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни шахсан ўз ҳаракатлари билан амалга ошириши мумкинлиги назарда тутилмаган эди. Бу камчилик янги Кодексда ҳисобга олинди. Чунки мустақил равишда ҳуқуққа эга бўлиш имкониятига эга бўлган шахсни ушбу ҳуқуқни мустақил амалга ошириш имкониятидан маҳрум қилиш тўғри бўлмас эди.

Фуқарода ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятига баҳо бера билиш, улар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниш қобилияти унинг вояга етиши билан боғлиқ. Фуқаронинг бундай қобилияти Кодекснинг 22-модда-

сида умумий қоида сифатида назарда тутилади. Лекин ушбу қоидани истисно тариқасида Кодексда баъзи ҳолларда вояга етмаган шахсларга ўз ҳаракатлари билан ҳуқуққа эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти назарда тутилади (Кодекснинг 27, 29-м.м). Масалан улар бундай ҳуқуқларни фан, адабиёт, санъат, ихтиро ва бошқа интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан амалга оширишлари мумкин.

Фуқаронинг ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятига ва натижаларига тушуниш қобилияти унинг руҳий жиҳатдан соғлом, ақли расо бўлишига ҳам боғлиқ. Бундай сифатларга эга бўлмаган фуқаролар муомалага лаёқатсиз деб ҳисобланадилар (Кодекснинг 30-м.).

Вояга етмаган фуқаролар учун фуқаролик ҳуқуқларини келтириб чиқариш, яъни уларга эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, мажбуриятларни олиш ва уларни бажаришга оид юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни вояга етмаганлар номидан уларнинг қонуний вакиллари амалга оширади (Кодекснинг 29, 30-м.м).

Фуқаролик муомала лаёқати ҳуқуқ лаёқати каби ўзига хос субъектив ҳуқуқдан иборат. Ушбу субъектив ҳуқуқ муомала лаёқатига эга бўлган шахс томонидан маълум хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинлигидан дарак беради. Фуқарога субъектив ҳуқуқдан бошқа шахсга зарар етказишда фойдаланишига, уни бошқача шаклда суиистеъмол қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўйилмайди (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-м. ва Кодекснинг 9-моддасининг 5-қ.).

Қонун билан белгиланган шартлар ва тартибга риоя қилинмасдан фуқаронинг **ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга** қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар ҳақиқий деб ҳисобланмайди (Кодекснинг 23-м.). Уларни маълум даражада чеклашга конституцион тузумни, ахлоқий қоидаларни, кишиларнинг ҳаёти, соғлиғи, уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

мақсадида фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан йўл қўйилади.

Фуқаро айрим ҳолларда қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини амалга оширишдан чекланган бўлиши мумкин (Кодекснинг 27, 30, 31-м.м.). Лекин у ҳеч вақтда ушбу ҳуқуқлардан тўла равишда маҳрум қилинмайди. Масалан, фуқаро маълум шароитда ўзига тегишли мулккий ҳуқуқни ўз хоҳиши билан амалга оширишдан чекланган бўлиши (Кодекснинг 31-м.) ёки айрим турдаги мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлиши мумкин. Бундай чеклашларнинг тартиби ва унинг асосида вужудга келадиган оқибатлар барча ҳолларда қонун билан белгиланади. Масалан, мол-мулк қонунга асосан (Кодекснинг 199-м.) олиб қўйилса, унинг қийматини мулкдорга тўлаш назарда тутилади. Кодексда мол-мулкни мажбурий тартибда олиб қўйиш ҳоллари ҳам назарда тутилади (Кодекснинг 193, 194, 195, 196-м.м.). Фуқаро маъмурий ҳуқуқ, жиноий ҳуқуқ нормаларига биноан, айрим лавозимларни бажаришдан, фаолият билан шугулланишдан ёки шахсий эркинликдан маҳрум этилган бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга қаратилган давлат органининг тегишли ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб ҳисобланишига алоҳида эътибор берилади. Масалан, фуқарога қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишни давлат органининг ҳужжати билан ман этишга йўл қўйилмайди. Давлат органининг бундай ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш Кодекснинг 12-моддасига асосан суд тартибида амалга оширилади. Суд учун фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган ҳужжатнинг қонун билан белгиланган шартлар ва тартибга мос эмаслиги асос ҳисобланади.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлиги қонун билан белгиланади. Фуқаро улардан умумий қоидага биноан тўла ёки қисман воз кечиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунингдек уларнинг тортиб олдинишига ҳам йўл қўйилмайди. Фуқаро ўзига тегишли субъектив ҳуқуқни тасарруф этиши мумкин, лекин ўз хоҳиши билан ҳуқуқ лаёқатидан воз кеча олмайди. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган ҳаракатлар, битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб тан олинади. Ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга ёки ундан воз кечиш мумкинлигига фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Ўтмишда социалистик жамият учун ёт ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун эндиликда кенг имкониятлар яратилди. Мамлакатда хусусий мулкнинг таркиб топиши хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун иқтисодий шароит туғдирди. Кодекснинг 24-моддасига биноан фуқаро **якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш** ҳуқуқига эга бўлди. Бундай тадбиркорлик мулкӣ муносабатларда фойда олиш мақсадида ҳар бир шахс ўз номидан таваккалига фаолият кўрсатишидан иборат. Тадбиркор кредиторлари олдида ўз қарзлари бўйича нафақат тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ мол-мулк ҳисобидан, шунингдек ўзига тегишли бошқа мол-мулклари билан ҳам жавоб беради.

Тадбиркорлик фаолияти билан 18 ёшга тўлган ва бу ёшга тўлмасдан никоҳдан ўтган ёки вояга етмасдан 16 ёшдан эмансипация қилинган, яъни тўлиқ муомалага лаёқатли деб тан олинган фуқаролар шуғулланишлари мумкин. 14 ёшдан 18 ёшгача ёки спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш натижасида муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар тадбиркорлик фаолияти билан қонуний вакиллари - ота-она, фарзандликка олувчилар ёки васийларининг розилиги билан шуғулланишлари мумкин.

Аваллари юридик шахсни ташкил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқаро ёлланма меҳнатни жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Ҳозир мазкур Кодекс 26-моддасининг 3-қисмига ва 56-модданинг 1-қисмига мувофиқ ёлланма меҳнатни жалб қилишга рухсат берилади.

Фуқаронинг тадбиркорлик ҳисобланган фаолият давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Якка тартибдаги тадбиркорлик давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин фуқарога тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳуқуқ берилади.

Мазкур модданинг 3-қисмида юридик шахс ҳосил этмасдан якка тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқаролар (тадбиркорлар) билан муносабатларда бўладиган бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини белгилаш ва уларни ҳимоя қилишга оид қоидалар назарда тутилади. Бундай фуқаролар (тадбиркорлар) ўзлари тузган битимлари хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишига ва жавобгарликдан озод бўлишга ҳақли эмас. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” 1996 йил 26 апрелдаги Қонунга асосан товар ишлаб чиқарувчига (сотувчига) товар ҳақида харидорга тегишли маълумотларни берish вазифаси, товарнинг нуқсонлари туфайли етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбороти, 1996, N 5-6).

Рўйхатдан ўтказмасдан тадбиркорликни амалга оширувчи шахс томонидан тузилган битимларга нисбатан ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар татбиқ қилинади. Бундай шахснинг айбдор бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлиши (Кодекс 333-моддасининг 3-қ.), оммавий шартнома (Кодекснинг 358-м.), мажбурият бўйича истеъмолчи олдида жавобгарликни чеклашга йўл кўйилмаслиги (332-м.) ҳақидаги қоидалар қўлланиши мумкин.

Ўз фаолиятини тадбиркорлик сифатида рўйхатдан ўтказган фуқаролар ва улар билан юридик шахслар ўртасидаги низолар хўжалик судларида кўрилади. Фуқаролар иштирокида, рўйхатдан ўтказилмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган низолар хўжалик судида кўрилмайди.

Низоларни ҳал қилишда хўжалик суди, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тар-

тиб англашилмаса (Кодекснинг 24-моддасининг 2-қ.) суд Кодексининг тижорат ташкилотларидан иборат бўлган юридик шахс фаолиятини тартибга солишга оид қоидаларига амал қилади.

Ўз фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказмаган фуқаро, ушбу фаолият билан шуғулланишидан қатъи назар, тадбиркор деган мақомга эга бўлмайди. Улар иштирокидаги, шунингдек уларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ низолари умумий суд ваколатига тааллуқли низолар ҳисобланади. Бундай низоларни ҳал қилишда суд томонидан Кодекснинг тадбиркорлик билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидалари қўлланиши мумкин.

Фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан **ўзига қарашли бўлган бутун мол-мулки билан жавобгар бўлади**. Лекин бундай жавобгарлик фуқаронинг айрим қонунда назарда тутилган мол-мулкига нисбатан жорий қилинмайди. (25-м.). Бундай қоида аввалги Гражданлик кодексига ҳам назарда тутилиб, суд органлари фуқаронинг мулкига нисбатан ундирувни Гражданлик процессуал кодексининг 405-моддасига асосан амалга оширарди.

Фуқаронинг мажбуриятлари юзасидан ундирув унинг шахсий мулкига, умумий мулкдаги ҳиссасига, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкига, деҳқон (фермер) хўжалигининг умумий мулкига қаратилиши мумкин. Агар тўлиқ ёки коммандит ширкат иштирокчиси бўлган фуқаронинг шахсий мажбуриятлари юзасидан қарзини узиш учун мол-мулки етарли бўлмаса, ундирувни тўлиқ ёки коммандит ширкати мулкидаги унинг ҳиссасига қаратилишига йўл қўйилади (Кодекснинг 60, 61-м.м.). Шунга ўхшаш қоида деҳқон (фермер) хўжалик мулкидаги ҳиссага бўлган ҳуқуққа нисбатан қўлланиши мумкин.

Агар фуқаронинг қарзини унинг даромадларидан (иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқа даромадлар) ундиришнинг иложи бўлса, ундирувчи барча ҳолларда фуқаронинг

мол-мулкига нисбатан қаратиш шарт эмас. Бунинг учун ундирувнинг миқдори иш ҳақининг ёки бошқа даромадларнинг қонунда белгиланган фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Фуқаронинг ва унинг қарамоғида бўлган шахсларнинг моддий-маиший эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ундирув уларнинг қундалик ҳаёти учун зарур бўлган мол-мулкига нисбатан қаратилмайди. Бундай мол-мулкларнинг рўйхати Гранданлик процессуал кодексига қилинган Иловала (N1) назарда тутилган.

Кодексда якка **тадбиркорнинг ночор, яъни банкрот** деб эълон қилиниши сабаблари ва унинг оқибатлари белгиланади (26-м.).

Якка тадбиркорнинг суд томонидан банкрот деб топилиши ёки унинг ўзини ўзи банкрот деб расмий равишда эълон қилиши 1994 йил 5 майдаги “Банкротлик тўғрисидаги” Қонунда назарда тутилган асослар ва тартибга мувофиқ амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994, N 5). Мазкур Қонуннинг кириш қисмига биноан унда назарда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан бошқа давлатлар хўжалик юритиш субъектларининг мулкий муносабатларига нисбатан татбиқ этилади. Демак, қонун қоидалари нафақат юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган, шунингдек рўйхатдан ўтказилган якка тадбиркор фаолиятига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Қонун давлат бюджетидаги корхоналарга (ташкилотларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Банкрот бўлган тадбиркорлар кредиторларининг талаблари унга қарашли сотилган мол-мулкнинг ҳисобидан ундирилади. Бундай ундирув Кодекснинг 25-моддасига мувофиқ қарздорнинг барча мулкига нисбатан қаратилмайди. Кредиторнинг талабларини ундириш тартиби ва навбати мазкур Кодекснинг 56-моддасида батафсил назарда тутилади.

Банкрот деб эълон қилинган тадбиркор қарзлари бўйича ўз кредиторлари билан ҳисоб-китобни ниҳоясига етказгач, бошқа тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча қарзларидан озод бўлади. Тадбиркор банкрот деб топилиши жараёнида ҳисобга олинган, лекин мол-мулки етишмаганлиги туфайли уларни тўлаш учун имконияти бўлмаган бошқа қарзларидан ҳам озод бўлади. Аммо тадбиркор унинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари юзасидан вужудга келган қарзларидан у банкрот деб эълон қилинганидан кейин ҳам озод бўлолмайди (мазкур модданинг 2-қ.).

Якка тадбиркорни банкрот деб топиш билан боғлиқ ишлар хўжалик судига тааллуқли. Бунда низоларни кўриб чиқиш жараёнида кредиторлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлар юзасидан талабларини ҳам қўзғатишлари мумкин (масалан, фуқаронинг ҳаётига, соғлиғига, мулкига, юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар, алиментларни ундиришга оид талаблар). Тадбиркорни банкрот деб топган хўжалик суди, унинг мол-мулкидан барча кредиторларнинг талабларини ундиришни ҳал қилади. Якка тадбиркор банкрот сифатида хўжалик суди ажримига асосан тан олингандан кейинги унинг ишгиригида вужудга келган барча низолар умумий суд ваколатига тааллуқлидир.

Вояга етмаганларнинг муомала лаёқати ҳақида жиддий ўзгариш юз берди. Вояга етмаганларнинг ёши 15 дан 14 ёшга камайтирилди. **14 ёшга етиши** билан вояга етмаганлар мустақил равишда ёки ота-оналари ва васийларининг розилиги билан битимлар тузиш ва улар бўйича **жавоб бериш** имкониятларига эришди (27-модда). Вояга етмаганларга нисбатан эмансипацияга йўл қўйилди. Вояга етмаган шахсларни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилишни (**эмансипация**) отананинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ, агар бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга ошириш назарда тутилди (28-модда).

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болаларнинг майда маиший битимлари, текин манфаат қўришга қаратилган, нотариал тартибда тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар, қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад учун ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф борасидаги битимлар ва ушбу битимлар бўйича жавобгарликка оид қоидалар белгиланди (29-модда).

27-модданинг иккинчи қисмида 14 ёшга тўлган вояга етмаган болалар томонидан қонуний вакиллари - ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва ҳомийларининг розилигисиз мустақил равишда амалга оширишлари мумкин бўлган ҳаракатлар, ҳуқуқлар ва битимлар назарда тутилади. Улар бошқа ҳаракат, ҳуқуқ ва битимларни бу ёшдаги болалар қонуний вакиллариининг розилиги билан амалга оширишлари мумкин.

Аввалги фуқаролик қонун ҳужжатларида қонуний вакиллариининг розилиги қандай шаклда ифодаланган бўлиши аниқ кўрсатилмаган эди. Янги Кодексда бундай камчилик бартараф қилинди, энди розилик ёзма равишда ифодаланган бўлиши керак. Ушбу тартибга риоя қилинмаган ҳолда, вояга етмаган бола фойдасига унинг вакили томонидан тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (Кодекс 118-моддасининг 1-қ.). Лекин қонуний вакиллариининг розилигисиз тузилган битим кейинчалик улар томонидан ёзма равишда маъқулланса, бундай битим ҳақиқий деб тан олинishi мумкин.

14 ёшга тўлган вояга етмаганлар мустақил равишда ёки қонуний вакиллариининг розилиги билан тузган битимлари юзасидан шахсан ўзлари жавоб берадилар. Етказилган зарар учун ҳам умумий қоидага мувофиқ уларнинг ўзлари жавоб берадилар. Лекин зарарни қоплаш учун улар мол-мулкининг ёки иш ҳақининг етишмай қолган қисми миқдоридан уларнинг қонуний вакиллари субсидиар тартибда жавобгар бўладилар (Кодекснинг 329-м.).

Кодексда қатор янги қоидалар мавжуд. Улардан биринчиси, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқларини суд тартибида чеклаб қўйишдан иборат. Ўтмишда бундай масалаларни васийлик ва ҳомийлик органлари ҳал қиларди. Иккинчиси, бундай чеклашни кимларнинг аризасига биноан ҳал қилиниши аниқ кўрсатилди. Ўтмишда бундай масала қонуний вакиллар билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг аризасига биноан кўриларди. Учинчиси, ҳуқуқдан чеклаш ёки маҳрум қилишга йўл қўйилмайдиган ҳоллар назарда тутилди. Масалан 18 ёшга тўлмасдан никоҳдан ўтган ва шу туфайли тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган (Кодексни 22-моддасининг 2-қ.) ва эмансипация (Кодекснинг 28-м.) қилинган шахслар иш ҳақини тасарруф қилиш ҳуқуқидан чекланмайдилар.

Ўтмишда вояга етмаганларни муомалага лаёқатли деб фақат битта сабабга кўра, яъни 18 ёшга тўлмаган шахсни никоҳдан ўтиши билан тан олинарди. Энди Кодекснинг 28-моддасига мувофиқ яна иккита сабаб, яъни агар 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган бўлса, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомала лаёқатига эга деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни муомалага лаёқатли (эмансипация) деб тан олиш учун 28-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ отасининг ва онасининг ёки фарзандликка олувчиларнинг ҳар бирининг розилиги бўлиши талаб қилинади. Агар бундай розилик бўлмаса, ушбу масала вояга етмаганнинг аризасига биноан суд тартибида ҳал қилинади. Тегишли қарор қабул қилиниши билан вояга етмаган эмансипация қилинган деб ҳисобланади. Эмансипация қилинган шахс ўз мажбуриятлари юзасидан шахсан ўзи тўлиқ ҳажмда жавоб беради, қонуний вакиллари жавобгар бўлмайдилар.

14 ёшга тўлмаган вояга етмаган (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни (Кодекс 28-моддасининг иккинчи

қисмида кўрсатилган битимлардан ташқари) уларнинг номидан фақат ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки вассийлари тузиши мумкин. Ўтмишда 14 ёшга тўлмаган болалар қанча ёшдан бошлаб тегишли бўлган битимларни тузишлари мумкинлиги аниқ белгиланмаган эди. Ушбу модданинг иккинчи қисмига биноан 6 ёшдан деб тан олинди. Демак, болалар 6 ёшга тўлгунга қадар улар учун барча битимларни уларнинг қонуний вакиллари тузади, 6 ёшдан 14 ёшга тўлгунга қадар 29-модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган битимлардан бошқаларини уларнинг номидан қонуний вакиллари тузади. 29-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган кичик ёшдаги болаларга мустақил равишда майда маиший битимларни; текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимларни; қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни тузишлари мумкин.

Кичик ёшдаги болалар томонидан тузилган битимлар юзасидан, ушбу битимлар мустақил равишда тузилган бўлишидан қатъи назар, мулкый жавобгарлик уларнинг қонуний вакилларига юклатилади. Бундай жавобгарликдан озод бўлишлари учун улар болалар томонидан мажбурият бажарилмаганлигида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олишлари керак. Агар исботлай олмасалар, болаларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан етказилган зарар учун жавобгар бўладилар.

Ёшдан қатъи назар, яъни қисман муомалага лаёқатли ёки тўла ҳажмда лаёқатли, вояга етган ёшдаги фуқаролар қонунда назарда тутилган асосларга кўра ва тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин (Кодекснинг 30-м.).

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилиши учун асосий сабаб унинг ўз хатти-ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаслигидан ёки уларни бошқара олмаслигидан иборат. Бундай ҳолат фуқаронинг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги

туфайли юз бериши мумкин. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш қонунда белгиланган тартибда ва фақат суд тартибида ҳал қилинади. Бундай фуқаронинг номидан битимларни унинг васийси амалга оширади. Муомалага лаёқатсиз деб топилиши учун асос бўлган сабаблар тугагач, суд ўз қарори билан фуқарони муомалага лаёқатли деб топади ва унга тайинланган васийликни бекор қилади.

Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш (Кодекснинг 31-м.) учун асосий сабаб унинг спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйишидан иборат.

Муомала лаёқатини чеклаш ва уни бекор қилиш тартиби билан фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тартиби ўртасида ўзаро ўхшашлик мавжуд. Лекин улар бир-биридан фарқ ҳам қилади. Масалан: а) агар муомалага лаёқатсиз деб топиш учун суд томонидан тиббий экспертиза тайинланиши зарур бўлса, муомала лаёқатини чеклаш учун бундай экспертизанинг ҳожати йўқ; б) муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни суд мажлисига чиқариш шарт эмас, муомала лаёқати чекланган шахснинг иши суд мажлисида албатта унинг иштирокида кўрилиши керак; в) муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни муомалага лаёқатли деб тан олиш учун судга ариза билан унинг оила аъзолари, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, тиббий муассаса мурожаат қилишлари мумкин. Муомала лаёқатини чеклашни бекор қилиш учун судга ариза билан муомала лаёқати чекланган шахснинг ўзи мурожаат қилиши мумкин.

Барча битимлар, жумладан ҳомийнинг рухсати билан тузилган битимлар юзасидан муомала лаёқати чекланган шахснинг ўзи жавобгар бўлади.

Ҳуқуқ назарияси бўйича **васийлик ва ҳомийлик** оила ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан ташкил топган биргаликдаги институт сифатида тан олинади. Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш асо-

сан Никоҳ ва Оила кодекси нормалари воситасида амалга оширилади. Шунинг билан бирга Фуқаролик кодексига ҳам васийлик ва ҳомийликка оид тегишли қоидалар мавжуд (Кодекснинг 32-м.). Бундан асосий мақсад муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомалага лаёқатига қисман эга бўлган, шунингдек муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни янада мустаҳкам таъминлашдан иборат.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасиз қолган ёки уларнинг ёрдамидан, ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқӣ воситаларидан иборат. Бундай воситадан асосан болаларнинг ота-оналарини вафот этиши ёки суд томонидан ўлган деб эълон қилиниши (Кодекснинг 36-м.) ёки бедарак йўқолган деб топилиши (34-м.), суд томонидан уларнинг муомалага лаёқатсиз деб топилиши (30-м.), ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ҳолларда фойдаланилади.

Васийлик муомалага тўлиқ лаёқатсиз бўлган, яъни 14 ёшга тўлмаган (кичик ёшдаги болалар) ва руҳий касаллиги туфайли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади (Кодекснинг 29, 30-м.м.).

Ҳомийлик тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлмаган, яъни 14 ёшдан 18 ёшгача вояга етмаганлар ёки вояга етган бўлса-да, лекин спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиши натижасида муомала лаёқатидан чекланган шахсларга нисбатан белгиланади (Кодекснинг 27, 31-м.м.)

Васий ҳамда ҳомий уларга қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмуни ва аҳамияти билан биридан фарқ қилади. Масалан, васий ишончнома асосида эмас, балки бевосита қонунга мувофиқ васийлигида бўлган шахснинг номидан юридик аҳамиятга эга бўлган барча ҳаракатларни бажаради, битимлар тузади. Ҳомий ўз ҳомийлигидаги шахслар томонидан мустақил равишда тузишлари

мумкин бўлган битимларни тузишлари учун розилик беради, улар томонидан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришлари учун ёрдам ва маслаҳат беради, уларнинг ҳуқуқларини учинчи шахслар томонидан суиистеъмол қилишликдан ҳимоя қилади.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш, бу тўғрида қабул қилинган қарорни бекор қилиш ва унинг оқибатига бағишланган (Кодекснинг 33, 34, 35-м.м.) қоидаларни Кодексда назарда тутилишидан асосий мақсад бедарак йўқолган фуқаронинг қарамоғида бўлган ва моддий жиҳатдан ёрдамга муҳтож шахсларнинг қонуний манфаатларини, шунингдек бедарак йўқолган фуқаронинг ўзига тегишли бўлган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдан, унинг кредиторларининг талабларини қонун йўли билан қаноатлантиришдан иборат.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш, бу тўғрида қабул қилинган қарорнинг бекор қилиниши ва унинг оқибатлари тўғрисида 1963 йилдаги Кодексда (18, 19, 20-м.м.) назарда тутилган қоидалар янги қабул қилинган Кодексда деярли сақланиб қолинди.

Фуқаронинг **вафот этган деб эълон қилиниши** ва унинг қайтиб келишининг оқибатлари (Кодекснинг 36, 37-м.м.) тўғрисидаги 1993 йилдаги Кодексда (21, 22-м.м.) назарда тутилган қоидалар янги Кодексда деярли сақланиб қолинди. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш учун судга ариза бериш ва бу ҳақда ишни судда кўриш тартиби фуқарони бедарак йўқолган деб топишдан фарқ қилмайди. Уларнинг асосий фарқи фуқарони вафот этган деб эълон қилиниши ёки бедарак йўқолган деб топилиши учун асос бўладиган сабаблардан, белгиланган муддатлардан ва бунинг натижасида вужудга келадиган ҳуқуқӣ оқибатлардан иборат.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилишдан унинг ҳақиқӣ ўлимини (факт смerti) суд тартибида тасдиқлаш бир-биридан фарқ қилади. Юридик аҳамиятга эга бўлган ҳақиқатни (фактни), яъни шахснинг ҳақиқӣ ўлимини суд

томонидан тасдиқлашга фақат фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд қилиш органи томонидан рад этилган вақтдагина йўл қўйилади.

Вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги процессуал масалаларга тегишли қоидалар Фуқаролик процессуал Кодексининг 278-283 моддаларида белгиланган.

Агар вафот этган деб эълон қилинган шахс ҳозир бўлса ёки унинг қаердалиги маълум бўлса, бу ҳақдаги суднинг ҳал қилув қарори янги ҳал қилув қарори билан бекор қилинади. Бу янги ҳал қилув қарори фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд қилиш дафтари фуқаронинг вафоти ҳақида ёзилган ёзувни бекор қилиш учун асос бўлади (Фуқаролик процессуал кодексининг 283-м.)

37-модданинг 2, 3, 4 қисмлари вафот этган деб эълон қилинган шахснинг ҳозир бўлганида ёки унинг қаердалиги маълум бўлганида келиб чиқадиган мулкый оқибатларни белгилайди. Ушбу моддага асосланиб мулкни қайтариш тўғрисида даъво қўзғатилганида мазкур Кодекснинг 150, 152, 153, 154-моддалари татбиқ этилади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш фуқаро ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Давлат томонидан аҳамият берилган ҳолатларнинг рўйхати Кодекс 38-моддасининг биринчи қисмида берилган. Булар: туғилиш, никоҳдан ўтиш, никоҳни бекор қилиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исмни ўзгартириш ва фуқаронинг вафот этишидан иборат. Буларнинг ҳар бири ўзларига хос ҳуқуқий табиати билан юридик факт ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини вужудга келишини, ўзгаришини, бекор бўлишини қонун юридик фактларнинг содир бўлиши, рўй бериши билан боғлайди. Улардан бир турлари (туғилиш, вафот этиш) ҳодисалар, бошқалари эса ҳаракатлар (никоҳдан ўтиш ва уни бекор қилиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, исмни ўзгартириш) сифатида вужудга келади. Буларнинг ҳаммаси фуқаронинг шахсий ҳаёти билан узвий боғ-

лик, шахснинг фуқаролик ҳолатини, яъни унинг ҳуқуқий мақомини тавсифловчи омиллардан ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этишнинг умумий қоидалари ва тартиби Оила кодексининг 6-бўлимида ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг коллегияси томонидан 1995 йил 2 ноябрда қабул қилган қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” си билан назарда тутилади.

Шарҳланмоқда бўлган модданинг 6-қисмига мувофиқ фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш тартиби, фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини ўзгартириш, тиклаш ва бекор қилиш тартиби, ҳужжат дафтари ва гувоҳномаларнинг шакллари, шунингдек ҳужжатлар дафтарларини сақлаш тартиби ва муддатларини белгилашга оид масалалар фуқаролик ҳолати ҳужжатлари тўғрисидаги Қонун билан тартибга солиниши керак.

4-БОБ

ЮРИДИК ШАХСЛАР

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

39-модда. Юридик шахс тушунчаси

Ўз мулкида, хўжалик юриртишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

40-модда. Юридик шахсларнинг турлари

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган(тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га бирлашишлари мумкин.

Юридик шахс ушбу Кодекс, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек устав ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

41-модда. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади (ушбу Кодекс 44-моддасининг тўртинчи қисми) ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади (ушбу Кодекс 55-моддасининг ўнинчи қисми).

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

42-модда. Юридик шахсларнинг вужудга келиши

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

43-модда. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари

Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса - тасдиқланади.

Ушбу Кодексга мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўргасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса - давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини ваз қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

44-модда. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагина қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим

45-модда. Юридик шахснинг органлари

Юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин.

Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

46-модда. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери

Юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа тижоратчи ташкилотларнинг

ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак.

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига ана шундай номни ёхуд давлат рамзлари элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим.

Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

Ўзга фирма номидан гайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

47-модда. Ваколатхоналар ва филиаллар

Ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

48-модда. Юридик шахсинг жавобгарлиги

Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бугун мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат корхонаси ва мулкдор томонидан молиявий таъминланадиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ушбу Кодекс 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб берадилар.

Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкининг эгаси юридик шахсинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодексда ёки юридик шахсинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар юридик шахсинг банкротлиги муассислар (иштирокчилар), юридик шахс мол-мулкининг эгаси томонидан ёки шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган ёхуд унинг ҳаракатларини белгилаш учун бошқа имкониятларга эга бўлган ўзга шахслар томонидан вужудга келтирилган бўлса, юридик шахсинг мол-мулклари етарли бўлмаган тақдирда бундай шахслар зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

49-модда. Юридик шахсни қайта ташкил этиш

Юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахсинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик

шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

50-модда. Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик

Юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ ўтади.

Юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида, қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахсе бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатиға мувофиқ янгидан вужудға келган юридик шахсға ўтади.

51-модда. Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янгидан вужудға келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш учун тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишинча топшириш ҳужжатиғи ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўқлиги янгидан вужудға келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишиға олиб келади.

52-модда. Юридик шахс қайта ташкил этилганида кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредитори шу юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар.

53-модда. Юридик шахсни тугатиш

Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

Юридик шахс қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилган тақдирда, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида, қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

51-модда. Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш учун тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишинча топшириш ҳужжатини ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўқлиги янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келади.

52-модда. Юридик шахс қайта ташкил этилганида кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредитори шу юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар.

53-модда. Юридик шахсни тугатиш

Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

Юридик шахс қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилган тақдирда, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин.

54-модда. Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган шахснинг бурчлари

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар беришлари керак, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахс тугатиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўяди.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини (тугатувчини) тайинлайдилар ҳамда ушбу Кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайдилар.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади.

55-модда. Юридик шахсни тугатиш тартиби

Тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек кредиторларни юридик шахс тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар қўйган

ғалаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкини кимошди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади.

Тугатилаётган юридик шахс кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан ушбу Кодекснинг 56-моддасида белгилаб қўйилган навбат тартибида, оралиқ тугатиш балансиға мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб амалға оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш туғанидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, уни юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Тугатилаётган давлат корхонасининг мол-мулки, тугатилаётган муассасанинг эса - пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисмини ушбу корхона ёки муассаса мулкдори ҳисобидан қондириш тўғрисида судға даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларға ёки ушбу юридик шахсға нисбатан мажбурий ҳуқуқларға эга бўлган муассисларига (иштирокчиларига), агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади.

Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

56-модда. Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш

Юридик шахс тугатилаётганида биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблари, шунингдек ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

Бошқа кредиторларнинг талаблари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда қаноатлантирилади.

57-модда. Юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги)

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор(банкрот) деб ҳисобланиши мумкин.

Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахс кредиторлар билан биргаликда ўзининг банкротлигини эълон қилиш ҳамда ихтиёрий суратда ўзини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Суднинг юридик шахсни банкрот деб ҳисоблаши ёки юридик шахснинг ўз банкротлигини эълон қилиш асослари, шунингдек бундай юридик шахсни тугатиш тартиби қонунда белгиланади.

2-§. ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

58-модда. Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўғрисидаги асосий қоидалар

Улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлар жамияти шаклида тузилиши мумкин.

Якка тадбиркорлар ва (ёки) тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахслар хўжалик жамиятларида иштирокчилар ва коммандит ширкатларда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишга ҳақли эмаслар.

Мулкдорлар томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассасалар, қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, мулкдорнинг розилиги билан хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ва коммандит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Қонун айрим тоифадаги фуқароларнинг хўжалик ширкатларида ва жамиятларида иштирок этишини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиши мумкин, очиқ акциядорлар жамиятлари бундан мустасно.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқа хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг муассислари (иш-

тирокчилари) бўлишлари мумкин, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкин.

Хўжалик жамияти иштирокчисининг қўшган ҳиссасини пул билан баҳолаш жамиятнинг муассислари (иштирокчилари) ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса - мустақил эксперт текширувидан ўтказилиши керак.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (акциядорлар жамиятидан ташқари) акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

59-модда. Хўжалик ширкати ёки жамияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

ширкатнинг ёки жамиятнинг ишларини бошқаришда қатнашиш, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ширкатнинг ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлашда қатнашиш;

ширкат ёки жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида, ширкат ёки жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари:

таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

ширкат ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Хўжалик ширкати ёки жамияти иштирокчиларининг ширкат ёки жамият таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа бурчлари ҳам бўлиши мумкин.

60-модда. Тўлиқ ширкат

Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг фирма номи унинг барча иштирокчиларининг номлари (номланиши)ни, шунингдек “тўлиқ ширкат” деган сўзларни, ёхуд бир ёки бир неча иштирокчининг “ва компания” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

61-модда. Коммандит ширкат

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Коммандит ширкатда қатнашаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ушбу Кодекснинг қоидалари билан белгиланади.

Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда ишгирокчи бўлиши мумкин эмас.

Коммандит ширкатнинг фирма номи барча тўлиқ шерикларнинг номлари (номланиши)ни, шунингдек “коммандит ширкат” деган сўзларни ёки камида битта тўлиқ шерикнинг “ва компания” деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек “коммандит ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига ҳисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай ҳисса қўшувчи тўлиқ шерикка айланади.

Коммандит ширкатга тўлиқ ширкат ҳақидаги қоидалар қўлланилади, агар бу ҳол ушбу Кодекснинг қоидаларига зид бўлмаса.

62-модда. Масъулияти чекланган жамият

Масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улусларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг ишгирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган ишгирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир ишгирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий мавқеи, унинг ишгирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

63-модда. Қўшимча масъулиятли жамият

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорларда-

ги улушларга бўлинган жамият қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номи, шунингдек “қўшимча масъулиятли” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Ушбу Кодекснинг масъулияти чекланган жамият ҳақидаги қоидалари, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўшимча масъулиятли жамиятга нисбатан қўлланилади.

64-модда. Акциядорлар жамияти

Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлар жамияти ҳисобланади; акциядорлар жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар акциядорлар жамиятининг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлар жамиятининг фирма номида жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Акциядорлар жамиятининг ҳуқуқий мавқеи ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

65-модда. Очиқ акциядорлар жамияти

Ишгирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган акциядорлар жамияти очиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади. Бундай акциядорлар жамияти ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган шартлар асосида очиқ обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли.

Очиқ акциядорлар жамияти ҳар йили йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағини барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

66-модда. Ёпиқ акциядорлар жамияти

Акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдидан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланадиган акциядорлар жамияти ёпиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади. Бундай жамият ўзи чиқарадиган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган доирадаги шахсларга бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас.

Ёпиқ акциядорлар жамияти ишгирокчиларининг сони қонун билан белгилаб қўйилган миқдордан ошмаслиги керак. Бу сон белгиланган миқдордан ошиб кетган ҳолда у бир йил ичида очиқ акциядорлар жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тамом бўлганидан кейин эса, агар акциядорлар сони белгиланган даражагача камаймаса, суд тартибида тугатилиши лозим.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёпиқ акциядорлар жамияти ушбу Кодекс 65-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

67-модда. Шубба хўжалик жамияти

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик маवқеига эга бўлган ҳолда ишгирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда

иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шубба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шубба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Шубба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди.

Асосий жамият (ширкат) айби билан шубба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Шубба хўжалик жамияти иштирокчилари (акциядорлари) асосий жамиятдан (ширкатдан) унинг айби билан шубба жамиятга етказилган зарарни тўлашни, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

68-модда. Қарам хўжалик жамияти

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади.

Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга кiritиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашишининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади.

69-модда. Ишлаб чиқариш кооперативлари

Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш

кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам ишгирок этиши назарда тутилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Кооперативнинг фирма номи кооперативнинг номи, шунингдек "ишлаб чиқариш кооперативи" деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи ва улар аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда бурчлари ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

70-модда. Унитар корхона

Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари корхона устав фондининг миқдори тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга ҳужалик юриштиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкнинг эгаси кўрсатилган бўлиши керак.

Унитар корхонани бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради.

Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Унитар корхона ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Унитар корхоналарнинг ҳуқуқий мавқеи ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

Унитар корхона мол-мулкининг эгаси корхона мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодекс 48-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бу қоида шуъба корхона таъсис этган унитар корхонанинг шуъба корхона мажбуриятлари бўйича жавобгарлигига нисбатан ҳам қўлланилади.

71-модда. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхонанинг таъсис ҳужжати унинг белгиланган тартибда тасдиқланган уставидан иборатдир.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шуъба корхона) ташкил этиши мумкин.

Муассис шуъба корхонанинг уставини тасдиқлайди ва унинг раҳбарини тайинлайди.

72-модда. Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизда оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин.

Давлат корхонасининг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат корхонасининг фирма номи унинг давлат корхонаси эканлигини кўрсатиши керак.

Давлат корхонасининг ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 178 ва 179-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлатнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

3-§. ТИЖОРАТЧИ БЎЛМАГАН ТАШКИЛОТЛАР

73-модда. Матлубот кооперативи

Иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкӣ (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Матлубот кооперативининг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг миқдори тўғрисидаги; кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларни қўшиш тартиби ҳамда уларнинг бадални қўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги; кооперативни бошқариш органларининг таркиби ҳамда ваколатлари ва улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки овозларнинг маънавий кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар тўғри-

сидаги; кооператив қўрган зарарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги.

Матлубот кооперативининг номида унинг фаолиятининг асосий мақсади қўрсатилиши, шунингдек “кооперативи” сўзи ёки “матлубот уюшмаси” ёхуд “матлубот жамияти” деган сўзлар бўлиши керак.

Матлубот кооперативининг аъзолари қўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганидан кейин уч ой мобайнида қўшимча бадаллар тўлаш йўли билан қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабларига мувофиқ суд томонидан тутатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадалнинг тўланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўладилар. Бу ҳолда кооператив аъзолари солидар жавоб берадилар.

Матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан ушбу Кодекснинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Матлубот кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи, шунингдек улар аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ белгиланади.

74-модда. Жамоат бирлашмалари

Маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб берамайдилар.

лар, мазкур бирлашмалар эса - ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

75-модда. Ижтимоий фондлар

Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкӣ бадаллар қўшиш асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни қўзлайдиган, аъзолари бўлмаган ташкилот ижтимоий фонд ҳисобланади.

Фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Муассислар ўзлари ташкил этган фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд эса - ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ижтимоий фонд мол-мулкдан ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади. Фонд ўз уставида назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Фондлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳужалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Фонд ҳар йили ўз мол-мулкидан қандай фойдалангани ҳақида ҳисобот босиб чиқаришни шарт.

Ижтимоий фондни бошқариш ва унинг органларини шакллантириш тартиби унинг уставини билан белгиланади.

Ижтимоий фонднинг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: фонднинг органлари тўғрисидаги; шу жумладан фонднинг фаолиятини назорат қилиб борувчи ҳомийлик кенгаши ҳақидаги; фонднинг мансабдор шахсларини тайинлаш ва уларни озод қилиш тартиби; фонд тугатилганида унинг мол-мулкни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги.

76-модда. Муассасалар

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга

ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молжарий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

Муассасанинг ўзига бириктириб қўйилган ва ўзи сотиб олган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ушбу Кодекснинг 178 ва 180-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

77-модда. Юридик шахслар бирлашмалари (уюшма ва иттифоқлари)

Юридик шахслар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун уюшмалар (иттифоқлар), башарти бу уларнинг устав мақсадларига зид келмаса, хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Уюшма юридик шахс ҳисобланади.

Уюшма аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Уюшма аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Уюшма (иттифоқ)нинг номи унинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга “уюшмаси” ёки “иттифоқи” сўзлари киририлган бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари белгиланиши мумкин.

78-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулкидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мавқеи қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-бобга шарҳлар

Юридик шахсларга бағишланган ушбу боб 3 параграф ва 39-78-моддалардан ташкил топади. 1-параграф умумий қоидалардан (39-57-моддалар) иборат, 2-параграф тижорат ташкилотларига (58-72-модда), 3-параграф тижоратчи бўлмаган ташкилотларга (73-80-моддалар) бағишланади. Мазкур параграфлар моддаларида юридик шахслар ҳақидаги қонунлар янгиланди ва мантиқий боғланиш жиҳатдан тартибга солинди. Бунинг натижасида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун ўтмишда белгиланган ва бозор муносабатларига ўтиш даврида қабул қилинган бир-бирига зид ва қарама-қарши, сон жиҳатдан қўп қоидаларни қўллашни чеклаш имкониятига эришилди.

Янги Кодекснинг 39-моддасида олдинги Кодекснинг 23-моддасида **юридик шахсга берилган тушунча** деярли ўзгаришсиз сақланиб қолинди. Лекин сўнги йилларда қабул қилинган қонунлар ҳисобга олинган ҳолда, юридик шахсни ифодаловчи асосий белгиларидан бири бўлган, унинг мулкий ҳуқуқига аниқлик киритилди. Олдинги 23-моддада “ўзига хос мулкка эга бўлган” ташкилот юридик шахс ҳисобланган. Лекин ушбу мулкка нисбатан юридик шахс қандай ҳуқуққа эга ва бу ҳуқуқнинг субъекти

ким эканлиги ноаниқ эди. Янги 39-моддага асосан юридик шахс ўз қўл остида бўлган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқига ёки бундй ҳуқуққа эга бўлмасдан унга нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилди.

Юридик шахс тушунчасини ифодаловчи белгиларидан асосийси - унинг қўл остидаги **мол-мулкининг алоҳида бўлиши**, яъни ўзга юридик шахсларнинг, шунингдек давлатнинг ҳам мол-мулкидан мустақил равишда ажралиб туриши ва унинг ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бўлган мол-мулк ҳисобидан жавобгар бўлишдан иборат. Юридик шахс мол-мулки алоҳида бўлишининг турлари Кодексда қуйидагича ифодаланади: а) мулкка эгалик ҳуқуқи (164, 165-м.м.), хўжалик юритиш ҳуқуқи (177-м.), оператив бошқариш ҳуқуқи (178-м.).

Кодекс 48-моддасининг 1-қисмида юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун **мол-мулки билан жавоб беради**, дейилади. Демак унинг жавоб бериши юқорида кўрсатилган учта ашёвий ҳуқуққа нисбатан қаратилган бўлиши билан чекланмайди. Баъзи юридик шахслар (айниқса, тижорат ташкилотлари) қўл остидаги мол-мулкдан ташқари бошқа мол-мулкларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Булар, мажбурият ҳуқуқига мувофиқ, юридик шахсларнинг ҳисоб-китобида турган банкдаги пул маблағларидан иборат бўлиши мумкин. Юридик шахслар ўз мажбуриятлари бўйича одатда ушбу маблағлари ҳисобидан жавоб берадилар. Шундай юридик шахслар ҳам борки, уларнинг барча мол-мулки банклардаги ҳисоб-китобларида турган маблағлардан ташкил топади, ўзлари жойлашган биноларни ва керакли анжомларни ижарага олишади. Демак, уларнинг мол-мулкини 39-моддага биноан учта ашёвий субъектив ҳуқуқлар билан тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, бундай ташкилотларни юридик шахс деб ҳисоблаш мумкинми ёки мумкин эмасми, деган савол келиб чиқади. Ашёвий ҳуқуқни юридик шахснинг фақат алоҳида ажратилган мулкининг юридик шакли деб қарамаслик керак. Юридик шахс мол-мулкининг алоҳида

ажратилган бўлиши фақат юқоридаги учта шаклда эмас, балки бошқа юридик шаклларда ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам 39-модданинг биринчи қисмини сўзма-сўз қисқа маънода шарҳламаслик керак. Ташкилотда мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқининг, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг бўлмаслиги уни юридик шахс сифатида тан олмаслик ва уни рўйхатдан ўтказмаслик учун асос бўла олмайди.

Шарҳланмоқда бўлган модда (2-қ.) юридик шахснинг мустақил баланс ёки сметага эга бўлишини талаб қилади. Бунда баланснинг бўлиши юридик шахснинг мол-мулкани маълум даражада алоҳида ажратилган бўлишини ва унинг мулкӣ муносабатларни мустақил равишда ташкил қилишини таъминлаш учун ёрдам беради. Балансда юридик шахс бутун мол-мулканинг ҳажми, келиб тушадиган даромадлар, харажатлар, шунингдек баланснинг актив ва пассив қисмлари батафсил акс эттирилган бўлади. Юридик шахсларнинг филиаллари ва бошқа бўлинмалари ҳам бухгалтерия ҳисобкитобини олиб борадилар, алоҳида баланс тузишлари ҳам мумкин. Лекин уларнинг баланслари мустақил характерга эга бўлмайди, юридик шахс бўйича қилинадиган баъзи ҳаракатлар ушбу балансларда кўрсатилмайди.

Смета - бу пул маблағларининг кириб келиши, харажат қилинишини акс эттириш билан бирга, сиртдан келадиган маблағлар ҳисобига таъминланувчи ижтимоий-маданий, бошқарув ва шунга ўхшаш бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган муассасаларнинг мол-мулкани алоҳида эканлигини ифодаловчи восита ҳисобланади.

Юридик шахслар уларнинг мулкӣ ҳуқуқи ва фаолиятининг хусусиятларига қараб таснифланади. Улар **тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга ажратилади (40-м.)**. Бундай таснифлашда мезон сифатида уларнинг асосий мақсадлари ва қўлга киритилган даромаддан фойдаланиш тартиби эътиборга олинади. Тижоратчи ташкилотнинг асосий мақсади фойда олиш ва уни муассислар (иштирокчилар) ўрта-

сида тақсимлангандан иборат. Тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг мақсади умумий қоидага биноан, ижтимоий-маданий вазифаларни бажаришга қаратилади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотга ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилади, лекин бундай фаолият натижасида олинган фойда унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимланмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар асосан тижоратчи ташкилотлардан иборат. Юридик шахсни тижоратчи ташкилот бўлиши қонунда назарда тутилган оқибатларга олиб келади (Кодекснинг 358-м.).

40-модданинг 2-қисмида тижоратчи ташкилотлар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг тўлиқ рўйхати келтирилади. Юридик шахснинг номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, албатта, кўрсатилган бўлиши керак. Бу унинг контрагентлари учун зарур. Чунки юридик шахснинг номидан шу шахс фаолиятининг хусусиятлари, тадбиркорлик имкониятлари, ҳуқуқ доираси, мажбурият юзасидан жавоб бера олиши маълум бўлиши мумкин.

Модданинг 3-қисмида тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг рўйхати келтирилади. Ушбу рўйхатни узил-кесил деб бўлмайди. Чунки тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг ўзгача шакллари мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Лекин ушбу моддага биноан тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг бошқа шакллари қонунда назарда тутилган бўлиши керак.

Тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг бирлашмалари, яъни ассоциациялар, иттифоқлар шаклида фаолият юргизишлари ёки, агар бундай бирлашма тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, хўжалик ширкатлари ва бирлашмаларига айлантирилишлари мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини шахсан ўзи ёки ушбу мақсадда унинг томонидан тузилган тижоратчи ташкилот амалга ошириши мумкин. Тижоратчи бўлмаган ташкилотнинг тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Мулк эгаси томонидан молиявий таъминланадиган давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларининг корхоналари ва муассасаларидан ташқари бошқа тижоратчи бўлмаган ташкилотлар уларнинг таъсисчилари (иштирокчилари, аъзолари) томонидан берилган пул маблағлари ва бадаллар ҳисобига ташкил топган мол-мулкнинг, шунингдек бошқа асосларга қўра қўлга киритилган мол-мулкнинг эгаси ҳисобланадилар (40-модданинг 5-қ.).

Хўжалик ширкатлари ва бирлашмаларининг мол-мулкига қўшиладиган ҳисса сифатида мулккий ҳуқуқ ва пул билан баҳоланадиган бошқа ҳуқуқлар ҳам ўтказилиши мумкин. Лекин интеллектуал мулк объектлари (патент, муаллифлик ҳуқуқ объектлари, ЭҲМ дастурлари ва ҳ.к.) бундай ҳисса сифатида ўтказилиши мумкин эмас.

Хўжалик ширкатлари, хўжалик жамиятлари ва уларнинг муассислари (иштирокчилари) ўртасидаги мулк билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда хўжалик ширкатининг ёки хўжалик жамиятининг устав (складочний) капитали (фонди)га натура шаклида муассислар (иштирокчилар) томонидан ўтказилган мол-мулк хўжалик ширкатлари ва хўжалик жамиятларининг мол-мулки бўлиб ҳисобланади.

Устав (складочний) капиталга (фондга) натура шаклида ўтказилмаган ёки таъсис ҳужжатлари бўйича фақат эгаллаш ва фойдаланиш учун берилган мол-мулк хўжалик ширкати ёки хўжалик жамиятининг мулки деб ҳисобланмайди. Агар таъсис шартномасида натура шаклида устав (складочний) капиталга (фондига) қўшилган мол-мулкни хўжалик ширкат (жамият) аъзолигидан чиқиб кетувчилар томонидан ажратиб олиш ҳақида шарт қўзда тутилган бўлса, ва мабодо бунга қонун билан йўл қўйилмаган бўлса, бундай шарт ҳақиқий эмас деб топилади.

Ўтмишда **юримдик шахснинг ҳуқуқ лаёқати** юқори идоралар томонидан қайд қилинган устав ва низом асосида белгиланарди. Янги Кодекснинг 41-моддасига мувофиқ бундай лаёқат юримдик шахснинг ўзининг таъсис ҳужжатлари, уста-

ши, шизоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Умумий қонунда биноан юридик шахслар турли хил фаолиятлар билан эркин шуғулланишлари мумкин. Лекин давлат манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда шахслар қонунда назарда тутилган ҳолларда айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосида шуғулланиши мумкин.

Ҳуқуқ лаёқати махсус ва умумий бўлиши мумкин. Махсус ҳуқуқ лаёқати деганда юридик шахс фаолиятининг шу шахс таъсис ҳужжатларида, уставида, низомида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ амалга оширилиши тушунилади. Уставда юридик шахс шуғулланиши мумкин бўлган фаолиятнинг турлари белгиланган бўлади. Умумий ҳуқуқ лаёқати деганда юридик шахснинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиш ва у билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олиши мумкинлиги тушунилади.

Тижорат билан шуғулланувчи хўжалик ширкатлари ва хўжалик жамиятлари асосан умумий ҳуқуқ лаёқатига эга. Фақат давлат корхоналари махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Уларнинг уставида фаолиятнинг тури ва мақсади аниқ кўрсатилган бўлади (Кодекснинг 70, 71, 72-м.м.). Махсус ҳуқуқ лаёқати тижоратчи бўлмаган ташкилотлар учун ҳам тааллуқли.

Махсус ҳуқуқ лаёқатига ривож қилинмасдан, юридик шахслар томонидан **тузилган битимлар ҳақиқий эмас** деб топилishi мумкин (Кодекснинг 125-м.). Ташкилотлар (банк, суғурта ташкилоти ва бошқа баъзи ташкилотлар) улар учун қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг турларига ва мақсадига тўғри келмайдиган битимларни тузишлари мумкин эмас. Бундай битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (Кодекснинг 116-м.).

Махсус ҳуқуқ ёки умумий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишларидан қатъи назар, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини **чеклашга йўл қўйилмайди**. Бундай чеклаш фақат қонунда назар-

да тугилган сабаблар юз берган тақдирдагина мумкинлиги Кодексда таъкидлаб ўтилади. Масалан, кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича унитар корхонанинг ҳуқуқи чекланган (Кодекснинг 177-моддасининг 3-қ.).

Юридик шахс ҳуқуқ лаёқатининг вужудга келиши 1963 йилдаги Кодекснинг 27-моддасига нисбатан бошқача тартибда ифодаланади. Бундай лаёқатнинг вужудга келиши юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилган пайти билан белгиланади.

Кодексда ташкилотларнинг юридик шахс сифатида вужудга келиши ва тан олинishiга бағишланган қоидаларга мутлақ бошқача мазмун берилди. Олдинги Кодекснинг 25-моддасига биноан юридик шахсларнинг вужудга келиши учун асос ҳисобланган тартибларнинг ичида ваколатли давлат органларининг буйруқлари биринчи ўринда турарди. Янги Кодекснинг 42-моддасида юридик шахс биринчи галда мулк эгаси ёки у ваколат берган шахснинг эрки билан **вужудга келиши**, унинг таъсисчилари мулк эгалари бўлиши ёки бўлмасликлари мумкинлиги назарда тугилади.

Ўтмишда деярли барча юридик шахслар у итоат этувчи юқори давлат бошқарув идораси ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланиши зарур эди. Янги қоидага биноан юридик шахс қонунда белгиланган тартибда давлат идоралари томонидан рўйхатга олинади ва ўша пайтдан бошлаб ташкил топган деб ҳисобланади.

Кодекснинг 43-моддасида **юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари**, уларнинг турлари ва мазмуни, расмийлангириш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига оид қоидалар ифодаланган.

Таъсис ҳужжатлари юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми белгилайди ва шунинг билан бирга унинг вужудга келиши учун зарур бўлган шарт-шароитни яратади. Кўпчилик юридик шахслар ўз фаолиятини хусусий (индивидуал) устав асосида амалга оширадilar. Масалан, акциядорлар жамияти (Кодекснинг 64, 65, 66-м.м.), унитар корхоналар (Кодекснинг 71-моддасининг 2-қ.). Қатор юридик шахсларнинг устав-

лари динлат органлари томонидан тасдиқланган қонунга яқинлаштирилган (поднорматив) ҳужжатлар (намунавий уставлар, низоми) асосида ишлаб чиқилади. Баъзи турдаги юридик шахслар учун таъсис ҳужжат сифатида ҳам устав ва ҳам шартнома биргаликда назарда тутилади. Тижоратчи бўлмаган юридик шахсларнинг маълум бир турлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу турдаги ташкилотлар учун қабул қилинган умумий қоидаларга асосан фаолият юргаздилар (Кодекснинг 76-моддасининг 4-қ.). Бундай ҳолларда хусусий (индивидуал) таъсис ҳужжатлар учун ҳожат қолмайди, чунки бу турдаги барча тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг амалга оширадиган фаолиятларида бир-бирига ўхшашлик мавжуд бўлади.

43-моддада назарда тутилган таъсис шартнома ва уставларни турли тартибда қабул қилиниши ушбу таъсис ҳужжатларининг ҳуқуқий табиати ҳар хил бўлишидан далолат беради.

Юридик шахсни ташкил қилиш тўғрисидаги барча иштирокчилари томонидан йўл қўйилган таъсис шартномаси кўп томонлама фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳисобланади. Қабул қилинган бундай шартнома муассислар учун ҳам, унинг асосида ташкил қилинган юридик шахс учун ҳам мажбурдир. Устав ўз табиатига кўра, муассислар томонидан тасдиқланган алоҳида, яъни маҳаллий (локалий) норматив ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир турдаги ташкилотнинг устави белгиланган маълум тартибда тасдиқланади. Масалан, ишлаб чиқариш кооперативининг устави шу кооператив аъзоларининг умумий мажлиси томонидан тасдиқланади (Кодекснинг 69-м.). Устав фақат юридик шахс (муассислар) учун эмас, балки у билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи барча учинчи шахслар учун ҳам зарур.

Устав қоидалари билан таъсис шартноманинг шартлари бир-бирига мос келмаган тақдирда, устав қоидалари аҳамияти жиҳатдан устун туради.

43-модданинг учинчи қисмига мувофиқ **юридик шахс бир муассис** томонидан таъсис қилиниши мумкин. Бундай муассис ўзи тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Кодексда юридик шахсларнинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида қандай маълумотлар бўлиши кераклиги назарда тутилади. Кодексга мувофиқ ва алоҳида турдаги юридик шахслар тўғрисидаги умумий ва махсус аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсис ҳужжатларига киритилиши шарт бўлган маълумотлардан ташқари яна қўшимча маълумотлар ва аниқликлар киритилиши мумкин.

43-модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхонларнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс **фаолиятининг тури ва мақсадлари** белгилаб қўйилган бўлиши керак. Муассислар тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган тижоратчи ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларига фаолиятнинг маълум турлари ва мақсади ҳақида қўшимча маълумотлар киргизиб қўйишлари мумкин (Кодекснинг 41-моддасининг 4-қ). Бундай ҳолда юридик шахснинг фаолияти махсус ҳуқуқ лаёқати доирасида чекланади ва унга нисбатан Кодекснинг 125-моддасида назарда тутилган қоидалар тааллуқли бўлади. Юридик шахснинг битим тузиши билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда суд унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолият турини ва унга юклатилган вазифаларни мавжудлигини инобатга олиши керак.

Таъсис шартномада юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми ва керакли бўлган маълумотлар билан бирга юридик шахсни ташкил қилиш ҳақидаги шартлар назарда тутилган бўлиши керак. Ушбу шартлар юридик шахс тузиш бўйича муассисларнинг, шунингдек муассислар билан юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилади.

Таъсис ҳужжатлар деганда, маълум турдаги ташкилотлар тўғрисидаги умумий қоида эмас, балки таъсис шартномаси ва юридик шахснинг устави тушунилади. Юридик шахс

нинг рўйхатидан ўтказилади. Шунинг учун ҳам таъсис ҳужжатида киритилган ўзгартишни давлат рўйхатидан ўтказилганда юридик шахснинг ўзини қайтадан рўйхатдан ўтказиши деб тушуниш керак. У ўз фаолиятини ўзгартирилган таъсис ҳужжати асосида амалга оширади.

Таъсис ҳужжатларига **ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш** учун назарда тутилган тегишли тартибга амал қилиниши керак. Ўрнатилган тартиб, биринчи галда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади. Агар учинчи шахслар таъсис ҳужжатларидаги рўйхатдан ўтказилмаган ўзгартиришларни ҳисобга олиб юридик шахс билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тузган бўлса, юридик шахс ва унинг муассислари киритилган ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилганлигини важ қилиб вужудга келган мажбуриятни бажаришдан бош тортишлари мумкин эмас.

Кодексни 44-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Бундай қонун ҳужжатлари қаторига биринчи галда, Ўзбекистоннинг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”ги қонуни киради. Қонуннинг 6-моддасида юридик шахс мавқеига эга бўлган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишга бағишланган қоидалар назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилган Қонунига асосан 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига корхонани рўйхатдан ўтишга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишга ва ўтиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Корхонани давлат рўйхатидан, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача белгиланган бўлмаса, корхона жойлашган ердаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида ўтказиш назарда тутилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига топширилди.

1993 йил 7 майдаги Қонун билан 6-моддага киритилган қўшимчага биноан, суд корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол давлат ҳокимиятининг корхонани рўйхатдан ўтказишни рад этган идорасини моддий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг миқдори хўжалик суди томондан белгиланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади. Корхонани фақат рўйхатдан ўтказишни рад этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий оқибатлар барча ҳолларда қўлланиши мумкин бўлган умумий қоида сифатида мазкур Кодекснинг 12, 990-моддаларида ўз аксини топди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни, халқаро бирлашмаларни ва ташкилотларни, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширилади. Ушбу Низомнинг 15-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс ҳуқуқига эга бўладилар. Низомнинг 45-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ва вилоятларда жойлашган корхоналар ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар ҳокимликларининг адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказадилар ҳамда давлат рўйхатига олинадилар.

Юридик шахснинг ташкил топиши учун ягона давлат рўйхати белгиланиши ҳозирги шароитда муҳим аҳамиятга эга. Мулкнинг турли шакллари ривожланиши учун тенг шарт-шароитлар туғдирилиши, хусусий мулкнинг белгиланиши, жорий қилиниши, давлат мулкани хусусийлаштириш, турли хилма-хил тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланувчи корхоналар, хўжаликлар, бирлашмалар, ширкатларнинг сони тобора кўпайишига олиб келди. Улар юқори бошқарув идораларининг тасарруфидан

овод бўлган ҳолда ҳўжалик соҳасида, мулкый муносабатларда мустақил равишда тенг ҳуқуқли иштирокчилардан иборат бўлишлари мумкин. Бундай шароитда ягона рўйхатнинг белгиланиши юридик шахс мақомини эгалламоқчи бўлган барча корхона ва ташкилотларга нисбатан, уларнинг фаолият турларидан ва ҳўжаликнинг қайси соҳасига тегишли бўлишидан қатъи назар, барчасига баб-баравар тенг қоида қўллаш, бу соҳада зарур қонунчилик ва тартибот ўрнатиш учун имконият туғдириб беради. Кодексда юридик шахсларни қайта ташкил этиш, тугатиш, шунингдек уларнинг ночорлиги (банкротлиги) ҳақида умумий қоидалар назарда тутилди (49-57-моддалар).

Юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб боради, ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади (Кодекснинг 45-м). Юридик шахснинг органлари унинг номидан турли фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузади, муносабатларда қатнашади ва унинг манфаатларини судда ҳимоя қилади.

Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади. Масалан, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида акциядор жамиятнинг органлари ва уларнинг ваколатлари ҳақида тегишли қоидалар белгиланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й, № 5-6, 61-м.) Кодекс 70-моддасининг 6-қисмига биноан давлат унитар корхонани бошқарув органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан **тайинланади** ҳамда улар олдида ҳисобот беради. Ҳўжалик ширкатлари ва жамиятларида бунинг акси бўлиб, уларда бошқарув органлари **сайланади**.

Юридик шахс фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига ўз иштирокчиларига берилган ишончнома асосида эга бўлиши мумкин. Ишончнома иштирокчининг ваколатини ва у амалга

ошириши мумкин бўлган ҳуқуқ доирасини белгилаб беради (Кодекснинг 134-м). Баъзи ҳолларда, юридик шахснинг иштирокчиси ҳуқуқий муносабатларда унинг номидан ишончномасиз ҳам иш олиб бориши мумкин. Масалан, агар таъсис шартнома билан бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, тўлиқ шерик фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида ишончга асосланган ширкат номидан ишончномасиз иштирок этиши мумкин. Юридик шахснинг ўз органи унинг номидан ишончномасиз фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этадилар.

Юридик шахснинг номидан иш олиб борувчи унинг иштирокчилари юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб боришлари керак. Улар, агар қонунда ёки шартномада бошқача талаб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказилган зарарни тўлашга мажбур бўладилар.

Юридик шахс ва унинг органи тушунчаси тўғрисида турли фикрлар бор. Юридик шахснинг органи деб меҳнат коллективининг бирлигидан ташкил топган корхона ёки ташкилот эмас, балки бундай органнинг ўзи тан олинар эди. Бунга сабаб, яқка давлат мулки манбаига асосланган давлат корхоналари органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилган бўлиб, асосий масалаларни корхонанинг меҳнат коллективи эмас, балки унинг органи ҳал қилар эди. Хусусий мулкка асосланган турли корхоналар, ташкилотлар, хўжалик ширкатлари ва бирлашмаларининг вужудга келиши уларни ташкил қилувчи муассисларнинг, уларда хизмат қилувчи меҳнат коллективи аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини тегинши қонун ҳужжатларида, жумладан мазкур Кодексда тўлиқ белгилаш учун асос солди. Демак, юридик шахснинг органи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда юридик шахс номидан иштирок этади, унинг ўзи юридик шахс деб ҳисобланмайди, чунки бундай мақомга эга эмас.

Юридик шахснинг **номини ва жойлашган ерини белгилаш** янги қоидалар билан тўлдирилди (Кодекснинг 46-м). Юридик шахснинг номидан унинг ташкилий-ҳуқуқий шахс-

ни кўрсатилган бўлиши керак. Масалан “коммандит ширкат (б.т.м.) ёки “масъулияти чекланган ширкат” ва ҳ.к. Бундай талабга амал қилиш юридик шахсларга хос хусусиятларига қараб уларни бир биридан фарқлаш учун зарур. Тижоратчи бўлмаган (масалан, унитар корхона) баъзи бир юридик шахсларни бундай фарқлаш, улар фаолиятининг характерига қараб амалга оширилади. Масалан, тижоратчи бўлмаган матлубот кооперативининг номи унинг фаолият мақсади ва “кооператив” деган сўз қўшилиб ёзилиши билан белгиланади (Кодекснинг 73-м).

Тижоратчи бўлмаган баъзи ташкилотларнинг номида улар томонидан тузиладиган битимларнинг қонуний бўлиши, уларнинг фаолияти учун жавоб берадиган ташкилотнинг ким эканлиги маълум бўлиши учун қўшимча маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Масалан, унитар корхонанинг фирма номида унинг мулкига нисбатан ким мулкдор эканлиги кўрсатилган бўлиши керак (Кодекснинг 70-моддасининг 5-қ). Тўлиқ ширкатнинг фирма номи унинг барча иштирокчиларининг номларини ўз ичига олиши керак (Кодекснинг 60-моддасининг 3-қ) ва шунга ўхшаш маълумотлар юридик шахсга хос бўлган хусусиятлардан дарак беради.

46-модданинг 5-қисмида 1883 йилда қабул қилинган “Саноат мулкани ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси”нинг қоидалари ҳисобга олинган (Ўзбекистон Республикаси 1995 йилнинг 6 июнидан бошлаб ушбу конвенция иштирокчиси ҳисобланади). Конвенциянинг (d) бандига асосан фирма номи ҳар бир келишилган давлатда алоҳида талабнома берилмасдан, рўйхатдан ўтказилмасдан ҳимоя қилиниши керак. Демак, юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Фирма номидан ғайриқонуний равишда фойдаланаётган шахс фойдаланишни давом эттиришни дарҳол тўхтатиши ва фойдаланиш даврида етказилган зарарни фирма номига эга бўлган шахсга тўлаши лозим.

1963 йилдаги Кодекснинг 30-моддасига мувофиқ юридик шахснинг жойлашган жойи унинг доимий ҳаракат қилувчи органининг жойлашган жойи ҳисобланган. Шарҳланмоқда бўлган модданинг 3-қисмига мувофиқ, юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Юридик шахснинг жойлашган ерига оид аввалги Кодексда белгиланган қоидалар собиқ СССР давридаги талабларга жавоб беради. Чунки республикалар ҳудудида жойлашган кўпчилик йирик корхоналар, уларнинг филиаллари Иттифоқнинг мавқеига эга бўлиб, уларнинг бошқарув органлари Иттифоқнинг марказий шаҳарларида жойлашган бўлар эди. Корхонанинг рўйхатдан ўзи жойлашган ердаги давлат идорасида ўтиши назарда тутилган экан (Кодекснинг 44-м), унинг жойлашган ерини ҳам давлат рўйхатидан ўтказилган жой деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқ.

Юридик шахсни рўйхатдан ўтган жойига қараб, унинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берадиган жойи, вужудга келган низонинг қайси судга тааллуқли бўлиши ва бошқа масалаларни ҳал қилиш белгиланади.

Ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайдилар, уларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ва унинг ишончномасига асосан фаолият олиб борадилар (Кодекснинг 47-моддаси).

Ваколатхона ва филиалнинг ҳуқуқ доираси ва вазифаси юридик шахснинг таъсис ҳужжатида ёки филиал (ваколатхона) тўғрисида Низомда эмас, балки ишончномада аниқ белгиланган бўлиши керак. Филиал (ваколатхона) раҳбари томонидан юридик шахс номига ва унинг ишончномасига ҳавола қилинмасдан тузилган шартнома бўйича низо кўриладиган тақдирда, суд шартномага қўл қўйиш пайтида филиал раҳбарининг бундай шартнома тузиш учун унинг ишончномаси бўлганлигини ёки унинг ҳақидаги Низомномада унга ҳуқуқ берилган ёхуд берилмаганлигини аниқлаб олиши за-

дур. Агар ишончномаси бўлса ёки унга шартнома тузиш учун ҳуқуқ берилган бўлса, шартнома юридик шахс номидан тузилган деб ҳисобланади.

Филиал (ваколатхона) раҳбари ишончнома бўйича унга топширилган ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифани (мажбуриятни) бажаришни Кодекснинг 140-моддасига риоя қилинган ҳолда бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

48-модданинг 1-қисмига мувофиқ **юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бўлган мол-мулк билан жавоб беради.** Бундай мол-мулк қаторига пул маблағлари, қимматли қоғозлар ҳам киради. Қонунда назарда тутилганидан (Кодекснинг 329-м.) ташқари бошқа ҳолларда юридик шахс бошқа юридик шахсларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Унитар корхоналар ҳам ўз мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулки билан жавоб беради. Улар ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади (Кодекснинг 72-моддасининг 5-қ.). Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ўз ихтиёрида бўлган пул маблағлари билан жавоб беради. Агар уларнинг маблағлари қарздан қутилиш учун етарли бўлмаса, уларнинг мажбуриятлари юзасидан муассаса мол-мулкининг эгаси бўлган ташкилот субсидиар тартибда жавобгар бўлади (Кодекснинг 76-моддасининг 3-қ.).

Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки шу муассис мол-мулкининг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодексда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

48-модданинг 4-қисмида юридик шахснинг қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда бўлишидан қатъи назар, унинг мажбуриятлари бўйича мол-мулки етарли бўлмаса, субсидиар жавобгарлик унинг муассиси (иштирокчиси) ва (ёки) юридик шахс мол-мулкининг мулкдори зиммасига юклатилиши

мумкин. Бундай жавобгарлик уларга, агар юридик шахснинг ночорлиги (банкрот бўлиши) уларнинг айби билан юзага келган бўлса юклатилади.

Ушбу моддага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилган қарори билан ўзгартиш киритилди. Бунга кўра юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ва уларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар назарда тутилди. Юридик шахснинг ночор (банкрот) бўлишида субсидиар жавобгар бўлиш учун уларнинг айби қандай даражада бўлиши кераклигига аниқлик киритилди. Энди улар юридик шахснинг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишни олдиндан билиб, унинг ана шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб ўз ҳуқуқидан фойдаланган ҳоллардагина жавобгар бўлиши назарда тутилади. Ушбу қоиданинг мазмунидан муассислар (иштирокчилар) мулкдорлар юридик шахснинг ночор (банкрот) бўлишига махсус йўл қўйган бўлсаларгина субсидиар жавобгар бўлишлари мумкин деган маъно англашилади.

Субсидиар тартибда жавоб берувчи муассислар (иштирокчиларга ёки мулкдорларга нисбатан талаб ночор бўлган юридик шахснинг органи ёки унга нисбатан танланган бошқарувчи томонидан қўйилиши мумкин. Талаб суд томонидан қаноатлантирилган тақдирда, олинган пул суммаси қарздор (ночор) бўлган юридик шахснинг ҳисобига ўтказилади. Кредиторларнинг ночор юридик шахсга нисбатан бўлган талаблари ушбу сумма ҳисобидан қаноатлантирилади.

Шуни эътиборга олиш керакки, 48-модданинг 4-қисмида назарда тутилган қоидалар тўлиқ ширкат ва ишончга асосланган ширкатларга нисбатан татбиқ этилмайди, чунки уларнинг иштирокчилари ширкатларнинг мажбуриятлари бўйича ўз мулклари билан субсидиар тартибда солидар жавоб берадилар. Ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари ҳам кооператив тўғрисидаги Қонун ва кооперативнинг Уставида белгиланган миқдорда ва тартибда кооперативнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўладилар.

Солидар ва субсидиар жавобгарликлар бўйича мазкур Кодекснинг 252-255, 329-моддаларига берилган шарҳларга қарайсиз.

1963 йилдаги Кодексда юридик шахснинг тугатилиши билан унинг қайта тузилиши тартибига фақат битта 38-модда бағишланган бўлиб, унда бундай тартиб, “агар ССР Иттифоқи қонунлари билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади” дейилган эди ҳолос. Ҳақиқатда эса, бундай масалалар ушбу Кодекснинг 3-моддасига мувофиқ, собиқ СССР қонунлари билан тартибга солинарди.

Янги Кодексда юридик шахсни тугатиш тартибидан ташқари уни фақат қайта ташкил этишининг ҳуқуқий муомалаларига тўртта модда бағишланади (49-52-м.м.).

Юридик шахсни қайта ташкил этиш усуллари Кодекснинг 44-моддасида келтирилади. Булар: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартишлардан иборат. Юридик адабиётда ушбу усулларга етарлича тушунчалар берилган. Бундай усулларни қўллаш билан юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳуқуқи умумий қойдага биноан, унинг муассислари (иштирокчилари)га берилади. Шунинг билан бирга қайта ташкил этиш таъсис ҳужжатларида вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ ҳам амалга оширилиши мумкин. Лекин бу масалани ҳал қилишда янги Кодексда судга кенг ваколат берилади. Масалан, агар юридик шахс белгиланган муддатда қайта ташкил этилмаса, суд ваколатли органнинг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди, ушбу вазифани бажаришни унга топширади. Бошқарувчи тегишли вазифаларни бажаргач, керакли ҳужжатларни судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий воқислик (50-модда) - бу қайта ташкил этиш ҳақида қабул қилинган ҳужжатга асосан, ҳуқуқ ва мажбуриятларни бир

юримдик шахсдан иккинчи юримдик шахсга ўтишидан иборат. Ворислик фуқаролик ҳуқуқи бўйича асосан мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан вужудга келади. Лекин ворислик номулкий ҳуқуқларга нисбатан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, юримдик шахсининг фирма номи ёки унинг ихтирога бўлган патентга нисбатан шахсий ҳуқуқи ворис ҳисобланган бошқа юримдик шахсларга ўтиши мумкин.

Ҳуқуқий ворислик умумий (универсал) ва қисман (сингуляр) турларга ажратилади. Умумий ворисликда маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг жами ўтади. Масалан, бир неча юримдик шахслар қўшиб юборилганда, янги ташкил бўлган юримдик шахсга универсал ворислик тартибида олдингиларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтади. Сингуляр тартибда ворисларга ҳуқуқнинг белгиланган маълум қисми ўтиши мумкин. Сингуляр ворислик юримдик шахсни қайта ташкил қилишда истисно сифатида қўлланиши мумкин.

Ворислик ҳуқуқининг мазмунини мол-мулкни топшириш ҳужжати ва уни тақсимлаш баланси ташкил қилади (51-модда). Юримдик шахсни бўлинишида ёки унинг ажраб чиқишида мол-мулкнинг тақдири топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига асосан ҳал қилинади. Ушбу ҳужжатлар билан янги ташкил этилаётган юримдик шахсининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми белгиланади.

Тақсимлаш баланси бўйича мол-мулкка келиб қўшилиши (актив) ёки ундан чиқиб кетиши (пассив) мумкин бўлган қисмлари, шунингдек жорий йилда юримдик шахсдан топширгунга қадар бўлган муддат давомида олинган даромадлар ва қўрилган зарарлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда топширилади. Асосий ва оборотдаги маблағлар уларни топшириш ҳақида қайси кварталда қарор қабул қилинган бўлса, ўша чоракнинг молиявий планида кўрсатилган миқдорда топширилади. Топшириш ҳақида қарор қабул қилингандан кейин уларни ўзлаштириш ҳуқуқига эга эмас. Қарор қабул қилингандан кейин ўзлаштирилган асосий ва оборотдаги маблағ-

шар уларни қабул қилиб олувчи тарафга қайтариб берилиши лозим.

Топшириладиган мол-мулк инвентаризация қилинади шундан бу топшириш ҳужжатида ҳамда тақсимлаш балансида кўрсатиб қўйилган бўлади.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш натижасида мол-мулкни топширилган деб ҳисоблаш пайти муассислар (иштирокчилар) ёки қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган орган томонидан топшириш ҳужжатида ва тақсимлаш балансида имзо чекилган сана билан белгиланади.

Юридик шахслар **қайта ташкил этилганда уларнинг кредиторлари ҳуқуқларини кафолатлашга** алоҳида аҳамият берилди. Юридик шахсининг қайта ташкил этилиши ҳақида унинг барча кредиторлари ёзма равишда хабардор қилинган бўлиши керак. Улар қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорнинг бажарилишига қаршилик кўрсата олмайди, лекин шу туфайли уларга рўпара қилинган янги қарздорлар билан алоқани сақлаб қолишга мажбур эмас, улардан тегишли мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини тўхтатиш ва бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар қайта ташкил этилган тузилмалар ўртасида қарзлар аниқ бўлинмаган бўлса, улар кредиторлар олдида солидар, яъни биргаликда жавоб берадилар (52-модда).

Юридик шахсни **тугатиш сабаблари** ҳақидаги қоидалар ҳам жиддий равишда ўзгарди. Ўтмишда юридик шахс қайси тартибда вужудга келган бўлса, ўша тартибга асосан тугатилиши назарда тутилар эди. Масалан, агар юридик шахс юқори бошқарув органининг буйруғига асосан вужудга келган бўлса, ўша тартибга асосан, рухсат берилиши билан ташкил топган бўлса, ўша тартибга, яъни рухсат олиш йўли билан, норматив характерга эга бўлган уставга асосан вужудга келган бўлса, уставда белгиланган қоидага биноан (масалан, колхоз-кооператив ташкилотлари), тарафлар ўртасида тўзилган шартномага асосан ташкил этилган бўлса (масалан, ширкатликлараро корхоналар), тарафларнинг келишуви

гатилиши назарда тутилган эди. Янги Кодексга биноан юридик шахсни тугатиш сабаблари биринчи галда унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган бўлиши (53-модда), уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган шахснинг бурчлари (54-модда), тугатиш тартиби ва муддати (55-модда), тугатилган тақдирда унинг кредиторларининг талабларини қаноатлантириш тартиби (56-модда), юридик шахсни ночор (банкрот) деб ҳисоблаш (57-модда) ва бунинг оқибатлари ҳақида ва бошқа янги қоидалар назарда тутилди.

Юридик шахсни тугатиш уни қайта ташкил қилишдан фарқ қилади. Ушбу фарқ 53-модданинг биринчи қисмида шундай деб таърифланади: “Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилишига олиб келади”.

Юридик шахсни тугатиш унинг муассислари ҳамда суд қарорига асосан амалга оширилиши мумкин. 53-моддада юридик шахсни тугатиш учун асос бўладиган сабаблар батафсил кўрсатиб ўтилади.

Модданинг 4-қисмида келтирилган юридик шахсни тугатилиши уни хўжалик суди томонидан ночор (банкрот) деб топилиши ёки юридик шахс ўзини тугаганлигини ўз ихтиёри билан расмий равишда эълон қилиши билан амалга оширилади. Бу ҳақда Кодекснинг 57-моддасига берилган шарҳларга қаралсин.

Давлат корхоналарини тугатиш учун алоҳида тартиб ўрнатилади. Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин (Кодексни 72-моддасининг 6-қ). Давлат корхонаси ягона давлат рўйхатида бу ҳақда тегишли ёзув киритилганидан кейин тугатилган деб ҳисобланади.

Юридик шахс тугаганидан кейин уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар зиммасига Кодекснинг 54-моддаси билан маълум мажбуриятлар юклатилади.

Юридик шахсни тугатилишини **ошкораликда амалга ошириш** муҳим аҳамиятга эга. Юридик шахсларни тугатили-

ни ҳақида уларни рўйхатдан ўтказадиган орган хабардор қилинади, тайинланган тугатиш комиссияси юридик шахсни тугатилиши ҳақида ахборот эълон қилади (Кодекснинг 55-м).

Тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Кодекснинг 55-моддасига мувофиқ бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб “икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас”. Икки ойдан кам бўлмаслиги биринчи марта 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонун 39-моддасининг 1-бандида назарда тутилди. Ундан олдин қабул қилинган қонун ҳужжатларида бу муддат икки ойгача деб кўрсатилар эди. Лекин амалиётда доимо бир ой кўрсатилиб эълон қилинар эди. Ҳозир ҳам баъзан матбуотда бир ой кўрсатилиб хабар қилинади. Шу билан кредиторлар томонидан ўз талабларини баён қилиш учун зарур бўлган имконият чекланади. “Икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас” деб Кодексда ўрнатилган императив норма кредиторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун тегишли кафолат яратишга қаратилади.

55-моддада **юридик шахсни тугатишнинг** тартиби батафсил келтирилади. Юридик шахсни тугатиш комиссияси умумий қоидага биноан унинг муассислари ёки уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тузилади. Юридик шахс ночор (банкрот) деб топилган ҳолларда тугатиш комиссияси хўжалик судининг қарори ёки кредиторлар мажлисининг қарорига асосан тузилади.

Юридик шахсни тугатишни амалга ошириш учун махсус план тузилади. Юридик шахс ночор деб тан олинган пайтдаги унинг бухгалтерия баланси ва унинг кредиторлари, шунингдек улар томонидан қилинган талабларнинг рўйхати ушбу планга ҳавола қилинади.

Юридик шахсни тугатилиши бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқич - бу юридик шахснинг кредиторлари томонидан белгиланган муддатда даъво қўзғатишдан иборат. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу муддат икки ойдан кам бўлмаслиги керак. Иккинчи босқич - бу юридик шахс қарздорларининг мажбуриятларини ва унинг кредиторларининг талабларини аниқлашдан иборат. Зарур бўлган ҳолларда тугатилаётган юридик шахсни қарздорларига нисбатан судда даъво қўзғатилади. Тугатиш комиссиясининг топшириғига асосан банкларда юридик шахснинг ҳисоб-китобидан пулларни ўтказиш тўхтатилади. Моддада давлат корхоналарининг кредиторларига уларнинг талабларини кафолатловчи ҳуқуқлар берилади. Қонунда биринчи марта уларга ўз талабларини ундира олмаган қисмини давлат корхонасининг мулкдоридан ундириб олиш ҳақида судга мурожаат қилиш учун ҳуқуқ берилади.

Кодексда юридик шахс кредиторларининг талабларини қаноатлантириш тўғрисида янги қоидалар назарда тутилган (56-модда).

Юридик шахс тугатилаётганида унинг кредиторларининг қайси талабларини биринчи ғалда қаноатлантириш зарурлиги ҳақида турли фикр ва тортишувлар юз берди. Кодекс лойиҳасининг биринчи нусхасида биринчи ғалда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш кўзда тутилган эди. Лекин меҳнат кодексига ўриштирилган тартибга монанд бўлиши нуқтаи назардан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларни ундириш биринчи ўринга қўйилди. Сўнгра алиментларни ундиришга, муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талабларга эътибор берилди. Шунинг билан бирга ушбу тўловлар олдиндан капиталлаштирилган бўлиши, яъни юридик шахс тугатилишидан олдин ўз фаолиятини самарали амалга ошириш даврида келажакда вужудга келиши мумкин бўлган юқоридаги талаблар ҳисобга олиниб, уларни қаноатлантириш учун махсус жамғарма (фонд) ажратилган бўлиши назарда тутилади.

Банкротлик тўғрисида 1994 йил 5 майда Қонун қабул қилинди. Қонунда банкротлик тушунчаси ва унинг аломатлари, унинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида қоидалар мавжуд. Шунга қарамай, банкротлик юридик шахс фаолиятига беловсита тааллуқли эканлиги ҳисобга олиниб, Фуқаролик кодексда банкротликка учрайдиган корхоналар кимлардан иборат бўлиши ҳақида қисқа аниқлик киритилди. Банкрот деб ҳисобланадиган корхоналар асосан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Лекин ушбу қоида якка тартибда тибиркорлик билан шуғулланувчи ва юридик шахс ҳисобланмаган фуқароларга тааллуқли эмас. Улар юридик шахс бўлмасалар-да, юридик шахс каби банкрот деб ҳисобланишлари мумкин (26-модда). Шунинг билан бирга юридик шахс бўлган давлат корхонасининг тугатилиши уни банкрот деб ҳисоблаш йўли билан эмас, балки 72-модданинг 6-қисмига биноан уни ташкил қилган давлат органининг қарорига асосан тугатилади. Банкрот деб ҳисобланадиган юридик шахс тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлардан иборат бўлиши мумкин. Тижоратчи бўлмаган матлубот кооперативлари ва ижтимоий фондларни банкрот деб ҳисоблашнинг алоҳида қоидалари белгиланди. Юридик шахсни банкрот деб ҳисоблаш суднинг қарори ҳамда юридик шахснинг ўз кредиторлари билан биргаликда бу ҳақда эълон қилиши билан амалга оширилади.

Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади (Кодекснинг 57-м).

Кодексда **тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган** ташкилотларнинг турли шакллари тўлиқ келтирилди. Тижоратчи, яъни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахслар 40-модданинг 2-қисмига биноан хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин. Тижоратчи бўлмаган, яъни фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган юридик шахслар ушбу модданинг 3-қисмига биноан матлубот кооперативи, жамоат

бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Кодекснинг 58-моддасида белгиланган асосий қоидаларга биноан **хўжалик ширкатлари ва жамиятлари** уларни ташкил қилишда қатнашган муассисларининг (иштирокчиларининг) ҳиссалари ажратилган ва ушбу ҳиссалардан ташкил топган устав капиталига (фондига, мулккий жамғармасига) эга бўлган тижоратчи корхоналар уюшмасидан иборат. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалари, шунингдек сотиб олган акциялари ҳисобига вужудга келган, шунингдек хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида қўлга киритган ва сотиб олинган мол-мулкларига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўладилар.

Мазкур Кодексда назарда тутилган ҳолларда хўжалик жамияти бир шахс томонидан ташкил этилиши ҳам мумкин. Бундай шахс жамиятнинг якка иштирокчиси ҳисобланади.

Хўжалик ширкатлари тўлиқ ширкат, коммандит ширкат шаклида, хўжалик жамияти эса масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шаклида тузилиши мумкин.

Хўжалик ширкати ва жамияти иштирокчиларининг **ҳуқуқ ва бурчлари** Кодекснинг 59-моддасида кўрсатиб ўтилади. Улар ширкат ва жамиятнинг ишларини бажаришда қатнашиш, фаолияти тўғрисида ахборот олиш, фойдани тақсимлашда қатнашиш, ширкат ёки жамият тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш ва бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек ширкат ёки жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасидаги қоидаларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги соҳасидаги янгиликлардан, деб ҳисобласа бўлади.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтиши билан 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги Қонун тижоратга асосланган тадбиркорликнинг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, N1). Ушбу қонунда жамият ва ширкат қатнашчиларининг таркиби ва ваколатлари, таъсис ҳужжатлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби, уларнинг мол-мулки ва бошқа масалаларга бағишланган умумий қоидалар назарда тутилди. Қонунга амал қилинган ҳолда ва сўнгги йилларда иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар соҳасида рўй берган ўзгаришлар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1996 йил 26 апрелида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилди.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тижоратчи ташкилотлардан иборат. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатишлари мумкин. Умуман олганда ширкат ва жамият иштирокчилари хўжалик соҳасида ўз олдларига қўйган ягона мақсадга эришиш учун мол-мулкларини қўшиб, биргаликда ҳаракат қиладилар. Лекин улар, қисман, бир-бирларидан фарқ ҳам қиладилар. Масалан, шериклик фақат натижага эришиш учун эмас, балки иштирокчиларнинг бир-бирларига яқин шахсий муносабатларига асосланади. Бунда иштирокчиларнинг ким эканлигига аҳамият берилади. Жамиятда эса ўзининг иштирокчилари кимлардан иборат бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, у биринчи галда мақсадга эришиш нуқтай назардан тузилади.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муассислари (иштирокчилари) фуқаролардан ва юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин. Уларнинг ўзлари томонидан тугилган юридик шахс ўртасидаги муносабатлари мажбурият ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шундай экан, ширкат ва жамиятнинг мол-мулкига нисбатан эгалик

ҳуқуқи юридик шахсга тегишли бўлиб ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) ушбу мол-мулкка нисбатан ҳиссадорлик ҳуқуқига эга эмасдирлар.

Ширкатнинг ёки жамиятнинг мулкига қўшиладиган ҳисса ҳар хил мулкдан, жумладан мулкӣ ҳуқуқдан ва шунинг билан бирга пул билан баҳоланиши мумкин бўлган бошқа ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳиссанинг асосий белгиси - унинг пул билан баҳоланиши мумкинлигидадир. Масалан, муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқи, ихтирога бўлган ҳуқуқ, ноу-хау, саноат нусхалари, товар белгиси ва шунга ўхшашлар ҳам ширкат ёки жамият мулкига қўшилган ҳисса бўлиши мумкин. Кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмаган, мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқи ҳам ҳисса сифатида тан олинishi мумкин. Муассислар (иштирокчилар) томонидан қўшиладиган ҳиссани пул билан баҳолашда вужудга келган низони суд томонидан белгиланган бетараф экспертлар ҳал қилиши мумкин.

Ширкат ёки жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси унинг фаолиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ширкат ва жамиятнинг қайси турдан иборат бўлишига қараб, унинг иштирокчилари ширкат ёки жамият фаолиятини бошқаришга оид қарорларни қабул қилишда ёки бошқарув ва текширув органларини тузишда қатнашишлари мумкин. Коммандит ширкатининг иштирокчиси унинг фаолиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас (Кодекснинг 61-моддаси).

Ҳўжалик ширкати ва жамияти иштирокчиларининг бурчлари таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишдан, махфий ахборотни ошкор қилмасликдан, ширкат ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа бурчлардан иборат бўлиши мумкин.

Юқорида акс эттирилган ҳуқуқ ва бурчлар барча шаклдаги жамият ва ширкат қатнашчиларига тааллуққидир. Шунинг билан бирга ҳар бир шаклдаги ширкат ва жамият иш-

широқчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ўзларига хос хусусиятлари билан ифодаланади. Масалан, **”тўлиқ ширкат”** иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадилар. Улар ўз ширкат мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадилар. Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин (60-модда). **”Коммандит ширкати”** ширкатнинг қарзлари бўйича ўзининг ширкат фондида қўшган ҳиссаси миқёсида жавоб берадиган иштирокчилардан (коммандитлардан) иборат (61-модда). Коммандит ширкати (коммандитное товарищество) ибораси француз ҳуқуқидан олинган бўлиб, савдо соҳасидаги ширкатлардан бири ҳисобланади.

Коммандит ширкати **ишончга асосланган ширкатлик** деган ном билан ҳам аталади.

Тўлиқ ширкат иштирокчилари ўртасида тузилган шартнома бу турдаги ширкатнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Фуқаролик кодексига таъсис шартномасининг ёлғиз ўзи тарафларнинг эркини ва улар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятларини тўлиқ ифода этадиган ҳужжат сифатида тан олинади. Таъсис шартномасининг мазмуни мазкур Кодекс 43-моддасининг 4-қисмидаги шартлар билан белгиланади. Айни пайтда қонун бошқа шартларни назарда тутишни ман этмайди.

Тўлиқ ширкат шартномага асосан тузилиши керак бўлганлиги туфайли, унинг номи билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи иштирокчиларнинг сони **икки кишидан кам бўлмаслиги керак**. Тўлиқ ширкатни тавсифловчи асосий белги - иштирокчилар ширкатнинг мажбуриятлари бўйича чекланмаган **солидар жавобгар** бўлишидан иборат. Ширкат иштирокчилари бир-бирларига ишонган ҳолда фаолият юритадилар.

Тўлиқ ширкат фаолиятини бошқаришда ширкат иштирокчиларининг умумий розилиги талаб қилинади. Таъсис шартномасида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилиш

мумкинлиги назарда тутилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда шартномада қайси муаммолар бўйича кўпчилик овознинг бўлиши зарурлиги, шунингдек бу кўпчилик оддий ёки мураккаб (квалифицирован) кўпчиликдан иборат эканлиги (масалан иштирокчиларнинг умумий сонидан тўртдан бир ёки учдан бир қисмининг овози) аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Умумий қоидага биноан, ҳар бир иштирокчи битта овозга эга бўлади. Лекин тўлиқ ширкатнинг таъсис шартномасида овозлар бошқа тартибда, масалан, қўшилган ҳиссанинг миқдорида нисбатан карра сифатида белгиланиши ҳам мумкин.

Ширкат фаолияти билан боғлиқ ширкат иштирокчисининг бурчи ҳар хил шаклда амалга оширилиши мумкин. Ширкат фаолиятини амалга оширишда иштирокчининг шахсан ўзи қатнашиши зарурлиги қонунда назарда тутилмаган. Таъсис шартномасида айрим иштирокчиларнинг ширкат фаолиятида фақат қўшган ҳиссалари билан иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилган бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг молиявий манбаи бўлиб, унинг иштирокчиларидан йиғилган (складочный) капитал ҳисобланади. Ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ушбу капиталга ўз ҳиссасини қўшади. Қўшиладиган ҳиссанинг миқдори ширкатни рўйхатдан ўтказиш пайтида унинг ярмидан кам бўлмаслиги керак, қолган қисмини топшириш муддати таъсис шартномасида белгиланган бўлиши керак. Ҳиссанинг миқдори ва турлари ҳар хил бўлиши, масалан, мол-мулкдан, пулдан, кўрсатиладиган хизматлардан ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат фаолиятини амалга ошириш натижасида қўлга киритилган даромадлар ва шунингдек кўрилган зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш улар ҳар бирининг қўшган ҳиссасига нисбатан муганосиб равишда амалга оширилади. Иштирокчиларнинг келишуви билан бошқа тартибда тақсимланиши ҳам мумкин. Лекин, қонун бўйича иштирокчилардан биронтасини даромад олишдан тўлиқ маҳрум

қилишга ёки етказилган зарарни қоплашдан муғлақ озод қилишга йўл қўйилмайди.

Тўлиқ ширкат иштирокчисининг **шахсий мажбуриятлари бўйича** қарзни ундириш биринчи галда унинг ўзига тегишли ва ихтиёрида бўлган мол-мулкка нисбатан қаратилади. Агар унинг бу мол-мулки етарли бўлмаса ширкатнинг йиғинди капиталидаги унинг ҳиссасига қаратилиши мумкин. Иштирокчининг ҳиссаси тўла ҳажмда қарзни ундиришга қаратилган тақдирда, у ширкат таркибидан чиқиб кетади.

Тўлиқ ширкатнинг **туғатилиши** юридик шахсларга хос бўлган умумий қоидага асосан амалга оширилади (53-м). Лекин фарқи ҳам бор. Агар ширкат иштирокчиларининг таркибий қисмида ўзгариш юз бериб, ширкат фаолиятини давом эттириш ҳақида ўзаро келишишга эришилмаса, ширкат туғатилди, деб ҳисобланади. Агар ширкатда унинг битта иштирокчиси қолган бўлиб, у ширкатни маълум муддатда хўжалик жамиятига айлантирмаса, ширкат туғатилган деб ҳисобланади.

Коммандит ширкати уларга тегишли ҳуқуқ ва бурчларининг фарқи билан **икки хил туркумга** бўлинадиган иштирокчилардан ташкил топади. Улар тўлиқ шериклардан ва ишончга асосланган шериклардан иборат. Бундай ширкат фаолиятини ва унинг доирасини тўлиқ шериклар белгилайди. Ишончга асосланганларнинг ширкат фаолиятидаги иштироки ширкат фондига ҳисса қўшиш билан чекланади. Улар ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳисса доирасида жавобгар бўладилар.

Коммандит ширкатнинг таъсис шартномасига фақат унинг тўлиқ шериклари имзо чекадилар. Ишончга асосланган иштирокчилар таъсис шартномасини ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда қатнашишлари мумкин. Уларнинг бу ҳуқуқи таъсис шартномасида ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Коммандит ширкатнинг фаолиятини Кодексда тўлиқ ширкатлар учун белгиланган тартибда тўлиқ шериклар бош-

қаради. Ишончга асосланганлар ширкатнинг фаолиятини амалга оширишда ва бошқаришда иштирок этмайдилар. Улар ширкатнинг ишончномасига асосан битимларни тузишда ва бажаришда иштирок этишлари мумкин.

Ишончга асосланганларнинг асосий мақсади ширкатнинг йиғинди капиталига қўшган ҳиссасига нисбатан мутаносиб даромад олишдан иборат. Олинган даромаднинг бир қисмини ишончга асосланган иштирокчига бериш умумий қоидага биноан ҳўжалик йилининг якунланиши билан қабул қилинган ҳисобот ва чиқарилган балансга асосан амалга оширилади.

Ишончга асосланган иштирокчи ҳўжалик йили тугаши билан ширкатнинг йиғинди капиталидан ўз ҳиссасини олиб ёки бу ҳиссани бошқа шахсга ўтказиб ширкатдан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, Ҳиссани ўтказишда бошқа учинчи шахсларга нисбатан ширкатдаги ишончга асосланган иштирокчилар устун ҳуқуққа эга. Бундай пайтда ширкатдаги тўлиқ иштирокчилар ҳам учинчи шахс сифатида қабул қилинадилар.

Коммандит ширкати **ночор (банкрот) деб тоилганида**, унинг мулкидан биринчи галда кредиторларининг талаблари қаноатлантирилади (Кодекснинг 56-м), сўнгра ишончга асосланган иштирокчиларнинг ҳиссалари ажратиб берилади ва бинобарин ширкатнинг йиғинди капиталидан қолган мол-мулк тўлиқ шериклар ўртасида тақсимланади.

Ҳўжалик жамиятлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларига хос фарқлари ҳам асосан уларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ. Масалан, **”масъулияти чекланган жамиятнинг”** мажбуриятлари бўйича унинг иштирокчилари жавоб бермайдилар. Улар жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгардирлар (62-модда). Масъулияти чекланган жамият унинг таъсис ҳужжатлари, уни ташкил қилиш тарғиби, иштирокчиларининг ҳуқуқи ва бурчлари билан тўлиқ ёки коммандит ширкатларидан фарқ қилади. Унинг яна битта

фарқи шундан иборатки, бундай жамиятнинг **таъсисчиси битта шахсдан** иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунинг билан бирга масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг соши қонун ҳужжатларида ўрнатилган меъёрдан ошиб кетмаслиги керак. Опиб кетган тақдирда бундай жамият акциядорлар жамиятига айлантирилиши ёки тугатилиши лозим. Сош жиҳатдан бундай чегара қўйилишига асосий сабаб, масъулияти чекланган жамият иштирокчиларига хос таниш-билиш бўлишликни сақлаб қолишдан иборат. Акциядорлар жамиятида акция эгаларининг ўзаро муносабатда таниш-билиш бўлишликнинг аҳамияти йўқ. Масалан, масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчиси томонидан устав фонди (капитали)даги ўз ҳиссасини учинчи шахсларга сотишга, агар уставда руҳсат берилмаган бўлса, йўл қўйилмайди. Ушбу ҳисса умумий қоидага биноан жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ўтказилиши мумкин. Очиқ акциядорлар жамиятида акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигини олмасдан тасаруф қилиш ҳуқуқи берилган.

Масъулияти чекланган жамият давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб вужудга келади (Кодекснинг 44-м.). Рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатлари (таъсис шартнома ва устав)га асосан амалга оширилади (Кодекснинг 43-м.). Улар рўйхатдан ўтказиш учун бирга тақдим этилади. Жамиятнинг таъсисчиси битта шахсдан иборат бўлса, рўйхатдан ўтказиш учун фақат устав тақдим этилади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг **моддий мапбаи** жамият иштирокчиларининг ҳиссаларидан ташкил топган устав фонди (капитали)дир. Устав капиталининг миқдори, одатда, уставда назарда тутилади, лекин у қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги керак. Агар устав фонди иштирокчилар томонидан ярмидан кам миқдорда тўланган бўлса, жамият рўйхатдан ўтказилмайди, ярмидан кўп бўлса, унинг етмаган қисмини жамият фаолиятининг биринчи йили давомида тўлаш талаб қилинади. Жамият фуқароларнинг ихтиёрий равишда тузадиган ташкилоти бўлган-

лиги туфайли, ҳиссанинг етмай қолган қисмини ундириш учун судда даъво кўзғатилмайди. Бундай ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга биноан устав фондида қўшиладиган ҳиссанинг миқдори камайтирилиши ёки жамиятнинг фаолияти тугатилиши мумкин. Устав фонднинг мидори қисқартириладиган бўлса, бу ҳақда жамиятнинг кредиторлари, албатта, хабардор қилинади. Улар мажбуриятни жамият томонидан белгиланган муддатдан олдин бажаришни ёки уни бекор қилишни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Коммандит (ишончга асосланган) ширкатни бошқариш унинг тўлиқ шериклари томонидан амалга оширилади. Масъулияти чекланган жамиятда бундай эмас. **Бу жамиятда унинг барча иштирокчилари тенг ва жамият фаолиятини бошқариш учун улардан биронтасига қонунда устунлик берилмаган.** Шунинг учун ҳам жамият иштирокчилари томонидан унинг бошқарув органини тузиш назарда тутилади. Иштирокчиларнинг **умумий мажлиси жамиятнинг олий органи ҳисобланади.** Умумий мажлис маҳаллий аҳамиятга эга бўлган норматив ҳужжатларни, жамиятнинг ички ишларини ҳал қилишга қаратилган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Кундалик муаммоларни ҳал қилиш учун ва умумий мажлисга ҳисобот бериб турувчи ва унга итоат этадиган **ижрочи орган** тузилади. Бундай орган якка директор ёки маслаҳатчилар ҳайъати (коллегия)дан иборат бўлиши мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятнинг **қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши** жамият барча иштирокчиларининг тўлиқ овози билан ҳал қилинади. Бундай қарор қабул қилиш ваколати фақат умумий мажлисга берилган. Агар умумий мажлис аъзоларини йиғишнинг, узрли сабабларга кўра иложи бўлмаса, уларнинг ҳар биридан ёзма равишда юборган розилиги талаб қилинади. Лекин иштирокчилардан биронтасининг **жамиятдан чиқиб кетиши** учун бошқа иштирокчиларнинг розилиги бўлиши талаб қилинмайди. Жамият иштирокчиси хоҳлаган вақтда ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга.

Ушбу қоида императив характерга эга. Шунинг учун ҳам, таъсис шартномасида иштирокчининг бу ҳуқуқини чеклаш ҳақида назарда тутилган шарт ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамиятдан чиқиб кетувчига, устав фондида унинг ҳиссасига тўғри келадиган мол-мулк қисми пул билан баҳоланиб, унга тўланади. Уставда бундай тўловни хўжалик йилининг охирида, яъни жамият фаолиятига икун ясалганидан кейин амалга ошириш ҳақида тартиб белгиланган бўлиши мумкин.

Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Демак, жамият мажбуриятлари бўйича ҳамма иштирокчилар шериклик (солидар) асосида каррали миқдорда бир текисда қўшимча (субсидиар) жавобгар бўладилар (63-модда). Ушбу моддага биноан иштирокчилардан биронтаси банкрот бўлса, жавобгарлик бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланиши ҳам назарда тутилди.

Демак, агар масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмасалар, қўшимча масъулиятли жамиятнинг иштирокчилари эса, унинг мажбуриятлари юзасидан фақат устав фондига (капиталига) қўшган ҳиссалари миқдорида эмас, балки ўзларига тегишли бўлган бошқа мол-мулклари ҳисобидан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган каррали миқдорда жавобгар бўлишни ўз зиммаларига оладилар. Бундай миқдор қўшимча масъулиятли жамиятнинг таъсис ҳужжати билан белгиланади. Жамият кредиторлари ундирувни биринчи галда унинг мол-мулкига қаратади, бу мулк қарзни узиш учун етарли бўлмаган тақдирда, иштирокчилар жамият мажбурияти бўйича ўз мол-мулклари би-

лан субсидиар (қўшимча) жавобгар бўладилар. Бундай жавобгарликни бажаришни жамият иштирокчилари солидар тарзда ўз зиммаларига оладилар. Агар иштирокчилардан бири ночорликка (банкротликка) учраганлиги туфайли жамиятнинг қарзи учун жавоб беролмайдиган ҳолатга тушиб қолса, унинг жавобгарлик қисми бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг устав фондидаги ҳиссаларига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади. Бундай тартиб таъсис ҳужжатларида ўзгартирилган бўлиши ҳам мумкин. Масъулияти чекланган жамият ёки қўшимча масъулиятли жамият иштирокчисини **жамиятдан унинг розилигисиз чиқариб юборишлик** тегишли таъсис шартномаси шарти ўзгартирилган деб ҳисобланади. Бундаги чиқариб қўйишликка қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек жамият иштирокчиси томонидан шартнома шартлари қўпол равишда бузилгани тақдирдагина йўл қўйилади (Кодекснинг 382-м).

Акциядорлар жамиятида унинг устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган бўлади. Унинг иштирокчилари акциядорлар жамиятининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, лекин жамият фаолиятини амалга оширишдан келиб чиққан зарарлар учун уларнинг акциялари қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг мажбурияти бўйича акциядорнинг жавоб бериши ҳақида ҳам қоида назарда тутилади. Бундай қоида акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорларга тааллуқлидир. Улар ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида жамият мажбурияти бўйича биргаликда жавобгар бўладилар (64-модда).

Акциядорлар жамияти очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очик жамият иштирокчилари ўзларига тегишли акцияларни қолган акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга беришлари мумкин. Бундай жамият ўзи чиқарган акцияларга очик обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли (65-модда). Ёпиқ жамиятда акциялар фақат ўзининг муассислари (иштирокчилари) орасида ёки олдиндан белгилаб қўйи-

ладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланади. Бундай жамият ўзи чиқарадиган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган шахслар доирасига бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас (66-модда). Бундай жамият иштирокчиларининг сони ҳам белгили бўлади, ундан ошиб кетса, бир йил давомида очиқ жамиятга айлантирилиши лозим, акс ҳолда суд тартибида унинг фаолияти тугатилиши мумкин.

Акциядорлар жамиятининг ҳуқуқий мавқеи ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун билан батафсил белгиланади.

Устав фондига ҳисса қўшишда хўжалик жамиятида иштирок этган жамият **шуъба хўжалик жамияти** (дочерное хозяйственное общество) дейилади. Устав фондидаги иштирок устун мавқега эга бўлган хўжалик асосий хўжалик дейилади. Хўжаликларнинг шуъба ва асосий даражага эга бўлиши улар ўртасида тузилган шартномалар асосида ёки бири иккинчисининг қарорларига мувофиқ иш тутиши билан ҳам ифодаланади. Шуъба жамияти юридик шахс ҳисобланади. Умумий қоидага биноан асосий ва шуъба жамиятлари бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Лекин шуъба жамияти асосий жамиятнинг айби билан банкротликка учраса, асосий жамият субсидиар жавоб бериши, агар мулкий зарар кўрса - етказилган зарарни қоплаши лозим (67-модда).

Хўжалик жамиятида қатнашувчи жамиятнинг бири йигирма фоиздан кўпроқ ёки масъулияти чекланган жамият устав фондининг йигирма фоиздан кўпроғига эга бўлса, иккинчи жамият **қарам хўжалик жамияти** (зависимое хозяйственное общество) дейилади. Бундай жамият ҳам юридик шахс ҳисобланади. Жамиятнинг қарам бўлганлиги ҳақида дарҳол эълон қилиниши шарт (68-модда).

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, шунингдек, акциядорлар жамияти тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Бошқа ширкат ва жамиятлар тўғрисида ҳам қонунлар қабул қилиш кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам Кодексда булар ҳақидаги тушунчалар ва асосий қоидаларга тўхталиб ўтилди.

Тижоратчи ташкилотлар қаторига юқорида келтирилган хўжалик жамиятларидан ташқари яна ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхона, хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона, оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш кооперативлари (69-модда). Фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасидан ташкил топади. Улар биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун ўз хоҳишлари билан ушбу бирлашмага аъзо бўладилар. Бирлашма фуқароларнинг ўзлари шахсан иштирок этиши ва уларнинг мулкый бадалларини қўшиш, яъни бирлаштириш тамойилига (принципига) асосланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин. Кооперативнинг мажбуриятлари бўйича унинг аъзолари қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар (қўшимча), яъни улар кооперативнинг жавобгарликдан қутилиши учун тўлаши керак бўлган маблағининг (мулкнинг) етишмай қолган қисми миқдоридан жавоб берадилар.

Кооператив аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланган устав кооперативнинг таъсис ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Мазкур Кодекснинг 43-моддасидаги маълумотлардан ташқари кооператив аъзоларининг қўшадиган бадаллари, бадалларнинг таркибий қисми, миқдорлари ва бадал қўшишга оид мажбуриятларини бузганлик учун уларнинг жавобгарлиги, кооператив фаолиятида ўз меҳнатлари билан қатнашиш тартиби ва унинг характери, шунингдек ўз меҳнати билан қатнашиш ҳақидаги мажбуриятларини бузганлик учун уларнинг (аъзоларининг) жавобгарлиги, кооператив даромадлари ва кўрган зарарларини тақсимлаш тартиби; кооператив қарзлари бўйича

субсидиар жавобгарликнинг шартлари ва миқдори, кооперативни бошқариш органининг таркиби ва унинг ваколат доираси ва қарор қабул қилиш тартиби, кооператив аъзоларининг барчаси ёки бир қисми овоз бериши зарур бўлган масалалар ҳақида маълумотлар кооператив уставида назарда тутилган бўлиши лозим.

69-моддада тижоратчи ташкилот сифатида фақат ишлаб чиқариш кооперативларига тааллуқли қоидалар назарда тутилади. Матлубот кооперативларининг ҳуқуқ лаёқати Кодекснинг 73-моддаси билан тижоратчи бўлмаган ташкилотлар сифатида белгиланади.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ўзига хос белгилари билан бошқа тижорат ташкилотларидан фарқ қилади. Ишлаб чиқариш кооперативи фуқароларнинг унга аъзо бўлишига ва унинг фаолиятида шахсан ўз меҳнати билан иштирок этишига асосланади. Хўжалик ширкатлари ва жамиятларида иштирокчиларнинг ширкат ёки жамият фаолиятида шахсан ўз меҳнатлари билан қатнашишлари талаб қилинмайди. Ишлаб чиқариш кооперативида қатнашувчиларнинг шу кооператив фаолиятида шахсан иштирок этиши улар ўрғасидаги алоқанинг қанчалик яқин эканлигидан далолат беради. Ишлаб чиқариш кооперативига ўриндошлик шарт билан давлат корхоналари ва ташкилотларида ишловчилар ҳам аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг фаолиятида юридик шахсларнинг иштирок этишига ҳам йўл қўйилади. Бу ҳақда кооперативнинг уставида кўрсатилган бўлиши керак. Юридик шахсларнинг хизматчилари кооператив фаолиятида ўз меҳнатлари билан қатнашишлари мумкин. Агар кооперативнинг аъзолари фақат юридик шахслардан ташкил топадиган бўлса, уларнинг фаолияти бирлашмалар ва иттифоқларга оид қоидаларга асосан тартибга солинади (Кодекснинг 77-м).

Ишлаб чиқариш кооперативи кооператив аъзоларининг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида вужудга келади. Айни пайтда қонун аъзоларнинг ко-

оператив мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгар бўлишини назарда тутди. Бу ҳам ишлаб чиқариш кооперативига хос хусусиятлардан иборат. Чунки, кўпчилик жамиятларининг, жумладан масъулияти чекланган жамият ва акциядорлар жамиятларининг иштирокчилари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича устав фондига (капиталига) қўшган ҳиссалари ёки акциянинг қиймати, миқдори доирасида жавобгар бўладилар.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кўпчилиكنи ташкил этади. Шу билан битта шахсдан ташкил топадиган хўжалик жамиятларидан фарқ қилади. Унинг таъсис ҳужжати фақат уставдан иборат бўлиб, таъсис шартномасини тузиш талаб қилинмайди. Устав кооператив жойлашган ерда маҳаллий маъмурият томонидан рўйхатдан ўтказилади. Устав рўйхатдан ўтказилиши билан ишлаб чиқариш кооперативи тузилган деб ҳисобланади.

Кооперативнинг мол-мулки унинг иқтисодий негизи бўлиб хизмат қилади. Ушбу мол-мулк унинг аъзолари томонидан ўтказилган мол-мулкдан, ишлаб чиқариш фаолиятидан қўлга киритилган даромадлардан, олинган кредитлардан ва бошқа қонуний фойдалардан ташкил топади. Кооперативнинг мол-мулки унинг Уставига мувофиқ аъзоларининг пайларига бўлинган бўлади. Пай сифатида пул суммаси, моддий объектлар (асбоб-ускуналар), шунингдек мулкий ҳуқуқ (ижарага олинган, одам турмайдиган бинолар) ўтказилиши мумкин. Кооператив аъзолари устав фондининг бир қисмини унинг бўлинмас мулки сифатида тан олишлари мумкин. Мулкнинг ушбу қисмидан фақат уставда белгиланган махсус мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилади ва аъзолар кооперативдан чиқиб кетишганида ҳам ушбу қисм бўлинмайди, чиқиб кетадиган аъзонинг улуши ажратилмайди. Бўлинмас мол-мулк фондини ташкил қилиш тартиби уставда назарда тутилган бўлиб, бу ҳақдаги қарор кооперативнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ўз мол-мулки билан бунор муносабатларида мустақил равишда иштирок этади. Мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат кооперативнинг унга тегишли бўлиб, бу ҳуқуқни кооператив умумий мажлисининг қарорига асосан, кооперативнинг ижро этувчи органлари, тасдиқланган сметага мувофиқ амалга оширади.

Кооперативнинг даромади аъзоларнинг ишлаб чиқаришга кўнган меҳнатига яраша, яъни мутаносиб равишда тақсимланади. Шу билан ҳам хўжалик ширкатлари ва жамиятларидан фарқ қилади. Чунки бу ерда даромад ширкат ва жамият иштирокчиларининг устав капитали таркибидаги ҳиссасига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади. Кооперативга тааллуқли бўлган ушбу қоида диспозитив характерга эга. Кооператив уставида даромадни тақсимлаш фақат аъзоларнинг кўнган меҳнатларига мутаносиб равишда эмас, балки улар кўнган пайларининг миқдорига қараб ҳам амалга оширилиши назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативи ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча мол-мулклари билан жавоб беради. Унинг мол-мулки камлик қилган тақдирда, кооператив аъзолари ўз мол-мулклари билан қонунда ва кооператив уставида белгиланган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Ишлаб чиқариш кооперативи ёки хўжалик ширкатлари деҳқон (фермер) хўжалиги сифатида ташкил этилиши ҳам мумкин. Бунда кооператив, асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланади. Кооператив юридик шахс сифатида деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳиссаларидан, пайларидан ташкил топган мол-мулкка эга бўлади. Бунда деҳқон хўжалигига тегишли бўлган умумий мулк ҳуқуқи тугатилади, унинг умумий ҳиссали ёки умумий биргаликдаги мол-мулкка нисбатан янги ҳуқуқ субъекти, яъни кооператив пайдо бўлади.

Ишлаб чиқариш кооперативи билан деҳқон хўжалиги ўртасида бир бирига ўхшаш томонлари ҳам бор, биринчидан,

уларнинг иккаласи ҳам юридик шахс сифатида тижорат ташкилотларидан ҳисобланади, иккинчидан, фуқароларнинг уларга аъзо бўлишига ва ишлаб чиқаришда уларнинг шахсан ўз меҳнатлари билан иштирок этишига асосланади, учинчидан, улар ихтиёрий тузилмалардан иборат бўлиб, ўзлари жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Кодексда деҳқон (фермер) хўжалигига юридик шахс сифатида махсус модда ажратилмаган. Унинг ҳуқуқ лаёқати хўжалик ширкатлари (58-м.) ва ишлаб чиқариш кооперативларига (69-м.) бағишланган қоидаларда акс этирилади ва, шунинг билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни билан батафсил тартибга солинади.

Ишлаб чиқариш кооперативининг олий органи бўлиб аъзоликка асосланган барча ташкилотлардек каби, унинг умумий мажлиси ҳисобланади. Умумий мажлис кооперативнинг фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни муҳокама қилиш ваколатига эга. Лекин баъзи муҳим масалалар фақат олий мажлиснинг ваколатига тегишли эканлиги унинг уставда назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалани ҳал қилишда олий мажлис аъзоларининг ҳар бири, унинг мол-мулкдаги ҳиссасидан қатъи назар, битта овозга эга. Шу билан ҳам хўжалик ширкатлари жамиятлардан фарқ қилади, уларда масалани ҳал қилишда иштирокчиларнинг устав фондидаги ҳиссаси ва акцияларнинг сони ҳал қилувчи роль ўйнайди.

1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”ги Қонунда ва 1993 йил 28 декабрда унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994, N2) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда умумий мажлиснинг махсус ваколатлари назарда тутилади. Лекин ишлаб чиқариш кооперативининг уставда унинг ички ишлари уюштириш тартибини белгилаш ва қабул қилиш, кооператив аъзоларига иш ҳақини тўлаш, даромад

(фойда)ни тақсимлаш тартибини белгилаш, кооперативнинг маблағларини тасарруф этиш, кооперативни иттифоқларга қўшилиши ёки ундан чиқиб кетишига оид муҳим масалаларни ҳал қилиш умумий мажлис ваколатига берилиши назарда тутилиши мумкин.

Кооперативнинг ижро этувчи органи бўлиб бошқарма ва раис ёки фақат кооператив раиси ҳисобланади. Бошқарма умумий мажлис томонидан сайланади, раис эса уставга билан ё умумий мажлис ёнки бошқарма томонидан сайланади. Ижро этувчи органларнинг ваколати қонун ва устав билан аниқ назарда тутилган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш кооперативи тўғрисида қонун қабул қилингунга қадар ижро этувчи органларининг ваколатлари унинг уставига аниқ акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, “Кооперация тўғрисида”ги қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига зид бўлмаган нормалари ишлаб чиқариш кооперативларининг фаолиятларини тартибга солиш учун татбиқ қилиниши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативи тўғрисида махсус қонун қабул қилиниши зарурлиги ҳисобга олинганлиги учун мазкур Кодексда унга тегишли бўлган қоидалар батафсил назарда тутилмади.

Ўзи мулк эгаси бўлмасдан унга мулкдор томонидан берилган мулк асосида фаолият юритувчи тижоратчи ташкилот **унитар корхона ҳисобланади** (70-модда). Унитар (unitar) лотин тилидан олинган бўлиб, бирлик (рус тилида единство) деган маънони беради.

Унитар корхонанинг мол-мулки бир бутун бўлиб, бўлинмасдир ва унга қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди.

Унитар шаклда фақат давлат ва муниципал корхоналари тузилиши мумкин. Унитар корхонанинг мол-мулки давлат ёки муниципалитетнинг мулки ҳисобланиб, унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилади.

Унитар корхона мазкур Кодекснинг 43-моддасидаги маълумотлардан ташқари корхона фаолиятининг доираси ва мақсади, унинг устав фондининг миқдори, уни ташкил қилиш учун зарур бўлган моддий манбалар ҳақидаги маълумотлардан ҳам иборат бўлиши керак.

Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларига эга бўлган корхоналар ўтмишда ҳам бор эди. Улар социалистик хўжалик тузими даврида вужудга келди. Корхоналар асосан давлатга тегишли бўлиб, ўз фаолиятларини давлат мулки асосида амалга ошираддилар. Шундай экан, корхоналар давлат мулкига нисбатан қандай ҳуқуққа эга бўлишлари мумкинлиги ҳақида турли мулоҳазалар пайдо бўлди. Корхоналар давлат мулкига нисбатан “оператив бошқарув” ҳуқуқига эга бўлиши ва бундай корхоналарни оператив бошқарув ҳуқуқининг субъекти сифатида тан олиниши зарурлигини Санкт-Петербург университети юридик факультетининг профессори академик А.В.Венедиктов ўзининг 1948 йилда чоп этилган “Право социалистической собственности” деган асарида ҳар томонлама асослаб берди ва ушбу тушунча (ибора) 1961 йилда қабул қилинган “СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар граждaнлик қонунларининг Асослари”га биринчи марта киритилди. Сўнгра барча собиқ социалистик республикаларнинг Граждaнлик кодексларида ва бошқа қонунларида ўз аксини топди.

Оператив бошқарув ҳуқуқига эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат мулкини эгаллашда, ундaн фойдаланиш ва уни тасарруф қилишда, шунингдек ушбу мулк асосида ўз фаолиятларини амалга оширишда давлат, яъни мулк эгаси томонидан белгиланган, ҳар томонлама чекланган ҳуқуқий қоидаларга қатъий риоя қилишга мажбур эдилар.

1985 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб социалистик жамиятни демократиялаштириш ниятида иқтисод ва ҳуқуқ соҳаларида ислоҳотлар амалга оширила бошланди, хўжаликни бошқаришда аввалги маъмурий-буйруқбозлик эмас, балки иқтисодий услубларни қўллаш, ишлаб чиқариш соҳаси-

янги корхоналарни хўжалик принципига, ўз харажатларини ўз даромадлари ҳисобига қоплаш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш қобилиятига эга бўлган корхоналарга айлантириш ҳақида вазифалар қўйилди. Бундай шароитда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналарни фақат “оператив бошқарув” ҳуқуқига асосан амал қилиши барча ҳолларда талабга жавоб бермай қўйди.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида собиқ СССР томонидан 1990 йил 6 мартда қабул қилинган “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунда “тўла хўжалик юритиш” тушунчаси (ибораси) пайдо бўлди ва унга тааллуқли қоидалар назарда тутилди. Ушбу тушунча Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 мартдаги “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунида қабул қилинди. Янги Фуқаролик кодексида “тўла” деган сўз тушириб қолдирилиб, “хўжалик юритиш” ҳуқуқий атамаси сақланиб қолинди.

Демак, унитар корхона икки турдан, яъни “хўжалик юритиш” ва “оператив бошқарув” ҳуқуқларига асосланган корхоналардан иборат. Уларга хос умумий хусусият, иккаласининг ҳам давлат мулки асосида фаолият юритишидир. Лекин уларни ташкил қилишга оид қоидаларда ва ҳуқуқ лаёқатларида бир-биридан фарқ қиладиган хусусиятлар мавжуд. Масалан, **хўжалик юритиш ҳуқуқига эга корхона** (71-модда) мулкдор ваколат берган органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорига мувофиқ ташкил этилади. **Оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхона** (72-модда) (давлат корхонаси, рус тилида - казенное предприятие) Ўзбекистон Республикаси мол-мулки асосида Ўзбекистон ҳукумати қарорига асосан ташкил топади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига эга корхонанинг таъсис ҳужжати ваколатга эга бўлган давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органи тасдиқлаган уставдан иборат. Оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхонанинг таъсис ҳужжати Ўзбекистон ҳукумати тасдиқлайдиган устав ҳисобланади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхона ўз мол-мулки-

нинг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс ҳисобланувчи бошқа унитар корхона (шуба корхона) ташкил этиши мумкин. Оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган корхона бундай ҳуқуққа эга эмас. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк ҳисобидан жавоб беради. У мулкдорнинг мажбурияти бўйича жавоб бермайди. Лекин мазкур Кодекс 48-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган қоидаларга мувофиқ мулкдор хўжалик юритувчи корхонанинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар равишда жавобгар бўлиши мумкин. Бу қоида хўжалик юритувчи корхона томонидан ташкил қилинган шуба корхонанинг мажбуриятларига нисбатан ҳам тааллуқлидир. Оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаганида, Ўзбекистон ҳукумати унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига эга корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш ваколатли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органининг қарорига асосан амалга оширилади. Оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган корхона Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига асосан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар таркибига матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, муассасалар, юридик шахслар бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар киради.

Матлубот кооперативи (73-модда) ўтмишда ҳам ривож топган эди. Лекин унинг ҳуқуқ лаёқати 1963 йилдаги Кодексда аниқ белгиланмаган эди. Ушбу Кодекснинг 35-моддаси “Кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ва уларнинг аъзолари бўлган граждандарнинг масъулиятини чегаралаш” масаласига бағишланган бўлиб, кооператив аъзоларининг кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермаслик, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўз аъзо-

ларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермаслик, аъзоларнинг пай бадалларидан ҳақ ундирмаслик, ҳақ ундирши, агар кооператив аъзолигидан чиқиб кетган тақдирда йўл қўйилиши ҳақида, яъни фақат кооператив билан унинг аъзоларининг жавобгарлиги ҳақида қисқача қонда назарда тутилган эди.

Янги Кодексда кооперативлар икки хил гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш (тижоратчи) ва матлубот (тижоратчи бўлмаган) кооперативларга бўлинди. Шунинг билан бирга тижоратчи бўлмаган бошқа жамоат ташкилотларининг турларига ва уларнинг ҳуқуқ лаёқатига алоҳида моддаларда эътибор берилди.

Матлубот кооперативи ҳам ишлаб чиқариш кооперативи каби фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси ҳисобланади. Лекин унинг аъзоларининг бадаллари ҳисобига ташкил топган мулк асосида ишлаб чиқариш ёки хўжалик юритиш фаолиятида шахсан ўзларининг меҳнати билан иштирок этиши талаб қилинмайди. Матлубот кооперативининг фаолияти ўз аъзоларининг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида ташкил топади. Ушбу фаолият унинг аъзолари томонидан ўз мулкӣ (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Кооператив фаолиятининг самарали амалга ошиши учун унинг барча аъзоларига масъулият юклатилади. Йиллик баланс тасдиқлангандан кейин кооперативнинг фойда олиш ўрнига зарар кўргани аниқланса, ушбу зарар унинг аъзолари томонидан қўшимча бадаллар тўлаш йўли билан уч ой мобайнида қопланиши лозим. Ушбу вазифа бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадалнинг тўланмаган қисми ҳажмида солидар, яъни барчалари биргаликда шериклик принципи асосида субсидиар (қўшимча) жавоб берадилар.

Кооператив уставида мазкур моддада, Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маъ-

лумотлардан ташқари яна бошқа маълумотлар назарда тутилиши мумкин. Шунинг билан бирга матлубот кооперативига бағишланган бошқа қонунларда унинг ҳуқуқий мавқеи, аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари батафсил белгиланиши зарурлиги назарда тутилади.

Ҳозирги кунда матлубот кооперативининг фаолияти мазкур Кодексдан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Кооперация тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаи, 1991, N8, 193-модда) ва 1993 йил 28 декабрда унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисидаги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, N2, 52-модда) билан тартибга солинмоқда.

1991 йилдаги Қонунда ва унга ўзгартиш киритилган 1993 йилдаги Қонунда кооперацияни барча, масалан, матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот турларига тааллуқли қоидалар назарда тутилади. 1991 йилдаги Қонунда уй-жой қуриш, уй-жой кооперативлари, гараж қуриш, чорбоғ қуриш каби ўз аъзоларининг маиший ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларга бағишланган умумий қоидалар ҳам мавжуд эди. 1993 йилдаги Қонунда кооперативнинг ушбу турлари тушириб қолдирилган.

Иккала қонунда ҳам матлубот кооперативи ва ишлаб чиқариш кооперативининг аҳолини маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек фойда (даромад) олиш мақсадида тузилишига эътибор берилади. Демак, матлубот кооперативини ҳам тижорат ташкилоти деган хулосага келиш мумкин. Аслида бундай эмас. Тўғри 73-модданинг 7-қисмида матлубот кооперациясига тижорат фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилган. Лекин мазкур кооперация фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган эмас (40-модданинг 1-қ), балки ўз аъзоларининг маиший ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.

Фойда олиш матлубот кооперативининг фаолияти учун иккинчи даражадаги, яъни қўшимча мақсад бўлиб ҳисобланади.

Матлубот кооперативи тижоратчи бўлмаган ташкилот бўлганлиги туфайли, унинг фаолияти молиявий жиҳатдан шиммиллаш олиннадиган фойда (даромад) эвазига эмас, балки, асосан кооператив аъзоларидан тушадиган пай бадаллари ҳисобига амалга оширилади. Шунинг учун ҳам кооперативга етказилган зарарни унинг аъзолари қўшимча бадаллар тўлаш нули билан қоплашлари шарт. Кооперативнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик ҳам аъзо ҳар бир аъзо тўлайдиган қўшимча бадалининг тўланмаган қисмига нисбатан қаратилади.

73-модданинг 4-қисмида кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда, матлубот кооперацияси юридик шахснинг туғилиши учун асос ҳисобланадиган умумий қоидадан (Кодекснинг 53-моддаси) ташқари Кодекснинг 57-моддасига асосан, 54, 55, 56-моддалари билан белгиланган тартибда туғилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида матлубот кооперативи кенг тармоқли соҳа бўлишига қарамай, унинг кўп қиррали фаолиятини тартибга солишга бағишланган яхлит қонун мавжуд эмас. Ўзбекистоннинг 1991 йилдаги Қонунида кооперациянинг амалдаги барча турлари келтирилиб, меҳнат кооперациясига фақат махсус иккита моддий (11.12 м.м) берилади. Ушбу моддаларда матлубот кооперациясининг вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ва аниқ ечимини топмаган. Ҳозирги шароитда қишлоқ жойларда аҳолининг моддий-маиший ва ижтимоий эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантириш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда матлубот кооперацияси тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниши долзарб вазифалардан дир.

Жамоат бирлашмалари (74-модда) ҳам фуқароларнинг ихтиёрий уюшмаларидан иборат. Уларнинг фаолияти фуқароларнинг маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларини қа-

ноатлантиришга қаратилади. Улар, ўз уставларида назарда тутилган тақдирда, ишлаб чиқариш ва ўзга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Жамоат бирлашмалари сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа уюшмаларидан иборат бўлиши мумкин.

Жамоат аъзолари унга қўшган мол-мулкларига ва аъзолик бадалларига нисбатан эгаллик қилиш ҳуқуқини сақлаб қола олмайдилар. Улар жамоат мажбуриятлари бўйича, жамоат эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланиши назарда тутилади. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун 1991 йил 15 февралда қабул қилинди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991, №4, 76-модда).

Ўзбекистон Республикасининг ушбу, яъни 1991 йил 15 февралдаги қонунига мувофиқ, диний ташкилотлар жамоат бирлашмаларининг таркибий қисмига киритилмайди. Қонун 1-моддасининг 4-қисмига мувофиқ диний ташкилотларга нисбатан ушбу қонун таъбиқ қилинмаслигининг сабаби шуки, уларнинг тузилиши ва фаолияти бошқа қонунлар билан белгилаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991, 8-сон) 12-моддасига мувофиқ, диний ташкилотлар жамоа сифатида низом қабул қилиб, белгиланган тартибда рўйхатга олиниши биланоқ юридик шахс деб тан олинади ва тегишли қонунларга ҳамда ўз низомларига мувофиқ мажбуриятлар олиш, яъни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Жамоат бирлашмаларини юридик шахс сифатида фақат фуқаролар ташкил қилишлари мумкин. Ушбу бирлашмалар махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Улар фақат ўз уставларида белгиланган ва тижорат билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланиши мумкин. Уларга ўз уставларида назарда тутилган доирада ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳуқуқ берилади (74-модданинг 2-қ.). Масалан, улар ўзларига тегишли корхоналар очишлари мумкин, лекин ушбу корхоналарнинг фаолияти ҳам жамоат бирлашмасининг уставида белгиланган махсус ҳуқуқ лаёқати доирасидан четта чиқиб кетмаслиги керак.

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бажаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларида ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, фаолияти бутун республика ҳудуди миқёсида амалга оширилладиган жамоат бирлашмалари республика жамоат бирлашмаларига киради. Вилоят, туман, шаҳар, поселка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмаларига киради. Республика миқёсида сиёсий партия ёки касаба уюшмасини тузиш учун уларнинг камида уч минг аъзоси бўлиши керак (6-модда). Бошқа жамоат бирлашмалари камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилиши мумкин (8-модда).

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чақирадилар, унда устав (низом, бошқа асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади. Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, Республика, вилоятлараро бирлашмаларнинг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Вилоят, туман, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ туман, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари тегишли вилоят ҳамда Тошкент ҳокимиятликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмасининг устави рўйхатдан ўтган пайдан бошлаб, у юридик шахс ҳисобланади. Мазкур Кодекс 41-моддасининг 2-қисмига биноан жамоат бирлашмасининг юридик шахс сифатида ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайдан бошлаб вужудга келади ва у тугатилиши билан ушбу лаёқат ҳам тугайди. Жамоат аъзолари унга кириш пайтида ва бутун аъзолик давомида жамоатга ўтказган мол-мулкига нисбатан мулкий ҳуқуққа эга бўла олмайдилар. Жамоатга аъзо бўлишлик ва ундан чиқиб кетишлик ихтиёрий ҳисобланади. Жамоатдан чиқиб кетадиган аъзо унинг мулкига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Ўтмишда **ижтимоий фондлар** (75-модда) асосан давлат мол-мулки ҳисобига ташкил этиларди. Эндиликда улар фу-

қаролар, фуқаролар билан юридик шахслар ёки юридик шахслар иштирокида ташкил топган фондлардан иборат бўлиши мумкин. Ижтимоий фондлар хайрия, ижтимоий, маданий ёки бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни амалга оширишга қаратилади. Уларнинг аъзолари бўлмайди.

Фонднинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулки бўлиб ҳисобланади. Ушбу мол-мулкдан фонд ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланиши мумкин. Ижтимоий фондларга тадбиркорлик билан шуғулланишга, хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳуқуқ берилади. Фонд ўз мулкидан қандай фойдаланганлиги ҳақида ҳар йили ҳисоботлар бериши ва уларни босиб чиқариши, матбуотда эълон қилиш кўзда тутилади.

Ижтимоий фонднинг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотларнинг бўлиши кераклиги мазкур моддада кўзда тутилади. Ижтимоий фондлар ҳам жамоат бирлашмалари каби тижоратчилик билан боғлиқ бўлмаган махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Фонднинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши унинг уставида белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. Фондлар хўжалик жамиятлари тузишлари мумкин. Лекин у бундай жамиятларнинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига чекланган жавобгарлик олиши мумкин. Фондлар хўжалик ширкатларини тузишда иштирок этолмайдилар.

Ҳуқуқ лаёқатининг мазмунига кўра фондларни 75-модданинг 1-қисмидаги мақсадларни амалга ошириш учун давлат бошқарув вазифасини бажариш учун тузиладиган ташкилотларга ажратиш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда 1994 йилда тузилган фан тараққиёти фонди 1-қисмдаги мақсадларга тааллуқли вазифаларни амалга оширишга қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 7 июнда қабул қилган қарорига асосан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди тўғрисида Низом қабул қилинди. Ушбу фонд давлат ташкилоти

сифатида тадбиркорликни бошқариш ва қўллаб-қувватлаш вазифасини бажаради. Тижорат мақсадини кўзлаб тузилган фондларни хайрия фонди деб бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилган қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида” тузилган фонд банкнинг алоҳида операциясини бажарадиган молиявий-кредит муассасаси ҳисобланади.

Фондлар ҳар хил мақсадларда, масалан маданий, фан, маърифий, миллий ва халқаро тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни кўзлаб тузилишлари мумкин.

Фондларни тузишда давлат (муниципал) мулкдан, шунингдек хусусий мулкдан фойдаланиш мумкин. Фонд тузилганидан кейин унинг эгалигидаги мол-мулкка нисбатан унда эгалик ҳуқуқи вужудга келади. Фонд аъзолари ушбу мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмайдилар. Фонд тузилганда унинг фаолияти устидан назорат олиб борувчи ҳомийлик кенгаши тузилади.

Фонд уставига ўзгартиш киритиш ёки фонднинг фаолиятини тугатиш ихтиёрий равишда ёки суд томонидан амалга оширилади. Ихтиёрий равишда амалга оширишнинг мумкинлиги фонднинг устави билан белгиланади. Фонддан айрим аъзоларнинг чиқиб кетиши фонд фаолиятини тугатиш учун асос бўлолмайди. Бундай ҳолларда, фонднинг уставига ўзгартиш киритиш ёки уни тугатиш мумкинлиги уставда белгиланган бўлади.

Фонднинг фаолиятида ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўйилган бўлса ёки у пул тўлаш, ҳисоб-китоб юрғатиш қобилиятига эга эмас, деб топилган бўлса, унинг фаолияти суд тартибида тугатилиши мумкин.

75-модданинг охириги қисмида фонднинг уставига “фонд тугатилганида унинг мол-мулкни тақсимлаш тартиби тўғри-

сида” маълумотлар бўлиши кераклиги назарда тутилади. Бундан мол-мулк фонд аъзоларининг ўртасида тақсимланади, деган хулосага келиш мумкин эмас. Фонд тутатилгандан кейин унинг мол-мулки бўлинмайди, у фонднинг ёки суднинг қарорига асосан фаолияти ўхшаш мақсадга қаратилган тегишли ташкилотларга, бошқа фондларга ёки шундай мақсадда фойдаланиш учун давлатга топширилади.

Ўзбекистонда ижтимоий-фойдали мақсадларни кўзлаб тузиладиган хайрия фондлари сони тобора кўпаймоқда. Мазкур Кодексда ушбу фондларга фақат битта модда бағишланган бўлиб, уларнинг кўп қиррали фаолиятига хос хусусиятлари ҳуқуқий жиҳатдан тўла-тўқис ечимини топмаган. Шунинг учун ижтимоий фондлар тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Муассасалар (76-модда) мулкдор томонидан ташкил қилинади. Унинг асосий белгиси тижорат билан шуғулланмаслик ва бошқарув вазифасини амалга оширишдан иборат. У мулкдор томонидан тўла ёки қисман молиявий таъминланиб турилади. Муассаса мажбуриятлари бўйича мулкдор субсидиар жавоб беради.

Муассасалар мулкнинг ҳар хил шакли, яъни оммавий мулк ва хусусий мулк шакллари асосида тузилган бўлишлари мумкин. Шунга кўра улар ё давлатга ёки хусусий мулк эгаларига тегишли муассасалардан иборат бўладилар. Улар мулкнинг қайси шаклига асосланган бўлиши ва бажарадиган вазифасининг моҳиятига қараб ҳар хил туркумдан ташкил топади. Амалиётда кўпроқ тарқалган туркуми давлат муассасалари ҳисобланади. Улар асосан давлатнинг бошқарув вазифасини бажаради ва уларнинг бундай ҳуқуқ лаёқати фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмайди. Муассасалар ўз уставида белгиланган ҳуқуқ лаёқати доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи Кодекснинг 180-моддасига мувофиқ унинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши лозим.

Муассасанинг мол-мулки унга мулкдор томонидан берилган маблағлар ҳисобига ташкил топади. Ушбу мулкка нисбатан муассаса мулк ҳуқуқи эмас, балки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай мол-мулкни унинг эгаси муассасадан тортиб олиши ва бошқа йўллар билан тақсимлаб юбориши мумкин. Муассаса мулкдор томонидан тасдиқланган сметага эга бўлади (Кодекснинг 39-моддасига берилган шарҳларга қаралсин).

Юридик шахслар бирлашмалари (уюшма ва иттифоқлари) асосан юридик шахсларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади. Агар иштирокчиларнинг (юридик шахсларнинг) қарорига мувофиқ уларга тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, улар хўжалик жамияти ёки ширкатларига айланади (77-модда).

Уюшманинг юридик шахс ҳисобланиши унинг аъзоларининг ўз мустақиллигини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қолишига тўсқинлик қилмайди.

Уюшма аъзолари (уюшмага кирган юридик шахслар) унинг мажбуриятлари бўйича уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўлишлари мумкин.

“Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида” 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Қонунининг 1-моддасида “хўжалик жамиятлари ва ширкатлари корхоналарнинг хўжалик ассоциациясига: иттифоқ, концерн, консорциум, корпорация ва бошқа уюшмаларга бирлашишга ҳақлидир” деб таъкидлаб ўтилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N 1, 13-модда). Демак, моддада номи келтирилган барча уюшмалар битта тушунча, яъни ассоциацияни ифода этувчи унинг турларидан иборат деб тан олинади. Лекин улар уюшма бўлишлари билан бир қаторда ҳуқуқ лаёқати, фаолиятининг турлари ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Кодекснинг 77-моддасида юридик шахсларнинг бирлашмалари сифатида фақат уюшма ва иттифоқларга эътибор берилади. Чунки бирлашмаларнинг бошқа турлари (концернлар, консорциумлар, корпорациялар) акциядорлар жамиятлари ва хўжалик ширкатлари шаклида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Мазкур 77-моддага мувофиқ тижоратчи бўлмаган бирлашмаларнинг шакллари сифатида уюшма ва иттифоқларга бағишланган қоидалар назарда тутилади.

Уюшма билан иттифоқ тушунчалари ўртасида ҳам қисман фарқ mavжуд. Уюшмани ифодаловчи асосий белги - таркибий қисмининг бир хил бўлишидан, иттифоқнинг эса ҳар хил бўлишидан иборат. Уюшма таркибий қисмининг бир хил бўлиши унда иштирок этувчиларнинг шакл жиҳатдан умумий бўлиши билан (масалан, акциядор жамиятларнинг уюшмалари), фаолияти жиҳатдан иқтисоднинг битта ёки аралаш соҳаларига (масалан, нефть саноати корхоналарининг уюшмаси) тегишли бўлиши билан белгиланади. Иттифоқнинг умумий мақсади мувофиқлаштириш, ваколатлик қилиш билан бир қаторда муайян ҳудуднинг манфаатларини ҳимоя қилиш (масалан фан-техника, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат муассасаларининг иттифоқлари) билан белгиланади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 26 апрелда тасдиқланган “Ўзбекнаво” иттифоқининг таркибига давлат республика ва вилоят концерт ташкилотлари билан бир қаторда, қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шакллари-дан қатъи назар, ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочилар киришлари мумкин.

Уюшма ва иттифоқлар улар таркибига кирган юридик шахсларга нисбатан юқори маъмурий идора ҳисобланмайди. Уюшма ва иттифоқлар уларга ихтиёрий равишда берилган ваколат доирасида юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид вазифаларни амалга ошириш ва бошқариш каби фаолиятларни бажаради. Ҳар қандай бошқариш қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлиши ҳисобга олинган ҳолда, уюшма ва иттифоқ-

ларга берилган бундай ваколат уларнинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Уюшма ва иттифоқлар ўзлари тижоратчи ташкилот бўлмаганлиги туфайли асосий мақсади фойда ундиришга қаратилган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Шундай экан уларга берилган ваколатни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, масалан, иш ҳақи, биноларнинг ижара ҳақи, техника ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар молиявий жиҳатдан бошқарув идоранинг таркибига кирган ташкилотлар ҳисобидан таъминланади.

77-модда 2-қисмининг маъносидан уюшма ва иттифоқлар тижоратчи бўлмаган ташкилот эканлиги тўғрисида ўрнатилган императив қоида англашилади. Шундай экан, уларнинг таъсис ҳужжатларида фойда ундириш фаолияти асосий мақсад сифатида назарда тутилган бўлиши мумкин эмас. Лекин фаолият юрғизиш жараёнида тижорат билан шуғулланиш улар учун мақсадга мувофиқ бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳол юз берган тақдирда уч хил тадбир қўлланиши мумкин: а) бирлашманинг иштиракчилари қонунга мувофиқ (Кодекснинг 4-м.), уни ўз қарорига асосан хўжалик ширкати ва жамиятига айлантириб қайта ташкил қилишлари мумкин; б) бирлашманинг ўзи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида таъсисчи сифатида хўжалик жамиятини ташкил қилиши мумкин; в) бирлашма қонунда белгиланган тартибда амалда ҳаракатда бўлган хўжалик жамиятининг таркибий қисмига кириши мумкин.

Бирлашмани ташкил қилган ёки унга кирган ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомида ўзгариш юз бермайди. Уларнинг юридик шахс сифатида ҳуқуқ лаёқати тўла сақланиб қолинади (Кодекснинг 41-м.). Бирлашманинг ўзи юридик шахс ҳисобланади ва унга нисбатан жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар татбиқ қилинади (Кодекснинг 48-м.) Умумий қоидага биноан бирлашма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, лекин таъсис ҳужжатлари-

да назарда тутилган миқдорда ва тартибда уларнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Қонунининг 4-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари “юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади” дейилган. Мазкур Кодекснинг 78-моддасига мувофиқ ушбу органлар “юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари” деб таърифланади.

Қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс мақомига эга ёки эга эмаслиги аниқ белгиланмаган. Чунки, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш деган тушунча органнинг ҳақиқатдан ҳам юридик шахс эканлигидан тўлиқ дарак бермайди. Масалан, юридик шахс бўлмай туриб, ишончномага асосан унинг номидан ва у топширган ваколат доирасида юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш мумкин (Кодекснинг 47, 134-м.м.) Лекин, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ лаёқатининг мазмунига кўра, Кодекснинг 78-моддаси билан уларни тижоратчи бўлмаган юридик шахс сифатида таъриф олиниши ўринли бўлган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз номига (герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига), мол-мулкига, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида мустақил субъект сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Шарҳланмоқда бўлган модданинг 2-қисмига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулк ҳисобланади. Қурилган бинолар, қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат объектлари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳисобланади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ажратилади-

ган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, хайрия фондлари берадиган маблағлардан, мерос тартибида ўтган мол-мулклардан (Кодекснинг 1157-м.) таркиб топиши мумкин. Ушбу органларнинг молиявий маблағлари банкдаги мустақил ҳисобва рақларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Ҳар бир турдаги тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг юридик шахс сифатида ўзларига хос ҳуқуқий мақоми, фаолият доираси ва бошқа белгилари тегишли моддаларда акс эттирилган.

5-БОБ

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ИШТИРОКЧИСИ СИФАТИДА

79-модда. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши

Давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан барабар асосларда иштирок этади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар.

Давлат ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради.

80-модда. Давлат ва юридик шахслар жавобгарлигининг фарқлаб қўйилиши

Давлат томонидан тузилган юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ушбу модданинг қоидалари давлат тузган шартнома асо-сида юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ёки мазкур юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ҳолларга тааллуқли эмас.

5-бобга шарҳлар

Давлат фуқаролик ҳуқуқининг субъекти деб тан олин-шига қарамай, унинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчиси сифатида ҳуқуқий мақоми мазкур Кодекс қабул қилингунига қадар аниқланмай келинди. Ушбу ноаниқлик 79-моддада ҳал қилинди. Энди давлат ҳам фуқаролик қонун

хужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баб-баравар асосларда иштирок этади. Бундай иштирок этиш давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар томонидан амалга оширилади. Кодексда **давлат ва юридик шахсларнинг ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ҳам фарқлаб қўйилади** (80-модда). Давлат томонидан тузилган юридик шахс унинг, яъни давлатнинг мажбуриятлари бўйича, шунингдек юридик шахс эса давлат мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Лекин қонунда бошқача ҳоллар назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, ушбу модданинг иккинчи қисмига биноан давлат юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича, юридик шахс эса давлатнинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммаларига жавобгарлик олган (кафолат берган) бўлишлари мумкин. Ушбу масала бўйича мазкур Кодекснинг 48, 72, 76-моддаларида ҳам тегишли қоидалар белгиланди. Масалан, 72-модданинг 5-қисмига мувофиқ “Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида, давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади”, яъни корхонанинг ўз қарзини узиш учун етишмай қолган мол-мулкнинг миқдори қисми доирасида давлат унинг кредиторлари олдида қарзни узиш учун субсидиар, яъни қўшимча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Кодекснинг 5-бобида давлат ва юридик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик масалаларига аниқлик киритиш билан бир қаторда фуқаролик ҳуқуқининг янги субъектлари ҳақида қоидалар назарда тутилади. 79-модданинг иккинчи қисмида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар, дейилади. Булар кимлардан иборат бўлиши мумкин? Мазкур модданинг биринчи қисмига биноан, биринчи галда давлат (Ўзбекистон Республикаси)нинг ўзи фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда бошқа субъектлар билан

тенглик тамойили асосида (Кодекснинг 1-моддасининг 1-қ.) баб-баравар иштирок этади. Сўнгра давлат тузилмалари (вилоятлар, туманлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда давлат ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан баб-баравар иштирок этадилар.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида юқоридаги субъектларнинг шахсан ўзлари ёки улар томонидан махсус вакил қилинган бошқа органлар иштирок этишлари мумкин. Масалан, давлат номидан чиқариладиган облигациялар, сотиладиган акциялар бўйича давлатнинг ўзи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қатнашади, давлатлараро савдо-сотиқ ва иқтисодий муносабатларда, шунингдек давлат мол-мулкани хусусийлаштириш бўйича шахсан давлатнинг ўзи ёки у вакил қилган давлат ҳокимият ёинки давлат бошқарув органлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қатнашадилар, давлатта тегишли мол-мулк (объектлар)ни кимосиди савдоси бўйича вилоят, туман ҳокимликлари тасарруф этадилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида давлат мол-мулкани эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида фаол қатнашишларига йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қатнашувчи субъектлар бир-бирига нисбатан ҳукмронлик ваколатига эга бўлмайдилар, яъни улар бундай муносабатларнинг иштирокчиси сифатида бир-бирига нисбатан ҳукмронлик таъсир ўтказмайдилар, уларнинг фаолияти юридик шахсларга тааллуқли қоидаларга биноан тартибга солинади, улар шартномавий муносабатларда тенглик тамойилига амал қиладилар.

3-КИЧИК БЎЛИМ

ОБЪЕКТЛАР

6-БОБ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

81-модда. Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари
Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киреди.

82-модда. Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг муомалада бўлиши

Фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибда ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак.

Муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг (муомалада бўлиши чекланган объектларнинг) турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгиланади.

6-бобга шарҳлар

Олдинги Кодексда фуқаролик ҳуқуқи объектларига фақат 5-модда бағишланган бўлиб, улардан иккита бошлангич моддаларида(40-41-моддалар) кўрсатилган нарсалар ва

буюмлар “фақат алоҳида рухсатлар билан олиниши” ёки “белгиланган тартиб ва доиралардагина олди-сотди буюми бўлиши” мумкинлиги ҳақида қоидалар назарда тутилган эди. Эндиликда ушбу нарсалар ва буюмларнинг кўпчилиги фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида олди-сотди муомаласига киритилди.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида моддий ва номоддий неъматлар бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асослари аниқ кўрсатилмаган эди. Объектлар фақат дарсликларда атрофлича талқин қилинарди. Янги Кодексда объектларга 20-модда ажратилди. Бу фуқароларга, юридик шахсларга мулкнинг турли шакллари асосида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг шароит ва тенг ҳуқуқ берилганлигидан далолат беради.

Кодексда фуқаролик ҳуқуқи объектларининг турлари, уларнинг муомалада бўлиши билан бирга (81-82-моддалар) асосий объектларни ҳуқуқий тартибга солишга оид белгилари ва хусусиятларига аҳамият берилди. Объектларнинг турлари иккита асосий, яъни **моддий ва номоддий** гуруҳларга бўлинди.

Ҳуқуқий муносабатларда ишгирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимага нисбатан қаратилган бўлса, уша нарса фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича товар объект ҳисобланади, чунки сотиб олувчи ва сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари товарни келишилган нарҳда сотишга ва унинг ҳақини тўлаб, қабул қилиб олишга қаратилган бўлади. Кодекснинг 81-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг асосий турлари келтирилади. Улар хусусиятларига кўра қуйидагича таснифланиши мумкин:

- а) ашёлар;
- б) ишлар;
- в) хизматлар;
- г) интеллектуал (ижодий) фаолият натижалари; номоддий неъматлар.

Ашё атамаси фуқаролик ҳуқуқида бир хил маънода қабул қилинмайди. Ашё ёки унинг муайян мажмуаси мол-мулкни ташкил қилади. Кодексда ҳар хил турдаги мулккий муносабатларнинг моҳияти ва хусусияти инобатга олинган ҳолда баъзан ашё ёки мол-мулк деган атамалардан фойдаланилади. Ашё ҳам, мол-мулк ҳам мулк ҳуқуқининг объектларидан ҳисобланади.

Ашёлар борлиқнинг моддий неъматларидан иборат. Улар ўзларига хос табиий хусусиятлари, аломатлари билан фуқаролар, ташкилотлар ўртасидаги мулккий муносабатларга нисбатан турли қоидаларни қўллашга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ашёларни юридик жиҳатдан таснифлашда кўпроқ уларнинг табиий хусусиятларига эътибор берилади. Масалан, ашённинг бўлинмас хусусиятга эга бўлиши унга нисбатан умумий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун сабаб бўлади. Агар ашё истеъмолий хусусиятга эга бўлса, мулк ижараси шартномасининг объекти бўла олмайди. Шунинг билан бирга ашёга нисбатан ҳуқуқнинг аҳамияти ҳам унинг ижтимоий фойдали вазифасига қараб белгиланади. Масалан, ўтмишда ашёларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмолий турларга бўлиниши юридик жиҳатдан аҳамиятга эга эди. Чунки бундай бўлинишига қараб фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланарди. Ҳозирги шароитда ашёларнинг бундай турларга бўлиниши ўз аҳамиятини йўқотди. Хусусий мулк ҳуқуқининг жорий қилиниши ва унинг объекти турли хил мол-мулкдан иборат бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинган ҳолда, Кодексда ашёлар икки - кўчмас ва кўчар турларига бўлинади (83, 84-моддалар).

Ашёларнинг таснифи ва турларига шарҳлар Кодекснинг 86, 96-моддаларида берилади.

Ишлар ва хизматлар асосан шартномаларга биноан вужудга келадиган мажбуриятларнинг объектлари бўлиб ҳисобланади (Кодекснинг 37, 40-бобларига қаралсин).

Интеллектуал (ижодий) фаолият натижаларига фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида тегишли қоидалар

Кодекснинг 97-моддасида ва IV бўлимга киритилган моддаларда назарда тутилади.

Номоддий неъматлар объекти сифатида Кодекснинг 8-бобининг 98, 100-моддаларида келтирилади.

Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг муомалада бўлиши деганда (82-модда), уларнинг эркин суратда бошқа шахсларга берилиши, топширилиши ёки ўтказилиши мумкинлиги тушунилади. Объектларни топшириш учун шартнома, мерос, баъзан маъмурий ҳужжат ҳам асос бўлиши мумкин. Бир шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг иккинчи шахсга ўтишини ҳуқуқий ворислик дейилади. Ҳуқуқий ворислик умумий (универсал) ва қисман (сингуляр) турларга бўлинади. Умумий ҳуқуқий ворислик бўйича шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг қандай даражада амалга оширилган ёки бажарилган бўлишидан қатъи назар, ворисга бўлинмасдан биргаликда ўтади. Бундай ҳуқуқий ворислик кўпроқ мол-мулкни мерос қилиб қолдиришда, юридик шахснинг қайта ташкил қилинишида ва унинг фаолияти тугатилишида қўлланилади. Қисман ҳуқуқий ворислик бўйича ворисга шахснинг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ажратилган бирон-бир йиғиндиси ўтади.

Ашёларнинг муомаладан чиқарилмаган, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган деб ҳисобланиши муҳим аҳамиятга эга. Муомаладан тўлиқ чиқарилган ашёларни эгаллашга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга умуман йўл қўйилмайди. Улар қаторига қуролларнинг баъзи турлари, ядро қуввати, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар киради. Булар фуқаролик ҳуқуқий битимларнинг объекти бўлиши умуман мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 246, 247, 248-моддаларига қаралсин).

Муомалада бўлиши чекланган объектларнинг турлари кенгроқ ҳисобланади. Улар маълум муомала қатнашувчила-

рига тегишли бўлиши ёки улар махсус рухсатга асосан сотиб олиниши ва сотилиши мумкин. Лицензиялар олиниши ва сертификация қилиниши зарур бўлган объектларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

7-БОБ

МОДДИЙ НЕЪМАТЛАР

83-модда. Мол-мулкнинг турлари

Кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек бинолар ва иншоотлардан иборатдир.

Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг хусусиятлари қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

84-модда. Кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқи ва бошқа аниқвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илгимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ ёки битим тўғрисида ҳужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаш шарт.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар ҳақидаги ахборотни ҳар қандай шахсга бериш шарт.

Ахборот, рўйхатдан ўтказиш қаерда амалга оширилганидан қатъи назар, кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказувчи ҳар қандай орган томонидан берилади.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ёки у ҳақда тузилган битимни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

85-модда. Корхона

Бугун корхона мулкый комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади.

Бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Мулкый комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради.

86-модда. Ашёларнинг таснифи

Ашёлар фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари сифатида қуйидагиларга бўлинади:

хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар;

бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар;

истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар;

асосий ва мансуб ашёлар;

мураккаб ашёлар.

87-модда. Хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиладиган ашёлар

Алоҳида, фақат ўзигагина хос, уни бир хил ашёлар орасидан ажратиб турадиган ва шу тариқа хусусий аломатларга эга бўлган ашё хусусий аломатлари билан белгиланган ашё ҳисобланади. Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар жумласига ноёб, яъни ўзи бир донга бўлган ашёлар, шунингдек муайян усул билан ажратиб қўйилган ашёлар (муҳр босиш, алоҳида белгилар гушириш, номер, рақам бериш ва шу кабилар) киради.

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир.

Бир турдаги ҳамма ашёларга хос аломатларга эга бўлган ҳамда сони, обирлиги, ўлчови ва шу кабилар билан белгилана-

диган ашёлар турга хос аломатлари билан белгиладиган ашёлар ҳисобланади.

Турга хос аломатлари билан белгиладиган ашёлар бошқаси билан алмашгирса бўладиган ашёлардир.

88-модда. Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар

Бўлиш натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хоссаларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик(мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё бўлинадиган ашё ҳисобланади.

Бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашёнинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади.

89-модда. Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар

Бир қарра фойдаланиш натижасида йўқолиб кетадиган ёки дастлабки ҳолатида мавжуд бўлмай қоладиган ашёлар (хом ашё, ёқилни, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу кабилар) истеъмол қилинадиган ашёлар ҳисобланади.

Қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёлар (бинолар, ускуналар, транспорт воситалари) истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳисобланади.

90-модда. Асосий ва мансуб ашёлар

Фойдаланиш туфайли вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти билан бошқа ашё (мансуб ашё)га боғлиқ мустақил ашё асосий ашё ҳисобланади.

Асосий ашёга хизмат қилиши керак бўлган ва у билан умумий хўжалик вазифаси орқали боғлиқ ашё мансуб ашё ҳисобланади.

Мансуб ашё, агар қонунлар ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади.

91-модда. Мураккаб ашёлар

Агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиладиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади.

Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, унинг барча таркибий қисмларига тааллуқли бўлади.

92-модда. Ҳосил ва даромадларга бўлган ҳуқуқ

Ашёдан келадиган ҳосил ва даромадлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ашё эгасига тегишлидир.

93-модда. Ҳайвонлар

Қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мол-мулк тўғрисидаги умумий қоидалар ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида ҳайвонлар билан шафқатсиз муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди.

94-модда. Пул (валюта)

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир.

Сўм ёзиб қўйилган қиймати бўйича қабул қилиниши шарт бўлган қонуний тўлов воситасидир.

Тўловлар нақд пул билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга ошириш ҳоллари, тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

95-модда. Валюта қимматликлари

Валюта қимматликлари деб ҳисобланадиган мол-мулк турлари ва улар хусусида битимлар тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.

Валюта қимматликларига мулк ҳуқуқи умумий асосларда ҳимоя қилинади.

96-модда. Қимматли қоғозлар

Мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизицларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади.

Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

Қимматли қоғозлар жумласига қуйидагилар киради: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банк-

нинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради.

7-бобга шарҳлар

Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида унинг хусусиятларига эътибор берилган ҳолда **кўчар мулкка ва кўчмас мулкка бўлинди** (83-модда). Кўчмас мулк туркумига ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек бинолар ва иншоотлар, қонунда кўрсатилган ҳолларда бошқа мол-мулклар ҳам кириши мумкинлиги назарда тутилди. Комплекс мулк сифатида корхонанинг ўзи ҳам кўчмас мулк ҳисобланади. Кўчмас мулкка нисбатан белгиланган асосий қоида унга тегишли бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақида тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказишдан иборат (84-модда). Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк деб ҳисобланди. Агар қонунда назарда тутилмаган бўлса, кўчар мулкка ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.

Ўтмишда корхона фуқаролик муомаласида бўлмаганлиги туфайли Кодекс воситасида тарғибга солинадиган муносабатларнинг объекти бўлиб ҳисобланмас эди. Эндиликда корхонанинг ўзи бугунлай ёки унинг бир қисми ёки қисмлари олди-сотди, гаровга қўйиш, ижарага бериш ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин (85-модда). Ушбу моддада корхона, мулкӣ комплекс, яъни унинг фаолияти учун мўлжалланган бир-бирини тўлдириб турадиган ишлаб чиқариш воситалари, қурол-анжомлари, асбоб-ускуналари йиғиндиси сифатида тарифланади. Булар қаторига ер участкалари, бинолар, иншоотлар, талаб қилиш ҳуқуқлари ёки унинг қарзлари, унинг хусусий аломатлари сифатида номи, товар белгилари ва бошқа мутлақ ҳуқуқлари ҳам киради (85-модда).

Кодексда мол-мулклар объект сифатида қуйидагича таснифланади: индивидуал белгиланган ашёлар ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар (87-модда); бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар (88-модда); истъмол қилинадиган ва истъмол қилинмайдиган ашёлар (89-модда); асосий ашё ва унга мансуб ашё (90-модда); мураккаб ашёлар (91-модда); ҳосил ва даромадларга бўлган ҳуқуқ (92-модда); ҳайвонлар (93-модда);

шунингдек пул (валюта) (94-модда); қимматли қоғозлар (96-модда) ва бошқа мулкларнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида ўзларига хос аломатлари ҳисобга олинган ҳолда тегишли қоидалар билан таъминланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида **қимматли қоғозларга** тадбиркорликнинг турли соҳаларида муомалада қатнашиши учун кенг йўл очилди. Қимматли қоғоз мулккий ҳуқуқни ифодаловчи ҳужжатдан иборат. Унинг миқдори ва ҳар бирининг мазмуни мулккий ҳуқуқ ҳажмининг кўп ёки озлигидан дарак беради. Қимматли қоғозлар белгиланган шаклда ва мажбурий реквизитларга, яъни уларнинг таркибидаги мутлақ зарур расмий маълумотларга амал қилган ҳолда мулккий ҳуқуқнинг мавжудлигини исботлаб беради.

Қимматли қоғозлар тақдим этилган тақдирдагина, уларнинг мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга ўтказиш мумкин бўлади. Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган барча ҳуқуқлар биргаликда ўша шахсга ўтади.

Қимматли қоғозларнинг турлари 96-модданинг учинчи қисмида келтирилди.

Қимматли қоғозлар билан тасдиқланадиган ҳуқуқларнинг турлари, қимматли қоғозларнинг мажбурий реквизитлари, қимматли қоғознинг шаклига нисбатан талаб ва бошқа зарур бўлган талаблар қонун ёки унинг томонидан белгиланган тартиб асосида белгиланади. Мажбурий реквизитларнинг бўлмаслиги ёки қимматли қоғознинг белгиланган шаклга мос бўлмаслиги, унинг ҳақиқий эмаслигидан далолат беради.

Қимматли қоғоз билан тасдиқланган ҳуқуқлар қуйидагиларга:

а) қимматли қоғозни тақдим қилувчига (кўрсатиладиган қимматли қоғоз, рус тилида - ценная бумага на предъявителя);

б) қимматли қоғозда исми ёзилган шахсга (исмли қимматли қоғоз, рус тилида - именная ценная бумага);

в) бу ҳуқуқларни ўзи шахсан амалга ошириши мумкин бўлган ёки уларни амалга ошириш учун ўз топшириғи (буйруғи) билан исми ёзилган шахсга (ордерли қимматли қоғоз, рус тилида - ордерная ценная бумага) тегишли бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг муайян турлари қонун билан муомаладан чиқариб ташланган бўлиши мумкин.

8-БОБ

НОМОДДИЙ НЕЪМАТЛАР

97-модда. Интеллектуал фаолият натижалари

Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказо)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади.

Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин.

98-модда. Хизмат ва тижорат сири

Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади.

99-модда. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва

бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин.

100-модда. Шаъни, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш

Фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади.

Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий-ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий-ахборот воситаларида раддия берилиши лозим.

Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак.

Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қуриқланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда, у айни ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Башарти, суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қароридан назарда тутилган ҳаракатларни бажариш вазифасидан озод этмайди.

Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик об-
рўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқа-
ро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда
уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маъ-
навий зиёнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақ-
лидир.

Ушбу моддадаги фуқаронинг ишчанлик обрўсини
ҳимоя қилиш тўғрисидаги қондаси юридик шахснинг иш-
чанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли
йўсинда татбиқ этилади.

8-бобга шарҳлар

Олдинги Кодексга мувофиқ, фуқароларнинг шахсий
ҳуқуқлари номоддий неъматлар сифатида алоҳида тур-
кумларга бўлинмаган эди. Фуқароларнинг фақат маълум
шахсий ҳуқуқларигина ҳимоя қилиниши кўзда тутилган-
ди. Янги Кодекс мулк билан боғлиқ бўлмаган бошқа барча
номоддий неъматларга хос умумий ва муҳим қоидаларни
ўз ичига қамраб олди. Бундай неъматларнинг ўз эгасидан
ажралмаслиги ва уларни тасарруф қилиш ва турли йўллар
билан бошқа шахсларга ўтказиш мумкин эмаслиги бел-
гиланди. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш учун
фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг умумий усулла-
рини (11-модда) татбиқ қилиш мумкинлиги белгиланди
(97-100-моддалар).

Ақл-идрок ва заковат кишилиқ жамиятининг бой-
лиги ва унинг камол топиши учун зарур бўлган номод-
дий, яъни маънавий манбадан иборатдир. Бундай бой-
ликни асраш, тараққий этиши учун шарт-шароит яра-
тиш, ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш моддий неъ-
матлар, яъни иқтисодий бойликнинг ривожланиши ва мус-
таҳкамланиши учун жиддий замин ҳосил қилади.

Одамзод фақат бунёд этилган нарсани, яъни борлиқни
такрорлаш билан чекланган тақдирда у ривож топмаган, таби-

ат сирларини ечмаган ва уни ўзлаштирмаган, ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантира олмаган бўлар эди. Эришилган натижаларга суянган ҳолда одамзод уни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун объектив ҳолатни чуқур ўрганишда ва ўзлаштиришда давом этади, бу мақсадда кашфиётлар ва ихтиролар яратади. Ижод қилиш туфайли объектив ҳаётнинг янги қирралари очилади, бадиий қиёфалар, ижодий маҳсулотлар яратилади.

Ижодий фаолиятнинг жамиятдаги тугган ўрни ва аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда унга нисбатан янги Кодексда тегишли боб ва моддалар бағишланди. Бу бобга “номоддий неъматлар” деган ном берилди, лекин ушбу неъматларга тааллуқли ҳуқуқлар моддий неъматлар, яъни мулк билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шахсий ҳуқуқлардан иборат эканлиги назарда тутилди.

Ақл-идрок маҳсулотлари жаҳон жамоатчилигида интеллектуал мулк (лотин тилидан олинган), унга тегишли бўлган ҳуқуқ интеллектуал мулк ҳуқуқи ибораси билан ифодаланади. Халқаро ҳуқуқ тажрибасида қабул қилинган ушбу иборага риоя қилиниб, Кодекснинг 97-моддасига “**Интеллектуал фаолият натижалари**” деган ном берилди. Моддага асосан ижодий фаолиятнинг аниқ бир шаклда, кўринишда ифода этадиган натижалари интеллектуал мулк ҳисобланади ва ҳуқуқ билан ҳимоя қилинади. Бу натижаларга тенглаштирилган жисмоний ёки юридик шахс маҳсулотлари, воситалари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказо) ҳам интеллектуал фаолият (мулк) натижалари сифатида тан олинади. Ушбу натижаларга нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ, яъни алоҳида ва фақат ўзларига тегишли ҳуқуқлари эътироф этилади. Ушбу ҳуқуқлардан бошқа, яъни учинчи шахсларнинг фойдаланиши мумкинлиги инкор этилмайди, лекин бунинг учун интеллектуал мулк эгасининг розилиги бўлиши шарт.

Хизмат ва тижорат сири **ноу-хау** (98-модда) ҳам номоддий неъматлар қаторида фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида тан олинади. Бунинг учун бундай сирлар тижорат қимматига эга бўлиши ва қонун йўли билан ундан эркин баҳраманл бўлиш учун йўл қўйилмаган бўлиши керак.

Тижорат сири аҳамиятига эга бўлган ахборотларнинг таркибий қисми ва ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби тадбиркорликни амалга оширувчи фуқаролар ва юридик шахслар томонидан белгиланади. Хизмат сири аҳамиятига эга бўлган ахборотларни таркиби ва ҳажми, шунингдек уларни ҳимоя қилиш тартиби давлат бошқарув органлари томонидан белгиланади. Юридик шахсларнинг уставларига киритилган маълумотлар тижорат сири ҳисобланмайди.

Тижорат ёки хизмат сиридан иборат бўлган ахборотларнинг ошқора этилиши, бошқа шахсларга етказилиши ёки тарқатиб юборилиши маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашга, шунингдек бундай ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга олиб келади. Назорат олиб боровчи, солиқлар йиғувчи, давлат бошқарув органлари ҳамда ахборотларни йиғувчи ва уни ўрганиб чиқувчи тузилмалар ҳам тижорат ва хизмат сири хусусиятига эга бўлган ахборот ва маълумотларни тарқатиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай қоидага риоя этмаган давлат органлари ва мансабдор шахслар сирларни тарқатиш натижасида етказилган зарарни қоплашга мажбур бўладилар.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларнинг турлари, уларга нисбатан вужудга келадиган ҳуқуқлар ва уларни ҳимоя қилиш қоидалари Кодекснинг 99-моддасида ўз аксини топди. Моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар ва неъматлар фуқарога туғилишидан ёки қонунга мувофиқ унга тегишли бўлиши мумкин. Ушбу ҳуқуқлар ва неъматларга хос бўлган хусусиятлар шундан иборатки, уларни унинг эгасидан тортиб олиниши ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Шахсинг номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари унинг вафотидан сўнг ҳам амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкинлиги назарда тугилади.

Ушбу моддада рўйхати келтирилган шахсий номулкий ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобида тан олинган ва тегишли қафолатлар билан мустаҳкамланган. Конституция бўйича фуқаролар шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилинмайди, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга фуқаро тугилиши билан ёки қонунга асосан эга бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинлиги доимо унинг билан бирга ва мунтазам амалдаги неъматлардан ҳисобланади. Қабул қилинадиган қонунларнинг моҳияти, мазмуни ва уларни татбиқ қилиниши, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолияти, қолаверса, давлат қурилишининг шакли ва унинг демократик тамойилларга асосланган бўлиши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан ифодаланади. Ҳуқуқий давлатда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари одил судлов йўли билан ҳимоя қилинади ва таъминланади.

Шахсий номоддий ҳуқуқни фуқаролик-ҳуқуқий усулда ҳимоя қилиш ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш каби даврони кўриш тартибида амалга оширилади. Шунинг билан у ҳуқуқ ва эркинликларни бузишга қаратилган ҳаракатларнинг устидан берилган шикоятларни кўришдан фарқ қилади.

Рўйхатда келтирилган айрим номоддий ҳуқуқлар қабул қилинган махсус қонунларда ривож топди. Ўзбекистон Республикасининг Патент тўғрисидаги қонуни, Товар белгилари тўғрисидаги Қонуни, Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ва бошқа қонунлари интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлоқ муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни ташкил қилади.

99-моддада келтирилган ҳуқуқлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳимоя қилинади. Кодексга мувофиқ, шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга, агар

қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, шунингдек фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди (163-модда). Муаллифлик тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, муаллифлик ҳуқуқини, номга бўлган ҳуқуқни, муаллифнинг обрўсини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқни амалга ошириш учун муддат белгиланмайди. Муаллиф ўз вафотидан кейин муаллифлик, номига бўлган ҳуқуқларини ва обрўини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маълум шахсни тайинлаши мумкин. Мазкур шахс унга топширилган ваколатни умрбод амалга оширади. Бундай шахс тайинланган бўлмаса, муаллифнинг шахсий номоддий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш унинг ворислари, ворислари бўлмаган тақдирда бунинг учун махсус ваколатга эга бўлган орган томонидан амалга оширилади.

Шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш (100-модда) ҳақидаги олдин белгиланган қоидаларга муҳим қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Шахснинг қадр-қимматини, шаънини 1963 йилги Кодекснинг 7-моддасида бўлганидек, фақат унинг ўзи эмас, балки бошқа - учинчи шахслар томонидан, шунингдек унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилиниши назарда тутилди. Оммавий ахборот воситаларида нотўғри маълумотлар эълон қилиниши нағижасида шаънига, қадр-қимматига, ишчанлик обрўсига доғ тушган шахс, ўз обрўсини тиклаш мақсадида олдинги қоидага биноан оммавий ахборот воситалари орқали рад қилиш билан чекланмасдан, бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ишбилармонлик (касб-кор) фаолиятини булғатувчи маълумотларни тарқатиш Кодекснинг иккинчи қисмидаги 1021-моддага, асосан маънавий зарарлар туркумига киритилди ва агар инсонга бундай зарар етказилган бўлса, баъзи ҳолларда зарар етказувчининг айбидан қатъи назар, зарарнинг қоп-

ланиши назарда тутилди. Бундай янгилик инсоннинг шахс сифатида дахлсизлигини, унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилишни ҳар томонлама таъминлаш учун муҳим ҳуқуқий кафолат яратди.

4-КИЧИК БЎЛИМ

БИТИМЛАР ВА ВАКИЛЛИК

9-БОБ. БИТИМЛАР

1-§. БИТИМЛАР ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА ШАКЛИ

101-модда. Битимлар тушунчаси

Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

102-модда. Битим турлари

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин.

Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади.

Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

103-модда. Бир тарафлама битимларни ҳуқуқий тартибга солиш

Бир тарафлама битим уни тузган шахс учун бурчлар келтириб чиқаради. У бошқа шахслар учун қонунларда ёки бу шахслар билан келишувда белгиланган ҳоллардагина бурчлар келтириб чиқариши мумкин.

Бир тарафлама битимларга нисбатан, башарти қонун ҳужжатларига, битимнинг табиати ва моҳиятига зид бўлмаса, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу Кодекснинг III бўлими) тегишинча қўлланилади.

104-модда. Шартли битимлар

Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга

боғлиқ қилиб қўйсалар, битим кечиктириш шарты билан тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шарты билан тузилган битим ҳисобланади.

Агар шартнинг юз беришига унинг юз беришидан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилик кўрсатган бўлса, бу шарт юз берган деб ҳисобланади.

Агар шартнинг юз беришига ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тараф инсофсизлик билан ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади.

105-модда. Битимларнинг шакли

Битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

Сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади.

106-модда. Битимнинг оғзаки шакли

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

Жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.

107-модда. Битимнинг ёзма шакли

Ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи

одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак.

Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Икки тарафлама битимлар ҳар бирини бераётган тараф имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш йўли билан тузилиши мумкин.

Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли битимни шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан гувоҳлангирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаблари кўрсатилиши шарт.

Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижронини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишига ҳақли. Оғзаки тадбиркорлик битимини бажарган тараф ҳам ана шундай ҳуқуққа эга, тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битимлар бундан мустасно.

108-модда. Битимнинг оддий ёзма шакли

Нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади:

1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари;

2) фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса - битим суммасидан қатъи назар бошқа битимлар.

Ушбу Кодекснинг 106-моддасига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин бўлган битимлар учун оддий ёзма шаклга риоя этиш талаб қилинмайди.

109-модда. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик оқибатлари

Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмуни ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

110-модда. Битимларни нотариал тасдиқлаш

Битимни нотариал тасдиқлаш ушбу Кодекснинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

111-модда. Битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулк хусусида тузилган битимларни рўйхатдан ўтказиш ва тегишли реестрларни юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида муайян турдаги кўчар мол-мулк хусусида тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилиши мумкин.

112-модда. Битимнинг нотариал шаклига ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмасликнинг оқибатлари

Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса - битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда битимни нотариал тасдиқлаш ёки

давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортаётган тараф битимни тузиш кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

2-§. БИТИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ

113-модда. Низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар

Битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга қўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни ушбу Кодексда кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз таъаббуси билан қўллашга ҳақли.

114-модда. Битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги умумий қоидалар

Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

115-модда. Битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик

Битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

116-модда. Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекс 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

117-модда. Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустасно.

Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсани иккинчи тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса - унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, иккинчи тарафга у кўрган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

118-модда. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан ушбу Кодекснинг 27-моддасига мувофиқ унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг розилиги талаб қилинадиган ҳолларда уларнинг розилигисиз тузилган битим ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий

эмас деб топилиши мумкин. Агар бундай битим ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бу модданинг қоидалари ушбу Кодекс 22-моддасининг иккинчи қисми ва 28-моддасида назарда тутилган ҳолларда тўла муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаганларга нисбатан татбиқ этилмайди.

119-модда. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

120-модда. Муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳванд воситаларни суи-иқ гъёмол қилиш оқибатида муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан ҳомийсининг розилигисиз тузилган битимни суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Агар бундай битим ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бу модданинг қоидалари ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган майда маиший битимларга тааллуқли бўлмайди.

121-модда. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Гарчи муомалага лаёқатли бўлса-да, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим шу фуқаронинг ёки ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқладиган манфаатлари бундай битимни тузиш натижасида бузилган бошқа шахсларнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кейинчалик муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимни, агар битимни тузиш пайтида фуқаро ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги исботланган бўлса, унинг васийси қилган даъвога мувофиқ суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Агар битим ушбу модда асосида ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бундан ташқари, битим тузиш пайтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни бошқара олмаган тарафга иккинчи тараф, агар у ўзи билан битим тузган фуқаронинг бундай ҳолатда эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, қилинган харажатларни, йўқотилган мол-мулкнинг ёки унга етказилган шикастнинг ҳақини тўлаши керак.

122-модда. Янглишин таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Жиддий аҳамиятга эга бўлган янглишин таъсирида тузилган битим янглишиш таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Битимнинг табиати, унинг нарчасининг ўз вазифаси бўйича фойдаланиш имкониятини анча пасайтирадиган ўхшашлиги ёки сифати ҳақида янглишиш жиддий аҳамиятга эгадир. Битимнинг сабаблари хусусида янглишиш жиддий аҳамиятга эга эмас.

Агар битим янглишиш таъсирида тузилганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бундан ташқари, ўз даъвосига кўра битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф янглишиш иккинчи тарафнинг айби билан юз берганлигини исботлай олса, иккинчи тарафдан ўзига етказилган ҳақиқий зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар бу ҳол исботланмаса, ўз даъвосига

кўра битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф иккинчи тарафнинг талаби билан, башарти ҳатто янглишиш янглишган тарафга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юз берган бўлса ҳам, етказилган ҳақиқий зарарни унга тўлаши шарт.

123-модда. Алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Агар битим юқорида кўрсатилган асослардан бирига кўра ҳақиқий эмас деб топилса, иккинчи тараф жабрланувчига унинг битим бўйича бажарган ҳамма нарсасини қайтариб бериши керак, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса унинг қийматини пул билан тўлаши керак. Жабрланувчи битим бўйича иккинчи тарафдан олган мол-мулк, шунингдек иккинчи тарафга топширилган нарса эвазига ўзига тегишли бўлган мол-мулк давлат даромадига ўтказилади. Мол-мулкни асл ҳолида давлат даромадига ўтказиш мумкин бўлмаса, унинг қиймати пул билан ундириб олинади. Бундан ташқари, жабрланувчига иккинчи тараф унинг қилган харажатларини, унинг мол-мулки йўқотилиши ёки бузилиши натижасида етказилган зарарни тўлайди.

124-модда. Қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (қўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади.

125-модда. Юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилishi мумкин.

126-модда. Битим тузиш ваколатларини чеклаш оқибатлари

Агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг ташқи ҳужжатлари билан шартномада, қонунда белгилаб қўйилганга нисбатан ёки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилishi мумкин.

127-модда. Битимнинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланиш пайти

Ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги аниқлашилса, ҳақиқий эмас деб топилган битим келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтайдди.

128-модда. Битимнинг бир қисми ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари

Битимнинг бир қисми ҳақиқий саналмаслиги битимга ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар

эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди.

9-бобга шарҳлар

Ушбу боб иккита параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграф “битимлар тушунчаси, турлари ва шакли”, иккинчи параграф “битимларнинг ҳақиқий эмаслиги”га бағишланган моддаларни ташкил қилди (101-128-моддалар).

Битим тушунчаси, битимларни расмийлаштиришга оид ўтмишда белгиланган қоидаларга унчалик жиддий ўзгартиришлар киритилмаган. Битимларнинг турлари, шакллари ва улар тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига аниқликлар киритилган. Лекин битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг оқибатлари ҳақидаги қоидалар қайтадан кўриб чиқилган ва ишланган. Битим турларига таъриф берилар экан (102-модда) **бир тарафлама битим** уни тузган шахс учун ҳуқуқ эмас, балки маълум бурчлар келтириб чиқариши, бундай бурчлар қонунларда назарда тутилган ёки иккинчи тараф (тарафлар) билан келишилган ҳоллардагина вужудга келиши мумкинлиги назарда тутилди (103-модда).

Шартли битимлар адабиётда таҳлил қилинса-да, қонунда ўз аксини топмаган эди. Кодекснинг 104-моддасида уларнинг **кечиктириш шarti билан**, бекор қилиш шarti билан тузилиши мумкинлиги ва бундай ҳолатларда тарафлар учун вужудга келадиган ҳуқуқ ва бурчлар, битимларни тузишни кечиктириш ва бекор қилишга оид шартларни белгилашда ва амалга оширишда тарафларнинг қандай даражада манфаатдор бўлишига қараб қўлланиши зарур бўлган оқибатлар ҳақида тегишли қоидалар белгиланади.

Битимлар энг кўп тарқалган юридик фактлардан иборат. Битим тарафлари фуқаролардан, юридик шахслардан, давлат, давлат ҳокимияти, бошқаруви (79-модда) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан (78-модда) иборат бўлиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини вужудга келтиришга, яъни муайян ҳуқуқий натижага эришишга қаратилган ҳаракатлар битимлар деб ҳисобланади. Шундай экан, битим - эрк баённомаси. Бундай эрк тан олинган шаклда, усулда баён этилган тақдирдагина ҳуқуқий аҳамият касб этади. Бундай усул эркни билдиришдан, изҳор этишдан, яъни баён этишдан иборат. Ўзининг ушбу хусусиятлари билан битимлар ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи ҳодисалардан, воқеалардан фарқ қилади.

Битимлар фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши, уларга ўзгартишлар киритиш, уларни бекор қилиш учун асос бўлади. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари актлари (ҳуқуқий ҳужжатлари) ҳам фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқариши мумкин. Лекин буларга нисбатан Кодекснинг битимлар тўғрисидаги қоидалари татбиқ қилинмайди.

Битим ўзининг бирон-бир ҳуқуқий натижага эришишга қаратилган бўлиши билан юридик хатти-ҳаракатдан (юридический поступок), масалан, топилма, ҳазиналар бўйича вужудга келадиган муносабатларнинг асосларидан фарқ қилади. Юридик хатти-ҳаракат бўйича шахснинг эрки бўлиши шарт эмас, ҳуқуқий оқибатлар унинг эрки бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар вужудга келаверади.

Фуқаро битимнинг субъекти сифатида тўла муомала лаёқатига эга бўлиши керак. Тўла вояга етмаганлар, вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) ва муомала лаёқатидан чекланган шахслар томонидан битимларни тузиш тартиби Кодекснинг 27, 29, 31-моддаларида белгиланади.

Битимлар қонуний ҳаракатлардан иборат бўлиб, қонунга, шартномага асосланмаган мажбуриятларни вужудга келтирадиган ҳаракатлардан фарқ қилади (8-модда 2-қисмининг 6-бандига, 57-бобнинг 985-1030-моддаларига қаралсин).

Битимларнинг турлари уларда ишгирик этувчиларнинг сонига қараб белгиланади (102-модда). Битим тузиш учун бир тараф эрки баён этилиши зарур ва етарли бўлс., бундай

битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Масалан, мол-мулкка бўлган ҳуқуқдан воз кечиш (197-модда), ишончнома тузиш (134-модда), васиятнома (1120-модда) ва бошқалар бир тарафлама битимлар ҳисобланади.

Битим тузиш учун икки тарафнинг ёки уч ёхуд ундан кўп тарафнинг келишилган эрклари баён этилиши зарур бўлса, бундай битимлар икки тарафлама ёки кўп тарафлама деб ҳисобланади.

Икки ва кўп тарафлама битимлар шартномалар дейилади. Шартномаларга нисбатан, битимларга оид қоидалардан ташқари, Кодекснинг мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Бир тарафлама битимларни ҳуқуқий тартибга солишда (103-модда), қоидага биноан, битим тузувчига нисбатан бўлган **учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга** оид умумий қоида назарда тутилади. Бир тарафлама битим тузишда фақат битта тарафнинг, яъни битим тузувчининг эрки баён этилади. Бундай эрк бошқа, яъни учинчи шахслар учун қабул қилиниши мажбурий эмас, улар учун мажбурият юзага келтирмайди. Бир тарафлама битимлар учинчи шахслар учун, умумий қоидага биноан, фақат ҳуқуқлар вужудга келтиришга қаратилган бўлиши мумкин. Бир томонлама битимлар учинчи шахслар учун икки ҳолатда - қонунга мувофиқ ёки тарафларнинг келишуви билан - мажбуриятларни келтириб чиқариши мумкин. Бир тарафлама битим бўйича мажбурият асосан битим тузган шахсга нисбатан вужудга келади. Бундай шахсга, умумий қоидага биноан, қарздорга нисбатан қўлланадиган қоидалар татбиқ қилиниши мумкин.

Ҳуқуқ ва бурчларнинг келиб чиқиши номаълум бўлган ҳолатнинг (ҳодиса, воқеа, учинчи шахсларнинг ҳаракати) юз бериши ёки бермаслиги ҳисобга олиниб, тузилган битимлар **шартли битимлар дейилади** (104-модда).

Шартли битимлар қуйидаги белгилар билан ифодаланади:

а) битим тузиш пайтида унда кўрсатилган ҳолат мавжуд эмас;

б) бундай ҳолатнинг юз бериши ёки бермаслиги номаълум;

в) бу ҳолатнинг албатта юз бериши шарт эмас;

г) шартли битимлар бундай ҳолатлар кўрсатилмасдан ҳам тузилган бўлиши мумкин.

Ўзининг ушбу хусусиятлари билан шартли битимлар бошқа битимлардан, масалан суғурта, ютуқ эълон қилиб чиқарилган облигациялар бўйича ҳуқуқий натижага эришиш келажакда юз бериши мумкин ёки мумкин бўлиши гумон бўлган ҳолатлар ҳисобга олиниб тузилган битимлардан фарқ қилади. Шартли битимларнинг шартларини ифодаловчи белгилари унинг мазмунини ташкил қилувчи бошқа шартларидан (масалан, битимнинг нарсаси, муддати, бажариш жойи ва ҳоказо) фарқ қилади.

Шартли битимлар кечиктириш (модданинг 1-қ.) ёки бекор бўлиш (модданинг 2-қ.) шarti билан тузилган бўлиши мумкин. Кечиктириш шarti билан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битимнинг тузилиш пайтидан эмас, балки унда кўрсатилган ҳолат юз берган пайтдан бошлаб вужудга келади. Бекор бўлиш шarti бўйича тарафларнинг битим тузилиши пайтида вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлари унда кўрсатилган ҳолатнинг юз бериши билан бекор бўлиши назарда тутилади.

Шарҳланмоқда бўлган модданинг 3,4-қисмларида тарафлар битимнинг кечиктириш ёки бекор бўлиш шартларининг юз беришига инсофсизлик билан қаршилик кўрсатган бўлсалар, улар тузган битимларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатлар назарда тутилади.

Битимларнинг қонунларда тан олинган шакллариغا яна битта шакл қўшилди, у ҳам бўлса **сукут сақлаш** усулини қўллаш йўли билан битимни тузилган деб ҳисоблашдан иборат (105-модда). Бундай усул ўтмишда асосан маҳсулотни етказиб бериш билан боғлиқ мажбуриятларга нисбатан қўлланар эди. Масалан, маҳсулотни етказиб бериш ҳақида юқоридан туширилган разнарядка-

нинг мазмуни, шартлари ҳақида маҳсулот етказиб берадиган ва уни қабул қилувчи белгиланган вақт давомида (10 кун) бирон бир қаршилик билдирмаса, шартнома тузилган деб ҳисобланарди. Энди бу усул умумий қоида (шакл) сифатида барча турдаги битимларга жорий қилинди. Лекин бу қоидани қонун ҳужжатларига асосан ёки тарафларнинг келишуви билан қўлланиш мумкинлиги назарда тутилди.

Оғзаки шаклда тузилиши мумкин бўлган битимларга ҳам қўшимчалар киритилди. Булар қуйидагилардан иборат (106-модда):

1) тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битимдан ташқари, шахснинг хатти-ҳаракатларидан битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда;

2) жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган битим;

3) ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатларига ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин бўлган битимлар.

Ҳозирги даврда хабарлар, маълумотлар юбориш, техник воситаларнинг ривожланиши ҳисобга олингани ҳолда **битимнинг ёзма шакли** (107-модда) сифатида телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ва бошқалар назарда тутилди. 1963 йилги Кодекснинг 48-моддасига биноан давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасида, улар билан фуқаролар ўртасидаги битимлар ёзма равишда тузилиши талаб қилинарди. Фуқароларнинг ўзаро 100 сўмдан ошиқ битимлари ёзма шаклда бўлиши шарт эди. Янги Кодексда битимларнинг шакли уларда қатнашувчи тарафларнинг давлатга мансуб ёки кооператив ташкилоти эканлигига қараб белгиланмайди. Юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузган битимлари, фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ суммадаги

битимлари оддий ёзма шаклда бўлиши назарда тутилади (108-модда).

Битим шакли - эркин баён этиш усулидан иборат. Эркин оғзаки, ёзма ва бошқа усулларда баён этилиши мумкин. Шунга кўра битим ҳам тегишли шакллардан иборат. Битимнинг шакли, уни ҳақиқий деб ҳисоблаш, (Кодекснинг 109, 115-м.м.), мазмунини белгилаш (Кодекснинг 354, 366-м.м.), тарафлар ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини исботлаш учун юридик аҳамиятга эга.

Агар қонун, қонун ҳужжатлари, шартномада, иш муомаласи одатлари билан бошқача белгиланган бўлмаса, битим қайси шаклда тузилган бўлса, унинг мазмунини ташкил қилувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга ўзгартишлар киритиш ёки уларни бекор қилиш ҳам ўша шаклда амалга оширилади (Кодекснинг 384-м.) Кредитор ҳуқуқини ёки қарзни бошқа шахсга ўтказишда ҳам битим қайси шаклда тузилган бўлса, ўша шаклда амалга оширилади (Кодекснинг 313, 320-м.м.).

Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида ёзма шаклда тузилиши зарур бўлган битимларнинг рўйхати деярли тўлиқ келтирилади. Демак, ёзма шаклда бўлиши талаб қилинмаган битимлар оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Ҳар қандай оғзаки битимга тарафларнинг келишуви билан, агар битим бир тарафлама бўлса, битим тузувчининг хоҳиши билан ёзма шакл берилиши мумкин. Агар тарафларнинг келишуви ёки қонун билан битимни оддий ёзма, нотариал ёзма шаклларда тузиш белгиланган бўлса (Кодекснинг 107, 110-м.м.) битим оғзаки шаклда тузилиши мумкин эмас. Тузилиш пайтида ижро этиладиган битимлар, уларнинг суммасидан, тарафларнинг таркибидан қатъи назар, оғзаки шаклда тузилиши мумкин (Кодекснинг 108-м.)

107-модда оддий ёзма шаклдаги, шунингдек нотариал тасдиқланадиган битимларга нисбатан тааллуқли. Унда нотариал тасдиқланадиган ёзма шаклдаги битимларга нисбатан галаб қилинадиган умумий қоидалар белгиланади.

Ёзма шаклдаги битим тузилган ҳужжат сифатида маълум талабларга жавоб бериши керак: унда битимнинг мазмуни (шартлари) акс эттирилган бўлиб, битта шахс (агар битим бир тарафлама бўлса) ёки икки ва ундан кўп шахслар (агар битим кўп тарафлама бўлса) томонидан имзоланган бўлиши керак. Битимга, битим ишгирокчисининг шахсан ўзи эмас, балки у ваколат берган (масалан ишончнома бўйича) шахс ҳам имзо чекиши мумкин. Ушбу талабга риоя қилинмасдан тузилган битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (Кодекснинг 109-м.). Икки ва кўп томонлама битимлар ҳам унинг тарафлари томонидан ёки улар вакил қилган шахслар томонидан имзоланади. Шунинг билан бирга бундай битимлар Кодекснинг 366-моддасида ўрнатилган тартибга асосан ҳам тузилиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари ва тарафларнинг келишувиде битим шакли мос келиши шарт бўлган кўпимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

107-модданинг охириги қисмида битимнинг бажарилганлигини исботлаш учун зарур бўлган қоида назарда тутилди. Бунга биноан, ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижрони тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Оғзаки тadbиркорлик битимини бажарган тараф ҳам ана шундай ҳуқуққа эга. Бундай қоида тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажарилган битимларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

Битимнинг оддий ёзма шаклда тузилмаслиги, унинг барча ҳолларда ҳам ҳақиқий саналмаслигига олиб келмайди. Битимнинг оддий ёзма шаклда тузилиши лозимлиги қонун ёки тарафларнинг келишуви (масалан, шартномаларнинг алоҳида турлари бўйича - Кодекснинг 457, 465-м.м) махсус талаб қилинган ҳоллардагина битимнинг бундай шаклга риоя қилиниб тузилмаслиги унинг ҳақиқий эмас деб саналишига асос бўлади. Бундай ҳолларда ҳар икки тараф битим юзаси-

дан олганларини бир бирларига қайтаришга мажбур бўладилар (Кодекснинг 114-м.).

Қонун билан талаб қилинган шаклга риоя қилмасдан битим тузган шахслар ўртасида низо чиққан тақдирда битимнинг тузилганлиги, тўла ёки қисман ижро этилганлиги гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланиб исботлаб бўлмайди, аммо ёзма далиллар масалан, пул юборилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни, ўзаро бўлган ёзишмаларни келтириб даъво-ни исботлаш мумкин бўлади.

1963 йилдаги Кодекснинг 50-моддасига мувофиқ битимларни нотариал тартибда гувоҳлантириш фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина мажбурий эди. Янги Кодекснинг 110-моддасида нотариал расмийлаштиришда битим тарафларига ҳам ҳуқуқ берилди. Энди битимлар икки ҳолларда, яъни қонунда кўрсатилган ва тарафлардан бирининг талаби билан нотариал тартибда тасдиқланиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистонда хусусий нотариус фаолиятини амалга оширишга руҳсат берилди. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади. Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) амалга оширади. Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

Битимларни **нотариат тартибда** расмийлаштириш учун тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар Кодекснинг 107-моддасида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак. Нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар талабга жавоб бермайдиган ҳужжатларни тасдиқлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига биноан, давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар битимларни, васиятномаларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш, ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш ва шунга ўхшаш қатор юридик аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳаракатларни бажаради.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларнинг деярли барчасини амалга оширади. Лекин, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирини кўриш билан боғлиқ ҳаракатларни хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширмайдилар.

Шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) васиятномаларни, ишончномаларни тасдиқлаш, мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирларни кўриш, ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, шаҳодатлаш, ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлашга қаратилган ҳаракатларни бажаради. Аммо автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномаларни тасдиқлаш, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхаларини шаҳодатлаш каби ҳаракатларни бажариш улар фаолиятига тааллуқли эмас.

Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар Кодекснинг 136-моддасида, нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар Кодекснинг 1126-моддасида келтирилади. Нотариат тўғрисидаги Қонунда буларнинг барчаси, яъни нотариал тасдиқ-

ланган ҳужжатларга тенглаштирилган васиятномалар ва ишонч-номалар биргаликда битта 26-моддада берилади.

Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 23, 25-моддаларига мувофиқ давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар, шунингдек шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракаглари ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси консулик муассасаларининг консулларига битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказолар) тасдиқлаш, фуқароларнинг тирик эканлиги фактини, фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш, мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирларни кўриш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш ва шунга ўхшаш бошқа қатор ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи берилади. Аммо ушбу консулларга Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсларга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилмаган.

110-модданинг 2-қисми 2-бандининг маъносига кўра, тарафлар қонун билан нотариал шакли талаб қилинмаган ҳар қандай битимни ўзаро келишилган ҳолда нотариал тартибда тақдиқлашга ҳақли. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ нотариуслар фақат нотариал шаклда тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни эмас, шунинг билан бирга тарафларнинг хоҳишига кўра бошқа битимларни ҳам тасдиқлаши мумкин.

Нотариал шаклига риоя қилинмаган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий деб ҳисобланмайди ва бундай битимларга нисбатан Кодекснинг 114-моддасида белгиланган ҳуқуқий оқибатлар вужудга келади.

Кодексга битимларни **давлат рўйхатидан ўтказиш** ҳақида янги қоида киритилди (111-модда). Ушбу қоида

ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимларга тааллуқли. Масалан, кўчмас мол-мулкни турли усулда, яъни унга нисбатан мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, уни ипотека (грек сўзидан - гаров, рус тилида - залог) қилиш (гаровга қўйиш), узоқ муддатли ижарага бериш, меросни қабул қилиб олиш ва бошқа ҳолларда битим давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Битимни нотариал шаклига риоя қилмаслик билан уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмасликнинг оқибатларига нисбатан ягона қоида жорий қилинди (112-модда). 1963 йилги Кодекс 50-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги қоидалари сақлаб қолинган ҳолда янги қоида назарда тутилди. Унга асосан битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортаётган тараф битимни тузиш кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

111-модданинг 1-қисмида кўчмас мулк бўйича тузиладиган (Кодекснинг 83-м.) битимлар учун махсус қоида назарда тутилади. Ушбу битимларни рўйхатдан ўтказиш Кодекснинг 84-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда ҳамда Кодексга мувофиқ кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш, билан боғлиқ битимларни тузиш тўғрисида қабул қилинадиган Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Кўчар мол-мулк билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни, агар бундай мол-мулкнинг алоҳида турларини рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларида махсус назарда тутилган ҳолларда амалга ошириш мумкин.

112-моддала назарда тутилган битимнинг нотариал шаклига риоя қилмасликнинг оқибатлари қонунга асосан ҳамда тарафларнинг келишуви билан нотариал шаклда тузиладиган битимларга қўлланилади. Нотариал шаклига риоя қилинмаган битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди (Кодекснинг 113-моддасининг 1-қ.). Унга нисбатан 114-моддада назарда тутилган оқибатлар қўлланилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган битим, фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Масалан, давлат рўйхатидан ўтказиладиган битимлар учун ўрнатилган қоидага риоя қилинмасдан тузилган ипотека тўғрисидаги шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди (Кодекснинг 265-моддаси). Рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қонун билан ўрнатилган талабларга риоя қилинмасдан тузилган битим тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди (Кодекснинг 114, 115-моддалари).

Инсофли тарафнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида нотариал гувоҳлантирилмаган битимни суд тартибида ҳақиқий деб тан олишга йўл қўйилади. Бунинг учун, биринчидан, тарафлардан бири битимни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлиши керак, иккинчидан, иккинчи тараф битимни тузишдан бош тортаётган бўлиши керак. Суд тўла ёки қисман бажарган тарафнинг талаби бўйича битимни ҳақиқий деб тан олиши мумкин. Бундай ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

112-модданинг 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган ҳолларда, битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортаётган тараф битимни тузиш кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

Ҳақиқий эмас деб ҳисобланган битимлар **низоли** (113-модда) ва **ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган** (ничтожный) битимларга бўлинади. Низоли битимнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги исботланиши, қолаверса суд орқали аниқланиши мумкин. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмаслигини исботлаш шарт эмас, унинг

ҳақиқий эмаслиги сўзсиз муқаррар. Бундай битимни суд ҳақиқий эмас деб топишидан қатъи назар, у ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни унинг тарафлари қўйишлари мумкин бўлса, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Бундай битим қонунга хилоф равишда, унинг талабларига мувофиқ келмайдиган, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ қоидаларига атайин қарши мақсадда тузилган деб ҳисобланади (113-модда).

Ҳақиқий эмас деб ҳисобланган битимнинг асосий маъноси шундан иборатки, унинг асосида, яъни битим шаклида бажарилган ҳаракатлар фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келишига, ўзгаришига ва бекор бўлишига олиб келмайди. Лекин бундан ҳақиқий бўлмаган битим ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмас экан-да, деган хулосага келиш мумкин эмас. Ҳақиқий бўлмайдиган битимни тузиш ғайриқонуний ҳаракат деб ҳисобланади ва шундай экан, маълум салбий оқибатлар келтириб чиқариш учун сабаб бўлади (Кодекс 114-моддасининг 2-қ).

Битимнинг ҳақиқий эмаслиги суд аниқлаган ёки бундай факт тан олинган вақтдан эмас, балки битим тузилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай битимлар бўйича бажарилган ҳаракатларга нисбатан ҳуқуқий оқибатлар суднинг қароридан олдин, яъни битимлар тузилган вақтдан бошлаб вужудга келиши мумкин. Айни вақтда ушбу оқибатлар битим тарафларидан бири ҳали бажариб улгурмаган ҳаракатларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин (Кодекс 114-моддасининг 2-қ., 116-м).

Низоли битим суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилгунга қадар, у ҳаракатда бўлади, судга қадар унинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги ҳақида фақат шубҳа бўлиши мумкин. Агар бундай битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилса, у тузилган вақтдан эмас, балки суд бу ҳақда

қабул қилган қарордан кейинги вақтга амал қилиши мумкин.

Қандай сабабларга асосан битим ҳақиқий эмас деб топилишига қараб, унинг оқибатлари турли чораларни қўллашни: яъни битимнинг предмети бўлиб ҳисобланган мол-мулкни 114-модданинг 2-қисмига мувофиқ аслича (натура) кўринишда қайтариб беришни, агар бу мумкин бўлмаса, пул билан тарафларга қайтариб беришни (икки томонлама реституция) ёки Кодекснинг 116-моддасига мувофиқ бир томонга, тузилган битим бўйича унга тегишли бўлган мол-мулкнинг қисмини аслича кўринишда, агар бу мумкин бўлмаса пул ҳисобида қайтариб беришни (бир томонлама реституция) назарда тутади. Ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган ва ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилган битимларга нисбатан реституция қўлланмасдан иккала тарафни ҳам мол-мулкдан маҳрум қилиш ва бундай битимлар тузиш натижасида олинган ва олиниши мумкин бўлган даромадларни давлат фойдасига ўтказиш чорасини қўллаш мумкин.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган кичик ёшдаги болалар ушбу Кодекс 29-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган битимларни мустақил равишда тузишлари мумкин (Кодекснинг 117-м.). Бошқа барча битимларни, шунингдек кичик ёшдаги болалар учун, уларнинг ота-оналари, фарзандликка олганлар ва васийлари тузишлари мумкин. Шунинг учун болалар мустақил тузишлари мумкин бўлмаган ва улар томонидан тузилган барча битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Болалар тузиш мумкин бўлмаган битимларга нисбатан 114-модданинг 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқий оқибатлар татбиқ қилинади. Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф боланинг ўн тўрт ёшга тўлмаганини билган ёки билиши лозим бўлган ҳолда у билан битим тузган бўлса ва бунинг натижасида бола зарар кўрган бўлса, ушбу етказилган зарарни болага тўлаши шарт. 1963 йилдаги Кодексда бундай қоида назарда тутилмаган эди.

Кичик ёшдаги боланинг битими боланинг фойдаси учун тузилган бўлса, унинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари даъвосига мувофиқ суд томонидан ҳақиқий деб топилиши ҳам мумкин

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу Кодекснинг 27-моддасида назарда тутилган қоидага риоя қилмасдан ота-онаси, фарзандликка олувчилари ва ҳомийсининг розилигисиз битим тузган бўлсалар, бундай битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши ва 117-модданинг 2-қисмида белгиланган ҳуқуқий оқибатлар қўлланиши мумкин. Агар бундай битим низоли бўлиб вояга етмаганларнинг фойдаси учун тузилган бўлса, у суд томонидан ҳақиқий деб топилиши ҳам мумкин.

Вояга етмаганларнинг ота-оналари ва бошқа қонуний вакиллари низоли битимни ҳақиқий эмас деб даъво қўзғатишлари учун иккинчи тараф муомала лаёқати ҳуқуқига эга бўлган фуқаро ёки юридик шахс бўлиши керак. Агар иккинчи тараф ҳам вояга етмаганлардан иборат бўлса, даъво унинг ота-оналари ва бошқа қонуний вакилларига нисбатан қўзғатилади.

118-модданинг қоидалари ушбу Кодекснинг 22-моддасининг 2-қисми ва 28-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаганларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро тузган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади ва бунга нисбатан ушбу Кодекс 117-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. (119-модда). Бундай фуқаро томонидан тузилган унинг барча битимлари, (жумладан) кичик ёшдаги болалар ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар мустақил тузишлари мумкин бўлган битимлар ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Агар фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилмаган бўлса, лекин битим тузиш пайтида руҳий ҳола-

тининг бузилиши натижасида ўз ҳаракатларининг аҳамиятига баҳо бериш қобилиятига эга бўлмаса ва уларни идора этолмаса, бундай битимга нисбатан Кодекснинг 121-моддасининг қоидалари қўлланилади. Ушбу моддада кейинчалик муомалага лаёқатсиз деб тан олинган фуқаролар томонидан тузилган битимлар ҳақиқий ҳам қоидалар белгиланади. Спиртли ичимликларни ёки гиёҳванд воситаларни суиистеъмол қилиш оқибатида **муомала лаёқати чекланган фуқаро** томонидан ҳомийсининг розилигисиз тузилган битимни суд ҳақиқий эмас, деб топса, ушбу Кодекснинг 117-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланиши мумкин (120-м.). Бу модданинг қоидалари ушбу Кодекснинг 29-моддасининг 2-қисмига мувофиқ тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган майда маиший битимларга тааллуқли эмас.

Муомала лаёқати чекланган шахс иш ҳақи, пенсия, бошқа турли даромадлари ва унга тегишли бошқа ашёларни шунингдек мулкий ҳуқуқларини мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Муомала лаёқатини чеклаш асосан фуқаронинг ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқига ва мулкий ҳуқуқига нисбатан қаратилган бўлади.

120-моддага ҳомийнинг муомала лаёқатидан чекланган шахсга берадиган розилиги қандай шаклда бўлиши кераклиги ҳақида аниқлик киритилмаган. Унинг розилиги тузиладиган битим учун қонунда белгиланган шаклга мос келиши керак. Муомала лаёқати чекланган шахслар томонидан тузилган битим низоли битимлар туркумига киради. Бундай битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво шахснинг ҳомийси томонидан қўзғатилади.

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунолмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро тузган битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (212-м.). Ушбу модда муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан тузилган битимларга тааллуқлидир. Улар ҳар қандай битимларни, шунингдек кичик ёшдаги болалар ва 18 ёшта тўлма-

ган вояга етмаганлар томонидан тузиладиган битимларни ҳам тузишлари мумкин. Демак, ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушуна олмасдан ёки ўз ҳаракатларини бошқара олмасдан улар томонидан тузилган ҳар қандай битим сабабли асосларга кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича қўллаш (Кодекснинг 5-м.) тамойилига мувофиқ 121-модда қоидаларини юридик шахслар томонидан тузилган битимларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Масалан, агар юридик шахс ваколат берган шахс унинг органи ёки вакили сифатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунмасдан ёки бошқара олмасдан юридик шахс номидан тузган битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўз ҳаракатларини аҳамиятига тушунмаслик ёки уларни бошқара олмаслик битим тузилган пайтда юз берган бўлиши керак (Кодекснинг 365-м.).

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунмаслик ёки уларни бошқара олмаслик учун кайфиятнинг бузилиши, ҳаяжонланишнинг зўрайиши, руҳий ҳолатнинг ўзгариши, жисмоний жароҳат ёки бошқа касаллик, спиртли ичимликдан маст бўлиб қолишлик ва бошқа сабаблар рўй бериш мумкин. Бундай ҳолатларни рўй берганини исботлаш учун гувоҳларнинг кўрсатмалари етарли бўлмайди, уларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши, агар зарур бўлса экспертиза тайинланиши керак.

Ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушунмай ва уларни бошқара олмай тузилган битимлар низоли битимлар туркумига киради. Бундай битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво ушбу битимни тузган шахс ёки бундай битимни тузилиши натижасида ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган бошқа шахс томонидан қўзғатилиши мумкин. Масалан эр-хотинга тегишли биргаликдаги умумий мулкни тасарруф қилиш ҳақида эр-хотиндан бири битим тузган бўлса, ушбу битимни бекор қилиш тўғрисида судга даъво билан битим тузишда иштирок этмаган эр ёки хотин мурожаат қилиши

мумкин. Агар битим тузиш пайтида ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушунмаган шахс кейинчалик муомалага лаёқатсиз деб топилса, бундай битим шахснинг восийси қилган даъвога мувофиқ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай битимнинг оқибати ушбу Кодекснинг 117-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган қоидага асосан ҳал қилинади.

Янглишиш таъсирида тузилган битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (122-м.). Янглишиш бевосита битимнинг нарсаси (предмети) ҳақида бўлсагина жиддий аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Битимнинг табиати ҳақида янглишиш унинг қалбаки ёки оғир асоратли эканлигида бўлиши мумкин. Битим нарсасининг ўз вазифаси бўйича фойдаланиш имкониятини ёки сифати бўйича талаб қилинган кондидияга жавоб бериш ёки бермаслиги ҳақида янглишилган бўлиш мумкин.

Янглишиш сабаби битим тузувчининг айби, шунингдек битимда қатнашувчи бошқа шахснинг айби ёки бошқа тасодифий ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин. Янглишиш таъсири остида тузилган битим алдаш таъсири остида тузилган битимдан шу билан фарқланадиги, агар алдаш атайин қилинса, янглишилган фуқаронинг хатоси бошқа бирон шахснинг қасдан қилинган ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, рассомнинг асарини сотувчи ҳам сотиб олувчи ҳам асл нусхаси деб тан олишади ва битим тузишади, лекин асар нусхадан олинган кўчирма бўлиб чиқади. Бундай ҳолда янглишиш мавжуд. Агар сотувчи кўчирма эканлигини билган бўлса, битим янглишиш эмас, балки алдаш йўли билан тузилган битим бўлиб ҳисобланади.

Битимнинг сабаблари хусусида янглишиш жиддий аҳамиятга эга деб ҳисобланмайди. Масалан, қариндошларга яқинроқ бўлиш мақсадида квартирани алмаштириш ҳақида битим тузилади. Лекин қариндошлар кўчиб кетади. Бундай ҳолат, яъни сабаб битимни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ва уни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Янглишиш таъсирида тузилган битим низоли битим деб ҳисобланади. Битим ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 114-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Алдаш деб тузиладиган битим учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳақиқий фактлар ва ҳолатлар юзасидан фуқарони ёки юридик шахсни атайин (қасддан) янглиштиришга айтилади. (123-м.). Масалан, “ижтимоий фонд” деб уставини тасдиқлаган ва рўйхатдан ўтказган жамият тижорат билан шугулланиши ва бу соҳада битимлар тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Демак фондни тузишда ва унинг таъсис хужжатларини расмийлаштиришда алданга йўл қўйган.

Битимни **зўрлик таъсири** остида тузиш деб, битим тузишга мажбур қилиш мақсадида контрагентнинг ўзи ёки унинг яқин кишилари шахсига жисмоний таъсир этиш тушунилади. Масалан, уруш, қийнаш йўли билан битимга имзо қўйдириш ва ҳоказо.

Кўрқитиш деб фуқаролик ҳуқуқида фуқаронинг ўзи ёки унинг яқин кишилари шахсига ёхуд мулкига зарар етказиши хавфини туғдирадиган руҳий таъсирот тушунилади. Бундай таъсирот сўз ёки ҳаракатлар билан қилиниши мумкин. Масалан, оилавий ҳаётга оид сирнинг очилишини айтиб, қарз шартномасини тузишга мажбур қилиш ва ҳоказо.

Бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишуви деганда вакилнинг вакиллик асосида ваколат берувчи номидан ва унинг ҳисобига ҳаракат қила туриб муайян манфаат олиш мақсадида бошқа шахс билан ваколат берувчи зарарига қаратилган ўзаро атайин ғаразли келишуви тушунилади. Масалан, вакил қилувчи учун бир мулкни 1000 сўмга сотиб олишда шартнома иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиб, 1500 сўмга расмийлаштирилади ва 500 сўм фарқ вакил билан шартнома тузувчи иккинчи тараф ўртасида бўлиб олинади.

Оғир ҳолатларнинг юз беришда тузилган битим деганимизда, биринчидан, фуқаронинг оғир мулкий аҳволда бўли-

шени, якка тадбиркор ёки юридик шахсининг ночорликка учрашени, бундай аҳволда бўлган фуқаронинг ёки юридик шахсининг ўзи учун зарари очикдан-очик кўриниб турган битимни тузиш, масалан, 5000 сўмга бажариладиган ишни ёки хизматни 2000 сўмга бажариб бериш назарда тутилади.

Юқорида келтирилган ва тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиллиши учун жабрланган шахсининг ўзи ёки юридик шахс низо кўзғатиши мумкин. Агар битим юқорида кўрсатилган асослардан бирига кўра ҳақиқий эмас деб топилса, бундай битим тарафларига нисбатан 123-модданинг 2-қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Юридик оқибатлар туғдириш ниятида бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим **қалбаки битим** дейилади ва бундай битим ўз-ўзи билан мутлақ ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (124-модданинг 1-қ.)

Қалбаки битим тарафлар учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва бурчлар туғдирмайди. Қалбаки битим ғайриқонуний мақсадни амалга ошириш учун тузилган бўлиши мумкин. Масалан, кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришдан бош тортиш мақсадида қарздор ўз мол-мулки бўйича ҳадя ёки олди-сотди шартномасини тузган, жинояти бўйича рўйхатга олинган мол-мулкни сотиб юборган бўлиши мумкин.

Қалбаки битим турли шаклда тузилган бўлиши мумкин: оғзаки, оддий ёзма, нотариал шаклда ёки давлат рўйхатидан ўтказилган. Бундай битимга нисбатан икки томонлама реституция қўлланади. Қалбаки битим бўйича мол-мулк ўтказилган бўлса, манфаатдор шахс уни қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган битим **кўзбўямачилик битими** дейилади. (124-модданинг 2-қисми) Бундай ҳолда тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади.

Кўз бўяш учун тузилган битим ҳам қалбаки битим каби ҳеч қандай ҳуқуқ ва бурчлар туғдирмайди. Бундай битим

тузиш воситасида тарафлар аслида бошқа юридик ҳаракатни, битимни яширадилар. Масалан, олди-сотди шартномаси ҳади шартномаси билан яширилади. Бундай мақсад кўп миқдорда пул тўланганлигини ошкор қилмасликдан иборат.

Умумий қоидага мувофиқ яширилган битим ғайриқонуний ҳисобланади, чунки у қонуний расмийлаштирилган эмас. Шунинг билан бирга, у низоли битимлар туркумига киради. Яширилган битим суд томонидан ҳақиқий деб топилса, улар ишпирокчиларининг муносабатлари ҳақиқий назарда тутилган, яъни яширилган битимга доир қоидалар қўлланилади. Яширилган битимнинг шаклига риоя қилинмаган тақдирда Кодекснинг 109, 112-моддаларида белгиланган ҳуқуқий оқибатлар қўлланилади.

Давлат ва жамият манфаатларининг шахс манфаатларидан устун туришидан, иқтисод соҳасида маъмурий-планлаштириш ҳуқумронлигидан воз кечилганлиги туфайли “давлат ва жамият манфаатларига хилоф мақсадларда тузилган битимнинг ҳақиқий саналмаслиги” (1963 йилдаги Кодекснинг 53-моддаси), “юридик шахснинг ўз мақсадларига хилоф равишда тузган битимининг ҳақиқий саналмаслиги” (1963 йилдаги Кодекснинг 54-моддаси) каби битимларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун назарда тутилган асослар ўз аҳамиятини йўқотди. Эндликда юридик шахс тузган битимни ҳақиқий эмас деб топиш бошқа сабабларга кўра эътироф этилади. Кодекснинг 125-моддасига мувофиқ **устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган** юридик шахс томонидан тузилган битим унинг таъсисчиси ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ушбу 125-моддада икки турдаги битимлар: а) юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган; б) тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битимлар тўғриси-

да қоидалар назарда тутилади (Кодекснинг 41-моддасига қаралсин).

Модданинг қоидалари юридик шахслар ўртасида, юридик шахслар билан фуқаролар ўртасида тузиладиган икки ва кўптомонлама битимларга тааллуқли. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати тўғрисидаги қонун талабларига тўғри келмайдиган битим ҳар қандай шароитда ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида маълум даражада чекланган фаолият мақсадига зид тузилган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди (Кодекснинг 43-моддасига қаралсин).

Агар юридик шахс рухсатнома (лицензия) олмаган; лицензия берган орган томонидан унинг лицензиясини чақириб олинган; лицензиянинг амал қилиш муддати тугагани ҳолларда тегишли фаолият билан шуғулланиш учун лицензияга эга эмас деб ҳисобланади. Юридик шахснинг битим тузиш пайтида лицензияси бўлмасдан, кейинчалик низони судда кўриш пайтида, ушбу битим бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олган бўлса, битим ҳақиқий деб ҳисобланиши мумкин бўлса керак.

125-модданинг қоидаларига биноан ҳақиқий эмас деб ҳисобланадиган битимлар низоли битимлар қаторига киради. Битимни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ҳақида даъво юридик шахснинг ўзи, унинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг устидан назорат олиб борувчи давлат органи томонидан кўзғатилиши мумкин. Агар тарафлар даъвои кўришни ҳакамлар (третейский) судига топшириш ҳақида келишмаган бўлсалар, даъво Хўжалик-процессуал ва Фуқаролик-процессуал Кодексларга мувофиқ хўжалик судида ёки умумий судда кўрилиши мумкин.

Ҳақиқий эмас деб топилган битимга нисбатан Кодекснинг 114-моддасида белгиланган оқибатлар, яъни икки томонлама реституция қўлланилади.

Битим тузиш ваколатларини асоссиз чеклаш суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (126-м.). Ушбу

модда ҳам фуқаролар, ҳам юридик шахслар иштирокида тузиладиган икки ва кўптомонлама битимларга тааллуқли. Умумий қоидага биноан фуқаролар ва юридик шахслар қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Лекин фуқароларнинг ваколат доираси шартнома билан, юридик шахсларнинг ваколат доираси эсуларнинг таъсис ҳужжатлари (юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати ҳақида Кодекснинг 41-моддасига, юридик шахснинг органи ҳақида Кодекснинг 45-моддасига қаралсин) билан белгиланади. Улар ҳуқуқ ва бурчларни, улар учун тегишли тартибда белгиланган ваколат доирасида амалга оширади. Шунинг учун битимни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўладиган сабаблардан бири - фуқароларнинг шартнома билан белгиланган ваколат, юридик шахсларнинг эса - таъсис ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасидан чиқиб амалга оширадиган ҳаракатларидан иборат.

Битимни ваколат доирасидан чиқиб тузилган деб ҳисоблаш учун иккинчи сабаб - бошқа тараф томонидан ваколат доирасидан чиқиб тузилганлиги ҳақида шубҳа бўлмаганлигидан иборат. Чунки ишончномадан, қонундан ва битим тузилаётган вазиятдан унинг ваколатли шахс томонидан тузилажаги бўлиши аён бўлиб туриши мумкин. Масалан, Кодекснинг 60-моддасида ўрнатилган умумий қоидага биноан, тўлиқ ширкат иштирокчисининг ҳар бири ширкат номидан ҳаракат қилишга ҳақли. Шунинг учун бошқа тараф қонунга амал қилган ҳолда ва шартнома тузилаётган вазиятдан келиб чиқиб, сира шубҳасиз тўлиқ ширкат иштирокчиси билан битим тузади. Лекин, ушбу иштирокчининг ҳуқуқ ваколати тўлиқ ширкатнинг таъсис шартномаси билан чеклаб қўйилган бўлиши мумкин.

Битимнинг ваколат доирасидан чиқиб тузилган деб ҳисоблаш учун учинчи сабаб - битим тузган шахс ваколатни шартнома ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан чеклашлар доирасидан чиқиб кетганлигини билган ёки олдиндан билиши лозимлиги исботланган бўлишидан иборат.

Бундай вазиятда ҳақиқатни исботлаш вазифаси даъвогар зиммасига юклатилади.

Ваколат доирасидан чиқиб тузилган битимни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ҳақидаги даъво чеклаш кимнинг манфати учун ўрнатилган бўлса, ўша шахс томонидан қўзғатилари. Агар даъвони кўриш учун ҳакамлар (третейский) судга топшириш ҳақида келишилган бўлмаса, даъво умумий суд ёки хўжалик судида кўрилади. Битим низоли бўлиб, агар у суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилса, 114-моддада назарда тутилган икки томонлама реституция татбиқ қилинади.

Битимнинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланиш пайти унинг низоли ёки ўз-ўзидан мутлақ ҳақиқий эмас бўлиши билан белгиланади. Кодекснинг 127-моддасида низоли битим назарда тутилади. Бундай битим умумий қоидага биноан тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди. Лекин бу умумий қоидадан истиснога йўл қўйилади. Низоли битим суд томонидан келажак вақт учунгина бекор қилиниши белгиланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда битим бекор қилинмасдан аввал амалга оширилган ҳуқуқ ва бурчлар шундайлигича қолдирилади. Масалан, юридик шахснинг ўз ваколат доирасидан чиқиб тузган битимини ҳақиқий эмас деб топилш пайти суднинг бу ҳақда қабул қилган қарорининг санаси билан белгиланиши мумкин.

Ўз-ўзидан мутлақ ҳақиқий бўлмаган битимларнинг тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмаслиги муқаррардир. Суднинг бу ҳақда қарори қабул қилинган бўлишидан қатъи назар, бундай битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилиниши мумкинлигини Кодекс инкор қилмайди. Бундай ҳолда суд низоли манфаатдор шахснинг даъвоси билан умумий тартибда кўради. Суд ажримининг далиллар келтириш қисмида битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганлиги кўрсатиб қўйилган бўлиши керак.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳеч қандай юридик натижа (оқибат) туғдирмаслиги ҳисобга олинган ҳолда, бундай битим фақат тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди.

Битимнинг бир қисми ҳақиқий ҳисобланмаслиги ушбу қисмининг аҳамиятига боғлиқ (128-м.). Битим бир неча қисмлардан ва шартлардан иборат бўлиши мумкин. Агар битимнинг бирор қисми ёки шarti жиддий аҳамиятга эга бўлса ёки қонунга хилоф тарзда тузилган бўлса, бундай битим ҳақиқий саналмайди. Агар битимнинг кам аҳамиятли қисми ёки шarti назарда тутилмаган бўлса-да, у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, битим ўзининг қонунга мувофиқ бошқа қисмлари юзасидан ҳақиқий бўлиб ҳисобланади.

ВАКИЛЛИК ВА ИШОНЧНОМА**129-модда. Вакиллик**

Ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Ўз характерига кўра фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган битимни, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айти бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас, тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно.

130-модда. Муомалага лаёқатли шахслар номидан вакиллик қилиш

Муомалага лаёқатли шахслар ўзлари танлаган вакиллар орқали битимлар тузишлари мумкин, битим ўз характерига кўра фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

131-модда. Муомалага лаёқатсиз шахслар номидан вакиллик қилиш

Муомалага лаёқатсиз фуқаролар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва васийлари тузадилар.

132-модда. Ваколатсиз вакиллик

Вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим

тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади.

Битим тузишга ваколат берган шахс томонидан битимнинг кейинчалик маъқулланиши уни тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий битимга айлантиради.

133-модда. Тижорат вакилиги

Тадбиркорлар шартномалар тузаётганида улар номидан доимо ва мустақил суратда вакиллик қилувчи шахс (тижорат вакили) вакилнинг ваколатлари кўрсатилган ёзма шартнома асосида, бундай ваколатлар кўрсатилмаган тақдирда эса - ишончнома асосида ҳам иш олиб боради.

Тижорат вакили ўзининг иштирокида тузилган шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини фақат бу тарафларнинг розилиги билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллардагина айни бир вақтда ифодалаш мумкин.

Агар тарафлар билан тузилган битимда бошқача тарғиб назарда тутилган бўлмаса, тижорат вакили шартлашилган ҳақни ва топшириқни бажариш вақтида қилган чиқимларини тенг улушларда тўлашни шартномадаги тарафлардан талаб қилишга ҳақли.

Тижорат вакили ўзига берилган топшириқни бажариб бўлганидан кейин ҳам савдо битимлари тўғрисида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши шарт.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим соҳаларидаги тижорат вакиллигининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

134-модда. Ишончнома

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

135-модда. Ишончноманинг шакли

Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Нотариал шакли талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

136-модда. Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар

Қуйидагилар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса - ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари;

озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёққамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассаса

лар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончнома-
лари.

137-модда. Ишончноманинг бошқа шакллари

Хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш-жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

138-модда. Юридик шахснинг ишончномаси

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкӣ бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

139-модда. Ишончноманинг муддати

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган кун кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқӣ эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан тапқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

140-модда. Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш (бошқа шахсга ўтказиш)

Ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончнома-нинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ваколатларини бошқага берган шахс ишончнома берган шахсга буни маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатларини бошқага берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун худди ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

141-модда. Ишончноманинг бекор бўлиши

Ишончноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) ишончнома муддатининг тамом бўлиши;
- 2) ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши;
- 3) ишончнома берилган шахснинг бош тортиши;
- 4) номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- 5) номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- 6) ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши ёхуд унинг вафот этиши;

7) ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши ёхуд унинг вафот этиши.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса - ундан воз кечиши мумкин. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги битим ҳақиқий эмас.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади.

142-модда. Ишончноманинг бекор бўлганлиги ҳақида шахсларга хабар бериш

Ишончнома берган шахс унинг бекор бўлганлиги ҳақида ишончнома олган шахсни, шунингдек ишончнома қаратилган ўзига маълум учинчи шахсларни ҳам хабардор қилиши шарт. Ишончнома ушбу Кодекс 141-моддаси биринчи қисмининг 4-7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган ҳолларда ишончнома берган шахснинг ҳуқуқий ворислари зиммасига ҳам шундай вазифа юклатилади.

143-модда. Ишончнома олган шахснинг ишончнома бекор бўлганидан кейин қилган ҳаракатлари

Ишончнома олган шахснинг ишончнома бекор бўлганлигини билгунча ёки билиши лозим бўлгунча қилган ҳаракатлари ишончнома берган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари учун учинчи шахсларга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади.

Ишончнома олган шахснинг ишончнома бекор бўлганлигини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин қилган ҳаракатлари ишончнома берган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Агар учинчи шахс ишончноманинг амал қилиши бекор бўлганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

144-модда. Ишончномани қайтариш мажбурияти

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлганидан кейин ишончнома олган шахс ёки унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) дарҳол ишончномани қайтариб беришлари шарт.

10-бобга шарҳлар

Ушбу боб олдинги Кодексда “Вакиллик ва ваколатнома” деб аталган эди. Рус тилидаги олдингиси ва қабул қилинган янги Кодексда ҳам “Представительство и доверенность” деб номланган. Шунинг учун рус тилидаги “доверенность” деган сўз ўзбек тилига “ишончнома” деб таржима қилинди ва натижада бобга “Вакиллик ва ишончнома” деган ном берилди.

Вакиллик ўтмишда ҳам қўлланиб келинган институтлардан ҳисобланади. Бир шахс бошқаларнинг манфаатларини амалга ошириш учун уларнинг номидан ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган турли, шунинг билан бирга махсус ҳаракатларни бажариши мумкинлиги ҳақида қоидалар мавжуд эди. Аммо бозор муносабатлари шароитида тижорат вакиллигининг ривожланиши ва унинг кенг қўламда қўлланиши ушбу институтга бўлган эътиборни янада оширишни тақозо этади. Ушбу зарурият ҳисобга олинган ҳолда Кодексда тижорат вакиллигига бағишланган янги 133-модда ажратилди ва унинг биринчи қисмида бундай вакилликнинг тушунчаси баён этилди.

Тижорат фаолиятининг ривожланиши билан олдинги Кодексга биноан белгиланган “Вакил ўзига закалат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айти бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас” дейилган қоидага тегишли ўзгартириш киритилди. Кодекснинг 129-моддаси 3-қисмига асосан вакилликни битимнинг фақат бир томони билан чеклаш ҳақидаги қоида тижорат вакиллигига жо-

рий қилинмади. Тижорат вакили ўзининг иштирокида тузилган шартномадаги турли фуқароларнинг манфаатларини ушбу тарафларнинг розилиги билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда айна бир вақтда ифода этиш ҳуқуқига эга бўлди (133-модда, 2-қисм).

Янги Кодексда суднинг қарорига асосан ҳам вакиллик белгилаш назарда тутилади. 1963 йилдаги Кодекснинг 67-моддасига мувофиқ вакиллик ишончномага, қонунга ёки маъмурий актга асосланган бўлиши мумкин эди.

Муомалага лаёқатли фуқаролар одатда битимларни ўз эрklarини бевосита ифодалаш йўли билан, юридик шахслар эса - ўз органлари орқали тузадилар. Аммо баъзи ҳолларда улар бошқа шахсларнинг - вакилларининг ёрдами билан ҳам битимлар тузиш имкониятига эгадирлар.

Ваколат берувчилар ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ва бўлмаган фуқаролар, шунингдек юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин. Ваколат берувчилар ҳам фуқаролардан ва юридик шахслардан иборат бўлишлари мумкин. Лекин вакиллик фаолиятини амалга оширадиган фуқаро тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиши керак (Кодекснинг 22,28-моддаларига қаралсин).

Тижоратчи бўлмаган юридик шахслар - махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ташкилотлар, давлат ва муниципал корхоналар (Кодекснинг 41-м.), агар уларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолият мақсадларига тўғри келса, вакиллик фаолиятини амалга оширишлари мумкин. Тижоратчи ташкилотлар, уларнинг таъсис ҳужжатларида бу ҳақда махсус назарда тутилмаган бўлса-да, тadbиркорлик соҳасида тadbиркорлар номидан битимлар тузишда тижорат вакиллиги вазифасини бажаришлари мумкин (Кодекснинг 133-м.).

Қонунда алоҳида тоифадаги шахслар учун вакиллик вазифасини бажариш ман қилинган бўлиши мумкин. Масалан, адвокатлар коллегиясидан бўшатирилганлар, судьялар, терговчилар ва прокурорлар суд мажлисида иш бўйича тарафларнинг вакили сифатида қатнаша олмайдилар.

Вакил ваколат берувчининг номидан ҳаракат қилади. Ўз номидан қилинган ҳаракат бировларнинг манфаатлари учун қилинган бўлишидан қатъи назар вакиллик деб ҳисобланмайди. Ҳаракат маълум шахснинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб қилинган бўлса-да, лекин ушбу шахс учун ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий натижалар туғдирмаган бўлса, шахснинг бундай ҳаракати вакиллик деб ҳисобланмайди. Бундай шахслар тижорат воситачиларидан, банкротликда танланган бошқарувчилар, васиятномани бажарувчи воситачилар ва келажакда битимлар тузиш устида музокаралар олиб бориш учун тайинланган шахслардан иборат бўлиши мумкин.

Ўз номидан ҳаракат қиладиган тижоратчи вакиллар манфаатдор шахслар ўртасида битимлар тузиш учун ёрдам берадилар. Вакил бир тарафнинг, яъни ваколат берувчининг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилса, воситачи иккала тараф учун ҳаракат қилади. Бундан ташқари, воситачи ўзи битим тузмайди. Шу билан ҳам у тижоратчи вакилдан фарқ қилади (Кодекснинг 133-м.)

Банкротликда танлов ишларини амалга ошириш учун суд томонидан танланган бошқарувчи ўз номидан юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни фақат банкрот бўлган қарздор манфаати учун эмас, шунингдек унинг кредиторини манфаати учун ҳам амалга оширади.

Мерос қолдирувчи томонидан унинг васиятномасини бажариш учун тайинланган шахс васий дейилади. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин васий ўз номидан ҳаракат қилади. Унинг ҳаракатлари учинчи шахслар учун фуқаролик ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришга қаратилади.

Келажакда битимлар тузиш мумкинлиги ҳақида музокараларда қатнашувчи шахснинг ваколати музокараларда қатнашишга ваколат берган шахс учун фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларни юзага келтирмайди.

Вакил ваколат берувчининг номидан унга берилган ваколат доирасида ҳаракат қилиши мумкин. Ваколат - бу

ваколат берувчи учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни бажаришга тааллуқли бўлган ва вакилга берилган ҳуқуқ. Ваколат бўлмаса вакиллик ҳам бўлмайди. Шунинг билан бирга вакил ваколат берувчининг манфаати учун ва унга берилган ваколат доирасида ҳаракат қилиши зарур.

Вакилнинг ваколоти қонунда назарда тутилган юридик фактлар: ишончнома, қонун, суд қарори, давлат органининг ҳужжати асосида вужудга келади (шарҳланмоқда бўлган модданинг биринчи қисми). Ушбу юридик фактлар билан вакилнинг ваколат доираси белгиланади.

Ишончномага асосланган вакиллик ихтиёрий ҳисобланади. Ишончнома бир томонлама битимдан иборат бўлиб, ваколат берувчининг хоҳиши билан тузилади. Ишончномада вакил сифатида кўрсатилган шахс ўз эрки билан ишончномани қабул қилиб олмагунча, у ҳеч қандай ваколатга эга бўлмайди.

Қонунга, суд қарорига, давлат органи ҳужжатига асосланган вакиллик мажбурий вакиллик ҳисобланади. Бундай вакиллик ваколат берувчининг эркидан қатъи назар вужудга келади. Қонунга асосланган мажбурий вакиллик қонуний вакиллик деб аталади. Масалан, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийлари (Кодекснинг 27,29-м.м.), вояга етган, ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаган шахсларнинг эса - васийлари (Кодекснинг 30-м.) уларнинг қонуний вакиллари бўлиб ҳисобланади.

Муомалага лаёқатли шахслар ўзлари танлаган вакиллар орқали битимлар тузишлари мумкин (130-м.). Бундай вакиллик ишончномага асосланиб, ихтиёрий бўлади.

Айрим битимларни, ўз характерига кўра вакиллар орқали эмас, балки шахсан фуқаронинг ўзи томонидан тузилиши талаб қилинади. Масалан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш шартномаси (Кодекснинг 530-м.) иштирокчиларининг ўртасида фақат мулкий муносабатларгина эмас, балки шахсий муносабатларни, ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз шахс-

ларни парвариш қилиш ҳам шартномада белгиланган бўлади. Бундай битим вакил воситасида эмас, балки шахсан уй-жойни (квартирани) берувчи билан уни олувчи ўртасида тузилиши мумкин.

Баъзи битимларнинг вакиллар орқали тузилиши қонун билан ман этилади, чунончи 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига мувофиқ, васиятномаларни вакиллар орқали тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Муомалага лаёқатсиз фуқаролар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва васийлари, яъни **қонуний вакиллари тузадилар** (131-м.). Ушбу қонуний вакилларнинг битим тузиш бўйича ҳуқуқ лаёқати мазкур Кодекснинг 29, 30, 32 - моддалари билан белгиланади.

Ваколатсиз вакиллик Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилади. Бундай вакиллик асосан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда юз бериши мумкин.

Бошқа бир шахсдан ваколат олмай ёки олинган ваколатдан ташқари чиқиб тузилган битим, ким учун тузилган бўлса мазкур шахсга нисбатан мажбуриятлар туғдирмайди. Аммо бундай ваколатсиз қилинган вакиллик келгусида фойдасига ҳаракат қилинган шахс томонидан маъқулланса, унга нисбатан муайян бурчларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Масалан, босиб қолиш хавфи остида бўлган иморат, мазкур мулк эгасининг розилигини олмасдан, қўшниси томонидан усталар билан шартнома тузиб таъмирланса ва шу муносабат билан тузилган битим мулк эгаси томонидан кейинчалик маъқулланган тақдирдагина, битим бўйича қилинган харажатларни тўлашга мажбур бўлади.

Фойдасига битим тузилган шахс битимнинг тузилишини очикдан-очик маъқулламаса ҳам, аммо битимнинг қабул қилганлигини исботлайдиган ҳаракатлар қилинганлиги маълум бўлса, чунончи юқорида айтилганидек, таъмирланган жойдан фойдалана бошласа, битимни маъқуллаган ҳисобланади.

Тижорат вакиллиги (133-м.) Кодексга киритилган янги моддалардан иборат. Мазкур модданинг биринчи қисмида берилган тушунча тижоратчи вакилликни ифодаловчи юридик белгиларнинг мавжудлигидан дарак беради. Тижоратчи вакил сифатида тадбиркорлик фаолиятини мустақил амалга оширувчи шахс қатнашади. Тижоратчи вакил ўз тадбиркорлик фаолиятини мустақил ҳунар сифатида амалга оширади. У ваколат берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлмайди, бошқа тадбиркорлар билан унга берилган ваколат доирасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этади.

Ваколат берувчилар ҳам тадбиркорлардан иборат бўлиб, вакил улар номидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади. Тижоратчи вакилнинг ваколоти доимий характерига эга ва тадбиркорлик соҳасида шартномалар тузиш билан ифодаланади. Олдин айтиб ўтилганидек, тижоратчи вакил бир вақтнинг ўзида бир неча тадбиркорларнинг вакили бўлиши мумкин. Шунинг билан бирга бундай вакил бир йўла шартномадаги ҳар икки тарафининг ҳам, агар шартнома икки ва кўп томонлама бўлса, уларнинг ҳам вакили бўлиш ҳуқуқига эга. Демак, тижоратчи вакил турли тарафнинг манфаатини амалга ошириш учун ҳолисона ва виждонан ҳаракат қилади.

Тижоратчи вакил бир вақтнинг ўзида иккала тарафнинг ҳам вакили бўлган тақдирда, ваколат берган тарафлар тенг улушда ҳақ тўлашлари ва бошқа харажатларини қоплашлари керак. Ушбу тарафларнинг келишуви билан ҳақ тўлаш ва харажатларни қоплаш бошқа тартибда белгиланган бўлиши мумкин.

Тижоратчи вакиллик ихтиёрий ва вакил билан тадбиркор ўртасида оддий ёзма шаклда тузилган шартномага асосан вужудга келади. Шартномада вакилнинг ваколоти белгиланган бўлади. Агар вакилнинг ваколоти шартнома билан белгиланган бўлмаса, вакилликнинг вужудга келиши учун шартномадан ташқари унга берилган ишончнома асос бўлиб ҳисобланади.

Ишончнома (134-м.) фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар соҳасида кенг қўламда қўлланадиган юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардан иборат. Ишончнома вакил билан учинчи шахс ўртасида ишонч билдирувчи номидан қилинадиган ҳаракатлар натижасида муайян ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш учун зарур восита ҳисобланади. Ишончнома вакилнинг ишонч билдирувчи номидан бошқа шахслар билан битим тузиш учун бирон-бир шартнома бўйича, масалан, топшириқ шартномаси бўйича олинганида ҳам ёки хизмат (меҳнат) вазифаларини бажариш юзасидан олинганида ҳам берилади.

Ишончнома фақат фуқарога эмас, балки юридик шахсга ҳам берилиши мумкин. Ишончнома юридик шахсга берилганида, унинг махсус ҳуқуқий лаёқатига, яъни фаолиятининг мақсадларига мувофиқ бўлиши керак. Бинобарин, вакилга бериладиган ишончнома мазкур ташкилотнинг устави, бошқа таъсис ҳужжатларига ёки мазкур турдаги ташкилотлар тўғрисидаги умумий низомномага зид келмайдиган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин. Юридик шахс вакиллик фаолиятини амалга оширишда одатда ўзининг бирон-бир хизматчиси орқали ҳаракат қилади.

Ишончнома вакилга бошқа шахслар билан битим тузиш учун берилади. Шунинг учун ишончнома вакил битим тузадиган шахсларга топшириш учун берилиши мумкин. Битим тузиш учун керак бўлган ёзма ваколат бевосита битим тузадиган учинчи шахснинг ўзига берилиши мумкин.

Ишончнома бериш бир томонлама битимдан иборат. Уни бериш учун вакилнинг розилигини олиш талаб қилинмайди. Ишончнома битта шахс номига ёки кўпчилик шахслар номига берилиши мумкин. Ишонч билдирувчилар ҳам битта ёки кўпчилик шахслардан иборат бўлиши мумкин.

Вакилга берилган ваколат мазмун ва ҳажм жиҳатидан ишончномалар бош, махсус, бир мартали бўлиши мумкин. Бош ишончномалар ишонч билдирувчининг мол-мулкани бошқариш, маълум бир вақт давомида турли битимлар ту-

зиш ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни бажариш, масалан юридик шахснинг шуъбаларини бошқариш учун берилади. Бош ишончнома турли вазият ва шароитларга кўра мустақил битим тузиш имкониятига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин. Махсус ишончномалар бир хил тоифадаги битимлар ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни, масалан автомашина сотиб олиш, уни рўйхатга олдириш, номер олиш, техник кўрикдан ўтказиш ва уни бошқариш каби ҳаракатларни бажариш учун берилиши мумкин. Бир мартали ишончномада аниқ кўрсатилган ёки маълум белгили ҳаракатларни бажариш учун берилади.

Ишончнома оддий ёзма шаклда тузилади ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади (135-м.). Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак (Нотариал шаклда тузиладиган битимлар ҳақида ушбу Кодекснинг 110-моддасига берилган шарҳларга қаралсин). Нотариал расмийлаштирилиши шарт бўлмаган ишончномалар Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида келтирилади.

Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар ушбу Кодекснинг 136-моддасида ва 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилади.

Ишончноманинг бошқа шакллари Кодекснинг 137-моддасида назарда тутилади. Ушбу моддада ҳар хил ҳаракатлар бўйича ишончномани тасдиқлайдиган ташкилотлар ва муассасаларнинг, масалан, фуқаро ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган жойнинг идораси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, даволаниш муассаси маъмуриятининг рўйхати келтирилади.

137-моддада 136-моддадаги умумий қоидадан баъзи истиснолар берилди, фуқаролар томонидан бериладиган ишончномаларнинг осонлаштирилган тарзда расмийлаштирилиши-

га имконият яратилди. Шунинг билан бирга 1963 йилдаги Кодекснинг 74-моддасида ишончноманинг бошқа шакллари сифатида назарда тутилган ҳарбий хизматчилар ва озодликдан маҳрум қилинганлар томонидан бериладиган ишончномаларни расмийлаштириш Кодекснинг 136-моддасига ўтказилди, улар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилди. Шу жумладан, ҳарбий қисмлар ишчи ва хизматчиларининг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ишончномаларини тасдиқлаш тартиби ҳам 136-моддада назарда тутилди. Буларнинг ишончномалари биринчи галда нотариал идоралари ва нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган идораларда тасдиқланиши керак, агар уларнинг турар жойларидаги ҳарбий қисмларда бундай идоралар бўлмаса ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланади.

Кодекснинг 138-моддасида иккита янги қоида назарда тутилади. Биринчиси - юридик шахс номидан бериладиган ишончномани раҳбар имзолаши ва ушбу юридик шахснинг муҳри босилишидан иборат. Иккинчиси - давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкӣ бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончномалар билан боғлиқ. Ўтмишда юридик шахсларнинг ишончномаларини унинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши талаб қилинарди. Энди бундай қоида фақат давлат мулкига асосланган юридик шахсларнинг ишончномаларига нисбатан жорий қилинади. Бошқа барча юридик шахсларнинг пул ва бошқа бойликларни олиш ва топшириш билан боғлиқ ишончномалари, агар уларнинг таъсис ҳужжатлари билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, бош (катта) бухгалтер томонидан имзоланган бўлиши шарт эмас.

Ишончнома муддатига бағишланган 139-моддада 1963 йилги Кодексининг 77-моддасида икки қисмдан иборат бўлган қоидалар мазмун ва шакл жиҳатдан ўзгартишсиз сақлаб қолинди. Айни вақтда 139-модда учинчи қисм билан тўлдирилди.

Ишончнома - муддатли ҳужжат. У ўзида ёзиб кўрсатилган маълум бир муддат давомида амалда бўлади. Бу муддат уч йилдан ошиб кетмаслиги керак. Демак, агар ишончномада беш ёки олти йил кўрсатилгундай бўлиб қолса, у тузилган кунидан бошлаб фақат уч йил давомида амалда бўлади. Агар ишончномада муддат умуман кўрсатилмаган бўлса, бундай ишончнома тузилган кунидан бошлаб бир йил давомида амалда бўлади. Ушбу тартиб чет элларда ҳаракат қилиш учун берилган нотариал тасдиқланган ишончномаларга нисбатан жорий қилинмайди. Бундай ишончномалар уларни берган шахс томонидан бекор қилинмагунча, ўз кучини йўқотмайди. Агар ишончнома нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалардан иборат бўлса ва унда муддат кўрсатилмаган бўлса, бундай ишончномалар чет элда бир йил давомида амалда бўлади.

Ишончнома маълум бир муддат давомида амалда бўлиши мумкинлиги туфайли, агар ишончномада унинг берилган ва тасдиқланган куни (санаси) кўрсатилмаган бўлса, у ўз ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ишончноманинг тузилган куни ва амал қилиш муддати ёзма равишда кўрсатилган бўлиши керак.

Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга ўтказишга оид 1963 йил Кодексининг 78-моддасида акс эттирилган қоидалар янги Кодекснинг 140-моддасида деярли ўзгаришсиз сақлаб қолинди. Лекин унга ишончномани бошқа шахсга ўтказилишига асос бўлган шартномага нисбатан аниқлик киритилди. Нотариал тасдиқланган барча ишончномалар бўйича ваколатларни ўтказишга асосланган ишончномалар ҳам нотариал тасдиқланган бўлиши лозим. Бироқ Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ишончномалар бўйича ваколатлар бошқа шахсларга ўтказиладиган бўлса, бундай ўтказишга асос бўлган ишончномаларнинг нотариал тасдиқланиши шарт эмас.

Ишончноманинг бекор бўлиш сабаблари Кодекснинг 141-моддасида назарда тутилади. Ҳар қандай ишончнома қандай муддатга берилган бўлса, шу муддатнинг ўтиши билан бекор

бўлади. Бир мартали ишончнома мулдати ўтмасдан, унда назарда тутилган ҳаракатларнинг бажарилиши билан ўз кучини йўқотади.

Ишончнома ким томонидан берилган бўлса, мазкур шахс томонидан ҳар қачон бекор қилиниши мумкин. Худди шунингдек, ишончнома ким номига берилган бўлса, мазкур шахснинг ишончномадан воз кечиши билан ҳам бекор бўлади. Ишончномани бекор қилмаслик, яъни уни бекор қилиш ҳуқуқидан ёинки ундан воз кечиш ҳуқуқидан бош тортиш тўғрисидаги ўзаро келишиш ёки бу ҳақда битим тузиш шарт эмас, чунки бундай келишув ва битим ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ишончноманинг бекор бўлиши учун асос бўладиган ва 1963 йилдаги Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган бошқа сабаблар ҳам янги Кодекстеда сақлаб қолинди.

Ишончнома берган шахс унинг бекор қилинганлиги тўғрисида (Кодекснинг 141-м.) ишончнома олган шахсни, шунингдек кимлар ҳузурида вакиллик қилиш учун ишончнома берилган бўлса, мазкур, ўзига маълум бўлган учинчи шахсни хабардор қилиши шарт (142-м.). Ишончнома ушбу Кодекс 141-моддаси 1-қисмининг 4-7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган ҳолларда ишончнома берган шахснинг ҳуқуқий ворислари зиммасига ҳам шундай вазифа юклатилади.

Белгиланган талабларга риоя қилмасдан, ишончноманинг бекор қилиниши - ишончнома берган ёки уни олган шахсларнинг, шунингдек учинчи шахсларнинг манфаатларига жиддий равишда таъсир этиши мумкин. Чунончи, ишончнома олган шахс унинг бекор қилинганлигидан хабардор бўлмасдан ўзига тошпирилган ҳаракатларни бажаришда давом этса, бундай ҳаракатлар ишончнома берган шахс, шунингдек ишончнома олган шахснинг ҳам манфаатлари учун тўғри келмаслиги мумкин.

Ишончнома олган баъзи инсофсиз шахслар, ишончноманинг бекор қилинганини била туриб, ишончнома берувчи

номидан учинчи шахслар билан муносабатда бўлишлари мумкин. Бундай оқибатларга йўл қўймаслик учун қонун ишончнома берган шахсга ва тегишли ҳолларда унинг ҳуқуқини олувчи шахсларга ишончноманинг бекор қилинганлиги тўғрисида хабардор қилиш бурчини юклайди.

Ишончноманинг бекор қилинганлиги тўғрисида бошқа шахслар, яъни мазкур ишончномага алоқадор бўлган фуқаролар ва юридик шахслар, албатта, хабардор қилинишлари лозим.

Ишончнома олган шахснинг **ишончнома бекор бўлганидан кейин қилган ҳаракатларининг ҳуқуқий аҳамиятига** оид қоидалар Кодекснинг 143-моддасида назарда тутилади.

Ишончнома бекор қилинганлигини билгунга қадар ёки билиш лозим бўлгунга қадар, ишончнома олган шахс томонидан учинчи шахсларга нисбатан бажарилган ҳаракатлар ишончнома берувчи учун ёки унинг ҳуқуқларини олувчилар учун ўз кучини сақлаб қолади. Демак, ишончнома берган шахс ишончномага мувофиқ тузилган битимлар юзасидан ҳуқуқлар ва муайян мажбуриятлар олади. Бу қоидадан баъзи истиснолар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ишончнома олган шахс унинг бекор қилинганлигини билмаса ҳам, аммо у билан ҳуқуқий муносабатда бўлувчи учинчи шахслар ишнинг ҳолати бўйича ишончноманинг бекор қилинганлигини билган бўлсалар, ёки билишга мажбур бўлсалар, бундай шахсларнинг инсофсиз ҳаракат қилганликлари сабабли ваколат берган шахс тузилган битим бўйича ўз зиммасига ҳеч қандай бурчлар ололмайди.

Ишончноманинг амал қилиши бекор қилинганидан кейин ишончнома олган шахс ёки унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) **ишончномани дарҳол қайтариб беришлари шарт** (144-м.). Бекор қилинган ишончномани қайтариб бермаслик, ишонч билдирувчи билан ишончли вакил ўртасида бундай ишончномага тааллуқли бўлган бирон бир ҳуқуқ ёки мажбуриятнинг сақланиб қолиши учун сабаб бўлмайди.

5-КИЧИК БЎЛИМ
МУДДАТЛАР. ДАЪВО МУДДАТИ
11-БОБ
МУДДАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

145-модда. Муддат белгилаш

Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган, шунингдек суд томонидан тайинланадиган муддат календарь сана билан ёхуд йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади.

Муддат муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин.

146-модда. Вақт даври билан белгиланган муддатнинг бошланиши

Вақт даври билан белгиланган муддат календарь санадан кейинги ёки унинг бошланиш куни деб белгиланган воқеа юз берганидан кейинги кундан ўта бошлайди.

147-модда. Вақт даври билан белгиланган муддатнинг тамом бўлиши

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охириги йилидаги тегишли ой ва кунда тамом бўлади.

Ярим йил деб белгиланган муддатга нисбатан ойлар билан ҳисобланадиган муддатлар учун белгиланган қоидалар қўлланилади.

Йил чорақлари билан ҳисобланадиган муддатга нисбатан ойлар билан ҳисобланадиган муддатлар учун белгиланган қоидалар қўлланилади. Бунда йил чораги уч ойга тенг деб ҳисобланади, йил чорақларининг ҳисоби эса - йил бошидан юритилади.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат шу муддатнинг охириги ойидаги тегишли кунда тугайди.

Ярим ой деб белгиланган муддатга кунлар билан ҳисобланадиган муддат деб қаралади ва у ўн беш кунга тенг бўлади.

Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тамом бўлиши тегишли рақам бўлмаган ойга тўғри келса, у ҳолда муддат шу ойнинг охириг кунда тугайди.

Ҳафталар билан ўлчанадиган муддат шу муддатнинг охириг ҳафтасидаги тегишли кунда тугайди.

148-модда. Муддатнинг охириг кунда ҳаракатни амалга ошириш тартиби

Агар муддат бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш учун тайинланган бўлса, бу ҳаракат муддатнинг охириг кундаги соат йигирма тўртга қадар бажарилиши мумкин.

Агар, бу ҳаракат ташкилотда амалга оширилиши керак бўлса, у ҳолда муддат белгиланган қоидаларга мувофиқ ушбу ташкилотда тегишли операциялар тўхтатиладиган соатда тамом бўлади.

Муддатнинг охириг кунда соат йигирма тўртга қадар алоқа ташкилотига топширилган ёки бошқа алоқа воситалари билан юборилган барча ёзма баёноتلар ва хабарлар, пул ўтказмалари муддатида қилинган ҳисобланади.

11-бобга шарҳлар

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатларнинг кўпчилиги муддатлар билан боғлиқ. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши ёки, аксинча, уларнинг бекор бўлиши муддатларнинг бошланишига ёки тугалишига боғлиқ.

Муддатларни ҳисоблаш даъво муддати ўтишининг бошланиши, тўхтатилиши, узилиши, қўлланилиши қайси вақтнинг ўтиши билан белгиланишининг аниқ бўлиши суд фаолиятида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бобнинг бошланиш қисмида муддатларни ҳисоблашга бағишланган гўртга (145-148) модда берилди. Ушбу моддаларда муддатни белгилаш, унинг ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши, муддатнинг охириг кунда ҳаракат қилиш тартибига оид қоидалар белгиланди.

Муддатлар календарь сана билан ёхуд йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади. Муддат содир бўлиши муқаррар бўлган биронта ҳодисани кўрсатиб ҳам белгиланиши мумкин. Муддатларнинг кўпчилиги Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Лекин уларни белгилаш бўйича битим тарафларига кенг ҳуқуқ берилган. Маълум бир муддат тарафларнинг келишуви билан битимнинг ўзида аниқ кўрсатилган бўлиши мумкин. Лекин бундай барча ҳолларда Кодекснинг ушбу бобида белгиланган умумий қоидаларга риоя қилиниши керак.

Фуқаролик-ҳуқуқий муддатларни уларнинг турларига биноан қуйидагича таснифлаш мумкин: норматив (қонун билан белгиланган) муддатлар, шартномали муддатлар, суд томонидан белгиланган муддатлар. Қонун билан белгиланган муддатлар фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва ўлган деб эълон қилишда ишончномада даъво қўзғатишда, меросни қабул қилиш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қўлланилади. Суд томонидан Фуқаролик процессуал кодексга мувофиқ мажбурий тартибда ижро этиладиган ҳужжатларни ижро этиш учун топшириш муддатлари, шунингдек фуқаролик хўжалик ишларини юритишга оид бошқа муддатлар жорий қилинади. Норматив (қонун) муддатлари императив характерга эга, уларни тарафларнинг келишуви билан ўзгартириб бўлмайди. Шартномавий муддатлар асосан диспозитив характерга эга, улар тарафларнинг келишуви билан белгиланади (кодекснинг 377-моддаси). Агар тарафлар муддат масаласида ўзаро келишиб белгиламаган бўлсалар, уларнинг муносабатларига нисбатан диспозитив нормада назарда тутилган муддат татбиқ қилинади. Баъзан қонунда энг кўп муддат назарда тутилган бўлиб, тарафларга ушбу муддат доирасидан чиқиб кетмасдан ўзаро келишилган ҳолда муддат белгилаш ҳуқуқи берилади. Масалан, ишончноманинг муддати уч йилдан кўп бўлмаслиги керак. Ишончнома берувчи ундан кўп бўлмаган хоҳлаган муддат белгилаши мумкин.

Фойдаланиш мақсадига қараб муддатлар фуқаролик ҳуқуқларни вужудга келтиришга, фуқаролик ҳуқуқини амалга оширишга, мажбуриятларни бажаришга ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлишлари мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқлари муддатни келиши ёки ўтиши билан вужудга келади. Масалан, мол-мулкнинг эгаси бўлмаган шахс Кодексда назарда тутилган муддат давомида ушбу мулкка ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган бўлса, бу мол-мулкка мулкдорлик ҳуқуқини олади.

Фуқаролик ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган муддат деганда ҳуқуқ ваколатига эга бўлган шахс томонидан ўз ҳуқуқларини унинг ўзи тасарруф қилишга ёки мажбур бўлган шахс томонидан ушбу ҳуқуқни тасарруф қилишни амалга оширишни талаб қилишга қаратилган муддатлар тушунилади. Бундай муддатлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- фуқаролик ҳуқуқларининг амал қилиш муддатлари. Масалан, яратилган фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади (Кодекснинг 1065-моддаси);

- олдини олувчи (пересекательный) муддат. Масалан, коммунал хўжалигига тегишли турар жойни ижарага олувчи унда узрли сабабсиз олти ой давомида яшамаса, ушбу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади (1963 йил Кодексининг 342, 344-моддалари);

- кафолат муддати, яроқлик ва хизмат муддатлари. Агар сотиб олинган товарларда бажарилган ишларда улар учун белгиланган кафолат муддати, яроқлик ва хизмат муддатлари давомида нуқсонлар пайдо бўлса, истеъмолчи сотувчидан (ижрочидан) ва ишлаб чиқарувчидан нуқсонларни бартараф қилиш, етказилган зарарни тўлашни талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади (Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”)ги Қонунининг 11, 15, 20, 29-моддалари;

- талаб қўйиш (претензионные) муддатлари. Турли транспорт уставларида йўловчилар ва юк ташиш шартномалари бузилган тақдирда транспорт ташкилотларига нисбатан қўйиладиган талабларнинг муддатлари белгиланган бўлади.

Мажбуриятларни бажариш муддати. Маълум муддат давомида қарздор мажбуриятнинг мазмунини ташкил қилувчи ҳаракатларни бажариши лозим (Кодекснинг 242-моддаси).

Фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муддатлари. Бундай муддатлар давомида бузилган ёки низоли ҳуқуқ ҳимоя қилишга тегишли. Масалан, даъво муддати давомида ҳимоя қилиниши лозим (Кодекснинг 150, 151-моддалари).

Муддатлар муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, баҳор фаслининг келиши, дарёлардаги музларнинг эриши ва кемаларнинг дарёда юк ташиши билан ҳам муддатлар белгиланиши мумкин.

Вақт даври билан белгиланган муддат календарь санадан кейинги ёки унинг бошланиш куни деб белгиланган воқеа юз берганидан кейинги кундан ўта бошлади (146-модда). Бундай муддатларнинг тамом бўлиши йиллар, ярим йиллар, йил чорақлари, ойлар, ярим ой, ҳафталарнинг тегишли кунлари билан белгиланади (147-модда).

Муддатнинг охири кунидан ҳаракатларни бажарилганлигини белгилаш тартибига тааллуқли қоидалар Кодекснинг 148-моддасида назарда тутилади.

12-БОБ

ДАЪВО МУДДАТИ

149-модда. Даъво муддати тушунчаси

Даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

150-модда. Умумий даъво муддати

Умумий даъво муддати - уч йил.

151-модда. Махсус даъво муддатлари

Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс 152-162-моддаларининг қоидалари махсус даъво муддатларига ҳам жорий қилинади.

152-модда. Даъво муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги битимнинг ҳақиқий савалмаслиги

Даъво муддатлари ва уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Даъво муддатлари ўтишини тўхтатиш ва унинг узилиш асослари ушбу Кодекс билан белгиланади.

153-модда. Даъво муддатини қўллаш

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

154-модда. Даъво муддатининг ўта бошлаши

Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Бу

қоидадан истиснолар ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

Муайян ижро муддатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича даъво муддати ижро муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Ижро этиш муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш пайти ижро этиш муддати билан белгиланган мажбуриятлар бўйича даъво муддати кредиторда мажбуриятни бажариш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан ўта бошлайди, борди-ю, қарздорга бундай талабни бажариш учун имтиёзли муддат берилса, даъво муддати имтиёзли муддат тамом бўлганидан кейин ҳисоблана бошлайди.

Регресс мажбуриятлар бўйича даъво муддати асосий мажбурият бажарилган пайтдан ўта бошлайди.

155-модда. Мажбуриятдаги шахслар алмашинганида даъво муддати

Мажбуриятдаги шахсларнинг алмашиниши даъво муддати ва уни ҳисоблаш тартибининг ўзгаришига олиб келмайди.

156-модда. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши

Даъво муддатининг ўтиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) агар даъво қўзғатилиши учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулудда ҳодиса (енгиб бўлмас куч) тўсқинлик қилган бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мажбуриятларни бажаришни кечиктирганлиги (мораторий) туфайли;

3) агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса;

4) агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса;

5) тегишли муносабатни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг амал қилиши тўхтатилган бўлса.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар даъво муддатининг охириги олти ойида, бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Муддатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

157-модда. Даъво муддати ўтишининг узилиши

Даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво кўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади.

Узилишдан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади, узилишгача ўтган вақт эса - янги муддатга қўшилмайди.

158-модда. Даъво кўрилмасдан қолдирилган тақдирда даъво муддатининг ўтиши

Агар даъво суд томонидан кўрилмасдан қолдирилган бўлса, даъво кўзғатилганга қадар ўта бошлаган даъво муддати умумий тартибда давом этади.

Агар жиноят иши бўйича кўзғатилган даъво суд томонидан кўрилмасдан қолдирилган бўлса, даъво кўзғатилгунга қадар ўта бошлаган даъво муддати даъвони кўрмасдан қолдирган ҳукм қонуний кучга киргунича тўхтатиб турилади, даъво муддати тўхтатиб турилган вақт даъво муддатига қўшилмайди. Бунда муддатнинг қолган қисми олти ойдан кам бўлса, у олти ойгача узайтирилади.

159-модда. Даъво муддатини тиклаш

Башарти, суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак. Даъво муддатини ўтказиб юбориш сабаблари даъво муддатининг охириги олти ойида, бу муддат олти ойга тенг ёки олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида юз берган бўлса, улар узрли деб ҳисобланиши мумкин.

160-модда. Махсус даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тиклавиши

Даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тиклавиши ҳақидаги қоидалар (ушбу Кодекснинг 156, 157 ва 159-моддалари), агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, махсус даъво муддатига нисбатан ҳам қўлланади.

161-модда. Даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш

Даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятини бажарган шахс ижро этиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлигини билган ёки билиши лозим бўлганлигидан қатъи назар, бажарган нарсасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

162-модда. Қўшимча талабларга нисбатан даъво муддатини қўллаш

Асосий талаб бўйича даъво муддати ўтиши билан қўшимча талаблар (неустойка, гаров, кафолат ва шу кабилар) бўйича даъво муддати ҳам ўтган ҳисобланади.

163-модда. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар

Даъво муддати қуйидагиларга жорий қилинмайди:

шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига;

фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни

(ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига;

мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-баддий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга;

қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга.

12-бобга шарҳлар

Даъво муддати деб бузилган ҳуқуқни тиклаш ва ҳимоя қилиш учун қонун билан белгиланган муддатга айтилади. Ушбу муддатнинг қўлланиши билан жамиятда қонунийликни таъминлаш учун зарур бўлган шароит яратилади.

Кўп йиллар, узоқ муддатлардан сўнг ўша даврда бўлиб ўтган низоли ҳолатларни тўлиқ далиллар билан тиклаш ва аниқлаш учун етарли имконият қолмайди. Давр ўтиши билан даъво бўйича жавобгар деб ҳисобланган шахслар, ўзларининг айби йўқлигини исботлаш, даъвога жавоб бериш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Бундай ҳолларда, фуқаролар ва тапшилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво муддати қўлланилади. Айни вақтда даъво муддати ҳуқуқий муносабат тарафларини бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва белгиланган муддат давомида ҳимоя қилишга ундайди ва бу масалада беғам бўлмасликка мажбур қилади. Чунки белгиланган даъво муддати ўтиб кетгач, фуқаро ёки тапшилот ўзига тегишли қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, агар суд томонидан сабаблар узрли деб тан олинмаса, ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Қонун бузилган ҳуқуқни муайян муддат давомида ҳимоя қилишни белгилайди. Бундай муддатнинг ўрнатилиши суд амалиёти ва уни тартибга солиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умум ваколатли суд, хўжалик суди, ҳакамлар суди даъвони кўриш учун қабул қилишда даъво муддатига эътибор берадилар, агар ушбу муддат ўтиб кетган бўлса, уни кўриш

учун қабул қилишдан расмий равишда бош тортишлари мумкин. Даъво муддати ўрнатилмаган тақдирда судлар 50 йил, 100 йиллик даъволарни ҳал қилиш учун иш юритишга мажбур этилар, бу ҳол уларни мушкул аҳволга солиш билан бирга жамиятда тартибсизлик мавжуд бўлишига олиб келган бўлур эди.

Демак, даъво муддати манфаатдор шахсларни ўз вақтида даъво кўзғатишга ундайди. Даъво муддати фуқаролар, юридик шахслар, тижоратчи бўлган ва бўлмаган ташкилотлар ўртасида мулкӣ муносабатларни тартибга солишга, молиявий интизомни ва шартномаларга оид интизомни мустаҳкамлашга, мажбуриятларнинг белгиланган вақтда бажарилишини таъминлашга, уларнинг бажарилиши бузилганида белгиланган чораларни ўз вақтида қўллашга ёрдам беради.

Даъво муддатига бағишланган қоидалар императив характерга эга. Чунки даъво муддати қонун билан белгиланади, уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас (Кодекснинг 152-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига биноан, “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларни суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб кўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”. Шундай экан, суд даъво муддати ўтиб кетган бўлишидан қатъи назар фуқаронинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган талабини кўриб чиқиш учун қабул қилиши керак (Кодекснинг 153-моддаси). Суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, даъвони кўриб чиқиш учун қабул қилади ва бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилади (159-модда).

Ўтмишда маҳсулотларни планга асосан тақсимлаш даврида умумий даъво муддати уч йил ва бир йилдан иборат эди (1963 йилги Кодекснинг 84-моддаси). Уч йиллик муддат фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган даъво си юзасидан, бир йиллик муддат эса - давлат ташкилотлари, колхозлар, бошқа кооператив ва ўзга жамоат ташкилотлари-

нинг бир-бирларига бўлган даъволари бўйича белгиланган эди. Янги Кодексга биноан, фуқаролар учун ҳам, ташкилотлар учун ҳам умумий даъво муддати уч йил қилиб белгиланди (150-модда).

Бир йиллик даъво муддати давлат томонидан социалистик ташкилотларга нисбатан чора сифатида уларни ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишга мажбур қилиш мақсадида фойдаланилган эди. Шунга ўхшаш мақсадда Кодексда ва бошқа қўп ҳуқуқий ҳужжатларда баъзи ва турли талаблар бўйича бундан ҳам қисқартирилган даъво муддатлари белгиланди. Шунингдек, тарафларнинг аризаларидан қатъи назар суд, арбитраж органлари томонидан даъво муддатининг қўлланиши назарда тутилди (1963 йилги Кодекснинг 88-моддаси). Бинобарин, давлат ўзининг иқтисодий манфаатларини устун қўйган ҳолда даъво муддатининг таъсиридан ўзини озод ҳам қилди: давлат мулкни бошқаларнинг қонунсиз эгаллашидан қайтариб олиш тўғрисидаги талабларга нисбатан даъво муддатининг қўлланмаслиги назарда тутилди.

Умумий даъво муддати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига риоя қилинган ҳолда белгиланади. Ушбу моддага биноан, “мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши” назарда тутилди. Шундай экан, бузилган мулкӣ ҳуқуқнинг тикланишига қаратилган даъво муддатлари мулкнинг қайси шаклдан иборат бўлишидан ва у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, ҳамма учун баравар бўлган муддат, яъни уч йил қилиб белгиланди.

Ягона умумий даъво муддатини жорий қилиш учун асос сифатида мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ишгирокчилариининг тенглиги (1-модда, 1-қисми) ва уларнинг ҳар бири ўз ҳуқуқларини ўз хоҳишлари билан амалга ошириши, ҳимоя қилиши тамойиллариининг белгиланиши ҳисобга олинди. Ҳар қандай мулкни, шунингдек давлат мулкни ҳам бошқаларнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олишга (виндикация) бир хилда даъво муд-

дати татбиқ қилинди (228-модда). Ушбу тамоийилларга амал қилинган ҳолда Кодексда даъво муддатига оид янги қоидалар мавжуд. Уларга асосан мулкый ҳуқуқни тиклашга қаратилган талабларга, бирон-бир истисносиз, даъво муддатини қўллашнинг зарур эканлиги ҳисобга олинди.

Олдинги Кодекснинг 92-моддасига биноан **даъво муддатининг узилиши** тарафлардан бири ёки ҳар иккиси ҳам фуқаро бўлган низолар бўйича ва жавобгар шахснинг қарзга иқдор бўлишини гувоҳлантирадиган ҳаракатларнинг бажарилишига боғлиқ эди. Янги Кодексда даъво муддатининг узилиши ҳақидаги қоидага умумий тус берилди. Ушбу қоида бир текисда фуқаролик муносабатларида иштирок этувчи барча шахсларга нисбатан татбиқ қилиниши назарда тутилди (157-модда).

Кодексда умумий қоидага биноан **қисқартирилган ёки узайтирилган** махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкинлиги назарда тутилди. Бундай муддатлар айрим турдаги талаблар учун қабул қилинган қонунларда белгиланади (151-модда). Улар, масалан, низоли битимларни ҳақиқий эмас деб тан олиш, бажарилган пудрат ишларининг сифати лозим даражада бўлмаганлиги туфайли, юк ташишдан, мулкни сугурта қилишдан келиб чиқадиган талаблар бўйича вужудга келган низоларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Янги Кодексда неустойка (жарима, пеня) ундириш, сотилган ашёнинг камчиликлари тўғрисидаги, сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотларни, шунингдек комплект бўлмаган маҳсулотларни етказишдан келиб чиқадиган даъволарга нисбатан олти ой давом этадиган қисқартирилган даъво муддатини қўллаш назарда тутилмади. Демак, Кодекснинг кучга кириши билан бундай даволарга нисбатан уч йилдан иборат умумий даъво муддати қўлланилади.

Сотилган ашёларнинг камчиликлари, маҳсулотларнинг сифати бўйича талабларга нисбатан даъво муддатининг узайтирилиши истеъмолчи бўлган фуқароларнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга етказилган за-

рарни ундириб олиш учун қулай шароит ва имконият туғди-
ради.

Кодексда даъво муддати жорий қилиниши мумкин бўлмаган янги талаблар назарда тутилди (163-модда). Улар, биринчи галда - фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузишдан келиб чиқадиган, уларнинг соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарарларни, жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талаблардан иборат.

Ўзбек халқи ўзининг бой маданиятига, тарихий ёдгорликларига, илмий-бадиий аҳамиятга молик ашёларга, объектларга эга. Улар Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингунга қадар турли йўл ва усуллар билан мамлакатдан ташқарига олиб кетилган. Ўша ёдгорликлар ва неъматларни, уларга нисбатан ворис сифатида мулкый ҳуқуққа эга бўлган ўзбек халқига қайтариш ҳақидаги талабларга нисбатан ҳам даъво муддати жорий қилинмаслиги назарда тутилади (163-модда 6-қисм).

II БЎЛИМ

МУЛК ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР

13-БОБ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

164-модда. Мулк ҳуқуқи тушунчаси

Мулк ҳуқуқи — шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

165-модда. Мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларининг мазмуни

Мулк ҳуқуқи билан бир қаторда, хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади:

ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи;

мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи;

ер участкасига доимий эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи;

сервитутлар.

Мол-мулкка эғалик қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, агар қонун ҳужжатларида ўзга тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулкка нисбаган ўзга ашёвий ҳуқуқларнинг бекор бўлиши учун асос бўлмайди.

Мулкдор бўлмаган шахс ашёвий ҳуқуқларининг бузилиши ушбу Кодекс 232-моддасида назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

166-модда. Мулкнинг дахлсизлиги

Мулк дахлсиздир ва қонун йўли билан муҳофаза қилинади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир.

Мулқдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

167-модда. Мулк шакллари

Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади.

168-модда. Мулк ҳуқуқининг субъектлари

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин.

Мол мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб, мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

169-модда. Мулк ҳуқуқининг объектлари

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин.

170-модда. Ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи ва ўзга ашёвий ҳуқуқлар

Ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи ва ўзга ашёвий ҳуқуқлар ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

171-модда. Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни амалга ошириш хусусиятлари

Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш хусусиятлари ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

172-модда. Мулк ҳуқуқини амалга оширин шартлари

Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқаро арининг соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

173-модда. Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи

Кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси кўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса - бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгиланиш талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан

ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса ёки унинг шартларида мурасага келинмаса, баҳс сервитут белгиланиши талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал этилади.

Участка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилган ёки доимий эгалик қилиши ва фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган шахснинг манфаатлари ва талаби бўйича ҳам ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган шартларда ва тартибда сервитут белгиланиши мумкин.

Сервитут белгиланган участканинг эгаси, агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир.

174-модда. Мол-мулкни сақлаш вазифаси

Ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидадир.

175-модда. Мол-мулкнинг тасодифан nobud бўлиш ёки бузилиш хавфи

Мол-мулкнинг тасодифан nobud бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасидадир.

13-бобга шарҳлар

Мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам янги Кодексда мулк ҳуқуқига алоҳида эътибор берилди, биз кураётган жамият тузумининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда янги моддалар ишлаб чиқилди. Сўнги йилларда, айниқса, Ўзбекистон Республикасида 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган “Мулкчилик тўғрисида”ги ва 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

туғрисида”ги, шунингдек тadbиркорликни ривожлантиришга бағишланган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мулккий муносабатларда жиддий ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлди. Буларни ва чет эл давлатларининг қонунларини ўрганиш ва кўриб чиқиш, фуқаролик Кодексида мукамал акс эттириш, тегишли моддаларда уларга аниқ шакл ва мазмун бериб жой ажратиш амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг 1978 йилдаги Конституциясида жамиятнинг иқтисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этади, дейилган эди. Фуқароларнинг мулки алоҳида шаклдан иборат дейилса-да, лекин ушбу мулк давлат корхоналарида, жамият ташкилотларида меҳнат қилиш натижасида олинган даромадлар ҳисобига ташкил топиши, истеъмол характериға эға бўлиши ҳамда фуқаронинг шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашға қаратилган бўлиши лозим эди.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг фақат давлатға тегишли бўлиши, умумхалқ мулки деб, лекин мулкнинг эғаси шахсан ким эканлиги, ким унға жавобгар бўлиши ноаниқ бўлиши мулкка нисбатан хўжасизлик, бепарволик, жамият-да умумий данғасалик ва беғамлик кайфиятларининг вужудға келишиға сабаб бўлди, фуқароларда меҳнатға нисбатан қизиқиш, ишлаб чиқаришда ташаббускорлик ҳиссиётларини тарбиялашға имкон бермади.

Давлат мулкнинг жамиятда эғаллаган етакчилик ўрни қонун-қоидаларнинг моҳиятини ҳам ўзига хос равишда белгилаб берди. Масалан, Фуқаролик кодексида давлат мулкнинг таркиб топиши, уни муҳофаза қилиш ва унға асосан вужудға келадиган барча турдаги муносабатларни тартибға солишға оид қоидалар колхоз-кооператив ва айниқса фуқаронинг шахсий мулкиға нисбатан тубдан фарқ қилар ва анча устун турарди.

Янги Кодекса мустақил давлат - Ўзбекистон Конституциясиға амал қилинган ҳолда, мулкнинг ўтмишда социа-

листик жамиятнинг синфларга бўлинишига асосланиб шаклларга ажратилишига ва қайси шаклда ва кимга тегишли бўлишига қараб белгиланган тенгсизликка барҳам берилди. Мулкнинг кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, тенг равишда ривожланиши учун имкониятлар мавжуд бўлиши ва уларни баб-баравар ҳуқуқий муҳофаза қилиш қоидалари Кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилди. Иқтисодни ташкил қилувчи асосий масала - мулк масаласининг бундай ижобий ҳал қилиниши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ташаббускорлик ҳиссиётларининг камол топиши учун, ишлаб чиқаришда, хўжалик соҳасида, тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқаролар ҳамда ташкилотлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликда баб-баравар манфаатдор бўлиши, улар ўртасида умумий мол-мулкнинг вужудга келиши ҳамда ушбу мулкдан ҳамкорликда унумли фойдаланиш ва самарали натижаларга эришиш учун имкониятлар яратиб беради. Илгариги Фуқаролик кодексига асосан фуқаро билан юридик шахс ўртасида умумий мулк бўлишига йўл қўйилмас эди (1963 йилдаги Кодекс 136-модда). Мулк асосан **иккита хил шаклга - хусусий мулк ва оммавий мулк** шаклларига (167-модда) бўлинди. Шу туфайли олдинги Кодексдаги қуйидаги тўртта боб: давлат мулки; колхозлар, бошқа кооператив ташкилотларининг мулки; касаба союзу ва бошқа жамоа ташкилотларининг мулки; шахсий мулк янги жамиятнинг янги Кодексидан жой эгаллаши ғайритабиий эди.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши, уни ҳимоя қилишга бағишланган бобларнинг баъзи бир моддалари уларга мазмун ва таҳрир жиҳатдан жиддий ўзгартиришлар киритиш йўли билан сақлаб қолинди.

Хусусий мулк бозор муносабатларининг асосий иқтисодий манбаидир. Хусусий мулк ташкил топмасдан туриб, бозор муносабатлари ҳақидаги ҳар қандай фикр хомхаёлдир. Хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар бизнинг қонунчилик фаолиятимизда янгилик бўлган-

лиги туфайли Кодекснинг лойиҳасини ишлаб чиқишда қатор мураккаб масалаларни жиддий ўйлаб қўришга ва таҳлил қилишга, ўзига хос ечимларни топишга тўғри келади.

Янги Кодексда хусусий мулкнинг жорий қилиниши билан фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати доираси кенгайди, улар олдинги фуқаролик кодексининг 120, 121, 122, 128, 136-моддаларидаги чеклашлардан озод бўлди. Энди улар фақат шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва ишлаб чиқариш жараёнига фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб қилиш ва унинг учун керак бўлган воситаларга эга бўлиш, уларни ижарага бериш йўли билан қўшимча даромадлар олиш каби ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу бобда биринчи марта мулк ҳуқуқига тушунча берилди (164-модда). “Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир”. Рим ҳуқуқида мужассам топган “Эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш”га оид ҳуқуқлар олдинги Кодексда ҳам қабул қилинган эди. Лекин ушбу ҳуқуқларни мулкдорнинг **“ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб”** амалга ошириши мумкинлиги ҳақида қоида йўқ эди. Шунинг учун ҳам мулк эгалари мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқларини ўз хоҳишлари билан амалга оширолмай келди, тегишли қонунларда, шунингдек амалиётда ҳам уларнинг ҳуқуқлари доимо чекланиб келинди.

Моддада берилган тушунчага кўра мулк эгаси ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Ушбу ҳуқуқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда мулк эгасига тегишли бўлган мол-мулкни турли сабаблар ва ҳар хил

йўл билан давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан олиб қўйиш, мулкдан эркин фойдаланиш учун тўсқинликлар яратиш ғайриқонуний ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулк эгаси ўз мулкидан абадий фойдаланиш, ўз мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким мулкдорга ўз мулкини эгаллаб туриш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш учун муддат белгилаш ҳуқуқига эга эмас. Ушбу қонуннинг мантиқий давоми сифатида 166-моддада **мулкнинг дахлсизлиги ва қонун билан муҳофаза қилиниши** белгиланди.

Кодексда биринчи марта **ашёвий ҳуқуқнинг белгилари** ва унинг турлари сифатида ундан қандай шароит ва доирада фойдаланишга оид қоидалар назарда тутилди (172, 173-моддалар). Мулк ҳуқуқи объектларининг турлари, уларга нисбатан ҳар қандай шахснинг (168-модда) эгалик қилиш ҳуқуқи назарда тутилган ҳолда, олдинги Кодексда бўлганидек, субъектларга бўлинмасдан битта моддада кўрсатиб ўтилди (169-модда). Чунки Кодекснинг 81, 83, 85-моддалари ва 6,7-бобларининг бошқа моддаларида фуқаролик ҳуқуқининг объектлари сифатида батафсил кўрсатиб ўтилган мол-мулклар ўз-ўзича мулк ҳуқуқининг объектлари бўлиб ҳисобланади.

Мазмунан бир-бири билан боғлиқ бўлган, яъни мол-мулкни сақлаш вазифаси (174-модда), мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавфи (175-модда)га оид янги қоидалар ушбу бобда назарда тутилди.

Мулкдор бўлмаган шахслар ашёвий ҳуқуқининг турлари Кодекснинг 165-моддасида биринчи марта ифодаланди. Улар қуйидагилардан иборат: хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи; мерос қилиб қолдирадиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи; сервитутлар.

Ашёвий ҳуқуқ ҳар бир ривожланган давлат фуқаролик қонунчилигининг ажралмас таркибий қисмидан иборат. Ашёвий ҳуқуқ ўзига хос аломатлари билан мажбурият ҳуқуқи-

дан фарқ қилади. Ашёвий ҳуқуқ субъекти ўз хоҳиши билан ашёвий ҳуқуқнинг янги турларини яратиш ҳуқуқига эга бўла олмайди. Мажбурият иштирокчилари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ёки назарда тутилмаган бўлса-да, лекин улар талабларига зид бўлмаган битимларни тузиш ҳуқуқига эга. Ашёвий ҳуқуқ таркибига мулк ҳуқуқлари ва 165-моддада келтирилган ҳуқуқлардан ташқари яна гаров ҳуқуқи (Кодекснинг 264-м.), турар жой эгаси оила аъзоларининг ҳуқуқи, муассасага даромад келтириладиган фаолият билан пуғулла-нинг ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромадларни тасарруф қилиш ҳуқуқи (Кодекс 180-моддасининг 2-қ.) каби ҳуқуқлар киради.

Ашёвий ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ турларидан иборат. Шу билан ҳам мажбурият ҳуқуқидан фарқ қилади. Ашёвий ҳуқуқ эгасига (мулк ҳуқуқи, сервитут ҳуқуқи ва ҳоказо) қарама-қарши чекланмаган доирадаги субъектлар туради. Ушбу субъектлар ашёвий ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқини бузмасликка мажбурдирлар. Мажбурият ҳуқуқи эгасига қарама-қарши турадиган шахсларнинг доираси чекланган бўлиб, фақат улар унинг ҳуқуқини бузмасликка мажбурдирлар.

Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, умумий қоида бўйича ашёвий ҳуқуқнинг тугалиши учун асос бўлмайди (165-модданинг 2-қ.). Бундай ўзгариш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина юз бериши мумкин. Кодекснинг 181-моддаси 3-қисмига биноан ашёвий ҳуқуқ мулк эгасининг қарори билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда бекор қилиниши мумкин. Мажбурият муносабатларида унинг объекти бўлган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқ субъектлари ўзгаради. Масалан, хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси бўйича шартноманинг предметини ташкил қилган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқ субъектлари ўзгаради, ушбу ҳуқуқ бир корхонадан иккинчи корхонага ўтади.

Ашёвий ҳуқуқнинг бошқа мутлақ ҳуқуқлардан (муаллифлик ҳуқуқ бўйича номга бўлган ҳуқуқ, фуқаронинг ҳаётига бўлган ва бошқа шахсий ҳуқуқлар) ўзининг объекти билан фарқ қилади. Ашёвий ҳуқуқнинг объекти алоҳида белгили буюмлардан иборат. Турдош белгилари билан ифодаланувчи мол-мулк ва бошқа турли номоддий неъматлар ашёвий ҳуқуқ объекти ҳисобланмайди. Ашёвий ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг усулига хос хусусиятлари ҳам уни мутлақ ҳуқуқдан, шунингдек мажбурият ҳуқуқидан фарқлаш учун асос бўлади. Масалан, алоҳида белгили буюмларга нисбатан ҳуқуқни (мулкӣ ҳуқуқни, хўжалик юритиш ҳуқуқини) тан олиш, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашига қарши талаб қилиш усуллари ашёвий ҳуқуққа тааллуқлидир.

Мулк ижараси (аренда) ҳуқуқи ўз хусусиятлари билан ашёвий ҳуқуққа яқин туради. Ушбу яқинлик, айниқса кўчмас мулклар бўйича янада авж олмоқда. Ижарага олувчи билан ашёвий ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқий ваколатларида бир-бирига ўхшашлик мавжуд бўлиб, ижарага олувчига ўз эгаллигидаги мол-мулкни мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган (Кодекснинг 232-м.), лекин ижара расмий равишда мажбуриятларнинг алоҳида бир тури ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқи бошқа ашёвий ҳуқуқлар қаторидан асосий ва бошланғич ўринни эгаллайди. Бошқа ҳуқуқлар мулк ҳуқуқи асосида вужудга келади ва эгаларининг ҳуқуқий мақоми бўйича мулк эгасиникидан фарқ қилади. Мулк ҳуқуқи ашёвий ҳуқуқ бўлиши билан бирга ундан фарқ қилади. Агар мулк ҳуқуқининг эгаси мол-мулкни ўз эрки билан ва хоҳишига кўра эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларига эга бўлса, ашёвий ҳуқуқ эгаси ушбу ҳуқуқларни мулк эгасининг хоҳиши билан ва унинг ҳам манфаатларини кўзлаб амалга оширади. Мулк ҳуқуқи, бошқа бир қатор ашёвий ҳуқуқлар каби муддат билан белгиланмайди. Баъзи ашёвий ҳуқуқлар, масалан гаров ҳуқуқи, ўзининг вужудга келиш пайтиданоқ муддат билан белгиланади.

Мулк ҳуқуқи эгасининг ҳуқуқ ваколатига тегишли бўлган янгиликлардан яна биттаси унга ўз мол-мулкини ишончли бошқарувга топширишдан иборат (Кодекснинг 849-м.). Бунда ҳам ўтказилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ишончли бошқарувчига ўтмайди. Ишончли топшириш ҳақидаги шартноманинг асосий мақсади - мол-мулкни малакали бошқарувчига топшириш йўли билан мулк эгасининг ёки у кўрсатган учинчи шахснинг манфаати учун мол-мулкдан самарали фойдаланишни амалга оширишдан иборат.

Мулк эгаси билан мол-мулкни ишончли бошқарувчи шахс ўртасида мажбурият ҳуқуқий муносабатлари вужудга келади. Ишончли бошқарувчи мол-мулкни унинг эгаси белгилаган ваколат доирасида эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан бир қаторда сарф қилинган харажатларни ундириш, амалга оширган фаолияти учун шартномада белгиланган миқдорда ҳақ олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Кодекснинг 174-моддаси “Мол-мулкни сақлаш вазифаси” деб номланган. Рус тилида ушбу модда “Время содержания имущества” деган ном билан аталади. “Время” сўзи “вазифага” нисбатан кенг маънолидир. “Содержание” деган сўз ҳам фақат “сақлаш” деган сўздан иборат эмас.

Ривожланган жамиятда мулк ҳуқуқи тўғрисида таркиб топган умумий таълимотга биноан, мулк унинг эгаси учун фақат неъматгина бўлмасдан, шунингдек ғам, кулфат ва тапшишдан ҳам иборат. Агар рус тилида ифодалаш зарур бўлса, қуйидаги маънони беради: собственности не только благо, но и бремя для собственника. “Вазифа” сўзини ҳам ғамхўрлик қилиш, тапшиш орттириш, парвариш қилиш деган маъноларда ифодаласа бўлади. Шунинг учун ҳам модданинг номида “вазифа” сўзи ишлатилган. Энди “содержание” деган сўзга эътибор берсак, бу сўз фақат “сақлаш” деган маънони акс эттирмайди. “Содержание имущества” деганда мулкни эҳтиёт қилишни, асрашни, лозим даражада тутишни, исроф қилмасликни ва шунинг билан бирга сақлашни (масалан,

қулай жойда) ҳам тушуниш мумкин. Демак, мулк унинг эгаси учун неъмат сифатида манфаат келтириши билан бирга уни асраш, сақлаш, парвариш қилиш билан боғлиқ вазифаларни ҳам бажариш мулк эгасининг зиммасида бўлади. Масалан, турар жойни ва бошқа буюмларни капитал ва жорий таъмирлаш, суғурта қилиш, кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш, уларни ҳимоя қилишни таъминлаш, улар бўйича солиқларни ўз вақтида тўлаш ва бошқа ишларни бажариш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби мулк эгасининг вазифаларидан иборат.

Мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфини бартараф этиш ҳам мулк эгасининг зиммасидадир (175-м.).

Умумий қоидага биноан, олдини олиб бўлмайдиган ёки енгиб бўлмайдиган куч ёки ҳаракат таъсири остида (Кодекснинг 333-м.) мол-мулк нобуд бўлса ёки бузилса, агар бунинг учун бошқа жавоб берадиган масъул шахс бўлмаса, мулк эгасининг ўзи зиён кўради.

Умумий қоидадан истисно тарзида мол-мулкнинг нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари уни сотиб олувчи зиммасига ўтказилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мол-мулк эгаси шартномага асосан мол-мулкни юк ташувчи транспорт ташкилотига (эгасига) топшириш билан бирга унинг йўлда нобуд бўлиши хавф-хатарини сотиб олувчи зиммасига ўтказган бўлиши ҳам мумкин.

Барча ҳолларда мол-мулкнинг нобуд бўлиши хавф-хатари бундай мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиш пайтига боғлиқ.

Агар мол-мулк унинг эгаси ёки келажак (бўлажак) эгаси томонидан суғурта қилинган бўлса, унинг нобуд бўлиши хавф-хатари улар зиммасида бўлмайди. Бундай хавф-хатар натижасида мол-мулк эгасига ёки келажак (бўлажак) эгасига етказилган зарарни суғурта ташкилоти қоплайди.

14-БОБ

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ХУҚУҚИ. ОПЕРАТИВ БОШҚАРИШ ХУҚУҚИ

176-модда. Хўжалик юрителиш хуқуқи

Хўжалик юрителиш хуқуқи асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка ушбу Кодексда белгиланадиган доирада эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

177-модда. Хўжалик юрителишида бўлган мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг хуқуқлари

Хўжалик юрителишида бўлган мол-мулкнинг эгаси қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қилади.

Мулкдор корхонанинг хўжалик юрителишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш хуқуқига эга.

Унитар корхона хўжалик юрителиш хуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустақил тасарруф этади.

178-модда. Оператив бошқариш хуқуқи

Давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вази-

фасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар.

Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

179-модда. Давлат корхонасининг мол-мулкни тасарруф этиш

Давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли. Давлат корхонаси ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ўзи мустақил тасарруф этади.

Давлат корхонасининг даромадларини тақсимлаш тартиби унинг мулкдори томонидан белгиланади.

180-модда. Муассаса мол-мулкни тасарруф этиш

Муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

181-модда. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши

Мулкдорнинг қарори билан унитар корхонага ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ушбу корхона ёки муассасада унга мол-мулк топширилган пайдан бошлаб вужудга келади, башарти қонун ҳужжатларида ёки мулкдорнинг қарори билан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Хўжалик юрителишида ёки оператив бошқаришида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун белгилаб қўйилган тартибда корхона ёки муассасанинг хўжалик юрителишига ёки оператив бошқаришига ўтади.

Мол-мулкни хўжалик усулида юрителиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдорнинг қарори билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда бекор қилинади.

14-бобга шарҳлар

Барча мулк шакллариининг, жумладан давлат мулкининг, Ўзбекистон Конституцияси 53-моддасига асосан, хусусий мулк ҳуқуқи билан тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилиниши давлат корхоналари ва муассасаларининг ҳуқуқий мақоми жиддий равишда ўзгаришига олиб келди. Бундай ўзгариш “Ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида ва мазкур бобнинг тегишли моддаларида ўз ифодасини топди. Бунда асосий масала ҳисобланган мулк эгаси бўлган давлат билан унинг мулкини эгалловчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф қилувчи корхоналар ва муассасаларнинг мол-мулкка нисбатан ҳуқуқий ваколоти сўнгги йилларда юз берган ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Хўжалик юрителиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари ашёвий ҳуқуқнинг турларидан иборат бўлиб, мол-мулкка нисбатан татбиқ қилинади. Ушбу ҳуқуқларнинг субъектлари (корхоналар) ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига эга эмаслар, лекин улар мулк эгаси тузган тартиб бўйича, ушбу мол-мулкдан фақат ўзларининг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини

кўзлаб уни эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф қиладилар (176-178-моддалар).

Хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар ўз фаолиятини оммавий шаклдаги, яъни давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига тегишли мулк асосида, оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар эса Ўзбекистон Республикаси ихтиёридаги оммавий шаклдаги, яъни давлат мулки асосида амалга оширадилар. Шундай экан, улар ҳуқуқ ва бурчларининг фарқ қилиши ва шунингдек ўз мажбуриятлари юзасидан жавоб беришлари Кодекснинг 48, 72, 76, 117, 118-моддаларида назарда тутилади.

Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ, хўжалик юритишида бўлган мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ва унитар корхонанинг ҳуқуқий ваколатларига аниқлик киритилди. Мулкдор ёки у ваколат берган орган мулкдор номидан унитар корхонанинг фаолият юргизиш даврида ҳам, шунингдек у берилган мол-мулкдан самарали фойдаланишни ва тежашни, сақлашни таъминлай олмаган ҳолларда ҳам моддада келтирилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Лекин мулкдор ёки у ваколат берган орган ушбу ҳуқуқлар доирасидан чиқиб, хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган унитар корхонага берилган мол-мулкни унинг розилигисиз тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳуқуқий ваколатни ўзгартиришга қаратилган давлат мулкининг тегишли қисмига мулкдор бўлган давлат органи ва хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар ўртасида тузилган шартномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши керак.

Мулкдорга ва у ваколат берган органга давлат корхонасига тегишли бўлган мол-мулкни тортиб олиш, ижарага бериш ва бошқа усулда тасарруф қилиш учун ваколат берилган эмас. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат корхоналарига тегишли мол-мулкни тасарруф қилиш ҳақидаги ҳужжатлари корхоналарнинг талаблари бўйича ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши керак.

Низоларни ҳал қилишда ушбу қоидага риоя қилиниши керак.

Оператив бошқариш ҳуқуқининг субъектлари давлат унитар корхоналари ва муассасаларидан иборат (178-м.). Муассасалар давлатга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Оператив бошқариш ҳуқуқининг объектлари давлат корхонаси ва муассасаларининг мол-мулки ҳисобланади.

Оператив бошқариш ҳуқуқи мазмун жиҳатдан хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан анча тор. Оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзига биркитиб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг тайинланишига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширади. Ушбу мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқи эса аксинча - анча кенг. Мулкдор суд тартибида эмас, балки ўз хоҳиши билан ортиқча бўлган, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни давлат корхонаси ва муассасасидан олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Мол-мулкнинг ортиқча эканлигини ва ундан ноўрин фойдаланилаётганлигини исботлаш вазифаси мулкдор ваколат берган орган зиммасига юклатилади.

Кодекснинг 179-моддаси асосан давлатга қарашли корхонанинг унга бириктирилган мол-мулкни тасарруф қилиш ваколатига оид қоидаларига бағишланади.

Давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни мулк эгаси бўлган давлатнинг розилигисиз ижарага беришга, сотишга, гаров сифатида фойдаланишга, вақтинча текин фойдаланишга ва унга оператив бошқариш учун берилган кўчмас ва бошқа мол-мулкни турли усулда тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек давлатга қарашли корхона мулк эгаси бўлган Ўзбекистон Республикаси ва у ваколат берган бошқа давлат органларининг розилигини олмас-

дан туриб, шуьба корхоналарини тузиш, бошқа корхона ва бирлашмаларнинг муассиси бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Давлатга қарашли корхонанинг фаолияти асосий ва қўшимча турлардан иборат. Асосий фаолиятнинг мазмуни корхонанинг тузилиш пайтида белгиланади. Қўшимча фаолият билан шуғулланиш учун рухсат Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва бошқармалари томонидан берилади. Давлатга қарашли корхонанинг (завод, фабрика, хўжалик ва ҳоказо) устави ҳам ушбу вазирликлар ва бошқармалар томонидан тасдиқланади.

Уларнинг фаолияти туридан қатъи назар давлатга қарашли корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни (бажарган ишни, кўрсатган хизматини) Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгиланган тартибда ўрнатилган баҳо (тариф)да мустақил тасарруф этадилар. Олинган даромадларни тақсимлаш тартиби ҳар бир корхонанинг устави билан белгиланади.

Ўзбекистон ҳукумати (у ваколат берган орган) давлатга қарашли корхонанинг мол-мулкни кодекснинг 178-моддасига мувофиқ унинг розилигисиз олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Кодекснинг 180-моддаси ҳам мазмун жиҳатдан 179-моддага ўхшаш, лекин бунда муассасага бириктирилган мол-мулкни тасарруф қилиш тўғрисида қоидалар белгиланади. Муассаса кимга тегишли (кимнинг мулки) бўлишидан қатъи назар, ушбу моддада унга берилган мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқининг мазмунига аниқлик киритилади. Муассаса тижоратчи бўлмаган ташкилотдан иборат бўлганлиги (Кодекснинг 76-м.) туфайли у ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас. Шунинг билан бирга мулкдор ёки унинг номидан қатнашишга ваколат олган орган Кодекс 178-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган асосларга мувофиқ муассасага бириктирилган мол-мулкни олиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Рухсат берилган фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулкка нисбатан муассасага берилган ҳуқуқ бошқа мазмун ва характерга эга. Муассасанинг бундай мол-мулкни унинг розилигисиз давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат мулки қўмитаси ва бошқа идораларнинг қарори билан олиб қўйилиши мумкин эмас. Мазмуни ва характери бўйича ушбу ҳуқуқнинг хўжалик юритиш ҳуқуқига яқинлиги бор. Муассасанинг бундай даромадлари ва мол-мулки унинг алоҳида балансида ҳисобга олинади.

Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфида бўлган пул маблағлари, шунингдек алоҳида балансида ҳисобга олинган мол-мулки билан жавобгар бўлади. Уларнинг етишмай қолган қисми доирасида муассасанинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгарлик мулк эгасига юклатилади.

Кодекснинг 181-моддаси “Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши” деб номланган. Лекин модда ушбу ҳуқуқ субъектларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши ҳақида эмас (бу ҳақда Кодекснинг 70, 72-моддаларига берилган шарҳларга қаралсин), балки уларга бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан **хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш** ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлишига оид қоидаларга бағишланади. Умуман олганда, хўжалик юритиш ҳуқуқи ҳам, оператив бошқариш ҳуқуқи ҳам мулк туфайли вужудга келади ва асосан мол-мулкни унинг эгаси бўлмаган шахслар томонидан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилади.

Мол-мулк хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқининг объекти бўлиб, уни мулкдор томонидан бириктириб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан эмас, балки ушбу мол-мулк корхонага, муассасага топширилган пайтдан бошлаб ҳисобланади (Кодекснинг 186-м.).

181-модда диспозитив характерга эга. Демак, қонун ҳужжатларида ёки мулкдорнинг қарори билан мол-мулкни

хўжалик юритишга ва оператив бошқаришга топшириш учун бошқа пайт белгиланган бўлиши мумкин.

Мазкур 181-модданинг биринчи қисмида ёки 177, 178-моддаларда мулкни хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш учун корхона билан мулкдор ёки у ваколат берган орган ўртасида шартнома тузиш зарурлиги тўғрисида бирон-бир кўрсатма назарда тутилган эмас. Шундай экан, давлат мулкни бошқарувчи баъзи комитетлар ва органлар томонидан мол-мулкни унитар корхоналарга хўжалик юритиш ёки оператив бошқаришга берилиши учун шартнома тузишни талаб қилиш Кодекс нормаларига мос келмайди.

Модданинг иккинчи қисмида корхона (муассаса) ташкил қилинганидан кейин хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қўлга киритилган мол-мулкка нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқининг вужудга келиши пайти ҳақида қоида белгиланади. Ушбу пайт умумий қоидага биноан, яъни мулк ҳуқуқининг ўтиши билан белгиланади. Фаолият жараёнида қўлга киритилган мол-мулк ҳуқуқига нисбатан ўзгариш юз бермайди, у давлатга тегишли бўлганича қолаверади ва корхона меҳнат жамоасининг мулки деб ҳисобланмайди, корхонанинг хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига ўтади.

Мол-мулкка хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқининг бекор бўлиши, умумий қоидага биноан, мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши, шунингдек Кодекс 178-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мол-мулкни унинг эгаси томонидан олиб қўйилиши билан боғлиқ. Давлат мулки хусусийлаштирилган тақдирда, мол-мулкка хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи давлат мулки ҳуқуқининг тугатилиши билан бир йўлақайига бекор қилинади.

15-БОБ

МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ

182-модда. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қуйидагилардан иборат: меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкни хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эғалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар.

183-модда. Мулкни яратиш ва кўпайтириш

Мулк ҳуқуқи янги мол-мулкни яратиш ҳамда мулкдор ихтиёридаги мол-мулкни кўпайтириш натижасида вужудга келиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан ҳўжалик усулида ва ўзгача усулда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, ҳосил ва бошқа даромадлар мулкдорга тегишли бўлади.

184-модда. Битим бўйича мол-мулкни олиш

Мол-мулк олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш шартномалари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин.

Башарти, қонунларда бошқача кўрсатилмаган бўлса, мол-мулк янги мулкдорга ўтганида, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида собиқ мулкдорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам унга ўтади.

185-модда. Шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайти

Шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайдан бошлаб вужудга келади.

Агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мулкни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганида эса рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

186-модда. Ашёларни топшириш

Ашёларни олувчига топшириш, шунингдек етказиб бериш мажбуриятини олмаган ҳолда бошқа шахсга берилган ашёларни олувчига жўнатиш учун транспорт ташкилотига ёки алоқа ташкилотига топшириш ашёларни топшириш ҳисобланади.

Ашё олувчининг ёки у кўрсатган шахсининг ихтиёрига амалда тушган пайтдан бошлаб олувчига топширилган ҳисобланади.

Ашёни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартнома тузилаётган пайтгача у олувчининг ихтиёрига ўтиб бўлган бўлса, ашё унга шу пайтдан эътиборан топширилган ҳисобланади.

Коносаментни ёки ашёга тегишли бошқа тасарруф этувчи ҳужжатни топшириш ҳам ашёни топширишга тенглаштирилади.

187-модда. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат

Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсда ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олганга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Эгалик қилиш муддатини важ қилиб келтирадиган шахс ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахснинг бу мол-мулкка эгалик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгалик қилиш вақтига қўшиши мумкин.

Шахс ихтиёрида бўлиб, ушбу Кодекснинг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

188-модда. Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади.

189-модда. Ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш

Қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбуруғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин.

190-модда. Тарих ва маданият ёдгорликларини ҳўжасизларча сақлаш

Агар мулкдор ўзига қарашли тарих ва маданият ёдгорлигига ҳўжасизларча муносабатда бўлса ва унинг яхши сақланишини таъминламаса, зиммасида ёдгорликларни сақлаш вазифаси бўлган давлат органлари мулкдорни ёдгорликка ҳўжасизларча муносабатда бўлишни тўхташиш ҳақида огоҳлангиздилар.

Агар мулкдор ушбу талабни бажармаса, тегишли органларнинг даъвосига кўра суд ёдгорликни олиб қўйиш ҳақида қарор чиқариши мумкин, бу ёдгорлик давлат мулкига ўтади. Олиб қўйилган тарих ва маданият ёдгорлигининг қиймати мулкдорга келишувда белгиланган, низо чиққан тақдирда эса - суд томонидан белгиланган миқдорда тўланади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тарих ва маданият ёдгорлигини олиб қўйиш ҳақидаги даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин.

191-модда. Эгасиз ашё

Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади.

Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз ҳайвонлар ва хазина тўғрисидаги қоидаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга муурожаат этиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгаллигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

192-модда. Топилма

Йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир.

193-модда. Топилмага эгалик ҳуқуқини олиш

Башарти, топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади.

Башарти, ашёни топиб олган шахс топилган ашёни мулк қилиб олишдан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтади.

194-модда. Топилма билан боғлиқ харажатларни тўлаш ва ашёни топиб олган шахсни тақдирлаш

Ашёни топиб олган ҳамда уни олишга ҳақли бўлган шахсга қайтариб берган шахс ана шу шахсдан, ашё давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтган ҳолларда эса - тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органидан ашёни сақлаш, топшириш ёки сотиш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек ашёни олишга ҳақли бўлган шахсни топиш учун кетган харажатларни ундириш ҳуқуқига эга.

Ашёни топиб олган шахс уни олишга ҳақли бўлган шахсдан топилма учун ашё қийматининг йигирма фоизига қадар миқдорида мукофот талаб қилишга ҳақлидир.

Башарти, топиб олинган ҳужжатлар ёки ўзга ашёлар уларни олишга ҳақли бўлган шахснинг ўзи учунгина қимматга эга бўлса, мукофот миқдори шу шахс билан келишув асосида, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса - суд орқали белгиланади. Топилган ашёни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлган шахс топилма учун кўпчилик ўртасида мукофот ваъда қилган бўлса, у кўпчилик ўртасида ваъда қилинган мукофотни ўша шартларга мувофиқ тўлайди.

Башарти, ашёни топиб олган шахс топилма ҳақида хабар қилмаган бўлса ёки уни яширишга уринган бўлса, мукофот олиш ҳуқуқи вужудга келмайди.

195-модда. Қаровсиз ҳайвонлар

Қаровсиз ёки алашган чорва молларини ёхуд бошқа қаровсиз уй ҳайвонлари ёки қўлга ўрғатилган ҳайвонларни тутиб олган шахс уларни эгасига қайтариши шарт, башарти ҳайвонларнинг эгаси ёки унинг қаердалиги номаълум бўлса, тутиб олган пайдан бошлаб уч кундан кечиктирмай топилган ҳайвонлар тўғрисида милицияга, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилиши шарт, улар ҳайвонларнинг эгасини қидириш чораларини кўрадилар.

Ҳайвонларнинг эгаси қидирилаётган вақтда уларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш учун тутиб олган шахсда қолдирилиши ёхуд зарур шароити бўлган бошқа шахсга сақлаш ва фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Қаровсиз ҳайвонларни тутиб олган шахснинг илтимосига кўра ҳайвонларни боқини учун зарур шароити бўлган шахсни топиш ҳамда ҳайвонларни унга топширилиши милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи амалга оширади.

Қаровсиз ҳайвонларни тутиб олган шахс ҳамда бу ҳайвонлар сақлаш ва фойдаланиш учун бериб турилган шахс улар-

ни лозим даражада сақлашлари шарт ва ҳайвонлар нобуд бўлиши ёки шикастланиши учун айбдор бўлсалар, ҳайвонларнинг нархи доирасида жавобгар бўладилар.

196-модда. Хазина

Эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган хазина, яъни ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёхуд қимматбаҳо буюмлар хазина яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва шу кабилар) мулкдори бўлган шахс ва хазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазинма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши керак.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда хазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Бундай хазинани у яшириб қўйилган мол-мулк эгасининг розилигисиз қазинма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс топиб олса, бу шахсга мукофот тўланмайди ва хазина батамом мулкдорнинг ихтиёрига ўтади.

Хазина топилш учун қазинма ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига кирадиган шахсларга нисбатан ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

197-модда. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари

Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қа-

рори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади.

198-модда. Мол-мулкни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш

Мол-мулкни йўқ қилиш (тугатиш) натижасида мулк ҳуқуқини бекор қилишга қонунларга зид бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади.

Мулкдор томонидан тарихий ёки маданий бойлик бўлган мол-мулкнинг йўқ қилинишига йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда суд қарори билан мазкур мол-мулк мусодара қилиниши ёки агар у йўқ қилинган бўлса, унинг қиймати ундириб олинishi мумкин.

Мол-мулкни юридик шахснинг баланс ҳисобидан чиқариш натижасида мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

199-модда. Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйиш

Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади.

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади.

200-модда. Қарзни низосиз тартибда ундириб олиш

Мажбуриятлар бўйича қарзни, шу жумладан бюджетга тўловлар бўйича қарзни низосиз тартибда ундириб олишга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Мулкдор низосиз тартибда ундириб олиш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақли.

201-модда. Қимматбаҳо металллар ва тошларга мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ҳамда бекор бўлиш хусусиятлари

Хом ва ишлов берилган қимматбаҳо металллар ва тошларга (заргарлик ва бошқа маиший буюмлардан ташқари) мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ҳамда бекор бўлиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

202-модда. Национализация

Национализация - фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли национализация қилинаётган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказишдан иборат.

Мазкур мол-мулк кейинчалик денационализация қилинган тақдирда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

203-модда. Реквизиция

Табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини қўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулкдордан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин (реквизиция).

Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

204-модда. Мусодара

Қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйилиши мумкин (мусодара).

205-модда. Мол-мулкни олиб қўйиш чоғида унинг қийматини аниқлаш ва зарарларни ундириб олиш ҳуқуқи

Мулк ҳуқуқи бекор қилинганида олиб қўйилаётган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мулк ҳуқуқи бекор бўлган пайтда амал

қилиб турган шу ёки шунга ўхшаш мол-мулкнинг баҳоси асосида белгиланади.

Олиб қўйилган мол-мулкнинг қийматини мулкдорга тўлаш баҳоси ҳақида мулкдор судга эътироз билдириши мумкин.

Мулкдор мол-мулкнинг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган бошқа зарарларни тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли.

206-модда. Мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, бунда мулкдорга олибқўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва унинг кўрган бошқа зарарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда тўланади.

Мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга мулкдор рози бўлмаган тақдирда, бу қарор низо суд томонидан ҳал қилинганга амалга оширилиши мумкин эмас. Низони кўриб чиқиш вақтида мулкдорга етказилган зарарни тўлаш билан боғлиқ барча масалалар ҳам ҳал қилинади.

15-бобга шарҳлар

Ушбу бобда 1963 йил Колексида кўзда тутилган эскириб қолган ва талабга жавоб бермайдиган қоидалар тушириб қолдирилди, сақланиб қолганларига ҳозирги замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда жиддий ўзгаришлар киритилди, янги қоидалар билан тўлдирилди. Мулк ҳуқуқига эга бўлишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланган шартномага алоҳида эътибор бериш билан бирга меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва ўзга

хўжалик фаолияти, шу жумладан битимлар асосида мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, қўлга киритиш, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, мулк олиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар кўзда тутилди (182-модда).

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши қонун билан назарда тутилган юридик фактларга асосланади. Мулк ҳуқуқига эга бўлиш учун мол-мулк мавжуд бўлиши, муайян шахснинг ушбу мол-мулкни ўз эгаллигига олиши ҳақида эрки баён этилган бўлиши ва қонунда назарда тутилган бошқа асосларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши одатда **дастлабки ва ҳосила усулларга** бўлинади. Мулк ҳуқуқи кўпинча янги нарсани яратиш пайти билан вужудга келади. Қонунга ва бошқа ҳуқуқий актларга риоя қилинган ҳолда шахс томонидан ўзи учун яратилган, ишланган нарсага нисбатан унинг ўзида ҳуқуқ пайдо бўлади. Агар бирон-бир шахс ўз мулкига нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотган бўлса ёки у ўз мол-мулкни ташлаб юборган ёхуд ўз ихтиёридан чиқариб юборган бўлса, қонуний асосларга мувофиқ, уни олган шахсда бундай мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мол-мулкка шахс эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши бошқа шахснинг ушбу мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ эмас. Мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг бундай йўл билан вужудга келишига дастлабки усул дейилади.

Мол-мулк одатда мулк ҳуқуқининг объекти сифатида қонун қоидаларига риоя қилинган ҳолда бир шахс эгалик ҳуқуқидан иккинчи шахсга ўтади. Бундай ҳолларда мол-мулк ўзининг дастлабки сифатини йўқотмайди, фақат унга эгалик қилувчи субъектлар ўзгаради. Ҳуқуқ ва бурчларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишига ҳуқуқ ворислиги дейилади. Ҳуқуқ ворислиги асосан олди-сотди, айирбошлаш шартномалари ва ҳадя ва бошқа битимлар билан боғлиқ. Ҳуқуқ ворислиги мерос қолдириш, юридик шахсни қайта

ташқил этиш ҳолларида ҳам юз беради. Мулк ҳуқуқининг ворислик бўйича бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши ҳосила усул дейилади.

Мол-мулкка дастлабки усулда эғалик ҳуқуқининг вужудга келиши, мулк эғаси ҳуқуқ ва бурчларининг доираси қонун билан белгиланади. Ҳосила усулида мулк ҳуқуқининг вужудга келишида аввалги мулк эғасининг эрки, хоҳиши, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, тарафларнинг келишуви ва давлат бошқарув органларининг актлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг хўжалик ва меҳнат фаолияти натижасида қўлга киритилган, яъни олинган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга эғалик ҳуқуқининг вужудга келиши дастлабки усулнинг асосийларидан ҳисобланади.

Эғалик ҳуқуқи қонунга асосан ашёдан фойдаланиш натижасида ундан келадиган ҳосил ва даромадларга нисбатан вужудга келиши ҳам мумкин. Бундай ҳосил ва даромад, агар қонун ва шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ашё эғасига тегишлидир (Кодекснинг 92, 183-м. м.).

Ўз мол-мулкидан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадга нисбатан эғалик ҳуқуқини олган шахс ҳам қонуний эгалловчи ҳисобланади. Ўзга шахсга тегишли бўлган мол-мулкдан қонунга (шартномага) асосан фойдаланиш натижасида ундан ҳосил, маҳсулот ва даромад олувчи ижрочи (ижарага олувчи) ва бошқа шахслар ҳам қонуний эгалловчилар ҳисобланади. Қонун мол-мулкдан ҳосил, маҳсулот, даромад олувчининг ҳуқуқини мулк эғасининг ҳуқуқига нисбатан устун қўяди (Кодекснинг 92-м.). Бундай устунлик мулк эғасининг фойдасига қонун, шартнома билан ўзгартирилган бўлиши мумкин. Устунликни мулк эғаси бўлган давлат фойдасига ўзгартирилиши Кодекснинг 181-моддасида назарда тутилади. Ушбу моддага мувофиқ, хўжалик юритишда ёки оператив бошқаришда бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқача асосларда

вужудга келган мол-мулк ҳам ушбу Кодексида, бошқа қонун ҳужжатларида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун белгилаб қўйилган тартибда корхона ёки муассасасининг ҳужжалик юритишига ёки оператив бошқаришига ўтади. Демак, давлатга ўтади. Чунки ҳужжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган корхоналарнинг мол-мулки давлат мулки ҳисобланади.

Мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг ҳосила усулда вужудга келишида ушбу эгалик ҳуқуқи одатда мол-мулкни олувчига топшириш пайтида ўтади (Кодекснинг 185, 186-м.м.). Мулк ҳуқуқини топшириш пайти ҳақидаги умумий қоида қонун ёки шартнома билан ўзгартирилган бўлиши мумкин. Агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мулкни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтгандан ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, агар шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлса - рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Квартира, дача (боғ-ҳовли), гараж ва бошқа мол-мулкларга мулк ҳуқуқини матлубот кооперациясидан унинг аъзоларига ўтказиш алоҳида қоидага асосан тартибга солинади. Бундай мол-мулкни мулк эгалигига ўтказиш пайти ушбу мол-мулк учун пай бадалларини тўлиқ тўланган бўлиши пайти билан белгиланади. Уша пайтдан бошлаб кўрсатиб ўтилган мол-мулкларнинг эгалари ўзгаради ва бу ўзгариш кейинчалик белгиланган тартибда расмийлаштирилиши билан янги мулкдорнинг ҳуқуқи тасдиқланади.

Мулк ҳуқуқи мерос тартибда, юридик шахсни қайта ташкил қилиш ёки унинг фаолиятини тугатишда ҳам янги мулкдорга ўтиш пайти шартномага асосан эмас, балки қонун билан белгиланади.

Ашёларни топшириш пайти (186-м.) мулк ҳуқуқини янги мулкдорга ўтказиш, яъни унда мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайтидан фарқ қилади. Чунки ашёни қабул қилиб

олувчи, биринчидан, янги мулкдор бўлмаслиги мумкин, иккинчидан, ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи уни қабул қилиб олувчига топширмасдан олдин ёки топширилгандан кейин вужудга келиши мумкин. Ашё унинг олувчисининг, яъни янги мулкдорнинг ёки у кўрсатган шахснинг ихтиёрига ўтганидан, амалда тушган пайтидан бошлаб олувчига, яъни янги мулкдорга топширилган деб ҳисобланади. Шунингдек, ашёни олувчига етказиб бериш учун транспорт ташкилотига ёки алоқа ташкилотига топширилган пайт ҳам у олувчига топширилган деб ҳисобланади. Баъзан ашё тарафларнинг келишувига биноан шартнома тузилгунга қадар олувчига топширилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳол иш муомаласи одатларига кўра рўй бериши мумкин. Агар шартнома тузиш пайтида ашё олувчининг ихтиёрига ўтган бўлса, у шу пайтдан эътиборан унга топширилган ҳисобланади. Коносаментни ёки ашёга тегишли бошқа тасарруф этувчи ҳужжатни топшириш ҳам ашёни топширилган деб ҳисоблашга тенглаштирилади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат (рус тилида: приобретательная давность) Кодексдан жой олган янги институтлардан (187-м.) иборат бўлиб, амалда мавжуд ҳақиқий, лекин норасмий мулкый муносабатларга юридик аҳамият бериш билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида барқарорлик ўрнатишга қаратилади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат мулк ҳуқуқини ҳосила усулда вужудга келтирувчи асослардан иборат. Чунки ушбу муддат давомида мол-мулкнинг эгаси ким эканлиги номаълум, у деярлик йўқ деб ҳисобланади. Шундай экан, ушбу мол-мулкка нисбатан уни кўп йиллар давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз сақлаган шахс эгалик ҳуқуқини олади. Ижара ёки омонат сақлаш шартномасига асосан мол-мулкни эгалловчи, бундай эгаллаш кўп йиллар давом этишдан қатъи назар, ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ололмайди, чунки у шартномага мувофиқ мавжуд мулкдор ёки у ваколат берган шахс олдида ўз мажбуриятини бажаришни давом эттиради.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат кўчмас мол-мулк бўйича ўн беш йил, бошқа мол-мулк, яъни кўчар мол-мулк бўйича беш йил қилиб белгиланади.

Мол-мулкни узлуксиз эгалловчи, унга нисбатан ворис сифатида эгалик қилиб келган вақтни ҳам эгалик қилишни вужудга келтирувчи муддатга қўшиб ҳисоблаши мумкин. Кўчмас мол-мулкка эгалик ҳуқуқини олиш учун у давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бунинг учун шахсининг белгиланган муддат давомида мол-мулкни ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгаллаб турганлиги суд томонидан исботланган бўлиши керак. Мулкка эгалик ҳуқуқи у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Шахс ихтиёрида бўлиб, 228, 229, 230 ва 232-моддаларга мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Умумий қоидага биноан, мулк ҳуқуқини унинг дастлабки эгасидан иккинчи шахсга битимлар бўйича ўтиши билан бир қаторда, олдинги фуқаролик қонунларида бўлмаган усул, яъни **янги мол-мулкни биринчи бўлиб қўлга киритишга** оид қоидалар назарда тутилди. Булар, масалан, ҳамма йиғиб олиниши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш, хўжасизларча сақланган тарих ва маданият ёдгорликларига эгалик қилиш ва бошқалардан иборат (189, 190-моддалар).

Топилма, қаровсиз ҳайвонлар, хазина (192, 193, 195, 196-моддалар) ва бошқа мол-мулкларга тааллуқли қоидалар янгиланди. Энди бундай мол-мулклар олдинги қоидаларга биноан **фақат давлатга** топширилиши эмас, балки уларни топган, эгаллаб турган **шахсга ўтиши** ва унинг мулки деб ҳисобланиши мумкин. Бундай мол-мулклар шахсга ўтмаган тақдирда унга бериладиган мукофотларнинг миқдори олдингиларига қараганда анча кўпайтирилди.

Масалан, 1963 йилги Кодекснинг 156-моддасига биноан, ашёни йўқотган шахс икки ҳафталик муддат ичида ҳозир бўлмаган тақдирда ашёни топган шахс уни тегишли давлат ташкилотига топшириши лозим эди. Ташкилот ашёни олти ой сақлаши мумкин эди. Агар ушбу муддат давомида ашёни йўқотган шахс ҳозир бўлмаса, ашё давлатга бепул ўтказилиши ҳақида қоида бор эди. Янги Кодекснинг 193-моддасига мувофиқ, ашёни йўқотган шахс олти ой мобайнида ашёга нисбатан ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, **ашёни топиб олган шахс унга эгалик қилади**. Ушбу шахс ашёни мулк қилиб олишдан бош тортган тақдирдагина, ашё давлат мулкига ўтади. 194-моддага мувофиқ, ашёни топган шахс уни сақлаш, топшириш ёки сотиш (агар ашё тезда бузиладиган хусусиятга эга бўлиб, уни кўп муддат давомида сақлаб қолишнинг иложи бўлмаса) билан боғлиқ харажатларни, шунингдек ашёни олишга ҳақли бўлган шахсни топиш учун кетган харажатларни ундириш ҳуқуқига эга бўлади. Ашёнинг эгаси ҳозир бўлган тақдирда, топган шахс ашё қийматининг йигирма фоизи миқдоридан мукофот талаб қилишга ҳақли бўлади. Мукофот ҳақида келишувга эришилмаса - суд орқали белгилашни, агар топилма учун уни йўқотган шахс томонидан мукофот кўпчилиги ўртасида ваъда қилинган бўлса, ваъда қилинган миқдорда тўланиши назарда тутилади.

Хазинага бағишланган модда (196-модда) ҳам янги муҳим қоидалар билан тўлдирилди. 1963 йилги Кодекснинг 159-моддасига биноан, хазина топган шахс, уни қаерда топган бўлишидан қатъи назар, тегишли давлат идорасига топшириб, унинг қийматидан йигирма беш фоиз миқдоридан мукофот олиш ҳуқуқига эга эди. Янги Кодекснинг 196-моддасига мувофиқ, **давлатга фақат тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган** ашёлардан иборат хазина топширилади. Бунда ҳам хазина топган шахс билан хазина топилган жойнинг эгаси давлатдан хазина қийматининг эллик миқдоридан мукофот олишга ҳақли бўлади. Хазина бошқа ашёлардан иборат бўлган тақдирда уни топган шахс билан хазина топилган

жой (ер участкаси, иморат ва ҳоказо) эгаси хазинани тенг улушларда бўлиб олишлари мумкин. Хазинани ер участкаси, иморат эгасининг розилигисиз қидирган ёки бундай қидирув унинг хизмат вазифасига кирадиган шахсларга хазина ва мукофот ҳам берилмайди.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши асослари сифатида олдинги Кодексда бўлмаган **мулкни национализация** қилиш ҳақида янги қоида назарда тутилди (202-модда). Аввалги қонунларга мувофиқ, мулкни национализация қилиш ҳақ тўланмасдан маъмурий равишда амалга оширилиб келинганди. Эндиликда мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги, баббаробар муҳофаза қилиниши ва чет эл давлатларининг қонунчилиқ тажрибасига амал қилинган ҳолда мол-мулкни национализация қилиш ҳақ эвазига ва шу туфайли етказилган зарарни қоплаш йўли билан амалга оширилиши, мулк эгасига мулкни қайтариб олиш ҳуқуқи берилиши национализация билан боғлиқ мулкний муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқи қоидаларига асосан тартибга солиниши учун сабаб бўлди.

Мол-мулкни **реквизиция қилиш** сабабларида ҳам муҳим ўзгариш рўй берди. Энди реквизиция фақат жамият манфаатларини кўзлаб эмас (1963 йилги Кодекснинг 160-моддаси), шунингдек табиий офат, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда белгиланган тартибда ва шартлар асосида қўлланиши мумкин (203-модда).

Мол-мулкнинг **олиб қўйилиши**, унга нисбатан ҳуқуқнинг бекор қилиниши қандай усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилишидан қатъи назар, бундай усулларни ҳақ эвазига амалга ошириш ва мол-мулкни ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш қоидалари Кодекснинг барча моддаларида ўз аксини топди. Кодексда биринчи марта **мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари** аниқ кўрсатиб ўтилди (197-модда). Мазкур моддага мувофиқ, мулк ҳуқуқи унинг эгаси томонидан ўз мажбуриятларини бажариши, мол-мулк тақ-

дирина ҳал қиладиган қарор қабул қилиниши, масалан, ҳаля қилиш ёки васият қолдириш натижасида ёки суд қарори асосида олиб қўйилиши, шунингдек қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлиши асосида амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилди.

Мол-мулкни йўқ қилиш, масалан, уни асраб қолиш учун зарур бўлган чораларни кўрмаслик ёки тапшлаб қўйиш, хўжасизларча сақлаш натижасида мулк ҳуқуқини бекор қилишга ҳам фақат қонун талабларига зид бўлмаган тақдирдагина йўл қўйилади (198-модда). Бундай талаб биринчи галда тарихий ёки маданий бойликларга тааллуқлидир. Алоҳида ҳолларда бундай бойликлар суд қарори билан мусодара қилиниши, агар улар йўқ қилинган бўлса, унинг қиймати ундириб олиниши кўзда тутилади. Бундай қонуннинг ўрнатилиши халқ маданият даражасининг ривожланишидан дарак берувчи ёдгорликларни сақлаб қолиш, унинг моддий ва маданий бойликларини авайлаш ва асраш учун муҳим аҳамиятга эга.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда **мол-мулк ҳисобидан қарзни визосиз ундириб олишга** йўл қўйилади. Лекин бундай ундиришдан норози бўлган шахс судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинмайди (201-модда).

Мулк ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда **олиб қўйилган мол-мулкнинг қийматини аниқ белгилаш** бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолда олинган мол-мулкнинг қиймати мулк ҳуқуқи бекор қилинган чоғида амал қилиб турган баҳо билан белгиланади (205-модда). Қўйилган баҳо ҳақида мулкдор судга эътироз билдириш, шу туфайли етказилган бошқа зарарларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Ўтмишда фуқароларга тегишли тураржой, иморатлар, иншоотлар ва улар жойлашган ер участкалари давлат идораларининг қарорига асосан маълум бир мақсадни амалга ошириш учун олиб қўйиларди. Бундай ҳолларда фуқаролар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ожизлик қиларди. Чунки

бундай вазият юз берганда уни тўғри ва адолатли ҳал қилиш учун аниқ бир қоида белгиланмаган эди. Бу муҳим масала янги Кодексда ўз ечимини топди. Кодекснинг 206-моддасига мувофиқ, мол-мулк бевосита олиб қўйилмаган тақдирда унга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига оид қоида белгиланди. Мазкур мол-мулкни олишга ва унга нисбатан мулк ҳуқуқини бекор қилишга фақат давлат органининг қарорига асосан қонунларда белгиланган ҳоллар ва тарғибдагина йўл қўйилиши мумкин. Мол-мулк олиб қўйилган тақдирда унинг эгасига олиб қўйилган мол-мулкка нархи ва миқдори жиҳатдан тенг бўлган мол-мулк берилиши ва бунинг оқибатида унга етказилган зарар тўла ҳажмда тўланиши назарда туғилади. Давлат органининг қароридан норози бўлган мулк эгаси судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Низо суд томонидан ҳал қилингунга қадар, мол-мулкни олиб қўйиш мумкин эмас. Демак, мол-мулкни олиб қўйиш шировард натижада фақат суд қарорига асосан амалга оширилиши мумкин. Мол-мулк олиб қўйилиши ёки олиб қўйилмаслигидан қатъи назар, суд низони кўриб чиқиш вақтида мулк эгасига етказилган зарарни тўлаш билан боғлиқ масалаларни ҳам ҳал қилиши лозим.

16-БОБ

ХУСУСИЙ МУЛК

207-модда. Хусусий мулк ҳуқуқи

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

208-модда. Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари

Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар.

209-модда. Хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари

Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

210-модда. Уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида курилаётган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан курилаётган уй-жой курилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Давлатга қарашли уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоққа ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

211-модда. Кўп квартиралли уйдаги квартира эгаларининг мол-мулки

Уйнинг бир неча квартираларга хизмат қиладиган умумий хоналари, хусусан устун ва тўсинлар, механик, электр,

санитария-техника ва квартира ташқарисидаги ёки ичкари-
сидаги ўзга қурилмалари кўп квартиралли уйдаги квартира
эгаларига улушли мулк ҳуқуқи тарзида тегишлидир.

Уйнинг умумий мол-мулкига эгалик ҳуқуқидаги квар-
тира эгалари улушининг миқдори ҳамда мазкур мол-мулкни
сақлаш ва асраш бўйича ҳаражатларни мулкдорлар ўртасида
тақсимлаш тартиби уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-
га мувофиқ белгиланади.

Қвартира эгаси уй-жой умумий мол-мулкига эгалик
ҳуқуқидаги ўз улушига тасарруфдан чиқаришга, шунингдек
бу улушнинг квартирага бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда
бошқа шахсга ўтишига олиб келувчи ўзга ҳаракатларни амалга
оширишга ҳақли эмас.

**212-модда. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг
оқибатлари**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш
мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек
иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитек-
тура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий буз-
ган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга
кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисоб-
ланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк
ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф
этишга - сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга
нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида
ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат орга-
нининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига
биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳи-
собидан бузиб ташланиши лозим, ушбу модданинг тўртинчи
ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан
мустасно.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошим-
чалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисба-

тан мулк ҳуқуқи суд томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ эътироф этилиши мумкин.

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгилаган миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

16-бобга шарҳлар

Хусусий мулк киши кишининг кучидан фойдаланишга (эксплуатацияга) қаратилган манба ҳисобланган тушунчадан озод бўлди. Энди унга шахснинг нафақат моддий мустақиллиги, шунингдек маънавий эркинлигининг манбаи сифатида баҳо берилди. Дунёқарашдаги бундай туб ўзгариш Кодекснинг деярли барча қоидаларида ўз аксини топди. Бу биринчи галда хусусий мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслигида ўз ифодасини топди (207-модданинг 2-қисми). Хусусий мулк ҳуқуқи субъектининг таркибий қисмида ҳам ижобий ўзгариш юз берди. 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган мулкчилик тўғрисидаги қонун бўйича хусусий мулк субъектлари сифатида фақат фуқаролар тан олинган эди. Кодекснинг 208-моддасига асосан улар фуқаролардан ва давлатга қарангли бўлмаган юридик шахслардан иборат бўлишлари мумкин. 209-моддага асосан хусусий мулкнинг объектлари доираси ҳам чекланмади, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўли-

ши мумкин. Хусусий мулк объекти сифатида уй-жойнинг (хонадоннинг) миқдори ва майдонининг кенглиги, олдинги қонунларда бўлганидек, ҳажм жиҳатдан чекланмади, давлатга тегишли уй-жойни хусусийлаштириш унга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши учун асос қилиб кўрсатилди (210-модда). Хусусий мулк ҳисобланган кўп квартиралар уйларда яшовчи мулк эгаларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам батафсил аниқланди (211-модда). Ўтмишда ўзбошимчилик билан қурилган уй-жой ва бошқа бинолар бўйича қўлланадиган чора фақат фуқароларга нисбатан қаратилган бўлиб, бундай уй-жой ёки бинони бузиб ташлаш талаб қилинади. Энди бундай бино ким томонидан (фуқаро, ташкилот, корхона) қурилган бўлишидан қатъи назар унга суд қарорига асосан мулк ҳуқуқи сифатида берилиши мумкин (112-модда).

Хусусий мулк қонун билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-қисмига мувофиқ: “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”.

“Бошқа мулк шакллари” деган тушунча Конституцияда келтирилсада, лекин улар қайси шакллардан иборат эканлиги ҳақида Конституцияда аниқлик киритилмаган. Мулк ҳуқуқининг шакллари ва субъектлари мазкур Кодекснинг 167, 168-моддалари билан белгиланади.

Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган хусусий мулк, асосан улар манфаатлари учун хизмат қилади. Хусусий мулк объектлари турлари ва миқдорига биноан чегараланган бўлиши мумкин. Лекин бундай чегаралашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда конституцион тузумни, ахлоқий қоидаларни, фуқароларнинг соғлиғини, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Кодекснинг 207-моддасида “қонун ҳужжатларига

мувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилиш”, шунингдек 209-моддасида “қонун билан ман этилмаган ашёлар... хусусий мулк бўлиши мумкин”лиги ҳақида қоидалар назарда тутилади.

Хусусий ва давлат мулки объектларини фарқлашда қуйидаги мезонга амал қилиш керак:

- унитар корхона ёки давлат муассасасидан бошқа барча юридик шахсларга тегишли мол-мулк хусусий мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг мол-мулки, унда давлат мулкининг қатнашиш даражаси қанчалик бўлишидан қатъи назар, хусусий ҳисобланади. Бундай ҳолларда давлат ширкат ёки жамиятнинг акциясига (қўшган ҳиссасига) нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлади.

- Корхоналар тўғрисидаги Қонунда назарда тутилмаган бирон-бир ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар иштираётган ва муассислари фақат давлат бошқарув органлари, тармоқлараро бирлашмалардан, давлат корхоналари ва бирлашмаларидан иборат бўлган корхоналар мол-мулк йиғиндиси сифатида давлат мулкининг объекти ҳисобланади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелдаги 109-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мол-мулки давлатга тегишли бўлиб, уни муддатсиз эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш учун Академияга берилади.

Ўз мол-мулкидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлардан иборат. Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил қилиб ёки ташкил қилмасдан туриб шуғулланиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мулк ҳисобидан жавоб беради (Кодекснинг 24, 26-моддаларига берилган шарҳларга қаралсин).

Хусусий мулк билан боғлиқ муносабатлар бошқача усулда тартибга солиниши ҳам мумкин. Масалан, ўз мол-мулки-

нинг бир қисмини улуш ёки пай сифатида хўжалик ширкатига, жамиятига ёки ишлаб чиқариш кооперативига топширган фуқаро ёки юридик шахс ушбу қисмга нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотади ва тижоратчи бўлган ташкилот (жамият, ширкат, кооператив) мулк ҳуқуқига эга бўлади (Кодекс 58-моддасининг 1-қисмига қаралсин). Хўжалик жамияти, ширкат ёки ишлаб чиқариш кооперативи тугатилган тақдирда, иштирокчилари (акциядорлари, пайчилари), агар қонунда, таъсис ҳужжатларида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тугатилган юридик шахснинг устав капиталига қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда мол-мулкнинг бир қисмига эгалик қиладилар.

Хусусий мулк субъекти бўлган фуқаро ёки юридик шахс ўзларига тегишли мол-мулкдан ҳисса сифатида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа фондлар)нинг мол-мулкига ўтказишлари мумкин. Бундай ҳисса ўтказилган пайтдан бошлаб, у тижоратчи бўлмаган ташкилотнинг мулки ҳисобланади. Бундай ташкилот ўзининг асосий фаолиятини амалга ошириш мақсадида мулкдан тadbиркорлик билан шуғулланиш учун фойдаланиши мумкин. Шу билан у тижоратчи ташкилотдан фарқ қилади. Шундай экан, бундай жамоат бирлашмаларнинг муассислари (иштирокчилари, аъзолари) фақат бирлашманинг фаолияти даврида эмас, балки у тугатилгандан кейин ҳам ундан қолган мол-мулкка нисбатан эгалик қила олмайдилар. Бундай ташкилотларнинг мол-мулки кредиторлар олдидаги қарзларидан қутилганидан кейин уларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.

17-БОБ

ОММАВИЙ МУЛК

213-модда. Оммавий мулк тушунчаси

Республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

Қорақалпоғистон Республикасида мулкчилик муносабатлари, шу жумладан оммавий мулк муносабатлари ушбу Кодекс билан, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

214-модда. Республика мулки

Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олгин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин.

Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тасарруф қиладилар.

Республика мулки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Республика мулки объектлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

215-модда. Муниципал мулк

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулккий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Муниципал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан тапкил этилади.

Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

17-бобга шарҳлар

Оммавий мулк тушунчаси давлатнинг барча фуқароларига ва шунинг билан бирга ҳар бир фуқаросига тегишли бўлган мулк маъносини беради. Лекин у ўтмишдаги давлат мулкига ўхшаш мавҳум тушунчага эга эмас, унинг муайян объектлари ва уни эгаллаб турувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи субъектлар Кодексда аниқ кўрсатилди.

Оммавий мулк давлат мулки сифатида Ўзбекистон Республикасининг шахсан ўзига ва унинг маъмурий-ҳудудий тузилмаларига тегишли мулкдан (муниципал мулк) ибo-

рат (215-модда). Кодексда оммавий мулкнинг вужудга келиш асослари, бундай мулк объектларининг турлари, уларнинг республикага ва маъмурий-худудий тузилмаларига (маҳаллий ҳокимият ва бошқа маҳаллий органларга) тегишли қисмлари ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари аниқланди (214, 215-моддалар). Масалан, республикага тегишли бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар тасарруф қиладилар. Муниципал мулк ҳисобланган мол-мулкни давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Демак, оммавий мулк давлат мулкидан иборат бўлиб, у икки хил турдаги мулкдан, яъни Ўзбекистон Республикаси мулки ва муниципал мулкдан ташкил топади. Мазкур Кодексда ҳар бир турдаги мулк ҳуқуқининг объектлари, субъектларининг мулкий ҳуқуқ лаёқати ҳақида умумий тушунча берилган. Республика ва муниципал мулкларнинг объектлари аниқ ажратилмаган. Кодекс 214, 215-моддаларининг маъносидан келиб чиқиб, республика ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг (маҳаллий давлат ҳокимият органларининг) мулкий ҳуқуқ лаёқатлари, уларга тегишли объектларнинг турлари ва уларни эгаллаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф қилишга оид ҳуқуқ ва ваколатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида махсус қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Қонунда фақат Республикага тегишли бўлган, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилиши мумкин бўлган давлат мулки объектлари бўйича тузилган рўйхат назарда тутилган бўлиши керак. Бундай қонун давлат мулкига нисбатан ҳужасизлик кайфиятида ёндашиш ва бепарволикнинг олдини олишга ва бу соҳада тартиб ўрнатиш ёрдам беради.

Мазмун жиҳатдан давлат мулки умуман мулк ҳуқуқи мазмунидан фарқ қилмайди. Мол-мулкни эгаллаш, ундан

фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари давлат мулки ҳуқуқининг ҳам мазмунини ифодоловчи белгиларидан ҳисобланади. Шунинг билан бирга бу ҳуқуқлардан фойдаланишда давлат мулкининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси мулкдор, шунингдек қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида давлат мол-мулкни идора этишга оид тартиб ва қоидаларини ўзи белгилайди. Давлат мулкни давлат ҳокимияти органлари ва улар вакил қилган органлар бошқарадилар. Масалан “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 230-модда) ва ушбу Қонунни қўллашдаги баъзи масалалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1994 йил 9 сентябрдаги қарорига мувофиқ, уй-жойни хусусийлаштириш ва фуқароларга беришни мулк эгаси бўлган давлат номидан уй-жой фондига хўжаликни юритиш ҳуқуқига ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган давлат ташкилотлари ва корхоналари амалга оширадилар. Маҳаллий маъмурият муниципал уй-жойда яшовчи фуқароларнинг аризалари бўйича фақат қарор қабул қилади. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 февралдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш қўмитасига давлат мол-мулкни хусусийлаштириш ва республикада хусусий бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш дастурини ишлаб чиқиш, ташкилий ва услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш, давлат мулки объектларини бошқа мулкчилик шаклларига айлантиришдан тушган маблағларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга оид вазифаларни ҳал қилиш учун сафарбар этиш каби тadbирларни амалга ошириш юклатилди.

Давлатнинг барча мол-мулкни, бу мулк Республикага ёки маҳаллий давлат ҳокимият органларига тегишли бўлишдан қатъи назар, асосан иккита гуруҳга:

а) давлат корхоналари ва муассасаларига бириктириб қўйилган мулк;

б) тегишли бюджет маблағлари ва давлат корхоналари, муассасаларига бириктирилмаган Республиканинг давлат хазинасини ташкил қиладиган мол-мулкларга ажратиш мумкин. Муниципиал мол-мулк ҳам Республика мол-мулки каби икки хил асосий гуруҳларга бўлиниши мумкин. Улар:

а) муниципал корхоналарга ва муассасаларга бириктириб қўйилган мол-мулк;

б) маҳаллий бюджетни ташкил қилувчи маблағлар, муниципал корхоналарга ва муассасаларга бириктирилмаган тегишли вилоят, шаҳар ва бошқа муниципал ташкилий тузилмаларнинг муниципал хазиналарини ташкил қилувчи мол-мулклардан иборат.

Республика мол-мулкни муниципал мол-мулқига ўтказиш ёки муниципал мулкни Республика давлат мулкига ўтказиш ҳоллари ва тартиби махсус қонун билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

18-БОБ

УМУМИЙ МУЛК

216-модда. Умумий мулк тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргаликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Тақсимланадиган мол-мулкнинг умумий биргаликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади.

Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса - суднинг қарорига мувофиқ умумий мол-мулк бу шахсларнинг улушли мулки қилиб белгилаб қўйилиши мумкин.

217-модда. Улушли мулкдаги улушларни аниқлаш

Агар улушли мулк иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисобланади.

Улушли мулк барча иштирокчиларнинг келишуви билан иштирокчилардан ҳар бирининг улушини уларнинг умумий мол-мулкни вужудга келтириш ва кўпайтиришга қўшган ҳис-

сасига қараб аниқлаш ва ўзгартириш тартиби белгиланиши мумкин.

Умумий мол-мулкдан фойдаланишнинг белгилаб қўйилган тартибига амал қилган ҳолда ушбу мол-мулкни ўз ҳисобидан ажратиб олиш мумкин бўлмайдиган тарзда яхшилаган улушли мулк иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушининг тегишли даражада қўнайтирилишига ҳақли бўлади.

Умумий мол-мулкдаги ажратиб олиш мумкин бўладиган яхшилашлар, агар улушли мулк иштирокчиларининг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу яхшилашларни амалга оширган иштирокчининг мулкига қўшилади.

218-модда. Улушли мулкдаги мол-мулкни тасарруф этиш

Улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади.

Улушли мулк иштирокчиси ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совга қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида ушбу Кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади.

219-модда. Улушли мулкдаги мол-мулкка эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш

Улушли мулкдаги мол-мулкка эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса - суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Улушли мулк иштирокчиси умумий мол-мулкнинг иштирокчи улушига тенг бўлган қисми ўзининг эғалигига ва фойдаланишига берилишига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда эса - ўз улуши бўлган мол-мулкка эғалик қилаётган ва ундан фойдаланаётган бошқа иштирокчилардан тегишли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга.

220-модда. Улушли мулкдаги мол-мулкдан фойдаланиш натижасида келадиган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар

Улушли мулкдаги мол-мулкдан фойдаланиш натижасида келадиган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар умумий мол-мулк

таркибига қўшилади ва улушли мулк иштирокчилари ўртасидаги келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

221-модда. Умумий улушли мулкдаги мол-мулкни сақлаш харажатларини тақсимлаш

Ҳар бир мулкдор умумий мол-мулк бўйича солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўлашда, шунингдек мол-мулкни сақлаш ва асраш чиқимларида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улушига қараб қатнашиши шарт.

Зарур бўлмаган ҳамда мулкдорлардан бири томонидан қолганларнинг розилигисиз қилинган харажатлар унинг ўз зиммасига тушади. Бунда келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал қилиниши керак.

222-модда. Умумий мулк ҳуқуқидаги улушнинг шартнома бўйича олувчига ўтиш пайти

Умумий мулк ҳуқуқидаги улуш шартнома бўйича олувчига, агар тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тузилган пайдан бошлаб ўтади.

Умумий мулк ҳуқуқидаги улушнинг давлат рўyxатидан ўтказилиши керак бўлган шартнома бўйича бошқа шахсга ўтиш пайти ушбу Кодекс 185-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

223-модда. Улушли мулкдаги мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш

Улушли мулкдаги мол-мулк иштирокчилар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкин.

Улушли мулк иштирокчиси ўз улушини умумий мол-мулкдан ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли.

Улушли мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эришса олмасалар, улушли мулк иштирокчиси ўз улушини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб олишга қонун йўл қўймаса ёки уни умумий мулк бўлган мол-мулкка номутаносиб зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, ажралиб чиқаётган мулкдор улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари томонидан улушининг қиймати тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу модда асосида улушли мулк иштирокчисига асл ҳолида ажратиб берилаётган мол-мулкнинг унинг мулк ҳуқуқидаги улушига номутаносиблиги тегишли пул суммасини тўлаш ёки бошқача компенсация тўлаш йўли билан баргараф этилади.

Улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўланишига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади. Мулкдорнинг улуши арзимас бўлган амалда ажратиб берилиши мумкин бўлмаган ва умумий мол-мулкдан фойдаланишдан кагга манфаатга эга бўлмаган ҳолларда суд ушбу мулкдор розилик бермаган тақдирда ҳам улушли мулкнинг қолган иштирокчилари зиммасига мазкур мулкдорга компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Ушбу моддага мувофиқ мулкдор компенсация оланидан кейин умумий мол-мулкдаги улушига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

224-модда. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, кимонди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно.

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт.

Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилин-

ган кундан эътиборан кучмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса - ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

Улушни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

Давлат органи ёки бошқа юридик шахс умумий мулк бўлган уй-жой (хонадон)даги ўз улушини сотган вақтида уйнинг (хонадоннинг) тегишли қисмида ижарага олувчилар сифатида яшаётган шахслар ушбу модда қоидалари асосида имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар, улар бу ҳуқуқдан воз кечсалар ёки уни амалга оширмасалар - бошқа мулкдорлар бу ҳуқуққа эга бўладилар.

Ушбу модданинг қоидалари айирбошлаш шартномаси бўйича улушни бошқа шахсга бериш чоғида ҳам қўлланилади.

225-модда. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш

Агар биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргалашиб эгаллик қиладилар ва ундан фойдаланадилар.

Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан гузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади.

Биргаликдаги мулкнинг ҳар бир иштирокчиси, агар барча иштирокчиларнинг келишувидан бошқача тартиб аниқлашилмаса, умумий мол-мулкни тасарруф этиш хусусида битимлар гузишга ҳақли.

Биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бири тузган умумий мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим уни тузган иштирокчининг зарур ваколатлари йўқлиги сабабли, битимдаги иккинчи тараф буни билган ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган тақдирдагина қолган иштирокчиларнинг талабига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Биргаликдаги мулкнинг айрим турлари учун ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилади.

226-модда. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш

Умумий мол-мулкни биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек улардан бирининг улушини ажратиш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улуши аниқланганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Умумий мулк тақсимланганида ва ундан улуш ажратилганида, агар қонунда ёки иштирокчиларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг улушлари тенг ҳисобланади.

Умумий мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш асослари ҳамда тартиби ушбу Кодекс 223-моддаси билан, биргаликдаги мулкнинг айрим турлари учун эса - бошқа қонунлар билан белгиланади.

227-модда. Ундирувни умумий мол-мулкдаги улушга қаратиш

Улушли ёки биргаликдаги мулк иштирокчисининг кредитори мулкдорда бошқа мол-мулк етарли бўлмаганида ундирувни қарздорнинг умумий мол-мулкдаги улушига қаратиш учун бу улушни ажратишни талаб қилишга ҳақли.

Агар бундай ҳолларда улушни асли ҳолида ажратиш мумкин бўлмаса ёки улушли ёхуд биргаликдаги мулкнинг қолган иштирокчилари бунга эътироз билдирсалар, кредитор қарздор ўз улушини умумий мулкнинг қолган иштирокчиларига ушбу улушнинг қийматига мутаносиб нархда сотиб,

сотишдан тушган маблағларни қарзни узишга қаратишини талаб қилишга ҳақли.

Умумий мулкнинг қолган иштирокчилари қарздорнинг улушини сотиб олишдан воз кечган тақдирда, кредитор ундирувни қарздорнинг умумий мулк ҳуқуқидаги улушига ушбу улушни кимомиди савдоси орқали сотиш йўли билан қаратишни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

18-бобга шарҳлар

Аввалги Кодексда умумий мулк икки хил: ҳиссаларга бўлинадиган (ҳиссали мулк) ёки ҳиссаларга бўлинмайдиган (биргаликдаги мулк) деб ажратилган эди (128-модда, 2-қисм). Янги Кодексда бундай ажратиш сақлаб қолинди. Лекин “ҳисса” - “улуш” деган атама билан алмаштирилди.

Умумий мулк тушунчаси фақат атамани ўзгартириш билан чекланмади, мулк эгаларининг таркибий қисми, унинг вужудга келиши асослари, унга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасаруф қилиш ҳуқуқларини белгилашга қаратилган янги қоидалар билан тўлдирилди.

Аввалги Кодексга биноан улушли мулк ҳуқуқи колхоз, кооператив, жамоат ташкилотлари ва улар билан давлат корхоналари ўртасида, шунингдек фақат фуқароларнинг ўзлари ўртасида вужудга келиши мумкин эди. Ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулк бўлишига йўл қўйилмасди. Лекин, баъзи асосларга кўра улар ўртасида умумий мулк ҳосил бўлган тақдирда, уни бекор қилиш муддати ва тартиби назарда тутилганди. Умумий биргаликдаги мулк қоидалари асосан колхоз хонадонининг мол-мулкига таллуқли бўлиб, унга 8 модда ажратилган эди (138-145-моддалар). Шунингдек, қишлоқ хўжалигида якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар хўжалиги аъзоларининг мол-мулки ҳам биргаликдаги мулк ҳисобланарди (146, 147-моддалар).

Иккала ҳолатда ҳам, яъни колхоз хонадонининг ва якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг бир-

галикдаги умумий мулкининг вужудга келиш асослари, уни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш қоидалари қонун, яъни Кодекс билан белгиланган эди.

Юқоридаги қоидалар янги Кодексда инкор қилинди. Биринчидан, улушли ва биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқининг кимларга тегишли бўлиши қўрсатилмади ва бундай мулкларнинг субъектлари ҳар қандай шахсдан иборат бўлиши, иккинчидан, биргаликдаги умумий мулкни улушларга ажратиш мумкинлиги назарда тутилди (216, 226-моддалар).

Умумий мулк ҳуқуқи муайян мол-мулкка нисбатан кўпчилик мулк ҳуқуқи субъектларининг мавжудлиги билан ифодаланади. Агар мол-мулк бир неча алоҳида қисмлардан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисми алоҳида мулк ҳуқуқи субъектларидан иборат бўлса, бундай мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқи вужудга келмайди. Шунга ўхшаш ҳолат, масалан, кўп квартирали уйнинг алоҳида квартираларига бўлган мулк ҳуқуқига нисбатан вужудга келиши мумкин. Квартиралар, уларни сотиб олган фуқароларга мулк ҳуқуқига асосан тегишли бўлиб, уйга нисбатан уларнинг барчасида тегишли умумий мулк ҳуқуқи вужудга келмайди. Лекин бундай ҳолда уйнинг алоҳида объектлари, масалан, уйнинг томи, фундаменти, коммуникациялари ва бошқа бўлиб бўлмайдиган объектларининг умумий мулк ҳуқуқи сифатида кўп квартирали уйда яшовчи шахсларга тегишли бўлиши муқаррардир.

Умумий мулк ҳуқуқи мавжуд бўлиши учун яна битта шарт - муайян мол-мулкнинг бир неча мулк ҳуқуқи субъектларига тегишли бўлишидан иборат. Шунинг учун ҳам умумий мулк ҳуқуқи кўп субъектли ҳуқуқ ҳисобланади. Агар мол-мулкка нисбатан битта шахс мулк ҳуқуқи субъекти бўлиб ҳисобланса, умумий мулк ҳуқуқи вужудга келмайди. Масалан, бир неча фуқароларнинг мол-мулкидан ташкил топган юридик шахс мол-мулкни умумий мулк ҳуқуқига тааллуқли деб бўлмайди, агар ушбу мол-мулкка нисбатан битта, яъни фақат юридик шахснинг ўзи мулк ҳуқуқига эга бўлса. Хўжа-

лик ширкатлари, жамиятлари, кооперативларнинг мол-мулки улар аъзоларининг мол-мулкидан ташкил топади, лекин юридик шахсни тузишда унинг муассислари ўз ҳиссаларини битта мулк эгасига - юридик шахсга топширадилар, натижада битта субъектли мулк ҳуқуқи вужудга келади. Ўз маблағларини (ҳиссаларини) юридик шахсга топширган шахслар ушбу маблағларга нисбатан мулк ҳуқуқидан маҳрум бўладилар, лекин юридик шахсга нисбатан, агар у тугатиладиган бўлса ёки муассис унинг таркибидан чиқиб кетадиган бўлса, таъсис ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкнинг ўзига тегишли қисмини ёки унинг қийматини мажбурият ҳуқуқи бўйича талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Умумий мулк ҳуқуқининг турлари ва мулк ҳуқуқи эгаларининг ўзаро келишувига кўра улар ўртасидаги муносабатлар бир-бирдан фарқ қилади.

Кодексда **биргаликдаги умумий мол-мулкнинг** барпо бўлиши, унинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қуйидагича белгиланди: ўз вазифасини, яъни фойдаланиш мақсадига муносиб бўлишини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар, яъни яхлит тарзда белгиланган мол-мулклар) ёки қонун бўйича тақсимланиши мумкин бўлмаган, икки ёки undan ortiq шахсларнинг мулк ҳуқуқига ўтган мол-мулк биргаликдаги умумий мол-мулк дейилади.

Мулк ҳуқуқи эгаларидан ҳар бирининг, уларга тегишли бўлган умумий мол-мулкдаги **улушлари** (ҳиссалари) аниқ белгилаб қўйилган бўлса, бундай мулк улушли мол-мулк дейилади. Улушли мол-мулкда қонунга асосан ёки иштирокчиларнинг келишуви билан уларнинг улушлари аниқ белгилаб қўйилмаган бўлса, улушлар тенг деб ҳисобланади. Улушлар тенг бўлмаслиги ҳам мумкин (217-модда). Улушли мулкни тасарруф қилишга нисбатан имтиёзли ҳуқуқлар белгиланди (224-модда).

Ўтмишда биргаликдаги умумий мулк қонуннинг императив нормалари билан белгиланарди. Ушбу нормалар билан

назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўргасидаги муносабатлар ҳиссали мулкка асосланиши мумкин эмас эди. Мазкур Кодексда умумий мулк ҳуқуқининг тарафларига, ўз манфаатларига мос келишини кўзлаб, умумий мулкнинг у ёки бу турини танлаш учун имконият яратилади. Қонунда биргаликдаги умумий мулк назарда тутилган бўлсада, тарафлар ўзаро келишган ҳолда ўз муносабатларини улушни сулҳ ҳуқуқи асосида белгилашлари мумкин. Улушни мулк тарафлари умумий мол-мулк учун биргаликдаги мулк ҳуқуқини танлай олмайдилар.

Кодексга мувофиқ, агар қонунга ёки тарафларнинг ўзаро келишувига биноан мол-мулкка нисбатан биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши назарда тутилмаган бўлса, умумий мулкнинг ҳиссали бўлиши фараз қилинади. Умумий ҳиссали мулк бўйича мулкдорларнинг ҳар бирига мол-мулкнинг олдиндан аниқланган улуши, маълум бир қисми тегишли бўлади. Биргаликдаги умумий мулкда ҳам бу мулк тарафларининг улуши бўлади, лекин мол-мулкдаги уларнинг улушлари олдиндан аниқ белгиланмайди. Улушларнинг аниқланиши фақат умумий мулк ҳуқуқи тугатилган ёки биргаликдаги умумий мулкдан улушни ажратиш ҳақида талаб қўйилган ҳолларда юз бериши мумкин. Бундай қоида эрхотиннинг никоҳ даврида орттирган мол-мулкка, деҳқон хўжалигининг умумий мулкка, хусусийлаштирилган уй-жойга бўлган умумий мулкка нисбатан қўлланиши мумкин.

Умумий мулк бир неча шахслар томонидан биргаликда ашёлар, маҳсулотлар яратиш ёки уларни сотиб олишлари, меросхўр бўлишлари, хўжалик, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари натижасида вужудга келиши мумкин. Умумий мулк оилада биргаликда самарали фаолият юргизиш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларининг таркиб топиши шароитида умумий мулкка асосланган фаолиятларнинг доираси кенгайди. Уй-жойларнинг хусусийлаштирилиши жараёнида кўп квартирали уйларнинг барча фуқароларнинг фойдаланиши учун зарур бўлган умумий объ-

ектларига нисбатан умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши тобора кўпаяди. Деҳқон хўжалиги ва ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг ривожланиши ҳам умумий улушли мулк ҳуқуқининг таркиб топиши учун ёрдам беради. Келажакда биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи анъана бўлиб қолган эр-хотиннинг мулкига ва бўлинмайдиган мол-мулкни мерос қилиб қолдиришга нисбатан жорий қилиниши мумкин. Лекин, агар Ўзбекистоннинг никоҳ ва оила кодексига никоҳ шартномаси назарда тутилса, ушбу анъанада ўзгариш юз беради: эр-хотин никоҳ даврида ҳам улушлардан ташкил топган умумий мулк ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Уй-жой қурилиши кооперативларида ҳам, агар уй-жой қурилишида эр-хотин ва оила бошқа аъзоларининг умумий маблағлари сарфланган бўлса, умумий мулк ҳуқуқи вужудга келади. Оила аъзоларидан бири квартирани сотиб олишда ёрдам берган бўлса, у уй-жой қурилиш кооперациясига тегишли уйдаги квартирага умумий мулк сифатида талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмайди. У фақат сарфланган маблағни талаб қилишга ҳақли. Ушбу қоида бошқа матлубот кооперативларида ҳам, шунингдек уй-жой қурилишида ҳам қўлланилади.

Юридик шахс ташкил қилинмасдан, фуқаролар, юридик шахслар ўртасида шартномага асосан биргаликда амалга ошириладиган тadbиркорлик фаолияти натижасида вужудга келадиган умумий мулк ҳуқуқи ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай шартнома бўйича унинг тарафлари ўз мол-мулкларини, кучларини қўшиш йўли билан хўжалик фаолиятида умумий мақсадга эришиш учун қонунга зид бўлмаган ҳаракатларни биргаликда бажаришни ўз зиммаларига оладилар. Шартнома тарафларининг қўшган мол-мулки ва пул бадаллари (взноси), шунингдек уларнинг биргаликдаги фаолиятлари натижасида яратилган ёки сотиб олинган мол-мулклари уларга тегишли умумий ҳиссали мулк ҳисобланади. Бундай фаолиятни бошқариш тарафлардан биронтасига топширилади. Бундай ваколатни ўз зиммасига олган тараф шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан имзоланган ишонч-

номага асосан ҳаракат қилади. Биргаликда фаолият учун ташкил топган умумий мол-мулк шартнома бўйича умумий ишни бошқарувчи тарафнинг балансида алоҳида ҳисобда бўлади.

Биргаликдаги мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳақида янги қоидалар белгиланди (225-модда). Умумий қоидага асосан биргаликдаги мулкка унинг эгалари биргалашиб эгалик қиладилар ва фойдаланадилар. Лекин улар ўзаро келишиб бошқача тартиб ўрнатган бўлишлари ҳам мумкин. Бундай мулкни тасарруф қилишда ушбу мулк эгаларининг розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорликнинг ривожланиши таъсири остида умумий мулк ҳуқуқи иштирокчиларининг ҳар бирига уларнинг барчаси розилиги билан ушбу мол-мулк юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилди. Иштирокчиларнинг келишуви билан ваколат берилмасдан тузилган битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши назарда тутилди (225-модда).

Умумий мулк ҳуқуқи асосида ушбу мулк субъектлари ўртасида мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш бўйича ички мулкый муносабатлар вужудга келади. Субъектларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, маълум даражада, уларнинг умумий мол-мулкка қўшган улушларининг миқдорига қараб белгиланади. Агар қонунда, шартномада ёки умумий мулкни ташкил қилишга бағишланган бошқа ҳужжатда умумий мулк иштирокчиларининг улуши аниқ белгиланган бўлмаса, улушлар тенг деб фараз қилинади ва уларнинг ҳар бири умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга деб ҳисобланади. Бундай тенглаштиришга иштирокчилардан бирининг қўшган улуши кўпайиши ва бунинг натижасида умумий мулк миқдори ҳам кўпайганлиги ҳисобга олинган ҳолда, иштирокчиларнинг келишуви билан, ўзгартириш киритилиши мумкин.

Яхшилانган улушли мулкнинг тақдири турлича ҳал қилинади. Умумий мол-мулкнинг яхшиланган қисмини ажратиб олиш ҳам мумкин. Агар ажратиб олишнинг иложи бўлмаса, яхшиланиш киритган улушли мулк иштирокчиси

умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини тегишли даражада кўнайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Умумий мулк ҳуқуқи ҳақиқий белгиланган (реальный) ва аниқ белгиланмаган (идеальный) улушлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳақиқий улуш натура шаклида алоҳида белгили бўлади (Масалан, умумий боғ ҳовли (дача) яшаш майдонининг ажратилган муайян бир қисми). Аниқ белгиланмаган улуш умумий мол-мулкнинг муайян аниқ бир қисмига эмас, балки ушбу мол-мулкка бўлган умумий ҳуқуқнинг бир қисмига карра сифатида белгиланган ҳуқуқдан иборат бўлади (Масалан, уй-жойга, автомашинага бўлган умумий ҳуқуқнинг иккидан бир қисмига нисбатан улушли ҳуқуққа эга бўлиш). Бундай ҳолда ҳам умумий мулк ҳуқуқининг мазмунида ўзгариш юз бермайди. Уй-жойнинг бир қисми фойдаланиш учун ажратилган ҳолда ҳам, ундан фойдаланувчи умумий мулк ҳуқуқининг иштирокчиси бўлиб қолаверади. Уй-жойнинг бир қисми нобуд бўлса, умумий мулк ҳуқуқининг барча эгалари етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Нобуд бўлиш натижасида уй-жойдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлган шахс, умумий мулк ҳисобланган уй-жойнинг бошқа қолган қисмидан жой талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Демак, улуши аниқ белгиланмаган умумий мулк ҳуқуқи иштирокчиларининг мол-мулкдаги улушлари унинг муайян бир қисми билан эмас, балки унга бўлган ҳуқуқ билан белгиланади.

Умумий мулк ҳуқуқига тегишли бўлган улуш, умумий қоидага биноан, унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади. Аммо, ҳар бир иштирокчига ўз улушини Кодекснинг 224-моддасига амал қилган ҳолда эркин тасарруф этиш ҳуқуқи берилади.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ҳам иштирокчиларининг келишуви билан амалга оширилади. Агар бундай келишувга эришилмаса, суд томонидаги белгиланган тартибда амалга оширилади.

Улушли мулкдаги умумий мулкдан фойдаланиш натижасида келадиган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар умумий мол-мулк таркибига қўпилади ва мулк иштирокчилари ўртасида келишувга биноан, агар бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Умумий мол-мулкдаги улушнинг миқдори ундан олинган даромадларни тақсимлашда ҳам, шунингдек уни сақлаш билан боғлиқ харажатларни тақсимлашда ҳам аҳамиятга эга. Харажатлар умумий мулк ҳуқуқи иштирокчилари ўртасида тақсимланиши ҳақидаги қоида императив характерга эга. Ушбу қоидани иштирокчиларнинг келишуви билан ўзгартириб бўлмайди. Ҳар бир иштирокчи ўз улушига қараб харажатларни қоплашда иштирок этиши шарт. Лекин, ўзаро келишилган ҳолда, бир иштирокчи иккинчи иштирокчининг ҳисобидан харажатларни битимга асосан қоплашни ўз зиммасига олиши мумкинлиги инкор этилмайди.

Умумий мулк ҳуқуқидаги улуш шартномага кўра олувчига умумий қоида бўйича шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўтади. Мулк ҳуқуқининг тугатилиши учун сабаб бўлган умумий асослар (мулкнинг нобуд бўлиши, унга нисбатан ҳуқуқнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши ва ҳ.к.)дан ташқари умумий мулк ҳуқуқи унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши натижасида тугатилиши мумкин. Унинг алоҳида иштирокчиси учун умумий мулк ҳуқуқининг тугатилиши ушбу иштирокчининг умумий мол-мулкдан ўз улушини ажратиб олиши билан боғлиқ.

Умумий улушли мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улушни ажратиш иштирокчиларнинг келишувига мувофиқ, агар иштирокчилар ўртасида келишувга эришилмаса, суд тартибиде амалга оширилади. Суд умумий мол-мулкни тақсимлашнинг тартиби, муддати ва бошқа шартларини белгилаб бериши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи қонунда белгиланган ҳолларда вужудга

келади. Бошқа ҳолларда тарафларнинг келишуви билан биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи вужудга келмайди. Биргаликдаги умумий мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш унинг иштирокчилари томонидан биргаликда ва келишилган тартибда амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган битимлардан ташқари бошқа битимларни биргаликдаги мулк ҳуқуқининг иштирокчиларидан ҳар бири мустақил равишда тузиши мумкин. Бундай ҳолда бошқа иштирокчиларнинг розилиги борлиги фарз қилинади. Лекин булар битим тузувчига ваколат берилмаганлигини асос қилиб битимни бекор қилиш ҳақида талаб қўйишлари мумкин. Бундай талаб учун битим тузувчи ҳақиқатда ҳам бошқа иштирокчиларнинг розилиги бўлмаганлигини билган бўлиши ёки билиши лозим бўлиши талаб қилинади.

Биргаликдаги мол-мулкни унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек улардан бирининг улушини ажратиш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлангандан кейин амалга оширилиши мумкин. Биргаликдаги умумий мол-мулк қайси турдан иборат бўлишига қараб, уни тақсимлаш асослари ва тартиби ҳар хил бўлади. Масалан, эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулкни тақсимлаш деҳқон хўжалигининг биргаликдаги умумий мол-мулкни тақсимлашдан фарқ қилади.

Улушли ёки биргаликдаги мулк ҳуқуқига тегишли бўлган улушга нисбатан ундирувни қайтариш кредиторларнинг талабларига асосан амалга оширилиши мумкин. Лекин бунда икки ҳолатга эътибор бериш керак: а) биргаликдаги мулк ҳуқуқи иштирокчисининг кредиторларининг талабларини қаноатлантириш учун унинг улушидан бошқа мол-мулк бўлмаслиги керак; б) қарздор бўлган биргаликдаги мулк ҳуқуқи иштирокчиси ўз улушини ушбу мулк ҳуқуқининг бошқа иштирокчисига (иштирокчиларига) бозор нархида сотиши ва олган фойдаси ҳисобига кредиторлари олдидаги қар-

зидан қутилиши мумкин. Масалани бундай йўл билан ҳал қилиш учун имконият бўлмаган тақдирда, қарздорнинг бир-галикдаги умумий мулк ҳуқуқида бўлган улуши кимонди савдоси орқали сотилиб, унинг кредиторлари талаби тегишли равишда қаноатлантирилиши мумкин.

МУЛК ХУҚУҚИНИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ХУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

228-модда. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олиш (виндикация)

Мулқдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация).

229-модда. Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи бунни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулқдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулқдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулқдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгаллигидан чиқиб кетган бўлса, мулқдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулқдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Пул, шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар инсофли эгалловчидан талаб қилиб олинishi мумкин эмас.

230-модда. Мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олинганда даромадлар ва харажатларни тўлаш

Ушбу Кодекснинг 228-моддасига мувофиқ, мулқдор мол-мулкни талаб қилиб олаётганида қуйидагиларни ҳам талаб қилиб олишга ҳақлидир:

Ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахсдан (инсофсиз эгалловчи) ушбу шахс мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тўлашни;

инсофли эгалловчидан эса - у ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни.

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларини тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи мазкур нарсаларни ўзида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, лекин бу харажатлар ашёга қўшилган қийматдан кўп бўлмаслиги керак.

231-модда. Мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво)

Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво).

232-модда. Мулкдор бўлмаган эганинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, лекин мол-мулкка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, хўжалик юритиш, оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ёки қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга кўра эгалик қилаётган шахс

ҳам ушбу Кодекснинг 228-231-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

233-модда. Мулк ҳуқуқининг қонунга мувофиқ бекор бўлиш оқибатлари

Мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонун қабул қилинган тақдирда, ушбу қонунни қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарар, шу жумладан мол-мулкнинг қиймати давлат томонидан тўланади. Зарарни тўлаш билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал қилинади.

19-бобга шарҳлар

Мулк эгасининг ҳуқуқлари мол-мулкни бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш (виндикация) ва эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво) усуллари қўллаш йўли билан амалга оширилади. Виндикация ва негатор атамалари лотин тилидан олинган бўлиб, виндикация - мулкни ҳимоя қиламан, талаб қиламан, негатор эса - мулкдан фойдаланишда мавжуд тўсқинликларни бартараф қилишга қаратилган даъволар маъносини беради. Ўтмишда даъвонинг ушбу шакллари Рим ҳуқуқидан таркиб топган бўлиб, кўп давлатларнинг қонунларида, жумладан Ўзбекистон Фуқаролик кодексида ҳам ўз аксини топди (228, 231-моддалар). Лекин аввалги Кодексдаги ҳар қандай шароитда ва ҳолатда ҳам давлат мулкини ҳимоя қилишга нисбатан чекланмаган виндикация қўлланишига оид қоидалар (64-модда) тушириб қолдирилди. Масалан, ўз эгалигидаги мол-мулкка нисбатан ҳуқуққа эга бўлмаган, аммо бошқа шахсга қонуний равишда тегишли бўлган мол-мулкни эгаллаб турувчи шахслар инсофли ва инсофсиз эгалловчиларга бўлинади. Ушбу тушунчалар аввалги Кодексда бор эди, янги Кодексда ҳам сақлаб қолинди. Лекин аввалги Кодекс бўйича (162, 164-моддалар) фуқароларга тегишли мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун чекланган виндикация қўллан-

ган бўлса, яъни шахсий мулк эгаси Кодекснинг 163-модда-
сида белгиланган шартлар мавжуд бўлгандагина ўз мулкини
инсофли эгалловчидан талаб қила олса, бировга ўтказилган
ёки унинг томонидан эгаллаб олинган давлат мулки ҳар ким-
дан, яъни инсофли ва инсофсиз эгалловчидан ҳам барча ҳол-
ларда талаб қилиб олинishi мумкин эди. Янги Кодексга
биноан мол-мулкнинг, кимга (фуқарогами, юридик шахсга-
ми, давлатгами) тегишли бўлишидан қатъи назар, уни ин-
софли ёки инсофсиз эгаллаб турувчилардан ҳеч қандай ис-
тисносиз тенглаштирилган умумий қоидага асосан эгаси то-
монидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлди (229, 230-
моддалар).

Кодекснинг 228-231-моддалари бўйича виндикация ва
негатор даъволари кўзгатиш ҳуқуқи асосан мулк эгасига бе-
рилади. Лекин Кодекснинг 232-моддасига биноан умрбод
мерос қилиб қолдирилган мол-мулкка эгалик қилувчи шахс-
лар, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларига
эга бўлган ташкилотлар, шунингдек қонун ёки шартномада
назарда тутилган бошқа сабабларга кўра мол-мулкка эгалик
қилаётган шахслар ҳам ушбу моддалар, яъни 228-231-модда-
ларда назарда тутилган ҳуқуқларга эга. Бундай шахслар ўз
эгалигидаги мол-мулкни, унинг эгаси бўлган шахсдан ҳам
ҳимоя қилиш каби ҳуқуққа эга.

Хусусий мулкнинг муқаддаслиги ва унинг ҳар томон-
лама муҳофаза қилиниши Кодекснинг 233-моддасида ўз ак-
сини топди. Ушбу моддада белгиланган қоидага асосан, агар
мулк ҳуқуқи қонуний равишда бекор қилинган тақдирда
ҳам (масалан, национализация) бунинг оқибатида мулкдорга
етказилган зарарнинг ва мулк қийматининг ҳам давлат то-
монидан тўланиши назарда тугилади. Зарарни ва мулк қий-
матини тўлаш билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал қи-
линиши мумкин.

Мазкур 233-модда мазмун жиҳатдан “Ўзбекистон Рес-
публикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг 39-модда-
сини такрорлайди: **Мулк ҳуқуқи фақат қонунга мувофиқ бе-**

кор қилиниши мумкин. Мулк ҳуқуқини давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунига мувофиқ бўлмаган ҳужжатларидан ҳимоя қилиш усуллари тўғрисида Кодекснинг 12, 15-моддаларига ва уларга берилган шарҳларга қаралсин.

Хусусий мулк ҳисобланган мулкдорга қарашли уй, бошқа бинолар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулкдор мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши оқибатида етказилган зарар мулкдорга тўла-тўқис тўланади.

Мулкдор норози бўлган тақдирда низо суд, ҳужалик суди ёки бетараф, яъни ҳолислар суди томонидан ҳал қилинмагунча, мулк ҳуқуқининг бекор бўлишига олиб борадиган қарор амалга оширилмайди. Мулкдорга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ барча масалалар ҳам низо кўриб чиқиш жараёнида ҳал этилади.

Табиий офатлар, фалокатлар, юқумли касалликларнинг тарқалиши, ҳайвонларда касалликларнинг кенг ёйилиши ва фавқулодда рўй берадиган бошқа ҳолатларда мол-мулк давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда мулкдорлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва мол-мулкнинг қиймагини тўлаш шарти билан мажбурий тарзда олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин.

Кодекснинг 233-моддаси ва бошқа норматив актларга мувофиқ мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши оқибатида етказилган зарарни тўлашни давлат ўз зиммасига олиши қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини талаб қилади. Бундай ҳужжатда етказилган зарарни белгилаш қоидалари, уни ундириш тартиби ва муддати, етказилган зарар-

ни тўлашни бевосита амалга оширадиган давлат органи аниқ назарда тутилган бўлиши керак. Чунки 233-моддада назарда тутилган асосларга биноан етказилган зарарни ундириш бўйича қайси давлат органига нисбатан даъво қўзғатиш мумкинлиги тўғрисидаги масала охиригача ҳал қилинмаган. Бу масала “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасида ҳам ҳал қилинмасдан очиқ қолдирилган. Лекин Қонуннинг 40-моддасида мулк ҳуқуқини қонунга мувофиқ бекор бўлиши муносабати билан эмас, балки давлат бошқаруви органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорга етказилган зарарни қоплашга оид қоидалар назарда тутилади. Бундай ҳужжат чиқариш оқибатида мулкдорга етказилган зарар ушбу моддага мувофиқ тегишли, яъни ҳужжат чиқарган давлат бошқаруви органи ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органи ихтиёридаги маблағ ҳисобидан тўла-тўқис қопланиши шарт эканлиги таъкидланади. Демак, 40-моддада назарда тутилган ҳолларда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш учун даъвони кимга нисбатан қўзғатиш мумкинлиги аниқ кўрсатилиб ўтилади. Масаланинг бундай ҳал қилиниши Кодекснинг 11, 12-моддаларида назарда тутилган қоидаларга ҳам мос келади.

III БЎЛИМ

МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ

1-КИЧИК БЎЛИМ. МАЖБУРИЯТЛАР ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

20-БОБ

МАЖБУРИЯТ ТУШУНЧАСИ ВА ТАРАФЛАРИ

234-модда. Мажбурият тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари

Мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса - қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

235-модда. Мажбуриятнинг тарафлари

Мажбуриятнинг тарафлари - кредитор ёки қарздор сифатида бир ёки бир пайтнинг ўзида бир неча шахс ишгирок этиши мумкин.

Мажбуриятда қарздор томонида ишгирок этган шахслардан бирига кредитор билдирган талабларнинг ҳақиқий эмаслиги, шунингдек бундай шахсга талаб қўйишга доир даъво муддати ўтиб кетганлиги кредиторнинг қолган шахсларга бўлган талабларига ўзича дахл этмайди.

Агар тарафлар шартномага биноан бир-бирларига нисбатан мажбуриятли бўлса, тарафлардан ҳар бири бошқа тараф олдида унинг фойдасига нима қилиши шарт эканлиги жиҳатидан унинг қарздори ва айни бир пайтнинг ўзида ундан нима талаб қилишга ҳуқуқли эканлиги жиҳатидан унинг кредитори ҳисобланади.

Мажбурият унда тарафлар сифатида қатнашмаган шахслар (учинчи шахслар) учун бурчлар ҳосил қилмайди.

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ҳолларда мажбурият учинчи шахслар учун мажбуриятнинг бир тарафи ёки ҳар иккала тарафига нисбатан ҳуқуқ вужудга келтириши мумкин.

20-бобга шарҳлар

Мажбурият ҳуқуқи энг катта институтдан иборат. У асосан икки қисмдан - мажбурият ҳақидаги умумий қоидалардан (234-385-моддалар) ва мажбуриятларнинг турларидан иборат (386-1002-моддалар). Иккала қисмида ҳам янги боблар ва моддалар мавжуд. Эски Кодексдан олинган моддаларнинг кўпчилиги қайтадан ишлаб чиқилди ва таҳрир қилинди. Мажбурият тушунчаси, унинг тарафлари, вужудга келиши асослари, бажариш тартиб-қоидалари, бажаришни таъминлаш воситалари, бажарилмай қолиш оқибатлари, унинг тугатилиши ёки бекор бўлиши ҳақидаги моддаларни бозор муносабатларининг талабларига жавоб бериш даражасида тузишга ҳаракат қилинган.

Иккита моддадан иборат бўлган (234, 235-моддалар) ушбу бобда мажбурият тушунчаси ва унинг қўлланиши билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг доираси, вужудга келиш асослари ҳамда мажбуриятнинг тарафлари бўлмиш қарздор ва кредитор ҳақида умумий тавсиф беришга оид тан олинган умумий қоидалар бозор муносабатларининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда янгича таҳрирда тайёрланган.

Мажбурият бўйича бирон бир ҳаракатни бажаришга ёки бажаришдан ўзини сақлашга мажбур бўлган тараф - қарздор, ушбу ҳаракатни бажаришни ёки бажармасликни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган тараф - кредитор деб ҳисобланади. Шунга кўра мажбуриятларнинг субъектлари “қарздор” ва “кредитор” деб юритилади.

Айрим мажбуриятлар, масалан, қарз шартномасида бир тараф (қарз берувчи) фақат кредитор бўлиб ҳисобланса, ик-

кинчи тараф (қарз олувчи) фақат қарздор ҳисобланади. Лекин кўпинча мажбуриятдаги тарафлар бир йўла ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиб қатнашадилар. Масалан, олди-сотди мажбурияти бўйича сотилган ашёни(нарсани) топширишда қарздорга ўхшаса, сотилган нарсанинг пулини олишда эса кредиторга ўхшайди, худди шунингдек сотиб олувчи эса, аксинча, сотиб олинган нарсанинг нарҳини тўлашда қарздор сифатида, сотиб олинган нарсани қабул қилиб олишда кредитор сифатида гавдаланади.

Мажбурият актив (ҳаракатни бажариш, чунончи, мулкни топшириш, ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) ёки пассив (ҳаракат қилишдан сақланиш) бўлиши мумкин. Кодексада кўрсатилган деярли ҳамма мажбуриятлар актив ҳаракат қилишга қаратилган. Пассив, яъни ҳаракатни бажаришдан сақланишга қаратилган мажбуриятлар амалда кам учрайди. Масалан, бир наشريёт билан шартнома тузган муаллиф мазкур шартноманинг объекти бўлган асар тўғрисида бошқа наشريёт билан шартнома тузмаслик ҳақида мажбурият олади.

Ҳўжалик ширкати ёки жамиятнинг иштирокчилари ширкат ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик ҳақида мажбурият олади (Кодекс 59-моддасининг 3-қисмига қаралсин). Тўлиқ ширкат коммандитчиси ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишида қатнашмаслик тўғрисида мажбурият олади (Кодекс 61-моддасининг 1-қисмига қаралсин) ва шунга ўхшаш бошқа пассив мажбуриятлар.

Янги Кодексада мажбуриятнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатидан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди (234-модда). Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари муайян юридик фактлар содир бўлиши натижасида келиб чиқади. Демак, фуқаролик ҳуқуқий муносабати деб ҳисобланган мажбуриятларнинг вужудга келиши учун ҳам юридик фактлар асос бўлиб ҳисобланади. Бундай асослар мазкур модданинг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилганидек, шартномалардан, зиён етказиш билан боғлиқ ҳаракатлардан ва Кодекснинг 8-моддасида кўрсатилган бошқа асослардан иборат бўлиши мумкин.

Мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асос сифатида қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлар, пунингдек, гарчи қонунда назарда тутилган бўлмасада, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлар биринчи ўринда туради. 1963 йилги Кодексга мувофиқ мажбуриятларнинг вужудга келиши асослари сифатида планлаштириш актларига алоҳида эътибор берилди. Планлаштириш актларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг мазмунини белгилаш тартиби ҳақида махсус модда (171-модда) мавжуд эди.

Мажбуриятлар фақат шартномалар (икки томонлама битимлар)дан эмас, балки бир томонлама битимлардан ҳам, масалан, юқори сифатли фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш учун эълон қилинган танловдан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Мажбуриятлар вужудга келишининг асоси сифатида қонунда назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатлари тан олинishi мумкин. Масалан, тегишли давлат органининг рухсати (лицензияси) билан фуқаролар, юридик шахслар муайян тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадидлар ва турли фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қатнашадидлар.

Мажбурият фақат ҳаракатлардан эмас, балки ҳодисалардан ҳам, яъни шахснинг эркига боғлиқ бўлмаган ҳодисалардан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, табиий офат, сугурта ҳодисаси юз бериши, мораторий эълон қилиниши билан ҳам мажбуриятлар келиб чиқади.

Мажбурият ҳуқуққа номувофиқ асослардан, масалан, қонунга хилоф ҳаракатлардан, чунончи, бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишдан, шаъни ва қадр-қимматига асоссиз доғ туширишдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда бировларнинг айби билан боғлиқ бўлмаган объектив вазиятнинг пайдо бўлиши билан, масалан, етарли асослар бўлмагани ҳолда бошқаларга тегишли мулкни турли сабабларга кўра асоссиз олиш ёки унинг ҳисобига асоссиз бойиш натижасида ҳам вужудга келиши мумкин.

Мазкур бобга киритилган янги қоидага биноан мажбуриятда қарздор тарафида ишгирок этган шахслардан бирига кредитор билдирган талабларнинг ҳақиқий эмаслиги, шунингдек бундай шахсга талаб қўйишга доир даъво қўзғатиш мумкин бўлган муддат ўтиб кетганлиги кредиторнинг қолган бошқа қарздорларга бўлган талабларига ўзича дахл этмайди. Ушбу бобда қатъий (императив) норма ҳам мавжуд (235-модда 4-қисм). Унга кўра мажбурият унда тараф сифатида қатнашмаган шахслар (учинчи шахслар) учун бурчлар ҳосил қилмайди.

21-БОБ

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ

236-модда. Умумий қоидалар

Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

237-модда. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги

Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

238-модда. Мажбуриятнинг келишилган ва мақбул усулда бажарилиши

Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак.

239-модда. Мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилиши

Башарти бошқача тартиб қонун ҳужжатларида, шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки иш муомаласи одатларидан ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қилмасликка ҳақли.

240-модда. Мажбуриятнинг тегишли шахс учун бажарилиши

Агар бошқача тартиб тарафларнинг келишувида назарда тутилган бўлмаса ва иш муомаласи одатларидан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор мажбуриятни бажариш чоғида ижрони кредиторнинг ўзи ёки бу иш

учун у ваколат берган шахс қабул қилаётганлигини исботлашни талаб қилишга ҳақли бўлади ва бундай талабни қўймаганлик оқибатлари хавфи унинг зиммасида бўлади.

241-модда. Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятни тўла ҳажмда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек агар учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт.

Мажбурият бажарилмаганлиги учун, башарти қонун ҳужжатлари ёки шартномада учинчи шахснинг жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса, шартномадаги тараф жавобгар бўлади.

242-модда. Мажбуриятни бажариш муддати

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса - ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

243-модда. Мажбуриятни муддатидан илгари бажариш

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан ёинки иш муомаласи одатларидан ёки одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилса, қарздор мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга ҳақли, кредитор эса - ижрони муддатидан илгари қабул қилиши шарт.

244-модда. Мажбуриятни бажаришни кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб бажариш

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажаришни кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажаришга йўл қўйилмайди.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд қарздорга мажбуриятни бажаришни кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб бажариш имконини беришга ҳақли.

245-модда. Пул мажбуриятларининг валютаси

Пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (экию, “махсус қарз олиш ҳуқуқлари” ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кунисидаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг бошқача курси ёки бошқа санаси қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида чет эл валютасидан, шунингдек чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар, тартиб ва шартлар асосида йўл қўйилади.

246-модда. Мажбуриятни бажариш жойи

Агар мажбуриятни бажариш жойи қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгилаб қўйилган бўлмаса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан ёинки одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилмаса, ижро қуйидаги жойларда амалга оширилиши керак:

1) кўчмас мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича мол-мулк турган жойда;

2) ташишни назарда тутадиган товар ёки бошқа мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича - товарни креди-

торга етказиб бериш учун уни биринчи ташувчига топшириш жойида;

3) қарздорнинг товарни ёки бошқа мол-мулкни топшириш юзасидан ўзга мажбуриятлари бўйича - мол-мулкни тайёрлаш ва сақлаш жойида, башарти мажбуриятнинг келиб чиқиши пайтида бу жой кредиторга маълум бўлган бўлса;

4) пул мажбурияти бўйича - мажбурият вужудга келган пайтда кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса - унинг мажбурият вужудга келган пайтда жойлашган ерида, агар кредитор мажбуриятни бажариш вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган ерини ўзгартирган бўлса ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса - ижро этиш жойи ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида ёки жойлашган ерида;

5) бошқа барча мажбуриятлар бўйича - қарздорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида.

247-модда. Фуқаронинг таъминоти учун тўланадиган суммани кўпайтириш

Пул мажбурияти бўйича бевосита фуқаронинг таъминоти учун тўланадиган сумма (ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни тўлаш, умрбод таъминлаш шартномаси бўйича ва бошқа ҳолларда) меҳнатга тўланадиган ҳақнинг қонун томонидан белгилаб қўйилган энг кам миқдори оширилишига мутаносиб равишда кўпайтириб борилади.

248-модда. Пул мажбурияти бўйича талабларни қондириш навбати

Амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаганида, бошқа келишув бўлмаса, у энг аввало кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг қолган қисми эса - қарзнинг асосий суммасини узади.

249-модда. Қарзни депозитга қўйиш йўли билан мажбуриятни бажариш

Қарздор ўзи тўлаши лозим бўлган пул ёки қимматли қоғозларни нотариуснинг депозитига, қонунда белгиланган ҳолларда эса суднинг депозитига қўйишга ҳақли, башарти мажбурият қарздор томонидан қўйидагилар туфайли бажарилиши мумкин бўлмаса:

1) мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса;

2) кредитор муомалага лаёқатсиз бўлса ва унинг вакили бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса;

3) мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан;

4) кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан.

Пул суммасини ёки қимматли қоғозларни нотариус ёхуд суднинг депозитига қўйиш мажбуриятни бажариш ҳисобланади.

Депозитига пул ёки қимматли қоғозлар қўйилган нотариус ёхуд суд кредиторни бундан хабардор қилади.

250-модда. Муқобил мажбуриятни бажариш

Агар қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини қилиши ёхуд кредиторга бир ёки бошқа мол-мулкни топшириши лозим бўлса, башарти қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, танлаш ҳуқуқи қарздор ихтиёрида бўлади.

251-модда. Бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этадиган мажбуриятни бажариш

Агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонундан ёки шартно-

мадан бошқача тартиб ангилашилмаса, у ҳолда ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда бажаришни талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса бу талабни бажариши шарт.

252-модда. Солидар қарздорлар мажбурияти бўйича кредиторнинг ҳуқуқлари

Қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганида кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар бажаришни ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Солидар қарздорларнинг биридан тўлиқ қаноатланмаган кредитор ололмаган нарсасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунича бурчли бўлиб қолаверадилар.

253-модда. Солидар қарздорларнинг кредитор талабларига қарши эътирозлари

Қарздор солидар бўлиб мажбурият олган тақдирда бошқа қарздорларнинг кредитор билан мазкур қарздор қатнашмайдиган муносабатларига асосланган эътирозларни кредиторнинг талабларига қарши қўйишга ҳақли эмас.

254-модда. Солидар мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан бажарилиши

Солидар мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан тўлиқ бажарилиши қолган қарздорларни кредитор олдидаги мажбуриятни бажаришдан озод қилади.

Агар қонунларда ёки шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, солидар мажбуриятни бажарган қарздор ўз улушини чегириб ташлаб, бошқа қарздорларга тенг улушларда регресс талаби қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Солидар мажбуриятни бажарган қарздорга тўланмаган ҳақ бу ва бошқа қарздорлар зиммасига тенг улушларда тушади.

255-модда. Солидар талаблар

Талаб солидар бўлиб қўйилганида ҳар қандай солидар кредитор қарздорга тўла ҳажмда талаб қўйишга ҳақли бўлади.

Қарздор солидар кредиторлардан бирининг талабига қарши ўзининг ушбу кредитор қатнашмайдиган бошқа солидар кредиторлар билан муносабатларига асосланган эътирозларни қўйишга ҳақли эмас.

Мажбуриятни солидар кредиторлардан бирига нисбатан тўла бажариш қарздорни мажбуриятни бошқа солидар кредиторларга нисбатан бажаришдан озод қилади.

Қарздордан мажбуриятнинг ижросини қабул қилиб олган солидар кредитор, башарти улар ўртасидаги муносабатлардан бошқача тартиб англашилмаса, бошқа кредиторларга тегишли бўлган улушларни уларга тўлаши шарт.

256-модда. Мажбуриятларни муқобил суратда бажариш

Тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади.

Бурчли тараф шартномада белгилаб қўйилган мажбуриятни бажармаган ёки мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаслигини очиқ кўрсатиб турган вазият мавжуд бўлган тақдирда, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятини бажармай туришга ёки бу мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ва кўрилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада кўрсатилган мажбурият тўла ҳажмда бажарилмаган бўлса, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятининг иккинчи тарафнинг тўла ҳажмда бажарилмаган мажбуриятига мос келадиган қисмини бажаришни тўхтатиб қўйишга ёки бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Агар бир тараф шартномада белгилаб қўйилган ўз мажбуриятини бажармаган бўлишига қарамай, иккинчи тараф мажбуриятнинг муқобил ижросини амалга оширган бўлса, биринчи тараф ўз мажбуриятини бажариши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳодалар, шартнома ёки қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, қўлланилади.

257-модда. Мажбуриятнинг бажарганлигини тасдиқлаш

Кредитор мажбуриятнинг бажарилишини қабул қилиб

олган вақтида, қарздорнинг талаби билан унга мажбуриятнинг тўла ёки қисман бажарилишини қабул қилиб олганлиги ҳақида тилхат бериши шарт. Оғзаки битимлар юридик шахслар билан фуқаролар ўртасида бажарилганида товарлар ёки хизматлар ҳақини тўлаган юридик шахс бошқа тарафдан пул тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни ва тўлов асосини олиши керак.

Агар қарздор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ижрони қабул қилиб олаётган вақтида ушбу ҳужжатни қайтариб бериши, қайтариб беришнинг имкони бўлмаганида эса - буни ўзи бераётган тилхатда кўрсатиши керак. Тилхат ўрнига қайтариб берилаётган қарз ҳужжатига устхат ёзилиши мумкин. Қарз ҳужжатининг қарздорда бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди.

258-модда. Мажбурият бажарилганлигини тасдиқлаш ҳақидаги талабни бажармаслик оқибатлари

Кредитор тилхат беришдан, қарз ҳужжатини қайтаришдан ёки қайтариб бериш имкони йўқлигини тилхатда кўрсатишдан бош торган тақдирда, қарздор ижрони тўхтатиб туришга ҳақли бўлади. Бундай ҳолларда кредитор муддатни кечиктирган ҳисобланади.

21-бобга шарҳлар

Ушбу бобга мажбуриятларнинг бажарилишига бағишланган асосий ва мажбуриятларнинг барча турлари учун умумий бўлган қоидалар киритилди. Алоҳида мажбуриятлар ва айниқса шартномалар уларнинг бажарилишини мукамал тартибга солишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ушбу бобдаги кўпчилик моддаларда “агар қонунларда ёки шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса” деб таъкидлаб ўтилади. Биринчи галда Кодекснинг ўзи бундай қонулардан ҳисобланади. Унинг иккинчи қисмида шартнома ва мажбуриятлар алоҳида турларининг бажарилишига оид

кенг доирадаги махсус қоидалар мавжуд. Ундан ташқари, ушбу бобда диспозитив, яъни қоидаларни белгиловчи ва шунинг билан бирга у ёки бу қоидани танлашга ва қўллашга йўл қўювчи нормалар етарли даражада ўрин эгаллайди. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, тарафлар мажбуриятида уни бажариш учун бирон-бир тартибни ўзлари шарт қилиб қўйишлари мумкин, агар қўймаган бўлсалар, Кодексда белгиланган диспозитив норма қўлланилади. Диспозитив норма белгилангантақдирда ҳам мажбуриятларнинг бажарилиши “иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ” (236-модда) ёки “мажбуриятнинг моҳиятидан” (238-модда, 2-қисм) келиб чиқиб амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида қоидалар назарда тутилади. Ушбу қоидалар 1963 йилги Кодекснинг 180-моддасида белгиланган талаблардан кескин фарқ қилади. Ушбу моддада мажбуриятлар қонун ва планлаштириш актларига мувофиқ белгиланган муддатда, социалистик халқ ҳўжалиги учун тежамли бўлган тарзда бажарилиши талаб қилинарди.

Аввалги Кодекснинг 181-моддасига мувофиқ мажбуриятни **бажаришдан бир томонлама бош тортишга** ва шартнома бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмасди. Тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, агар қонун ҳужжатлари ва шартномадан бошқача маъно англашилмаса, тегишли мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ёки бир томонлама ўзгартириш киритиш шартномада ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин (237-модда).

Кодексга мажбуриятнинг **келишилган ва мақбул усулда бажарилишига** бағишланган янги 238-модда киритилди. Мазкур моддада кўрсатилган қоидалар барча турдаги мажбуриятларнинг бошқарилиш усуллариини белгилашга қаратилгандир. Муайян мажбуриятнинг бажарилиш усули унинг моҳиятидан англанилиши мумкин, масалан, 418-моддага биноан, агар товар ҳақини муайян муддатда тўлаш мажбурияти шартнома билан белгиланмаган бўлса, сотиб олувчи товар ҳақини

уни қабул қилиб олиши билан бир вақтда тўлаши лозим. Зарар етказиш билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилиши усуллари асосан қонун билан белгиланади, 238-моддага мувофиқ мажбуриятни бажаришнинг мақбул усуллари унинг моҳиятидан келиб чиқмаса ёки қонун билан белгиланмаган ҳолларда “шартномада кўрсатилган бўлиши керак”. Демак, мажбуриятнинг бажарилиши усули унинг ўзининг моҳиятига, хусусиятига қараб, шунингдек қонунда ва шартномада кўрсатилган бўлишига қараб белгиланиши мумкин.

Бажарилган мажбуриятни шахсан кредиторларнинг ўзи ёки у ваколат берган шахс томонидан қабул қилинганини **исботлаш учун ҳужжат** талаб қилиниши янги қоида бўлиб, қарздорга ўз мажбуриятини бажарганини тасдиқлаш учун асос бўлади (240-модда). Бундай қоиданинг белгиланиши, айниқса, ҳозирги тадбиркорлик соҳасида ривожланган, нақд пул ҳисобига амалга ошириладиган, бажариладиган мажбуриятларнинг бажарилганлигини исботлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Мажбуриятни бажаришни **учинчи шахс зиммасига юклаш** ҳақидаги қоида қисман ўзгартириш ва қўшимча киритиш билан сақлаб қолинди (241-модда). Бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш фақат шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга нисбатан қўлланиши мумкинлиги назарда тутилади. Шунинг билан бирга бундай юклаш учинчи шахснинг маъмурий жиҳатдан бўйсунishi сабабли мумкин бўлиши ҳисобга олинмади. Янги қоидага мувофиқ мажбуриятни бажаришни қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган, шунингдек учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлган ҳолларда учинчи шахс зиммасига юклатиш мумкин. Ушбу моддада учинчи шахс иштирокида бажариладиган мажбурият бўйича бевосита ким жавобгар бўлиши ҳақида ҳам қоида назарда тутилди. Ушбу қоидага кўра мажбурият бўйича учинчи шахс қонун ҳужжатларида ёки шартномада махсус назарда тутилган тақдирдагина жавобгар бўлади. Бошқа ҳолларда, умумий қоидага биноан, жавобгар бўлиш бевосита шартнома тарафларининг ўртасида вужудга келади.

Мажбуриятни **бажариш муддати** ҳақидаги аввалги Кодексда белгиланган қоида деярли сақлаб қолинди (184-модда). Лекин мажбурият планлаштириш акти билан белгиланган муддатда бажарилиши лозимлиги ҳақидаги талаб янги 242-моддага киритилмади.

Мажбуриятнинг муддатидан илгари бажарилишига йўл қўйилади (243-модда). Муддатдан илгари бажарилган мажбуриятни кредитор қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Лекин, муддатидан илгари қабул қилиш қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек бундай қабул қилиш мажбуриятнинг моҳиятидан ёинки иш муомаласи одатларидан ёки одатда қўлланиладиган бошқа талаблардан англашилса, кредитор муддатидан илгари бажарилган мажбуриятни қабул қилиши шарт. Демак, бундай ҳолатда қўлланиши назарда тутилган норма маълум даражада императив характерга эга. 244-моддада белгиланган умумий қоидага биноан мажбуриятни **бажаришни кечиктиришга** ёки бўлиб-бўлиб бажаришга йўл қўйилмайди. Бундай бажаришга қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина, шунингдек суд қарорига асосан йўл қўйилиши мумкин.

1963 йилги Кодексга асосан **пул тўғрисидаги мажбуриятлар** совет валлотаси (рубли) билан ифодаланар ва тўланарди, уларни чет эл валлотасида ифодалаш ва тўлашликка фақат ССР Иттифоқи қонунлари билан белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйиларди. Пул мажбуриятлари белгиланган қоидага ҳилоф равишда чет эл давлатлари валлотаси билан ҳисоб-китоб қилинса, бундай битимлар давлат ва жамоат манфаатларига зид мақсадда тузилган деб ҳисобланарди ва бинобарин ҳақиқий эмас деб топиларди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ташкил топиши жараёнида ва республика тадбиркорларининг чет эл давлатлари тадбиркорлари билан иқтисодий муносабатлари авж олиши туфайли пул тўғрисидаги мажбуриятларни ҳуқуқий тартибга солиш қоидаларида тегишли ўзгаришлар юз берди.

Янги Кодекснинг 245-моддасига биноан пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасига муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (эю, “махсус қарз олиш ҳуқуқлари” ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилади. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгиланиши назарда тутилади. Лекин қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишуви билан валютанинг бошқача курси ёки бошқа санаси белгилаб қўйилган бўлиши ҳам мумкинлиги кўзда тутилади.

Мажбуриятни **бажариш жойи** ҳақидаги аввалги Кодекснинг 187-моддасига қўшимча тарзда яна учта ҳол назарда тутиди. Булар: кўчмас мол-мулкни топшириш; товар ёки бошқа кўчар мол-мулкни топшириш; қарздорнинг ўзга мажбуриятларини бажариши каби ҳоллар мажбуриятни бажариш жойи деб ҳисобланади (246-модда).

Фуқароларнинг моддий таъминотини ҳуқуқий ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан Кодекснинг 247-моддаси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу моддага асосан пул мажбурияти бўйича бевосита **фуқароларнинг таъминоти учун тўланадиган сумма** (ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни тўлаш, умрбод таъминлаш шартномаси бўйича ва бошқа ҳолларда) меҳнатга тўланадиган ҳақнинг қонун томонидан белгилаб қўйилган энг кам миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтириб борилиши назарда тутилади.

Пул тўғрисидаги мажбуриятларни ижро этиш ҳақидаги қоида аввалги Кодекснинг 188-моддасига мувофиқ фақат ташкилотларга тегишли бўлиб, улар ўртасидаги тўловлар қонун билан белгиланган тартибда давлат банки ва бошқа кредит муассасалари орқали амалга оширилиши мумкин эди. Янги Кодекснинг 248-моддаси ҳам пул мажбуриятларига бағишланади. Лекин ушбу моддада пул тўловларининг кимлар ўртасида бўлиши ва албатта давлат банки орқали амалга оширилиши ҳақидаги талаб қабул қилинмади. Унда асосий эъти-

бор пул мажбуриятлари бўйича талабларни қондириш навбагини белгилаш а қаратилади. Пул мажбуриятини бажариш учун учта навбат белгиланди. Масалан, қарздор пул мажбуриятини тўла ҳажмда бажаролмаса, бунинг учун маблағи етарли бўлмаса, у биринчи галда кредиторнинг ушбу мажбурияти бажарилишини талаб қилиш билан боғлиқ бўлган чиқимларини, иккинчи галда пул мажбурияти бўйича олиши мумкин бўлган фоизларни, сўнгра қарзнинг қолган қисмини унинг асосий қисмига қўшиб тўла ҳажмда тўлаши лозим.

Мажбуриятни бажаришда қарзни депозитга қўйиш сабаблари анча кенгайтирилди. Мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги ноаниқ бўлиб, бу ҳақда низо вужудга келса, кредитор ижрони қабул қилишдан бўйин товласа, бу каби сабаблар ҳам қарзни депозитга қўйиш учун асос бўлиб ҳисобланди. Шунинг билан бирга олдин бўлганидек қарзнинг фақат нотариус депозитига эмас, балки суд депозитига қўйиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилади. Қарз депозитга қўйилганлиги ҳақида кредиторни хабардор қилиш вазифаси нотариусга ва судга юклатилади (249-модда).

Аввалги Кодекснинг 193, 195, 199-моддаларида солидар (шериклик) мажбуриятлар, улар бўйича эътирозлар, уларнинг бажарилиши ҳақидаги қоидалар мазмун ва таҳрир жиҳатдан жиддий ўзгаришсиз сақлаб қолинди (251-255-моддалар).

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро мураккаб мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини тартибга солиш қоидалари 256-моддада белгиланди. Мажбуриятларни муқобил суратда бажаришни таъминлашга қарагилган ушбу модда муҳим аҳамиятга эга. Мажбуриятни муқобил суратда бажариш контрактация шартномасининг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай. Умумий қоидага биноан мажбуриятни муқобил суратда (встречное исполнение) бажарадиган тараф, агар ушбу мажбуриятнинг иккинчи тараф томонидан бажарилишига иқрор бўлмаса, у мажбури-

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

259-модда. Умумий қоидалар

Мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги ушбу мажбуриятнинг (асосий мажбуриятнинг) ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

1-§. НЕУСТОЙКА

260-модда. Неустойка тушунчаси

Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас.

Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади.

Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

261-модда. Неустойка шакллари

Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

262-модда. Неустойка тўғрисидаги келишувнинг шакли

Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак.

263-модда. Қонуний неустойка

Неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун таъқиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

2-§. ГАРОВ

264-модда. Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга кўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгилаб қўйилган чегиринлардан кейин, ҳақли бўлади.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатланти-

рилишига ҳақли, башарти мол-мулкни йўқотиш ёки унга зиён етказиш гаровга олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса.

Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади.

265-модда. Гаров турлари

Гаров закатат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закатат деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

266-модда. Гаровга қўювчи

Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Ашёнинг мулкдори ашёни гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

267-модда. Гаров нарсаи

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаи бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкни гаровга қўйиш қонун ҳужжатлари билан ман этилиши ёки чекланиши мумкин.

268-модда. Гаров билан таъминладиган талаб

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров талабнинг уни қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан фоизлар, неустойка, ижрони кечикти-

риб юбориш натижасида етказилган зарар тўланишини, шунингдек гаровга олувчининг гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлайди.

269-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг гаровга олувчига берилиши ва берилмаслиги

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади.

Ипотека деб белгиланган мол-мулк, шунингдек гаровга қўйилган муомаладаги товарлар ҳам гаровга олувчига топширилмайди.

Гаров нарсаси гаровга олувчи томонидан қулфланган ва муҳрланган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин.

Гаров нарсаси гаровга қўйилганлигини билдирувчи белгилар қўйган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин (қатъий гаров).

Гаровга қўювчи томонидан эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун вақтинча учинчи шахсга топширилган гаров нарсаси гаровга қўювчида қолдирилган ҳисобланади.

Қимматли қоғоз билан тасдиқланган мулкий ҳуқуқ гаровга қўйилганида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчига ёки нотариус депозитига топширилади.

270-модда. Гаров ҳуқуқининг вужудга келиши

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса - нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса - у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Башарти, гаров нарсаси қонунга ёки шартномага асосан гаровга қўювчида бўлиши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтдан, башарти бундай топшириш шартнома тузилишидан аввал амалга ошган бўлса - шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

271-модда. Гаров тўғрисидаги шартнома, унинг шакли ва шартномани рўйхатдан ўтказиш

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинadиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги қоидаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

272-модда. Гаровга олувчининг ҳуқуқлари жорий қилинадиган мол-мулк

Гаров нарсаси бўлган ашёга гаровга олувчининг ҳуқуқлари (гаров ҳуқуқи), агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёнинг кимга мансублигига қараб жорий қилинади.

• Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадларга гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда жорий қилинади.

Бутун корхона ёки бошқа мулккий комплекс ипотекасида гаров ҳуқуқи унинг таркибига кирувчи кўчмас ва кўчар мол-мулкнинг ҳаммасига, шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда ипотека даврида олинган ҳуқуқларга ҳам, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жорий қилинади.

Бино ёки иншоот ипотекасига айти бир вақтнинг ўзида ўша шартнома бўйича шу бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини ёхуд бу участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлаштини таъминлайдиган қисмини ёки гаровга қўювчига қарашли бўлган ушбу участкани ёхуд унинг тегишли қисмини ижарага олиш ҳуқуқини бир вақтда ипотекага қўйган тақдирдагина йўл қўйилади.

Ер участкасини ипотекага қўйишда гаров ҳуқуқи, агар шартномада бошқача шарт назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчининг ушбу участкада бўлган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига жорий қилинмайди.

Шартномада бундай шарт бўлмаса, ундирув гаровга қўйилган ер участкасига қаратилган тақдирда гаровга қўювчи ер участкаси унинг бино ёки иншоотдан ўз ўрнида фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини сақлаб қолади. Участканинг бу қисмидан фойдаланиш шартлари гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишуви асосида, низо чиққан тақдирда эса - суд томонидан белгиланади.

Агар гаровга қўювчига эмас, балки бошқа шахсга қарашли бинолар ёки иншоотлар жойлашган ер участкасига ипотека белгиланган бўлса, гаровга олувчи ундирувни ушбу участкага қаратганида ва у кимосиди савдосида сотилганида гаровга қўювчининг ушбу шахсга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари участкани сотиб олувчига ўтади.

Гаров тўғрисидаги шартномада, қонун асосида пайдо бўладиган гаровга нисбатан эса - қонунда, гаровга қўювчи келажакда эга бўладиган ашёларни ва мулкый ҳуқуқларни гаровга қўйиш назарда тутилиши мумкин.

273-модда. Навбатдаги гаров

Агар гаровга қўйилган мол-мулк бошқа талабларни таъминлаш учун яна бир гаров нарчасига айланса (навбатдаги гаров), навбатдаги гаровга олувчининг талаблари олдинги гаровга олувчиларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин ушбу мол-мулк қийматидан қаноатлантирилади.

Агар гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда навбатдаги гаров тақиқлаб қўйилган бўлмаса, навбатдаги гаровга йўл қўйилади.

Гаровга қўювчи ҳар бир навбатдаги гаровга олувчига ушбу мол-мулкнинг мавжуд бўлган барча гаровлари ҳақида маълум қилиши шарт ва у ушбу мажбуриятни бажармаслик туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарар учун жавоб беради.

274-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва ас- раш

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк кимдалигига қараб (ушбу Кодекснинг 269-моддаси):

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича, борди-ю мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаш;

2) гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлаш учун, шу жумладан уни учинчи шахсларнинг тажовузлари ва талабларидан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриши;

3) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида иккинчи тарафни дарҳол огоҳлантириши шарт.

Гаровга олувчи ва гаровга қўювчи иккинчи тарафдаги гаровга қўйилган мол-мулкнинг мавжудлигини, миқдорини, ҳолатини ва уни сақлаш шароитларини ҳужжатлар асосида ва амалда текширишга ҳақли.

Гаровга олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган бурчларни гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиш ёки шикастланиш хавфини туғдирадиган даражада қўпол суратда бузганида гаровга қўювчи гаровни муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

275-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланишининг оқибатлари

Агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади.

Агар гаровга олувчи ушбу Кодекснинг 333-моддасига мувофиқ жавобгарликдан озод этилиши мумкинлигини ишотлай олмаса, у ўзига топширилган гаров нарсасининг бутунлай ёки қисман йўқолганлиги ёхуд шикастланганлиги учун жавоб беради.

Гаров нарсаси гаровга олувчига топшириш чоғида қанча суммага баҳоланган бўлишидан қатъи назар, гаровга олувчи гаров нарсаси йўқолганлиги учун унинг ҳақиқий қиймати миқдорида, гаров нарсасига шикаст етказилганлиги учун эса - бу қиймат қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма миқдорида жавоб беради.

Агар гаров нарсаси шикастланиш натижасида ундан бевосита ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, гаровга қўювчи ундан воз кечишга ва унинг йўқолганлиги учун ҳақ талаб қилишга ҳақли.

Шартномада гаровга олувчининг гаров нарсаси йўқолиши ёки шикастланиши туфайли гаровга қўювчига етказилган бошқа зарарни тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор бўлган гаровга қўювчи гаров нарсасининг йўқолиши ёки шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабни гаров билан таъминланган мажбуриятларни қоплаш учун ҳисобга олишга ҳақли.

276-модда. Гаров нарсасини алмаштириш ва тиклаш

Гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё ҳўжалик юригиш ҳуқуқи қонун-

да белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса - суд белгиланган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

277-модда. Гаров нарсасидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарсасидан унинг вазифасига кўра фойдаланишга, шу жумладан ундан ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи фақат гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топширишга ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни вассият қилиб қолдириш ҳуқуқини чеклайдиган келишув ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Гаровга олувчи ўзига топширилган гаров нарсасидан шартномада назарда тутилган ҳоллардагина фойдаланишга ҳақли бўлиб, гаровга қўювчига ундан фойдаланиш тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб туради. Шартномага мувофиқ гаровга олувчи зиммасига асосий мажбуриятни бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб, гаров нарсасидан ҳосил ва даромадлар олиш бурчи юклаб қўйиши мумкин.

278-модда. Гаровга олувчининг гаров нарсасига бўлган ўз ҳуқуқлариши ҳимоя қилиши

Гаровга олувчи ўз ихтиёрида бўлган ёки бўлиши лозим бўлган гаровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашидан, шу жумладан гаровга қўювчининг эгаллашидан талаб қилиб олишга ҳақли (ушбу Кодекснинг 228, 229, 230, 232-моддалари).

Шартнома шартларига кўра гаровга олувчига ўзига топширилган гаров нарсасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳолларда у бошқа шахслардан, шу жумладан гаровга қўювчидан ҳам, ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишини бартараф этишни, гарчи бу бузилишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам (ушбу Кодекснинг 231, 232-моддалари), талаб қилиши мумкин.

279-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш асослари

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчининг талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мутлақо мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиш мумкин.

280-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тартиби

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисоби-

дан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарсасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин.

Ундирув гаров нарсасига қўидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганида;

2) гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадий ёки ўзга маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;

3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

281-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш

Ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган гаровдаги мол-мулкни сотиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кимошди савдосида сотиш йўли билан амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни кимошди савдосида сотишни бир йилгача муддатга кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкни гаровга қўйиш билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларига таъсир қилмайди ҳамда қарздорни кредиторнинг кечиктириш даври мобайнида қўпайган зарари ва неустойкани ундиришдан озод қилмайди.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳоси ундирув суд тартибида мол-мулкка қаратилган ҳолларда суд қарори билан ёки бошқа ҳолларда гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан келишуви натижасида белгиланади.

Гаровга қўйилган мол-мулк кимошди савдосида энг юқори баҳони таклиф қилган шахсга сотилади.

Кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини

гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олиш-сотиш шартномаси қоидалари қўлланилади.

Такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаров нарсасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у, қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтариб берилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси сотилгунча хоҳлаган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг ижроси кечиктириб юборилган қисмини бажариб, ундирувни унга қаратишга ва уни сотишга барҳам бериши мумкин. Бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

282-модда. Гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажариш ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш

Гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни куйидаги ҳолларда муддатидан илгари бажаришни талаб қилишга ҳақли:

1) агар гаров нарсаси гаровга қўювчида қолдирилган бўлиб, гаров тўғрисидаги шартнома бузилган ҳолда унинг эгалитидан чиққан бўлса;

2) гаровга қўювчи гаров нарчасини алмаштириш қоидаларини бузган бўлса (ушбу Кодекснинг 276-моддаси);

3) гаров нарчаси гаровга олувчи жавоб бермайдиган вазиятларда йўқолган бўлса, агар гаровга қўювчи ушбу Кодекс 276-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса.

Гаровга олувчи қуйидаги ҳолларда гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни талаб қилишга, агар унинг талаби қондирилмаса, ундирувни гаров нарчасига қаратишга ҳақли:

1) гаровга қўювчи навбатдаги гаров қоидасини бузган бўлса (ушбу Кодекснинг 273-моддаси);

2) гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асраш юзасидан ушбу Кодекс 274-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида ҳамда иккинчи қисмида назарда тутилган бурчларни бажармаса;

3) гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни тасаруф этиш қоидаларини бузса (ушбу Кодекс 277-моддасининг иккинчи ваучинчи қисмлари).

283-модда. Гаровнинг бекор бўлиши

Гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида;

2) ушбу Кодекс 274-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослар бўлганида гаровга қўювчининг талаби билан;

3) гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида, башарти гаровга қўювчи ушбу Кодекс 276-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлмаса;

4) гаровга қўйилган мол-мулк кимошди савдосида сотилган тақдирда, шунингдек уни сотиш мумкин бўлмаган тақдирда (ушбу Кодекс 281-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари). Ипотека бекор бўлгани ҳақида ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган реестрга белги қўйилиши керак.

Гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши натижасида ёки гаровга қўювчининг талаби билан гаров бекор бўлганида (ушбу Кодекс 274-моддасининг учинчи қисми) ихтиёрида гаровга қўйилган мол-мулк бўлган гаровга олувчи уни дарҳол гаровга қўювчига қай тариб бериши шарт.

284-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтганида гаровнинг сақланиши

Гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи бу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Агар гаровга олувчи билан келишувда ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, гаровга қўювчининг ҳуқуқий вориси гаровга қўювчининг ўрнига ўтади ва унинг ҳамма бурчларини бажаради.

Агар гаровга қўювчининг гаров нарсаси бўлган мол-мулки ҳуқуқий ворислик тартибида бир неча шахсга ўтган бўлса, ҳуқуқий ворисларнинг (мол-мулкни олувчиларнинг) ҳар бири гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармасликнинг гаровдан келиб чиқадиган оқибатига мазкур мол-мулкнинг ўзига ўтган қисмига мутаносиб равишда жавоб беради. Агар гаров нарсаси бўлинмаса ёки бошқа асосларга кўра ҳуқуқий ворисларнинг умумий мулки бўлиб қолса, улар солидар гаровга қўювчиларга айланадилар.

285-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий равишда олиб қўйишнинг оқибатлари

Агар гаровга қўювчининг гаров нарсаси бўлган мол-мулкка мулк ҳуқуқи қонун билан белгиланган асослар ва тартибда, давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги (ҳақини тўлаб олиш), реквизиция ёки национализация оқибатида бекор бўлса, гаровга қўювчига бошқа мол-мулк берилади ёки тегишли ҳақ тўланади. Бундай ҳолда ўрнига-ўрин берилган мол-мулкка гаров ҳуқуқи татбиқ этилади ёки тегишинча, гаровга олувчи гаровга қўювчига тегиши керак бўлган

ҳақ суммасидан ўз талабини имтиёзли қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Гаров нарсаси бўлган мол-мулк аслида ушбу мол-мулкнинг эгаси бошқа шахс эканлиги (ушбу Кодекснинг 228-моддаси) асосида ёки жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун (ушбу Кодекснинг 204-моддаси) гаровга қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда ушбу мол-мулкнинг гаровга қўйилиши бекор бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни талаб қилишга ҳақли.

286-модда. Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш

Гаровга олувчи талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш йўли билан кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа шахсга бериш ҳақидаги қоидаларга (ушбу Кодекснинг 313-321-моддалари) риоя қилган ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга беришга ҳақли.

Гаровга олувчининг гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши, агар гаров билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш ҳуқуқидан ҳам ўша шахс фойдасига воз кечилган бўлса, ҳақиқий бўлади.

Агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечилиши ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечилишини ҳам англатади.

287-модда. Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни бошқа шахсга ўтказиш

Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан, агар гаровга қўювчи кредиторга янги қарздор учун жавоб беришга розилик берган бўлмаса (ушбу Кодекснинг 322-моддаси), гаров бекор бўлади.

288-модда. Муомаладаги товарлар гарови

Товарларни гаровга қўйиб, уларни гаровга қўювчида қолдиришва уларнинг умумий қиймати гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилганидан камаймаслигини шарт қилиб қўйган ҳолда гаровга қўювчига гаровга қўйилган мол-мулкнинг таркиби ва асл шаклини (товар захиралари, хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва шу кабилар) ўзгартириш ҳуқуқининг берилиши муомаладаги товарлар гарови ҳисобланади.

Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар қийматининг камайишига, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилган қисмига мос келадиган даражада йўл қўйилади.

Гаровга қўювчи томонидан бошқа шахсларга берилган муомаладаги товарлар эгалловчининг мулкига, ҳўжалик юриштишига ёки оператив бошқарувига ўтган пайтдан бошлаб гаров нарсаи бўлмай қолади, гаровга қўювчи томонидан олинган, гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилган товарлар эса - гаровга қўювчида уларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан эътиборан гаров нарсаи айланади.

Гаровга қўювчи муомаладаги товарлар гарови шартларини бузган тақдирда, гаровга олувчи гаровга қўйилган товарларга ўз белгилари ва муҳрларини босиб, тартибни бузиш баргараф қилингунга қадар улар билан амалга ошириладиган операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли.

289-модда. Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши

Фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар - лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади.

Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда (ушбу Кодекс 281-моддасининг учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари) ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин ҳатто гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади.

Ломбардлар томонидан фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар билан унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

3-§. УШЛАБ ҚОЛИШ

290-модда. Ушлаб қолиш асослари

Қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга

тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли.

Гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш ёки унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса-да, бироқ тарафлари тадбиркорлар сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни ушлаб қолиш билан таъминланиши мумкин.

Ашё кредитор эгалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз қўлидаги бу ашёни ушлаб қолиши мумкин.

Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилади.

291-модда. Талабларни ушлаб қолинган ашё ҳисобидан қондириш

Ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қондирилади.

4-§. КАФИЛЛИК

292-модда. Кафиллик шартномаси

Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

293-модда. Кафилнинг жавобгарлиги

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, ба-шарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

294-модда. Кафилга нисбатан даъво кўзғатилган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари

Кафил кредиторнинг талабига қарши қарздор билдириши мумкин бўлган ҳамма эътирозларни қўйишга ҳақли. Ҳатто қарздор ўз эътирозларидан воз кечган ёки ўз мажбуриятини тан олган тақдирда ҳам кафил ушбу эътирозларга бўлган ҳуқуқини йўқотмайди.

Агар кафилга нисбатан даъво кўзғатилган бўлса, у қарздорни ишда иштирок этиш учун жалб қилиши шарт. Акс ҳолда қарздор кредиторга қарши ўзининг барча эътирозларини кафилнинг қарши талабига қарама-қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

295-модда. Мажбуриятни бажарган кафилнинг ҳуқуқлари

Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли.

Кафил мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт.

Ушбу моддада белгиланган қоидалар агар қонунда ёки кафилнинг қарздор билан шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўлланилади.

296-модда. Қарздор мажбуриятини бажарганлиги ҳақида кафилни хабардор қилиш

Кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажарган қарздор бу ҳақда кафилни дарҳол хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда ўз навбатида мажбуриятни бажарган кафил асоссиз олинганни кредитордан ундириб олишга ёки қарздорга регресс талаб қўйишга ҳақли. Регресс талаб қўйилган тақдирда қарздор асоссиз олинганнигина кредитордан ундириб олишга ҳақли.

297-модда. Кафилнинг хизматларига ҳақ тўлаш

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил қарздорга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

298-модда. Кафилликнинг бекор бўлиши

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, шунингдек кафил таъминлаган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

Шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Агар асосий мажбуриятни бажариш муддати

қўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзғатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

5-§. КАФОЛАТ

299-модда. Кафолат тушунчаси

Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

300-модда. Принципалнинг мажбуриятларини кафолат билан таъминлаш

Кафолат принципалнинг бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди.

Кафолат берилгани учун принципал кафилга ҳақ тўлайди.

301-модда. Кафолатнинг асосий мажбуриятдан мустақиллиги

Кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятга, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас.

302-модда. Кафолатнинг чақириб олинмаслиги

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у кафил томонидан чақириб олинishi мумкин эмас.

303-модда. Кафолат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилмаслиги

Кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

304-модда. Кафолатнинг кучга кириши

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучга киради.

305-модда. Кафолат бўйича талаб тақдим этиш

Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Бенефициарнинг талаби кафолатда белгиланган муддат тугагунча кафилга тақдим этилиши керак.

306-модда. Бенефициарнинг талабини кўриб чиқишда кафилнинг мажбуриятлари

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнг бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак.

Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса - мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонкуярлик кўрсатиши керак.

307-модда. Кафилнинг бенефициар талабини қондириши рад этиши

Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади.

Кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши шарт.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки

унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ёинки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт.

308-модда. Кафил мажбуриятларининг чегаралари

Кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади.

Кафолат бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кафилнинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат берилган сумма билан чекланмайди.

309-модда. Кафолатнинг бекор бўлиши

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;
- 2) кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;
- 3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;
- 4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

Кафил мажбуриятининг ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2 ва 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши унга кафолат қайтариб берилган ёки қайтариб берилмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.

310-модда. Кафилнинг принципалга регресс талаблари

Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибида тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб қўйилади.

Агар кафилнинг принципал билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил бенефициарга кафо-

лат шартларига номувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас.

6-§. ЗАКАЛАТ

311-модда. Закалат тушунчаси. Закалат тўғрисидаги келишув шакли

Шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак.

Шартномадаги тараф амалга ошириши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўланган сумма закалат эканлигига, хусусан ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган қоидага риоя қилинмаслиги оқибатида, шубҳа туғилган тақдирда, бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнак сифатида тўланган деб ҳисобланади.

312-модда. Закалат билан таъминланган мажбуриятни бекор қилиш ва бажармаслик оқибатлари

Мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (ушбу Кодекснинг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда закалат пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолди. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

22-бобга шарҳлар

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашнинг умумий қоидаларига битта 259-модда, унинг алоҳида усулларига 6 параграф бағишланди. Ҳар битта параграф маълум миқдордаги тегишли моддалардан иборат.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ўтмишда қўлланиб келинган усуллар деярли сақланиб қолинди. Уларга хусусий мулк ҳуқуқи субъектларининг тадбиркорлик соҳасида эркин ҳаракатда бўлишлари ҳисобга олинган ҳолда маълум даражада ўзгартиришлар киритилди, масалан, закалат ва кафолат мажбурият тарафлари кимлардан иборат бўлишидан қабий назар, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллар сифатида барча ҳолларда қўлланиши мумкинлиги назарда тутилди. Ўтмишда, аввалги Кодекснинг 201-моддасига мувофиқ закалат фуқаролар ўртасидаги ёки улар иштирок этган мажбуриятлар, кафолат (гарантия) эса социалистик ташкилотлар ўртасидаги мажбуриятлар бўйича қўлланиши мумкин эди.

Асосий мажбурият билан унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усул (усуллар)нинг ўзаро боғлиқ бўлишига аниқлик киритилди. Бажарилишини таъминлашга қаратилган усулнинг ҳақиқий эмас деб тан олинishi асосий мажбуриятни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга олиб келмайди. Агар асосий мажбурият ҳақиқий эмас деб тан олинса, унинг бажарилишини таъминловчи усул ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Мазкур моддада янги усуллар ҳам кўзда тутилди, масалан, қарздорнинг мол-мулкани кредитор томонидан ушлаб қолиш ва бошқалар. Кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа усуллар билан таъминлашни шартномада назарда тутилиши мумкинлиги умумий қоида сифатида биринчи марта Кодексда ўз аксини топди (259-модда, 1-қисм).

Неустойка мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи усул сифатида қонун ёки шартнома билан белгиланган бўлиши назарда тутилади (260-модда). Қонуний неустойка

бўйича тарафларнинг келишувидан назарда тутилган бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Қонуний неустойканинг миқдори ҳақида ҳам аниқлик киритилди. Қонун билан тақиқланмаган тақдирда бундай миқдорнинг кўпайтирилишига йўл қўйилади, аммо унинг камайтирилиши мумкин эмас.

Гаров мулкий муносабатларда энг кўп қўлланадиган, турли хил битимлар бўйича вужудга келадиган мажбуриятларнинг беками-кўст бажарилишини таъминлашга, кредиторнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишга қаратилган муҳим воситалардан иборат.

Гаров билан тартибга солинадиган муносабатлар унинг предмети (нарсаси) бўлиши мумкин бўлган мулкнинг асосан икки гуруҳ, яъни кўчмас (ипотека) ва кўчар мулкларга бўлиниши билан белгиланади. Шунинг билан бирга мулкий ҳуқуқлар (талаблар) ҳам гаров нарсаси бўлиши мумкинлиги назарда тутилди (265, 276-моддалар). Лекин ҳар қандай ҳуқуқлар гаров нарсаси бўла олмайди. Бундай ҳуқуқлар қаторига кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан, ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарни қоплаш, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда ўзга шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар киради. Ашёвий ҳуқуқнинг гаров нарсаси бўлиши учун бу ҳақда қонунда кўрсатилган ёки шартнома билан келишилган бўлиши керак, акс ҳолда бундай ҳуқуқ гаров нарсаси бўла олмайди (266-модда, 4-қисм). (Ашёвий ҳуқуқ турлари Кодекснинг 165-моддасида келтирилган).

Демак, умумий қоидага биноан мулк эгаси бўлмаган, лекин ушбу мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс мулкни унинг эгасининг розилигисиз ўз мажбуриятлари бўйича гаровга қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Гаровга қўйиш ҳақида шартномада унинг эгаси билан келишилган бўлиши зарур. Ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйиш қонун билан ҳам белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, Кодекснинг 177-моддасига асосан

апёвий ҳуқуқ субъекти сифатида ҳўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхона унинг ихтиёрида бўлган мол-мулкни умумий қоидага асосан ушбу мол-мулкка эгасининг розилигисиз гаровга қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Шунинг билан бирга корхона ушбу моддага асосан ўзига қарашли мол-мулкни мустақил равишда гаровга қўйиш ҳуқуқига эга.

Ушбу параграф гаровга бағишланган янги ва бошқача таҳрир қилинган, аниқланган нормалардан ташқари гаров муносабатларини тартибга солишни ўзгартиришга қаратилган бир неча янги қоидалар билан бойитилди. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Аввалги Кодексда гаровга қўйилган мол-мулкнинг асосан гаровга олувчига берилиши ҳақида аниқ ечимга эга бўлмаган модда мавжуд эди. Гаровнинг ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови кўринишида амал қилиши туфайли гаровга қўйилган мол-мулкнинг гаровга берилиши ёки берилмаслиги тўғрисида Кодексга махсус модда киририлди (269-модда). Ушбу модда диспозитив, яъни белгилаб берувчи, у ёки бу қоидани танлашга йўл қўювчи характерга эга. Бунга кўра гаров мол-мулкнинг кимда бўлиши гаровга олувчи билан гаровга қўювчилар ўртасида асосан шартнома билан ҳал қилиниши, агар шартномада ҳал қилинмаган бўлса - мол-мулкнинг гаровга қўювчида қолиши назарда тутилади. Лекин ипотека (кўчмас) деб белгиланган гаров мол-мулки, шунингдек гаровга қўйилган муомаладаги товарларга нисбатан императив, яъни қатъий норма белгиланди. Улар гаровга олувчига топширилмайди. Уларни асрашни қандай усуллар билан таъминлаш, учинчи шахсларга фойдаланиш учун вақтинча топширилган тақдирда вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида тегишли қоидалар белгиланди.

2. Бино ва иншоотларни ер участкаси билан биргаликда, ер участкасининг ўзини алоҳида, ер участкасига жойлашган бино ва иншоотларни гаровга қўйиш билан боғлиқ муносабатлар эса хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқий тартибга солинди.

Бино ва иншоотни ипотека қилиш, ушбу бино ва иншоот, уларни таъминлайдиган ва ижарага берилган

қисмлари жойлашган ер участкасини ипотека қилиш билан бир вақтнинг ўзида битта шартнома бўйича амалга оширилади.

Ер участкасини ипотекага қўйиш чоғида гаров ҳуқуқи, агар шартномада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчининг ушбу участкада бўлган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига жорий қилинмайди. Шартномада бундай шарт қўйилмаган бўлса, ундирув гаровга қўйилган ер участкасига қаратилган тақдирда гаровга қўювчи ер участкасидан, унинг бино ёки иншоотдан ўз ўрнида фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини сақлаб қолади.

Агар гаровга қўювчига эмас, балки бошқа шахсга қарашли бинолар ёки иншоотлар жойлашган ер участкасига ипотека белгиланган бўлса, гаровга олувчи ундирувни ушбу участкага қаратганида ва у кимосиди савдосида сотилганида гаровга қўювчининг ушбу шахсга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари ҳам участкани сотиб олувчига ўтади (272-модда, 7-қисм).

3. Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ва гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсасини бошқа шахсга ўтказишга, уни ижарага бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топширишга ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқини чеклайдиган келишув аҳамиятсиз, яъни ўз моҳияти бўйича ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (227-модда, 2,3-қисм).

4. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан қаратиш масаласи олдингига қараганда бошқача ҳал қилинди. Энди ундирувни кўчмас мол-мулкка нисбатан ҳам қаратиш мумкин. Айрим ҳолатларда бунинг учун судга мурожаат қилмаслик ҳам мумкин (280-модда). Ундирувни қандай ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ амалга ошириш мумкинлиги ушбу моддада аниқ кўрсатиб ўтилди.

5. Гаровга қўйилган мол-мулкни очик савдода сотиш ва бундай йўл билан сотиш муддатини кечиктиришга оид қоидалар батафсил назарда тутилди (281-модда).

6. Гаров бўйича кредиторнинг ҳуқуқи ҳар томонлама кучайтирилди. Бундай бўлиши 282-модда билан белгиланган қоидага асосан ўз аксини топди. Гаров олувчига гаров билан таъминланган мажбуриятни модданинг ўзида кўрсатиб ўтилган айрим ҳолларда муддатидан илгари бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар унинг талаби маълум сабабларга кўра бажарилмаса, талабни, яъни ундирувни гаров нарчасига қаратишга ҳақли бўлади.

7. Фуқароларга тегишли мол-мулкнинг ломбардда гаровга қўйилишига оид қоидаларга маълум даражада янгиликлар киритилди. Ломбардга ушбу мол-мулкни ўз ҳисобидан суғурта қилиш, йўқолганлиги ёки шикастлангани учун жавобгар бўлиш, гаров нарчаси сотилганда олинган даромад миқдор жиҳатдан берилган қарздан кам бўлган тақдирда ҳам фуқаронинг мажбуриятдан озод бўлиши ҳақида қоидалар назарда тутилди (289-модда).

8. Гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтганида гаровнинг сақланиб қолиши, гаров мулкни мажбурий равишда олиб қўйиш ва бунинг оқибатлари, гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни бошқа шахсга ўтказиш ва бошқа масалаларни тартибга солишда бозор муносабатларига хос талаблар ҳисобга олинди (284-287-моддалар).

Қарздорга тегишли бўлган мол-мулкнинг кредитор томонидан вақтинча **ушлаб турилиши** мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашда самарали чора вазифасини бажаради (масалан, пудрат, юк ташиш, комиссия, омонат ва бошқа мажбуриятлар бўйича). Баъзи шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бундай усул ёрдамида таъминлаш қонунчиликда олдин ҳам маълум бўлган. Энди ушбу ушлаб туриш ҳақидаги қоида умумий норма сифатида турли маж-

буриятлар бўйича биринчи марта Кодексга киритилди (290, 291-моддалар).

Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкинлиги (292-модда, 2-қисм), қарздор учун мажбуриятни бажарган кафилнинг қарздорга нисбатан ҳуқуқлари (295-модда), шунингдек кафилликнинг бекор бўлиши (298-модда) ҳақидаги қоидалар Кодексга киритилган янгиликлардан ҳисобланади. Кафилнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кафилликни бекор қилиш учун бир неча янги асослар назарда тутилди. Шунинг билан бирга кредитор томонидан кафилга нисбатан мажбуриятни бажариш ҳақида қўзғатилиши мумкин бўлган даъво муддати узайтирилди. Кафилнинг қарздорнинг мажбуриятлари бўйича солидар(шерик) ёки субсидиар (қўшимча) жавоб бериши тегишли равишда ўз аксини топди (293-модда).

Кафолат - мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи мустақил усул (восита) сифатида биринчи марта Кодексга киритилди (299-310-моддалар). Кафолат бизнинг фуқаролик қонунчилигимиз учун янгилик ҳисобланади. Лекин унинг айрим кўринишлари гаров ва кафилликка оид қоидаларда маълум даражада ўз аксини топган эди.

Ўтмишда корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш планли равишда, асосан давлат банкларидан кредит ажратиш йўли билан амалга оширилиб келинди.

Кафолат бўйича иккита ўзаро мустақил бўлган мажбуриятларнинг тарафлари сифатида учта шахс қатнашади: кафолатни берувчи (кафил), кафолатни илтимос қилувчи (принципал), кафолатни олувчи (бенефициар) шахслар. Кафил билан принципал ўртасидаги тузилган шартномага қўра кафил бенефициарга кафолат сифатида пул суммасини тўлаш ҳақидаги мажбуриятни олади. Принципал билан бенефициар ўртасида вужудга келган асосий мажбурият бўйича принципал унинг кредитори бўлган бенефициарнинг қарздори ҳисобланади.

Кафолат пул суммаси сифатида реал мажбуриятлар туркумига киради, чунки у уни берилган кунидан бошлаб кучга киради (304-модда).

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи бошқа усуллардан кафолатга хос яна бошқа хусусиятлар шундан иборатки, у бажарилишини таъминлашга қаратилган асосий мажбурият билан юридик жиҳатдан боғлиқ эмас ва кафил асосий қарздорнинг (принципалнинг) ўз мажбуриятлари учун жавобгар бўлишидан қатъи назар, у кафолат берилган шахс (бенефициар) олдида олган ўз мажбуриятини бажаради (301, 308-моддалар). Шунинг учун ҳам кафолат кафил томонидан чақириб олинishi мумкин эмас (302-модда). Кафолат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга ўтказилмаслиги (303-модда), кафилнинг мажбуриятлари доираси белгиланиши (307, 308-моддалар), кафолатнинг бекор бўлиш асослари ва бошқа қоидалар кафолатни ифодаловчи белгилардан иборат.

Параграфнинг номини биз Россия Федерациясининг Гражданлик кодексига келтирилганидек “Банк кафолати (банковская гарантия)” деб атаганимиз йўқ, унга “Кафолат” деган ном бериш билан чекландик. Чунки кафолат бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган кафил фақат банк эмас, улар бошқа кредит муассасаларидан ёки суғурта ташкилотларидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Закалат янги Кодексга мувофиқ мажбуриятнинг тарафлари ким бўлишидан қатъи назар, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллардан ҳисобланади. Шунингдек, янгилик сифатида яна шуни айтиш мумкинки, агар закалат тўғрисидаги келишув ёзма равишда тузилмаган бўлса ва бу ҳақда шубҳа туғилса, закалат деб берилган сумма бўнак (аванс) сифатида тўланган деб ҳисобланади (311-модда). Олдинги Кодексга биноан закалат бу ҳақда олдин қайд қилинганидек, фақат фуқаролар қатнашган мажбуриятларга нисбатан қўлланиши мумкин эди (222-модда).

23-БОБ. МАЖБУРИЯТДАГИ ШАХСЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ

313-модда. Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиш асослари ва тартиби

Мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди.

Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган бўлмаса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади.

Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги қоидалар регресс талабларга нисбатан қўлланилмайди.

314-модда. Бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар

Кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган ҳуқуқларнинг, хусусан алиментлар тўғрисидаги ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди.

315-модда. Бошқа шахсга ўтадиган кредитор ҳуқуқларининг ҳажми

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фозиларга ҳуқуқ ҳам ўтади.

316-модда. Янги кредитор ҳуқуқларининг исботи

Ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредитор талаб қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни унга бериши ва талабни амалга ошириш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни билдириши керак.

Қарздор талаблар янги кредиторга ўтганлигини исботловчи ҳужжатлар ўзига тақдим этилмагунича унга нисбатан мажбуриятни бажармасликка ҳақли.

317-модда. Қарздорнинг янги кредитор талабига қарши эътирозлари

Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтида дастлабки кредиторга қарши эътирозларини янги кредиторнинг талабига қарши қўйишга ҳақли.

318-модда. Кредитор ҳуқуқларининг қонун асосида бошқа шахсга ўтиши

Кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қуйидаги ҳолларда ўтади:

1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;

2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;

3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;

4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;

5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

319-модда. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартлари

Кредиторнинг ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишига, башарти у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади.

Кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг рози-

лигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

320-модда. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шакли

Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўша шаклда амалга оширилиши керак.

Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимни рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олиниши керак.

Ордерли қимматли қоғоз бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу қимматли қоғозга индоссамент (талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ёзуви) йўли билан амалга оширилади.

321-модда. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредиторнинг жавобгарлиги

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ қарздор бу талабни бажармаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатни олган ҳоллар бундан мустасно.

322-модда. Қарзни бошқа шахсга ўтказиш

Қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Янги қарздор кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни кредитор талабига қарши қўйишга ҳақли.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавоб беришга рози бўлмасалар, қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан кафиллик ёки учинчи шахс томонидан белгиланган гаров бекор бўлади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш шаклига ушбу Кодекс 320-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидалар тегишинча қўлланилади.

323-модда. Қарзни ва ижрони бир пайтда бошқа шахсга ўтказиш

Қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарзни ёки унинг қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат берилади. Бу ҳолда ҳар иккала қарздор мажбуриятнинг бажарилиши учун солидар жавобгар бўлади.

Қарздорнинг учинчи шахс билан шартномаси асосида учинчи шахс мажбуриятнинг бажарилиши бўйича кредитор олдида эмас, балки фақат қарздор олдида бурчли бўлади.

23-бобга шарҳлар

Ушбу бобда кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб)-ни ва қарздорнинг қарзини бошқа шахсга ўтказишга оид олдинги Кодексдаги қоидалар қўп ўзгартириш киритилмасдан сақланиб қолинди ва бешта янги модда қўшилди. Лекин энди кредиторга тегишли бўлган талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтказилишига оид қоида бир қадар умумий тусга эга бўлди, бундай ўтказиш учун фақат битим эмас, балки қонун ҳам асос бўлиши мумкинлиги назарда тутилди (313-модда, 1-қисм). Масалан, ворислик, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ва шунинг билан бирга суд қарорига асосан кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтиши мумкинлиги ҳисобга олинди (318-модда).

313-модданинг 1-қисмида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқнинг **мажбурият асосида бошқа шахсга ўтказилиши** ҳақида гап юритилади. Лекин баъзан қонунларда махсус назарда тутилган ҳолларда интеллектуал **мулкка асосланган ҳуқуқ** ҳам бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Масалан, патент олувчи шахс унга бўлган ҳуқуқини хоҳлаган шахсга ўтказиши мумкин (Кодекснинг 1088-м.). Товарлар, ишлар ва хизматларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин (Кодекснинг 1105-м.). Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамай, уларга асосан вужудга келадиган му-

носабатларга нисбатан 23-бобда назарда тутилган қоидалар татбиқ қилиниши мумкин.

Ҳуқуқнинг ўтказилиши битим, одатда шартнома ёки қонунга асосан амалга оширилади. Ҳуқуқларнинг қонун асосида бошқа шахсга ўтиши бўйича Кодекснинг 318-моддасида, ҳуқуқларни ўтказишнинг шартлари бўйича Кодекснинг 319-моддасида, ўтказишнинг шакли бўйича Кодекснинг 320-моддасида махсус қоидалар назарда тутилади.

Ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги 23-бобда назарда тутилган қоидалар **қайтарма (регресс) талабларга** нисбатан қўлланилмайди. Қайтарма талаблар ўзига хос хусусиятларига кўра бошқа шахсга ўтказилмайди. Кодекснинг 252, 253, 329-моддаларида назарда тутилган қоидаларга қаралсин.

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача талаб назарда тутилган бўлмаса, **қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди.**

Кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган ва яна баъзи бошқа ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтишига **йўл қўйилмайди.** Булар қаторига, масалан, алиментлар тўғрисидаги ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талаблар, шахсий суғурта шартномаси бўйича етказилган зарарни тўлашни талаб қилиш ва бошқалар кирази. Кафолат бўйича ҳам ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас (Кодекснинг 303-м.). Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва бошқа шахсга ўтказилмайди (Кодекснинг 99-м.). Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ бу талабни қарздор томонидан бажармаганлиги учун жавоб бермайди. Агар дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун кафолатни олган бўлса, унинг олдида кафил сифатида жавоб беради (Кодекснинг 299-м.).

Кодексда бошқа шахсга ўтадиган кредитор **ҳуқуқларининг ҳажми** ҳақида (315-модда) деярли янги ва диспозитив аҳамиятга эга бўлган норма белгиланди. Бунга кўра, даст-

лабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқлар ўтиши пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтиши мумкин. Қарзнинг бажарилишига аниқлик киритилди. Қарздор талаблар **янги кредиторга ўтказилганлигини исботловчи ҳужжатлар** ўзига тақдим этилмагунича унга нисбатан мажбуриятларни бажармасликка ҳақли эканлиги назарда тутилди (316-модда, 2-қисм). **Қарзни ва ижрони бир найтда бошқа шахсга ўтказиш** ҳам янги қоида бўлиб киритилди. Қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарз ёки унинг бир қисми бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлиги ва бундай ҳолда улар иккита қарздор сифатида мажбуриятнинг бажарилиши учун кредитор олдида солидар (шерик) жавобгар бўладилар. Лекин асосий қарздорнинг иккинчи қарздор билан шериклик ҳақида тузган шартномасига асосан мажбуриятнинг бажарилиши бўйича иккинчи қарздор, яъни мажбуриятни бажаришда қатнашувчи учинчи шахс кредитор олдида эмас, балки асосий қарздор олдида жавобгар бўлади (323-модда).

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш институти амалиётда кенг ривож топмади. Шунинг учун Кодексда ҳам ушбу институт талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш институтига қараганда унчалик тўлиқ равишда қоидалар билан ифодаланмади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш учун кредиторнинг розилиги бўлиши билан бир қаторда бундай ўтказиш қонун талабларига зид бўлмаслиги зарур. Масалан, янги қарздор унга ўтказилган мажбуриятни (қарзни) бажаришни амалга ошириш учун махсус ҳуқуқ лаёқатига ёки рухсатномага (лицензияга) эга бўлмаса, қонунга зид деб ҳисобланади ва бундай ҳолларда қарзни ўтказиб бўлмайди.

Умумий қоидага биноан қарз янги қарздорга тўла ҳажмда ўтади. Агар гаровга олувчи ёки кафил бўлувчилар янги қарздор учун жавобгарликни ўз зиммасига олмасалар, қарзнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган гаров ва кафиллик

янги қарздорга ўтмайди, улар тўхтатилади (кодекснинг 287, 298-моддалари). Ўтказилган қарз бўйича қўлланиши назарда тутилган неустойка ўз кучини йўқотмайди.

24-БОБ

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

324-модда. Қарздорнинг зарарни тўлаш мажбурияти

Қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, - даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади.

325-модда. Неустойка ва зарар

Агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади.

Қонунда ёки шартномада зарарни эмас, балки фақат неустойкани ундириб олишга йўл қўйиладиган; зарар ҳам неустойкадан ташқари тўла ҳажмда ундириб олиниши мумкин бўлган; кредиторнинг танловига кўра ёки неустойка ёхуд зарар ундириб олиниши мумкин бўлган ҳоллар белгиланиши мумкин.

326-модда. Неустойкани камайтириш

Агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўришиб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда

иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

327-модда. Пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик

Бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўлаishi керак.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан унга тегиши керак бўлган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

328-модда. Мажбуриятнинг қарздор ҳисобидан бажарилиши

Қарздор ашёни тайёрлаш ва кредиторга мулк қилиб, хўжалик юритишга ёки оператив бошқаришга топшириш ёхуд ашёни фойдаланиш учун кредиторга бериш ёхуд унинг учун муайян ишни бажариш ёки унга хизмат кўрсатиш мажбуриятини бажармаган тақдирда кредитор, агар қонун ҳужжатла-

ридан, шартномадан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, учинчи шахсларга мажбуриятни оқилона муддатда, оқилона баҳоларда ижро этишни топширишга ёинки уни ўз кучлари билан бажаришга ҳамда қарздордан қилинган зарур харажатларни ва бошқа зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

329-модда. Субсидиар жавобгарлик

Қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ, асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак.

Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин.

Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондиришни субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан низо-сиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса.

Субсидиар жавобгар шахс ўзига кредитор томонидан қўйилган талабни қондиришдан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огоҳлантириши, борди-ю бундай шахсга нисбатан даъво қўзғатилган бўлса асосий қарздорни ишда қатнашишга жалб қилиши керак. Акс ҳолда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътирозларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

330-модда. Жавобгарлик ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият лозим даражада бажарилмаган тақдирда неустойка тўлаш ва зарарни қоплаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

Башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка

тўлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

Кечиктириб юбориш оқибатида ўзи учун аҳамиятини йўқотган (ушбу Кодекс 337-моддасининг иккинчи қисми) ижрони кредиторнинг қабул қилишдан бош тортиши, шунингдек воз кечиш ҳақи тарзида белгиланган неустойкани тўлаш (ушбу Кодекснинг 342-моддаси) қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

331-модда. Хусусий белгили ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари

Хусусий белгили ашёни кредиторнинг мулки қилиб, унинг хўжалик юритишига, оператив бошқарувига ёки фойдаланишига топшириш мажбурияти бажарилмаган тақдирда кредитор бу ашёни олиб қўйишни ва мажбуриятда назарда тутилган шартлар асосида ўзига топширишни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳуқуқ ашё бир хил ҳуқуққа эга бўлган учинчи шахсга топширилган бўлса, бекор бўлади. Агар ашё ҳали топширилмаган бўлса, вазият қайси кредиторнинг фойдасига олдинроқ вужудга келган бўлса, ўша кредитор устунликка эга бўлади, башарти бунга аниқлаш мумкин бўлмаса, олдин даъво қўзғатган кредитор устунликка эга бўлади.

Кредитор мажбурият нарсаси бўлган ашёни ўзига топширишни талаб қилиш ўрнига, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

332-модда. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ҳажмини чеклаш

Мажбуриятларнинг айрим турлари бўйича ҳамда муайян фаолият тури билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қонунда зарарни тўла қоплашга бўлган ҳуқуқ чеклаб қўйилиши мумкин (чекланган жавобгарлик).

Қўшилиш шартномаси ёки кредитор истеъмолчи сифатида иш олиб борувчи фуқаро бўлган бошқа шартнома бўйича қарздорнинг жавобгарлик ҳажмини чеклаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас, башарти мажбуриятларнинг ушбу тури ёки ушбу тартиббузарлик учун жавобгарлик ҳажми қонун билан белгилаб қўйилган бўлса ва агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жа-

вобгарликни келтириб чиқарадиган вазиятлар юз бергунча келишувга эришилган бўлса.

333-модда. Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари

Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас.

334-модда. Учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги

Башарти, қонун ҳужжатлари ёки шартномада бевосита ижрочи бўлган учинчи шахснинг жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, зиммасига мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахсларнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор жавоб беради.

335-модда. Кредиторнинг айби

Агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг қўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

336-модда. Икки тарафлама шартномани бажармаслик оқибатлари

Агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни бажариши мумкин бўлмай қолса, иккинчи тараф, баъшарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномадан воз кечишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли.

337-модда. Ижронинг қарздор ва кредитор томонидан кечиктириб юборилиши

Ижрони кечиктириб юборган қарздор кечиктириб юбориш туфайли етказилган зарар учун ва кечиктириб юбориш даврида тасодифан ижрони бажариш мумкин бўлмаслиги вужудга келганлиги учун кредитор олдида жавоб беради.

Агар қарздор ижрони кечиктириб юборганлиги туфайли кредитор учун унинг аҳамияти қолмаган бўлса, у ижрони қабул қилишдан бош тортиши ва зарарни тўлашни талаб қилиши мумкин.

Агар кредитор қарздор томонидан таклиф қилинган лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош торган бўлса ёки ўзи амалга ошириши керак бўлган ва амалга оширилгунича қарздор ўз мажбуриятини бажара олмаган ҳаракатларни қилган бўлмаса, кредитор муддатни кечиктириб юборган ҳисобланади.

338-модда. Кредиторнинг ижрони кечиктириб юбориш оқибатлари

Кредиторнинг шартнома бўйича ўзига тегишли нарса-ни қабул қилишни кечиктириб юбориш, қарздорга кечиктириб юбориш туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқини беради ва кейинчалик мажбуриятни ижро этиш мумкин бўлмай қолса, уни жавобгарликдан озод қилади, қарздорнинг қасддан иш тутиши ёки қўпол эҳтиётсизлик қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Пул мажбурияти бўйича кредитор ижрони кечиктириб юборган вақт учун қарздор фоиз тўлашга мажбур эмас.

339-модда. Ижронинг кечиктириб юборилганлиги учун кредиторни жавобгарликдан озод қилиш

Агар кредитор ижронинг кечиктириб юборилиши қонунга мувофиқ ёки кредиторнинг топшириғи билан ижрони қабул қилиш вазифаси юклатилган шахслар қасддан иш тутганлиги ёки эҳтиётсизлиги туфайли келиб чиққанлигини исботласа, у ижронинг кечиктириб юборилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

24-бобга шарҳлар

Кодексни бошқа қонунлардан ажратиб турадиган хусусияти ҳам шундаки, унда қўлланиши қатъий ёки мумкин бўлган фуқаролик ҳуқуқий чоралари кўзда тутилган қоида ва тартибларга риоя қилмаслик учун фуқаролар, юридик шахсларга нисбатан татбиқ қилиниши назарда тутилади. Аввалги Кодексда бир хилдаги, яъни турдош гайриқонуний ҳаракатлар учун шакл ва миқдор жиҳатдан бир хил бўлмаган чоралар қўллаш ёки айбсиз жавобгар қилиш каби қоидалар мавжуд эди. Янги Кодексда барча ҳолларда айбга асосан жавобгарлик ва унинг асосий шакли сифатида мажбуриятни бажармаганлик ёки гайриқонуний ҳаракат натижасида етказилган зарарни ундириш каби чораларни қўллашга оид қоидалар аввалги Кодексга нисбатан анча ўзгартирилди ва жавобгарликни кучайтиришга қаратилди. Лекин ушбу қоида-

ларнинг қўпчилиги диспозитив аҳамиятга эга, яъни жавобгарлик ҳақида Кодексда белгиланган нормалари, қонунда ва шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўлла-ниши мумкин.

Етказилган зарарни тўлаш - фуқаролик ҳуқуқига хос умумий чорадан иборат. Умумий қоидага мувофиқ, мажбурият ҳар қандай даражада бузилган тақдирда етказилган зарарни тўлаш ҳақида бурч вужудга келади. Зарарнинг асосий турлари - ҳақиқий зарар, бой берилган фойда Кодекснинг 14-моддасида назарда тугилади. Мазкур 24-бобнинг тегишли моддаларида мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақида қоидалар белгиланади.

Мазкур бобнинг 324- ва бопқа моддаларида етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақида қоидалар назарда тугилади. Янги Кодекс учун маънавий зарар ҳам маълум. Маънавий зарарни (жисмоний ва маънавий азобланиш) қошлаш қонун билан бевосита назарда тугилган ҳолларда қўлланилади (1021-м.).

Етказилган зарарни ундириш учун зарар кўрган шахс қуйидагиларни: биринчидан, мажбуриятнинг ҳақиқатда бузилганлигини, иккинчидан, зарарнинг мавжудлигини, учинчидан бузилган мажбурият билан етказилган зарар ўртасида сабабли боғланиш борлигини ва, тўртинчидан, етказилган зарар қанча миқдорда эканлигини исботлаб бериши зарур. Қарздорнинг мажбурият бузилишида айбдор эканлигини исботлаш ҳам керак. Лекин айбни исботлаш барча ҳолларда талаб қилинмайди, қарздорнинг айби борлиги гумон қилинади, агар у айби йўқлигини исботлай олмаса, мажбурият бузилганлиги учун жавобгар бўлади (Кодекс 333-моддасининг 2-қисми). Баъзи ҳолларда мажбурият бузилганлик учун айбнинг бор ёки йўқлигидан қатъи назар жавобгарлик вужудга келади (Кодекс 333-моддасининг 3-қисми). Зарарни ундириш учун шахс айбининг аҳамияти ҳақидаги қоидалар Кодекснинг 335-моддасида назарда тугилади.

Бой берилган, яъни олинishi мумкин бўлган, аммо олинмай қолган фойданинг миқдорини белгилаш, исботлаш мураккаб муаммодан иборат. Бундай фойдани талаб қилиш ўтмишда ҳам фуқаролик қонун ҳужжатларида маҳсулотни етказиб бериш шартномаси бўйича вужудга келадиган мажбурият бузилган ҳолда қўлланиши мумкин бўлган чора сифатида назарда тутилари, лекин амалда унинг қўлланиши учрамасди. Чунки давлат мулкига асосланган корхоналар фақат қўлдан берилган фойдани эмас, етказилган ҳақиқий зарарни ундириши талаб қилиш ҳақида ҳам унчалик қайғурмасдилар. Бой берилган фойда сифатида етказилган зарарни ифодалашнинг умумий мезони кодекснинг 14-моддаси билан белгиланади. Кодекс 324-моддасининг 3-қисмида бундай зарарни тўлашни талаб қилишни кредитор томонидан исботлаш учун зарур бўлган қўшимча шартлар назарда тутилади. Кредитор томонидан кўрилган тайёргарликлар қарздор етказиб берган товарни сотиш учун тузилган шартномадан иборат бўлиши мумкин. Лекин етказиб берилган товарнинг нуқсонлари туфайли унинг сотилмай қолиши ёки мўлжалланган нархда сотилмаганлиги натижасида олинмай қолинган фойдадан, яъни етказилган зарардан иборат бўлиши мумкин. Хом ашёнинг ишлаб чиқариш корхонасига шартномада белгиланган муддатда етказиб берилмаганлиги оқибатида ишсизликнинг юз бериши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги ва сотилмаслиги ҳам олинishi мумкин бўлган фойдадан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича, агар қонун ёки шартномада зарарни тўлашни чеклаш, яъни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, етказилган зарарни тўла ҳажмда қопланиши зарурлиги тамойилига амал қилинади (кодекс 14-моддасининг 1-қисми). Бундай чеклашлар турли ҳуқуқий шаклда назарда тутилади. Масалан, агар қонунда ёки шартномада фақат неустойка ундириб олишга йўл қўйилган бўлса, зарарни тўлашни умуман талаб қилиб бўлмайди (Кодекс 325-моддасининг 2-қисми). Баъзи ҳолларда мажбуриятларнинг айрим турлари бўйича ҳамда муайян фаолият

тури билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қонунда зарарни тўла ҳажмда қоплашга бўлган ҳуқуқ чеклаб қўйилиши мумкин (“Чекланган жавобгарлик”. Кодекс 332-моддасининг 1-қисми).

Етказилган зарарнинг нарҳини аниқлаш бўйича янги қоида белгиланди (324-модда). Зарарнинг нарҳини аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий равишда қаноатлантирган кунда, бордию талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса - даъво кўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олиниши назарда тутилади. Бу масала бўйича низо судда қўрилган тақдирда суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда аниқлаши ва қаноатлантириши мумкин.

Неустойкани қўллаш, зарарни ундириш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шаклларида иборат (Кодекснинг 325-м.). Неустойка фақат мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи восита бўлиб қолмай (Кодекснинг 260-м.), балки у мажбурият бажарилмай қолганида ёки лозим даражада бажарилмаганида қарздорга нисбатан қўлланиши лозим бўлган юридик чора ҳамдир.

Неустойка атамаси рус тилидан олинган бўлиб, не устоял, яъни “взял слово, обязательство, но не выполнил” деган маънони беради. Ўзбек тилида берган сўзинг, ваъданнинг устидан чиқмадинг, яъни субутсизлик деган тушунчани билдиради. “Неустойка” қонунчиликда, шунингдек амалиётда ҳам ҳамма учун тушунарли ва қабул қилинган атамага айланган. Мазмун ва чора сифатида қўлланиши жиҳатдан жарима, шунингдек пеня ҳам неустойканинг турларидан ҳисобланади.

Неустойканинг етказилган зарардан фарқ қиладиган хусусиятлари куйидагилардан иборат:

а) неустойка қонунда ёки шартномада олдиндан белгилашиб, тарафларга маълум бўлган ва мажбурият бажарилмай

қолган тақдирда қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқий чора (санкция) ҳисобланади. Етказилган зарарнинг ҳажми эса аввалдан белгиланмайди, у мажбурият бузилганидан кейин маълум бўлади ва белгиланиши мумкин;

б) неустойкани ундириш учун қарздорнинг ҳаракати қонунга ёки шартномага мувофиқ бўлмаслигининг ўзи кифоядир, зарарни тўлатиш учун зарур бўлган талабларни (мажбуриятнинг бузилиши, зарарнинг мавжудлиги, улар ўртасида сабаб боғланишининг борлиги ва қарздорнинг айбли ёки айбли эмаслигини) аниқлаш шарт эмас.

325-моддада назарда тутилган зарар, қоида бўйича, неустойка билан қопланмаган қисми ҳажмида ундирилади (рус тилида “зачетная неустойка”). Демак, мажбурият бажарилмаганлиги учун аввал неустойка ундирилади ва сўнгра келтирилган зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми кўшимча талаб қилиш йўли билан ундирилади. Қонунда ёки шартномада неустойка билан бир қаторда зарарни ҳам алоҳида тўла ундириб олиш (рус тилида “штрафная неустойка”) назарда тутилган. Қонунда назарда тутилган ҳолларда жавобгарлик фақат неустойкани қўллаш билан чекланган бўлиши мумкин (рус тилида “исключительная неустойка”). Қонун ёки шартномада ё неустойкани ёки зарарнигина ундириб олиш назарда тутилган бўлиши мумкин (“альтернативная неустойка”).

Мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун, умумий қоида бўйича, тўлиқ жавобгарлик тамойили қўлланилади. Лекин бу умумий қоидадан истисно тариқасида Кодекснинг 326-моддасида жавобгарликни камайтириш мумкин бўлган ҳоллар назарда тутилади. Бундай ҳоллардан бири неустойка кредиторнинг ҳақиқий зарарига қараганда жуда кўплик қилиши жавобгарликни камайтириш учун сабаб бўлиши мумкин.

Зарар кўрилишида кредиторнинг (зарар кўрган шахснинг) қўпол ҳаракатлари ҳам сабаб бўлиши мумкин (Кодекснинг 335-моддасига қаралсин). Бундай ҳоллар қарздор-

нинг (зарар етказувчининг) жавобгарлигини камайтириш учун асос бўлади.

Ундириладиган неустойка миқдорини камайтиришда суд, 326-моддада назарда тутилганидек, қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлигини, мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини ҳам ҳисобга олиши мумкин.

Пул билан боғлиқ талабларнинг барча ҳолларда, иложи борича, фоиз тўлаш йўли билан ундирилиши кўзда тутилди (327-модда). Шунга кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ноқонуний ушлаб туриш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд шахс ҳисобидан асоссиз равишда олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фоиз миқдори қонунда ёки шартномада белгиланган бўлиши мумкин. Агар бу усулда белгиланмаган бўлса, мажбурият бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарзни ундириш суд томонидан ҳал қилинган тақдирда ҳам фоиз миқдори кредитор томонидан даъво кўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб белгиланиши мумкин.

Аввалги Кодекснинг 243-моддасига мувофиқ, пул мажбуриятини вақтида бажармаганлик учун фоизлар тўлаш аниқ миқдорда белгиланган эди. Мажбуриятни ижро этишни кечиктирган қарздор кечиктирилган пул суммаси ҳисобидан ҳар йилга уч фоиз миқдорида фоизлар тўлашга мажбур эди. Социалистик ташкилотлар ўртасида пулга доир мажбуриятлар юзасидан қарздор ҳар бир кечиктирилган кун учун тегишли қонунларда белгиланган миқдорда кредиторга пеня шаклида фоизлар тўлашга мажбур эди.

Янги қоидага биноан вақтида бажарилмаган пул мажбуриятлари учун фоизларнинг миқдори қонунда ёки шартномада белгиланган бўлиши, акс ҳолда банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб белгиланиши назарда тутилади. Тўланиши лозим бўлган фоизлар мажбурият кечиктирилган кундан бош-

лаб то у бажарилгунга қадар ҳисобланади. Бу қоида тадбиркорларга пул билан боғлиқ мажбуриятларнинг шартларини ўзаро келишиш йўли билан белгилаш учун эркинлик туғдиради.

Мажбурият кредитор ёки унинг топшириғи билан **учинчи шахс томонидан ишончсиз қарздор ҳисобидан** бажарилган тақдирда, унинг талаб қилиш ҳуқуқи энди муайян ишни бажариш, ашёни тайёрлаш ва кредиторга топшириш, унга хизмат кўрсатиш ва бошқа мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ҳаракатларни тўлашга, шунингдек қарздорнинг айби билан етказилган зарарни қоплашга қаратилган бўлиши мумкин (328-модда).

Ушбу модда биринчи галда тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилади. Моддада назарда тутилган қоидалардан тадбиркорликни барча соҳаларида (ишни бажаришда, мол-мулкни тасарруф қилишда, хизмат кўрсатишда), мажбуриятни кимнинг фойдасига (мулкдорнинг, хўжалик юритувчи ёки оператив бошқарувчи шахсларнинг) ҳақ эвазига ёки текинга бажарилишидан қатъи назар, ҳар қандай вазиятда фойдаланиш мумкин. Моддада кўрсатилган ашёлар хусусий белгилари ёки турмуш аломатлари билан ифодаланган бўлиши мумкин. Мажбуриятнинг бажарилишини учинчи шахсга топшириш учун кредитор маълум талабларга риоя қилиши зарур:

а) мажбурият бажарилиши учун оқилона муддат ва оқилона баҳо назарда тутилган бўлиши;

б) ишончсиз қарздор билан тузилган шартномадаги шартлар иложи борица сақланиб қолиши лозим.

Оқилона муддат деганда бажариладиган мажбурият ҳажми жиҳатдан, характери бўйича унинг бажарилиши мумкин бўлган вақт билан мутаносиб бўлишига, шунингдек ишончсиз қарздор билан тузилган шартномада берилган муддат давомида ундан кечиктириб юборилмасдан бажарилиши мумкин бўлган муддат тушунилади.

Оқилона баҳо деганда бажариладиган мажбурият бўйича учинчи шахсга тўланадиган ҳақ, пул суммаси шу вақтдаги мавжуд нарх-навога мос келиши, мажбурият бўйича ишончсиз қарздор билан келишилган баҳодан ошиб кетмаслиги тушунилади. Шартлар шартномада назарда тутилган шартларга нисбатан учинчи шахс фойдасига ошиқча ҳажмда ҳал қилинган бўлса, ишончсиз қарздор қўп миқдорда зарар кўриши мумкин. Чунки ошиқча ҳажмдаги шартлар бўйича харажатлар ишончсиз қарздор ҳисобидан сарф қилинади. Кодекснинг 335-моддасига мувофиқ, кредитор зарар миқдорининг қўпайишига йўл қўйишга ҳақли эмас.

Кредитор ишончсиз қарздордан тўлашни талаб қиладиган харажатлари ва унга етказилган зарар қарздорнинг ҳаракатлари туфайли мажбуриятни ўз вақтида бажарилмаганлиги натижасида келтирилган зарардан, ишончсиз қарздор ўрнига мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун учинчи шахсларни топиш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай зарарларни қоплаш учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг Кодекс 324, 335-моддаларида назарда тутилган умумий асослари негиз бўлиши лозим.

Субсидиар (қўшимча) жавобгарликка оид қоидалар янги тушунча ва шартлар ҳисобига аниқланди ва тўлдирилди (329-модда). Кредитор ўз талабини биринчи галда асосий қарздорга, асосий қарздор бош тортган тақдирда, субсидиар (қўшимча) қарздорга қўйиши, субсидиар жавобгар кредиторнинг талабини бажаришдан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огоҳлантириши, субсидиар қарздорга нисбатан даъво кўзғатилганда асосий қарздорнинг ишда қатнашишга жалб қилиниши, бу қоидага субсидиар қарздор томонидан риоя қилинмаган тақдирда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътирозларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги назарда тутилди.

Субсидиар жавобгарлик Кодексда қуйидаги ҳолларда назарда тутилади: банкрот бўлган юридик шахснинг креди-

торлари олдидаги қарзлари бўйича тўланиши керак бўлган мол-мулкнинг етишмай қолган қисми бўйича шу юридик муассисларининг (мулкдорларнинг) жавобгарлиги (Кодекс 48-моддасининг 6-қисми); б) асосий жамият (ширкат) айби билан шубҳа ҳужалик жамияти ночор бўлиб қолган тақдирда, асосий жамиятнинг мазкур шубҳа жамият қарзлари бўйича жавобгарлиги (Кодекс 67-моддасининг 4-қисми); в) ишлаб чиқариш кооперативлари аъзоларининг кооператив мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги (Кодекс 69-моддасининг 2-қисми); г) давлат унитар корхонасининг мол-мулки мажбуриятлари бўйича етарли бўлмаганда давлатнинг жавобгарлиги (Кодекс 72-моддасининг 5-қисми); муассасанинг пул маблағлари етарли бўлмаса, унинг мажбуриятлари юзасидан тегишли мулк эгасининг жавобгарлиги (Кодекс 76-моддасининг 3-қисми); уюшма аъзоларининг уюшма мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги (Кодекс 77-моддасининг 6-қисми).

Субсидиар жавобгарлик Кодекснинг 994-моддасида ҳам назарда тутилади. Модданинг 2-қисмига биноан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахснинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромадлари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки қисман вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийси томонидан тўланиши лозим. Субсидиар жавобгарлик тарафларнинг келишуви билан кафиллик шартномасида ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин (Кодекс 293-моддасининг 1-қисми).

Кодекснинг 329-моддасида субсидиар жавобгарликни қўллаш бўйича умумий қоидалар назарда тутилади. Булар: асосий ва субсидиар қарздорлар олдида талаб қўйиш тартиби; кредитор талаб қўйган тақдирда асосий ва субсидиар қарздорларнинг узаро муносабатларидир. Субсидиар жавобгарликнинг алоҳида, масалан, юқорида кўрсатиб ўтилган турлари бўйича қонун ҳужжатларига кўра қўшимча қоидалари ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондиришни субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли

эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан низо-сиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса. Муқобил тартибда амалга ошириш Кодекснинг 343, 344-моддаларида назарда тутилади. Қарзни низо-сиз ундириб олиш тартиби пул билан боғлиқ кўп муносабатларда қўлланилади.

Субсидиар жавобгар бўлган шахс кредитор олдида асо-сий қарздор каби жавоб беради. Шунинг учун ҳам субсидиар жавобгар кредиторнинг талабларини асосий қарздор каби қабул қилмаслик, мажбурияти бўйича муқобил талаб қўйиш, маж-бурият бажарилмаганлиги учун унинг айби йўқлигини исбот-лаш каби ҳуқуқларга эга (Кодекснинг 333-моддаси).

Ушбу бобда қарздор манфаати учун белгиланган янги, шунинг билан бирга ёлғиз норма мавжуд. У ҳам бўлса, қарз-дорни **мажбуриятни асл (натура) ҳолида** бажаришдан озод қилишга қаратилган. Ўтмишда амалда бўлган қонунларга асо-сан, қарздор мажбуриятни бажармаган учун неустойка, жари-ма тўлашидан ва етказилган зарарни қоплашидан қатъи назар, мажбуриятни асл (натура) ҳолида бажаришдан озод қилинмас эди. Талбиркорлик фаолияти учун мажбуриятнинг қандай усулда бажарилишидан қатъи назар, асосий мақсад фойда олиш-дан иборат эканлиги ҳисобга олиниб, ўтмишда белгиланган қоидалардан чекинишга тўғри келди. 330-моддага асосан, маж-бурият лозим даражада бажарилмаганлиги учун неустойка тўланган ва зарар қопланган бўлса, **қарздор мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод бўлиши мумкин**. Хусусий белгили ашёни (индивидуально определенная вещь) топшириш маж-буриятини бажармаслик оқибатида ашёнинг ўрнига зарарни қоплашни талаб қилиш (332-модда), мажбуриятнинг бажари-лиши кечиктирилганлиги оқибатида кредитор ўзи учун аҳа-миятини йўқотган (ушбу Кодекс 337-моддасининг иккинчи қисми) ижрони **қабул қилишдан бош тортиш**, шунингдек пул тўлаш, мол-мулк олиш билан мажбуриятнинг бажарилиши-дан воз кечиши ҳам(ушбу Кодекснинг 342-моддаси) қарз-дорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

Қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмаслик ҳақидаги қоида энди мажбурият лозим даражада бажарилмаган ҳолларда қўлланиши мумкин. Лекин шундай ҳолларда ҳам қонун ҳужжатларида ёки шартнома билан бошқача қоида ўрнатилган бўлиши мумкин. Масалан, юк ташувчи юкнинг йўқолган ёки бузилган қисмини пул ҳисобига қоплаши мумкин, лекин мажбуриятни асл ҳолида бажаришга мажбур эмас.

Башарти қонунда ёки шартнома билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мажбурият тўла бажарилмаган тақдирда, қарздор уни асл ҳолида бажаришдан озод бўлади. Бундай ҳолларда кредиторга етказилган зарар учун унга неустойка ундириш, зарарни тўлаш йўллари билан қопланади.

Кодекснинг 331-моддасида 1963 йилги Кодекснинг 326-моддасида назарда тутилган қоидалар маълум даражада такрорланади. **Хусусий белгили ашёлар** ўзларига хос хусусиятлари, шахсий белгили аломатлари билан (хусусий номерли машина, маълум қурилиш ва ҳоказо) бошқа бир хил турдаги, бир-бирига ўхшаш хусусиятга эга бўлган ашёлардан (буғдой, сут, кўмир ва ҳоказо) ажралиб туради. Ашёларнинг бундай бўлинишига қараб, улар туфайли вужудга келадиган муносабатларга нисбатан турли ҳуқуқий қоидалар татбиқ қилинади. Масалан, хусусий белгили ашё шартномага мувофиқ ижарага берилиши мумкин, турдош ашёларни эса бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам хусусий белгили ашё фойдаланиш учун берилиши мумкин, турдош ашёни фойдаланишга бериб бўлмайди.

331-модданинг 1-қисмида, хусусий белгили ашёни кредиторга эгалик қилиш ҳуқуқи билан биргаликда топшириш ёки эгалик эмас, балки унга хўжалик юритиш, оператив бошқариш учун топшириш ёки фойдаланишга топшириш мажбурияти бажарилмаганлиги тақдирда кредиторнинг ашёни олиб қўйиши ёки унга топширишни талаб қилиши ҳақида гап юритилмоқда. Бу ерда “фойдаланишга” деганда ашёни текинга эмас, балки ҳақ эвазига фойдаланишга топшири-

лиши ҳақида гап юритилади, чунки бундай топшириш текинга, яъни бепул бўлган тақдирда, кредитор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмас эди.

Кредитор мажбурият нарсаси бўлган ашёни талаб қилиши билан бир қаторда ашёни топширишдан қарздор бош тортиши натижасида ўзига етказилган зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Кредитор ашёни ўзига топширишни талаб қилиш ўрнига зарарнинг қопланишини талаб қилиши ҳам мумкин (Кодекснинг 313, 333-м.м.).

Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ҳажмини чеклаш фуқаролик қонун ҳужжатларида турли ҳолларда ва ҳуқуқий шаклларда назарда тутилади. Етказилган зарарни тўла ҳажмда қоплашни қуйидаги ҳолларда чеклаш мумкин: а) қонунда ёки шартномада зарарни эмас, балки фақат неустойкани ундириб олишга йўл қўйилганда (Кодекс 325-моддасининг 2-қисми); б) жавобгарликнинг ҳажми шартнома нарсасининг қиймати билан чекланганда. Юк ташитдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, транспорт уставлари ва кодексларига мувофиқ, юк сақланмаган тақдирда жавобгарлик йўқолган юк қиймати ҳажмида вужудга келади (Кодекснинг 718-м.); в) омонат сақловчи сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастлангани учун Кодекснинг 333-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жавобгарлик омонатта қўйилган ашёнинг қиймати ҳажми билан чекланиши мумкин; г) хизмат кўрсатиш соҳасида жавобгарликнинг ҳажми кўрсатилган хизматнинг қиймати доирасида белгиланади, масалан, телеграмма лозим даражада етказилмаган тақдирда алоқа ташкилотининг жавобгарлиги юборилган телеграмманинг қиймати ҳажмида белгиланади; д) жавобгарлик бой берилган фойдани тўлаш эмас, фақат ҳақиқий зарарни тўлаш ҳақида назарда тутилганда (Кодекс 122-моддасининг 4-қ); е) жавобгарлик маълум пул суммаси миқдорида ҳам чекланади. Агар топширилган юкнинг нархи юкнинг эгаси томонидан эълон қилинмаган бўлса,

жавобгарлик транспорт қонун ҳужжатларига мувофиқ юк оғирлигининг нархи ҳажмида белгиланади.

Кодекс 332-моддасининг 2-қисмига биноан, шартнома маълум даражада ожиз тарафининг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида жавобгарликнинг ҳажми доираси белгиланади. Қўшилиш шартномаси (Кодекснинг 360-м.) ёки кредитор истеъмолчи сифатида иштирок этиб тузилган шартнома бўйича (Кодекснинг 358, 1017-м.м.) қарздорнинг жавобгарлик ҳажмини чеклаш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

332-моддада, асосан қарздорнинг жавобгарлиги ҳажмини чеклаш ҳақида гап юритилади. Қарздорнинг жавобгар бўлишига ўзгартириш киритиш ҳам унинг жавобгарлигини чеклашга қаратилган деса бўлади (Кодекснинг 333-м.)

Мажбуриятнинг бажарилишини бузганлик учун белги-ланган ва Кодексга киритилган жавобгарлик асослари (Кодекснинг 333-моддаси) ҳақидаги қоидалар ҳам эътиборга сазовор. Мажбуриятни бузганлик учун **жавобгарликнинг асоси сифатида айбнинг бўлиши** ҳақидаги умумий қоидага риоя қилинган ҳолда қарздорнинг айбли ёки айбсиз эканлигини объектив баҳолаш мезонлари янги Кодексда ўз аксини топди. Ушбу модданинг 1-қисмида айбга тушунча берилади. Аввалги Фуқаролик кодексида айбга тушунча берилмаган эди. Моддада қарздорга нисбатан талабчанлик оширилади, айби йўқлигини исботлаш вазифаси унинг зиммасига юклатилади, агар исботлай олмаса айбдор ҳисобланади ва мажбурият бузилганлиги учун жавобгар бўлади. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик учун айбнинг қайси шаклда (эҳтиётсизлик ёки қасддан) бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик вужудга келади: белги-ланган неустойка ундирилади, етказилган зарар қопланади. Лекин баъзи ҳолларда, агар қарздорнинг ҳаракатларида жиддий бўлмаган эҳтиётсизлик юз берган бўлса, қонун уни жавобгарликдан озод қилади (Омонат сақлаш шартномаси бўйича Кодекс 889-моддасининг 3-қисми, текин фойдаланиш шартномаси бўйича Кодекс 621-моддасининг 4-қ.).

Айби йўқлигини исботлаш вазифасини қарздор зиммасига юкланган бўлиши амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга, низони тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Лекин 1963 йилдаги Кодекснинг 414-моддасига биноан қарздорнинг айбдор эканлигини исботлаш вазифаси кредитор зиммасига юклатилган эди. Транспорт уставларида (кодексларида) юк йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва зарарланганлиги учун юк ташувчининг айбини исботлашни юкни қабул қилиб олувчининг ёки юкни жўнатувчининг зиммасига қўйиш ҳоллари назарда тутилган эди. Янги Кодексга биноан айби йўқлигини исботлаш вазифаси юк ташувчининг зиммасига юклатилди (721-м.).

Мажбуриятлар алоҳида турларининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қонун ва шартнома билан жавобгарлик учун айбдор бўлиш ҳақидаги умумий қоидадан истиснога йўл қўйилади. Бундай жавобгарлик учун асос 333-модданинг 3-қисмида назарда тутилади. Унга кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг жавобгарлиги умумий қоида бўйича унинг айби бўлмаса ҳам вужудга келади. Тадбиркор мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли юз берганлигини исботлай олган тақдирдагина жавобгарликдан озод бўлиши мумкин.

Айбнинг бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар қонунга асосан жавобгарлик бошқа ҳолларда ҳам вужудга келади. Масалан, теварак-атрофдагиларга ортиқча хавф туғдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар (Кодекснинг 999-м.), маънавий зарар (Кодексни 1021-моддасининг 2-қ.), уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши назарда тутилади.

333-модданинг мазмунидан келиб чиқиб, мажбурият эҳтиётсизлик ҳаракатлар натижасида бажарилмаган тақдирда, тарафлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда, жавобгарликни баргараф қилишлари ёки унинг ҳажмини чеклашлари мумкин. Лекин модданинг 4-қисмига биноан, мажбуриятни

қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш кўпинча ушбу шахс билан қарздор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига, шартномага ва мажбуриятнинг моҳиятига мувофиқ мажбуриятни бажариш шахсан қарздорнинг ўз зиммасига юклатилган бўлиши мумкин (Кодекс 241-моддасининг 1-қисми). Лекин бундай тақиқлашлар камдан-кам учрайди. Вакиллик фаолияти ривож топган тадбиркорлик соҳасида бундай тақиқлашларга йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги (334-м.) умумий фуқаролик ҳуқуқи жавобгарлиги асосларига мувофиқ вужудга келади (Кодекснинг 311, 333-м.м.). Қарздор ўзини жавобгарликдан озод қилиш учун ўзининг ҳам, шунингдек мажбуриятни бажаришни юклаган учинчи шахснинг ҳам айби йўқлигини исботлаши керак.

Мажбурият учун учинчи шахснинг - мажбуриятни бажарувчининг жавобгарлиги қонун билан тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлиши мумкин. Кодекснинг 1017-моддасига мувофиқ товар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар товарни сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) томонидан қопланиши зарур. Маҳсулотни етказиб бериш шартномаси бўйича маҳсулотнинг сифати учун жавобгарлик шартнома тарафлари эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчига етказиб берувчи учинчи шахс - корхона зиммасига юклатилган бўлиши мумкин.

Шартномада тўғридан-тўғри учинчи шахснинг - ижрочининг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиши мумкин. Кодекс 598-моддасининг 3-қисмига биноан лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни учинчи шахс - мол-мулк сотувчи олдига ҳам қўйишга ҳақли.

Учинчи шахснинг ҳаракатлари учун жавобгар бўлган шахс, унга нисбатан қайтарма (регресс) талаб қўйиши мум-

кин. Бундай талаб асосан етказилган зарарни қоплашга қаратилган даъводан иборат бўлиши мумкин.

Кодекс 335-моддасида кўрсатилганидек, мажбуриятнинг бажарилмай қолишида кредиторнинг ҳам айби бўлса, қарздор жавобгарликнинг айрим қисмидан озод бўлиши мумкин. Бунинг учун суд қарздор ва кредиторнинг айбларини таққослаб кўриши керак ва лозим ҳолларда қарздор томонидан етказилган зарарни қоплаш учун талаб қилинган суммани ёки неустойкани тегишли ҳажмда камайтириши мумкин (Кодекснинг 326-м.) Қарздорнинг жавобгарлигини камайтириш учун кредиторнинг айби қандай шаклда бўлиши аҳамиятга эга эмас. Бундай ҳолларда кредиторнинг енгил, кам аҳамиятли эҳтиётсизлиги ҳам ҳисобга олинади.

Мажбуриятнинг бажарилмаганлиги туфайли кредиторга зарар етказилиши мумкин бўлса, у бу зарарнинг олдини олишга ва уни камайтириш учун зарур бўлган барча чораларни кўришга мажбур. Агар кредитор бундай чораларни кўрмаса ёки камайтириш учун ҳаракат қилмаса, бу масалага бепарволик билан қараса, қарздор кредиторга тўланадиган ҳақнинг тегишли миқдоридан озод қилиниши мумкин. Агар кредитор зарарнинг кўпайишига қасддан йўл қўйган бўлса, у қарздордан етказилган зарарни қоплаш учун ҳақ талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум ҳам бўлади.

Икки тарафлама шартнома бўйича тарафлардан бири томонидан маълум вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, умумий қоидага мувофиқ иккинчи тараф **мажбуриятни бажаришни талаб қилмаслиги** мумкин. Лекин бунинг оқибатида етказилган зарарни кредитор ундиришга ҳақли. Ушбу қоида икки тараф ҳам жавобгар бўлмайдиган мажбуриятларга тааллуқли (336-модда). Бундай қоида аввалги Кодекста мувофиқ (241-модда) ташкилотларга нисбатан барча ҳолларда татбиқ қилинмас эди.

Шартнома қоида бўйича, икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин, чунки шартнома тарафлар иштирокисиз ва унда қатнашувчиларнинг эрки, хоҳишларини те-

гишли равишда ифода этилмасдан тузилмайди. Агар шартномада қатнашувчи тарафлардан бирида мажбуриятни бажариш учун зарур бўлган имконият бўлмаса ва бундай ҳолат юз беришида иккинчи тарафнинг ҳам айби бўлмаса, мажбуриятни бажарган тарафлар мажбурият бўйича топширган нарсаларини қайтариб оладилар ва бир-бирларидан шартноманинг бажарилишини талаб қилмасликлари мумкин.

Агар шартномада иштирок этувчи тарафлардан бири, мажбуриятни бажариш учун барча имкониятлар мавжуд бўлишига, шунингдек мажбуриятни бажариш учун ўз зиммасига жавобгарликни олганлигига қарамай, мажбуриятдан келиб чиқадиган ҳаракатларни бажармаса, иккинчи тараф шартномадан бош тортишга ва мажбурият бажарилмаслиги натижасида ўзига етказилган зарарни биринчи тараф томонидан тўлалигини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ижронинг қарздор томонидан кечиктириб юборишлик (Кодекснинг 337-моддаси) мажбуриятни белгиланган муддатда бажармаслик ёки кредиторнинг талаби бўйича дарҳол бажарилиши керак бўлган мажбуриятни бажармаслик натижасида юз бериши мумкин (Кодекснинг 242, 282-моддалари).

Етказилган зарар, умумий қоидага асосан, ижрони кечиктириб юборган қарздор томонидан қопланади (Кодекснинг 324, 333-моддалари). Бундан ташқари, ижрони кечиктирган қарздор бундай ҳолат учун назарда тутилган неустойкани ҳам тўлаши керак.

Мажбурият қарздор томонидан кечиктириб бажарилиши қуйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин:

а) кечиктириш натижасида кредиторга етказилган зарарни қоплаш лозимлиги. Зарарни қоплаш айбли томонни мажбуриятни бажаришдан барча ҳолларда озод қилмайди;

б) бажаришни кечиктириш келажакда мажбурият умуман бажарилмай қолганида, қарздорнинг масъулиятини янада оширади. Агар мажбурият келгусида қарздорнинг айби билан боғлиқ бўлмасдан бажарилмай қолганида ҳам, у бари-

бир жавобгарликдан озод бўлмайди, чунки мажбуриятнинг бажарилмай қолиши - унинг кечиктириб юбориши туфайли бўлган, деб ҳисобланади. Ижро этилиши кечиктирилган мажбуриятнинг бажарилмай қолиши учун тасодифий ҳол ҳам сабаб бўлиши мумкин. Агар мажбурият ижро этилиши кечиктирилмаганида эди, бундай ҳолатлар таъсиридан холи бўлиш мумкин бўлур эди деб фараз қилинади. Тасодифий (фавқулодда) ҳолат қарздорнинг айби йўқлигини билдирсада, аммо кечиктириш учунгина эмас, балки бу тасодифий ҳолат рўй бериши натижасида мажбуриятнинг бажарилмай қолганлиги учун ҳам жавобгар бўлади.

Агар кечиктирилган мажбуриятнинг ижро этилиши кредиторнинг манфаати учун жавоб бермаса, у ижрони қабул қилишдан бош тортиши ва ижро кечиктирилганлиги натижасида кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кредиторнинг кечиктириши туфайли мажбурият ижро этилмаган ҳолда қарздор кечиктирган бўлиб ҳисобланмайди (Кодекснинг 337-моддаси). Ушбу моддада 1963 йилги Кодекснинг 244-моддасида акс эттирилган қоидалар деярли сақлаб қолинган.

Кредиторнинг кечиктириб юборганини асослаб бериш учун унинг ҳаракатларида 337-модда 1-қисмида назарда тутилган шартларнинг мавжудлигини қарздор исботлаши керак. Демак, мажбурият ўзининг айби билан эмас, балки кредиторнинг айби билан бажарилмай қолганини исботлаш вазифаси қарздорнинг зиммасига юклатилади.

Мажбурият бажарилишининг кредитор томонидан кечиктирилиши деганда, биринчи навбатда мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмай қолишига сабаб бўлган кредиторнинг қонун ёки шартнома талабларига мувофиқ бўлмаган ҳаракатлари тушунилади. Агар кредитор мажбуриятнинг камчиликсиз бажарилиши учун тўсқинлик қилса, қарздор учун қийинчиликлар туғдирса, у ўзининг бундай ҳаракатлари оқибати учун жавобгар бўлади.

Қарздор томонидан бажарилган ва таклиф этилган нарсани қабул қилишдан бош тортиш ҳам кредиторнинг кечиктириши деб қаралиши мумкин. Масалан, агар сотиб олувчи корхона шартномага мувофиқ, товарни сотувчи корхонанинг омборидан олиб кетиши лозим бўлса-ю, аммо у ўз вақтида товарни омбордан қабул қилиб олмаса ёки етказиб берилган товарни қабул қилишдан асоссиз бош тортса, бундай сотиб олувчи (кредитор) мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирган бўлиб ҳисобланади.

Кредиторнинг кечиктириши оқибатлари (Кодекснинг 338-моддаси) унинг қарздор томонидан маълум ҳаракатларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши ва кечиктириш туфайли мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлиши билан боғлиқ.

Пул тўғрисидаги мажбуриятлар бўйича, қарздор мажбуриятнинг кредитор томонидан кечиктирилган вақти давомида унга фоизлар тўлашдан озод бўлади. Мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмай қолганлиги учун кредиторнинг ўзи айбдор бўлганлиги туфайли у бундай мажбурият бўйича қарздордан фоиз олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Кредиторнинг кечиктириши 338-моддада назарда тутилган оқибатлардан ташқари, қарздорга икки томонлама шартнома бўйича муқобил ижро этишни тўхтатиб қўйиш учун ҳуқуқ беради (Кодекснинг 256-моддаси). Кредитор томонидан кечиктиришнинг алоҳида оқибатларидан бири мазкур Кодекс 316-моддасининг 2-қисмида назарда тутилади.

Кодекснинг 339-моддасида 1963 йилги Кодексининг 246-моддасидаги қоидалар такрорланади. Ушбу қоидалар фуқаролик ҳуқуқида ўз ифодасини топган муҳим тамойиллардан бири бўлиб, мулкий жавобгарликка фақат айб бўлган тақдирдагина тортилиш мумкин эканлигини белгилайди (Кодекснинг 333-моддаси).

25-БОБ

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ

340-модда. Мажбуриятларнинг бекор бўлиш асослари

Мажбурият ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Мажбуриятни тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

341-модда. Мажбуриятнинг бажарилиши билан бекор бўлиши

Мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

342-модда. Воз кечиш ҳақи

Тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш ва шу кабилар) билан бекор қилиниши мумкин. Воз кечиш ҳақининг миқдори, муддатлари ва уни бериш тартибини тарафлар белгилайдилар.

343-модда. Ҳисобга ўтказиш билан мажбуриятнинг бекор бўлиши

Муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Ҳисобга ўтказиш учун бир тарафнинг аризаси кифоя қилади.

344-модда. Ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмаслиги

Қуйидаги талабларни ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмайди:

даъво муддати ўтган талабларни;

фуқаронинг соғлигига шикаст етиши ёки унинг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабини;

алиментлар ундириш ҳақидаги талабни;
умрбод асраш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга топ-
шириш талабини;

қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳол-
лардаги талабни.

**345-модда. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечил-
ганида ҳисобга ўтказиш**

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилган тақдир-
да қарздор ўзининг дастлабки кредиторга муқобил талаби-
ни янги кредиторнинг талабига қарши ҳисобга ўтказишга
ҳақли.

Агар талаб қарздор бу талабдан бошқа шахс фойдасига
воз кечилгани тўғрисидаги билдиришни олган пайтгача мав-
жуд бўлган асосга кўра вужудга келган бўлса ва талаб қилиш
муддати ана шу билдириш олингунча келган бўлса ёки ушбу
муддат кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белги-
ланган бўлса, ҳисобга олиш амалга оширилади.

**346-модда. Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қол-
ганида мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида маж-
бурият бекор бўлади.

**347-модда. Мажбурият янгиланиши билан унинг бекор
бўлиши**

Тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бош-
қа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи
янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш)
ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади.

Ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва али-
ментларга нисбатан мажбуриятлар хусусида янгилашни амалга
оширишга йўл қўйилмайди.

Агар тарафларнинг келишувига мувофиқ бошқача тар-
тиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни янгилаш даст-
лабки мажбурият билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбурият-
ларни бекор қилади.

348-модда. Қарздан воз кечип

Кредитор қарздорни унинг зиммасидаги мажбуриятлардан озод қилиши билан, агар бу ҳол бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, мажбурият бекор бўлади.

349-модда. Бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли мажбуриятнинг бекор бўлиши

Агар тарафлардан биронтаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, у бекор бўлади.

Башарти, қарздор мажбуриятни кредиторнинг айбли ҳаракатлари туфайли бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг мажбурият бўйича бажарганларини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

350-модда. Мажбуриятнинг давлат органи ҳужжати асосида бекор бўлиши

Агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади. Бунинг натижасида зарар кўрган тарафлар ушбу Кодекснинг 12 ва 15-моддаларига мувофиқ уни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат органининг мажбурият бекор бўлишига асос бўлган ҳужжати белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилганида, агар тарафларнинг келишувидан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва мажбуриятни бажариш кредитор учун ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса, мажбурият тикланади.

351-модда. Фуқаро вафот этиши билан мажбуриятнинг бекор бўлиши

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсий ишгирикисиз бажариш мумкин бўлмаса ёки мажбурият бошқача тарзда қарздорнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, қарздор вафот этиши билан мажбурият бекор бўлади.

Агар мажбуриятни бажариш шахсан кредитор учун мўлжалланган ёки мажбурият бошқача тарзда кредиторнинг

шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, кредитор вафот этиши билан мажбурият бекор бўлади.

352-модда. Юридик шахс тугатилиши билан мажбуриятнинг бекор бўлиши

Юридик шахс (қарздор ёки кредитор) тугатилиши билан мажбурият бекор бўлади, қонун ҳужжатлари билан тугатилган юридик шахснинг мажбуриятларини бажариш бошқа шахс зиммасига юклатилган (ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш талаби ва бошқа талаблар бўйича) ҳоллар бундан мустасно.

25-бобга шарҳлар

Ушбу бобнинг биринчи, 340-моддаси мажбуриятнинг бекор бўлиши асосларини, яъни сабабларини белгиловчи ҳуқуқий манбаларга бағишланди. Унга биноан мажбурият ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра батамом ёки қисман бекор бўлади. Мажбурият тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилиниши умумий қоида бўйича мумкин эмас. Бундай тартибда бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мажбуриятлар турли асосларга кўра бекор бўлиши мумкин. Бундай асослар сифатида энг кўп учрайдиганлари юридик шахсни қайта ташкил қилиш (49-модданинг 2-қисми), акциядорлар жамияти устав фондининг камайиб кетипи (64-м.), ёпиқ акциядорлар жамиятининг акциядорлари сон жиҳатдан белгиланган даражадан кам бўлиши (66-модданинг 2-қисми), кафилликнинг бекор бўлиши (298-м.) ва бошқалардан иборат.

Мажбуриятнинг бекор бўлиши, шунингдек уни бажаришдан бир тарафлама бош тортилиши (237-м.) шартномани бекор қилиш (382-м.) ва бошқа қонун талабларига риоя қилинган ҳолда бажарилган ҳаракатлар асосида юз бериши мумкин.

Мажбурият бекор бўлиши билан у ўз юридик кучини йўқотади, умумий қоида бўйича унинг иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тугатилади. Баъзи ҳолларда улар ўртасидаги муносабатлар ўзгартирилган тусда сақланиши мумкин. Масалан, мажбурият ёки шартнома бекор қилиниши натижасида қандай мулкӣ-ҳуқуқӣ оқибатларнинг вужудга келиши 349-модданинг 2-қисмида ва 385-модданинг 5-қисмида назарда тутилади.

Мажбуриятни бекор қилиш бўйича тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан асоссиз эгаллаб олинган ва тежаб қолинган мол-мулк бўйича вужудга келадиган мажбуриятларга оид қоидалар ҳам татбиқ қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда мажбуриятнинг бекор бўлиши оқибати олинган мол-мулкни қайтариб бериш (1023-м.), етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш билан боғлиқ (1024-м.).

Мажбуриятнинг бажарилиши билан бекор бўлиши (341-м.) асосий ва мақсадга мувофиқ усуллардан иборат. Лекин ҳар қандай бажариш ҳам мажбуриятнинг бекор бўлиши учун асос бўлавермайди. Мажбурият қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади. Кодекснинг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Кодекснинг 249-моддасида келтирилган сабабларга кўра, пул суммасини ёки қимматли қоғозларнинг депозитга қўйилиши ҳам мажбуриятнинг лозим даражада бажарилганидан ларак беради.

Кредитор ижрони қабул қила туриб, қарздорнинг талаби бўйича, унга ижронинг тўла ёки қисман қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беришга мажбур (Кодекснинг 257-м.).

Агар қарздор мажбуриятни гувоҳлантириш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, бу ҳолда кредитор

ижрони қабул қила туриб, бу ҳужжатни қайтариши, агар уни қайтариш мумкин бўлмаса, бу тўғрида ўзи берадиган тилхатда кўрсатиши лозим. Тилхат қайтарилаётган қарз ҳужжати устига хат ёзиш билан алмаштирилиши мумкин.

Қарз ҳужжатининг қарздор қўлида бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини гувоҳлантиради.

Кредитор тилхат беришдан, қарз ҳужжатини қайтаришдан ёки уни қайтариш мумкин бўлмаганлигини тилхатда кўрсатишдан бош тортган ҳолда, қарздор ижрони тўхтатиб туришга ҳақли бўлади. Бу ҳолда мажбуриятни кредитор кечиктирган ҳисобланади ва унга нисбатан Кодекснинг 338-моддасида назарда тутилган оқибатлар қўлланилади.

Бобда ўтмишда мажбуриятларни бекор қилиш асослари сифатида юридик адабиётларда маълум бўлган, лекин қонуларда назарда тутилмаган асослар келтирилди. Булар қаторига: воз кечиш ҳақи (отступное) (342-модда), мажбурият янгиланиши билан (347-модда) қарздан воз кечиш (348-модда) ва бошқа асослар киради. Ўтмишда мажбуриятларнинг вужудга келиши, бажарилиши қатъий талаблар асосида тартибга солиниши ва тарафларнинг мажбурият бўйича ўз ҳуқуқларидан эркин фойдаланиш имкониятлари чекланиши тўғрисида ушбу асослар мажбуриятларни бекор қилиш учун қўлланилмай келган эди.

Тарафларнинг келишувига мувофиқ, мажбуриятнинг воз кечиш ҳақини бериш йўли билан бекор қилиниши фуқаролар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни тартибга солишда анча қулайлик туғдиради. Воз кечиш ҳақини бериш билан мажбуриятни бекор қилиш ҳақида тарафлар битим тузиш пайтида, шунингдек уни бажариш жараёнида ҳам келишиб олган бўлишлари мумкин. Бунинг учун битимнинг ҳақиқатда бажариб бўлмаслиги ёки унинг бажарилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаб бўлиши мумкин. 342-моддада кўрсатилгандан ташқари воз кечиш ҳақи тарафларнинг келишувига билан бошқа шаклларда, масалан, бирон-бир ишчи бажариш ёки муайян хизматни бажаришда, қўлланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича қўллашга амал қилган ҳолда (Кодекснинг 347-м.) воз кечиш ҳақи шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ, пунингдек алиментлар тўлаш ва қўшимча пенсия билан таъминлашга оид мажбуриятларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас, деб ҳисоблаш зарур. Воз кечиш ҳақининг бундай ҳолларда қўлланиши кредитор бўлган фуқаронинг оғир мулкый шароитга дуч келишига сабаб бўлиши мумкин.

Воз кечиш ҳақи Кодекс 330-моддасининг 3-қисмига мувофиқ неустойка каби тавсифланади. Пировард мақсадга эришиш учун қўлланидиган усуллар сифатида ўхшашлик бўлиши билан бир қаторда улар фуқаролик ҳуқуқи институтлари сифатида бир-биридан фарқ қилади. Масалан, неустойка, албатта ёзма шаклда ифодаланган бўлиши керак бўлса, воз кечиш ҳақига нисбатан битимларнинг шакли ҳақидаги умумий қоида татбиқ қилинади. Неустойканинг ҳажми суд томонидан қисқартирилиши (326-м.) мумкин бўлса, воз кечиш ҳақи учун мумкин эмас. Чунки унинг шакли ва ҳажми тарафларнинг келишувига асосан белгиланади. Неустойка пул суммасидан иборат бўлса, воз кечиш ҳақи фақат пул эмас, мол-мулк, ишни бажариш ва бошқа нарсалардан иборат бўлиши мумкин.

Ҳисобга ўтказиш билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши (343-м.) ҳақидаги қоидаларда аввалги Кодекснинг 248-моддасига нисбатан жиддий ўзгариш юз бергани йўқ.

Ҳисобга ўтказиш - мажбуриятни бекор қилиш усуллари билан бири бўлиб, бу орқали шартномаларнинг иштирокчилари бўлган кредитор ва қарздорлар ўзларининг бир хилдаги муқобил (қарши) талабларини ҳисобга ўтказиш йўли билан бир-бирларига нисбатан бўлган мажбуриятларни бекор қилишлари мумкин. Ҳисобга ўтказиш - мажбуриятларнинг бажарилишини осонлаштиради.

Мажбуриятни ҳисобга ўтказиш шаклида бекор бўлиши мажбуриятда иштирок этувчи тарафлардан бирининг арзи ёки суд қарорини ижро этиш тартибида амалга оширилади.

Кодекснинг 344-моддасида назарда тутилган талаблар бўйича ҳисобга ўтказиш билан мажбуриятни бекор қилишга йўл қўйилмайди. Булар даъво муддати ўтган, фуқаронинг соғлиғи ва ҳаёти, алиментлар ундириш, умрбод асраш шартли билан уй-жойни топширишга оид ва қонунда ёки шартномада назарда тутилган талаблардан иборат. Бундай талаблар билан боғлиқ мажбуриятлар асосан фуқароларнинг моддий жиҳатдан таъминланишига қаратилган бўлиб, уларни ҳисобга ўтказиб бўлмайди.

Кодекснинг 160-моддасига мувофиқ ўтиб кетган даъво муддати тикланиши мумкин. Демак, бундай ҳолда ҳисобга ўтказишга йўл қўйилади.

Ўтмишда қабул қилинган, ҳозир ҳам бекор қилинмаган қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро етказилган зарар ва қўлланиши керак бўлган бошқа жарималарни ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмайди. Лекин ҳозирги шароитда бозор муносабатларининг таркиб топиши ва улар иштирокчиларининг ўз мол-мулкани ўз ихтиёрлари билан тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлиши билан уларга қарши талабларини ўзаро ҳисобга ўтказишга йўл қўймаслик Кодекснинг 1-моддасида фуқаролик қонун ҳужжатларининг моҳиятини ифодаловчи асосий тамойилларга мос келмайди.

Кодекснинг 345-моддаси унинг 313-моддасидаги умумий қоидага аниқлик киритиб, талаб қилиш ҳуқуқининг ўтказилиши натижасида қарздор аҳволининг ёмонлашишига йўл қўймаслиги зарурлигини кўрсатади. Талаб қилиш ҳуқуқи бировга ўтказилган ҳолда, қарздор янги кредиторнинг талаблари ҳисобига ўзининг аввалги кредиторга нисбатан бўлган талабини қарши қўйиб, уни ҳисобга ўтказишга ҳақли бўлади.

Мажбуриятнинг бекор бўлиши кредитор билан қарздор бир шахс бўлиб қолишига ҳам боғлиқ (346-м.). Икки томонлама мажбуриятда тарафлардан бирининг бўлмай қолиши баъзи ҳолларда мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келади. Бундай асослардан бири сифатида қонун қарздор билан кредиторнинг бир шахс бўлиб қолишини ҳисобга ола-

ди. Фуқароларга нисбатан мисол қилиб мерос олувчи шахснинг ўз отаси ёки акасига қарздор бўлиб, кейинчалик мерос очилиши натижасида кредиторнинг (марҳум ота ёки аканинг) талаб қилиш ҳуқуқининг мазкур шахсга (қарздор бола ёки укага) ўтишини кўрсатиш мумкин.

Қарздор билан кредиторнинг бир шахс бўлиб қолиши юридик шахслар ўртасида ҳам учрайди. Бундай бўлиши асосан юридик шахсларни қайта ташкил қилиш жараёнида юз беради (Кодекснинг 49, 50-м.м.).

Мажбурият унинг янгиланиши билан ҳам бекор бўлиши мумкин (347-м.). Мажбуриятнинг янгиланиши (рус тилида новация) деб мажбурият тарафларининг келишуви билан, хусусан шу шахслар ўртасидаги бир мажбуриятни бошқа мажбурият билан алмаштирилишига ва бунинг натижасида дастлабки мажбуриятнинг бекор бўлишига айтилади. Масалан, ижара шартномасининг тарафлари ушбу шартноманинг ўрнига олди-сотди шартномасини тузиш ҳақида келишиб аренда мол-мулкини ижарачига эгалик қилиш ҳуқуқи билан топшириши мумкин.

Янгиланиши мумкин бўлмаган мажбуриятларнинг рўйхати 347-модданинг иккинчи қисмида келтирилади.

Мажбурият янгиланиши билан унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган Кодекснинг 22-бобида назарда тутилган қўшимча мажбуриятлар ҳам бекор бўлади. Банк кафолати қўшимча мажбуриятлар қаторига кирмайди, у асосий мажбуриятга нисбатан мустақил ҳисобланади (Кодекснинг 301-м.). Пул мажбуриятлари бўйича фоизлар олиш ҳам мустақил мажбурият ҳисобланади.

Етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳам (Кодекснинг 14-м.) қўшимча мажбурият деб бўлмайди, чунки у барча мажбуриятларга бир хилда тааллуқли, шунинг учун мажбуриятнинг янгиланиши унинг қўлланишини бекор қилмайди. Лекин тарафлар ўзаро келишилган ҳолда, ўз муносабатларини тубдан ўзгартириб, янги шартлар асосида шартно-

ма тузган бўлсалар, зарарни ундиришни бекор қилишлари мумкин.

Қарздан воз кечиш йўли билан ҳам мажбуриятни бекор қилиш мумкин (348-м.). Ушбу қоида Кодексга киритилган янгиликлардан иборат бўлиб, мазмун жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабат иштирокчиларининг ўз мулкий муаммоларини мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлганларидан дарак беради.

Қарздан воз кечиш - кредитор томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган бир тарафлама битим (103-м.). Кредиторнинг эрки изҳор этилиши билан амалда бўлган мажбурият бекор қилинади, қарздор жавобгарликдан озод бўлади. Бундай битим қарздор учун ва бошқа учинчи шахслар учун, умуман олганда, ҳеч қандай мажбурият вужудга келтирмайди, лекин алоҳида ҳолларда уларнинг манфаатларига путур етказиши мумкин.

Қарздор мажбуриятнинг сақланиб қолишидан манфаатдор бўлиши мумкин, масалан, агар у мажбурият бўйича муқобил ижро этиш назарда тутилган бўлиб, пул ёки бошқа мол-мулк шаклида даромад олишнинг имконияти бўлса. Шунинг учун қарздан воз кечиш қарздор билан келишилган ҳолда ёки мажбуриятнинг бажарилиши умуман мумкин бўлмаган ёинки мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирдагина амалга оширилади. Акс ҳолда қарздор воз кечишни қабул қилмаслиги мумкин. Қарздан воз кечиш кўпинча пул мажбуриятлари бўйича фуқаролар ўртасидаги муносабатларда учрайди.

348-моддага мувофиқ бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Демак, воз кечиш натижасида бошқа шахсларнинг кредиторнинг мол-мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, бундай воз кечишни амалга ошириб бўлмайди. Манфаатдор шахс воз кечиш натижасида унинг мулкий ҳуқуқи бузилиши мумкинлигини исботлаб бериши керак. Бу масала судда ҳал қилиниши ҳам мумкин.

Мажбурият уни бажариш мумкии бўлмаганлиги туфайли бекор бўлиши мумкин (349-м.). Бундай ҳолатнинг бўлиши унинг мазмунига қараб белгиланади. Чунончи, агар ўзига хос хусусий белгиси бўлган ашё нобуд бўлса, уни топшириш мажбурияти бекор бўлиши мумкин. Аммо мажбурият нарса-си пул бўлса - уни тўлаш мажбурияти бекор бўлмайди.

Агар мажбуриятни ижро этиш мумкин бўлмаганлигига қарздорнинг айбига боғлиқ бўлса (333-м.), мажбурият бекор бўлмайди. Бундай ҳолларда қарздор мажбуриятнинг ижро этилмаслиги учун жавобгар бўлади. Мажбуриятнинг ижро этилишига тўсқинлик қилган ҳолатларнинг мавжуд бўлган-лигини исботлаш бурчи қарздорга юклатилади. Башарти, қарздор мажбуриятни кредиторнинг айбли ҳаракатлари туфайли (335-м.) бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг мажбурият бўйича бажарганларини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Кодекснинг 351-моддасига мувофиқ мажбурият икки ҳолатда бекор бўлиши мумкин: а) **мажбурият вафот этган қарздорнинг шахсий иштирокисиз** бажарилиши мумкин бўлмаса; б) мажбурият бажарилиши шахсан **вафот этган кредитор учун** мўлжалланган бўлса. Ушбу модда қоидалари суд қарори билан ўлган деб эълон қилинган фуқароларнинг мажбуриятларига нисбатан ҳам жорий қилинади.

Демак, қарздор ёки кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар, улардан бирининг вафот этиши билан бекор бўлади. Моддада белгиланган умумий қоидадан истиснолар ҳам бор. Чунончи, топшириқ шартномаси бўйича бирон-бир юридик ҳаракатни қилишга мажбу бўлган вакил топшириқ берувчи вафот этганида ҳам то унинг ворисларидан тегишли кўрсатмалар олмагунича мажбуриятни бажариб туриши лозим бўлади.

Агар фуқаронинг вафоти туфайли бекор қилинган мажбурият у вафот этмасдан олдин қисман бажарилган ҳолларда, бажарилган қисми асоссиз орттирилган бўйликни қай-

тариш мажбуриятига мувофиқ Кодекснинг 1023-моддасига асосан ҳал қилинади.

Юридик шахс тугатилиши билан мажбурият бекор бўлиши мумкин (352-м.) Юридик шахснинг тугатилиши ва уни амалга ошириш тартиби Кодекснинг 53-57-моддалари билан белгиланади. Юридик шахс тугатилганда унинг барча фаолияти тўхтади, унинг томонидан тузилган мажбуриятлар бекор бўлади. Агар тугалланувчи корхонанинг ҳуқуқларини оладиган ворислари бўлса - мажбурият бекор бўлмайди.

Юридик шахс тугатилганда унинг дебитор қарзлари ундирилади, бор мол-мулки ҳисобидан кредиторларининг талаблари қаноатлантирилади (Кодекснинг 55. 56-м.м.). Тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг етарли бўлмаганлиги туфайли кредиторнинг қаноатлантирилмай қолган талаблари узилган деб ҳисобланади. Шунингдек, кредиторни тугатиш комиссияси томонидан тан олинмаган (агар кредитор даъво билан судга мурожаат қилмаган бўлса), шунингдек суд томонидан қаноатлантирилмаган талаблари ҳам узилган деб ҳисобланади.

Юридик шахс давлат рўйхатига тегишли ёзув киритилгандан сўнг тугатилган деб ҳисобланади (Кодекснинг 44-м.). Ўша кундан бошлаб юридик шахснинг мажбурияти ҳам бекор бўлади.

Ҳаётга ва соғлиққа етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талаблар бўйича юридик шахснинг мажбуриятлари тугатиш ҳақида қабул қилинган қарорда кўрсатилган унинг юқори ташкилотга ўтади ёки бундай талаблар уларни бажариш учун олдиндан ташкил (капитализация) қилинган жамғарма ҳисобидан қаноатлантирилади.

352-моддада кўрсатилган асослар бўйича мажбуриятлар бекор бўлганида мулкни асоссиз олиш ёки асоссиз тежаш ҳолларига йўл қўймаслик керак (Кодекснинг 1023-м.).

Бинобарин, Кодексга авваллари қўлланиб келинган режанинг ўзгариши сабабли мажбуриятнинг ўз ҳолича тўшпадан-тўғри бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига қаратил-

ган (1963 йилги Кодекснинг 253-моддаси) қоидалар киритилмади. Унинг ўрнига мажбуриятнинг давлат органи ҳужжати асосида бекор бўлиши ва, агар бунинг натижасида зарар етказилган бўлса, зарар кўрган тарафлар ушбу Кодекснинг 12 ва 15-моддаларига асосан зарарни ундириб олишни талаб қилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар белгиланди (350-модда). Аввалги Кодексдаги мавжуд мажбуриятларни бекор қилиш асосларига бағишланган қоидаларга мажбурият тарафларининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги ҳисобга олинган ҳолда янгича мазмун ва таҳрир берилди.

2-КИЧИК БЎЛИМ ШАРТНОМА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

26-БОБ

ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИ ВА ШАРТЛАРИ

353-модда. Шартнома тушунчаси

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувни шартнома дейилади.

Шартномаларга ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга, агар ушбу бобнинг қоидаларида ва ушбу Кодексда шартномаларнинг айрим турлари тўғрисида баён этилган қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу Кодекснинг 234-352-моддалари) қўлланилади.

Иккитадан ортиқ тарафлар тузадиган шартномаларга, бундай шартномаларнинг кўп тарафламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

354-модда. Шартнома тузини эркинлиги

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи ушбу Кодексда, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўзичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мум-

кин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар туғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Шартноманинг шарти тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма (диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шарти диспозитив норма билан белгиланади.

Агар шартнома шартлари тарафлар ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

355-модда. Ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар

Шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади.

Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади.

356-модда. Баҳо

Шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишuvi билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади:

Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳоказо) қўлланилади.

Шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

357-модда. Шартноманинг амал қилиши

Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин.

Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажаришининг шартномада белгилаб қўйилган охириги муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

358-модда. Оммавий шартнома

Ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташини, алоқа хизмати, энергия би-

лан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади. Бундай ташкилот оммавий шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси, шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди.

Ташкилот оммавий шартнома тузишдан асоссиз бош тортиганида ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати оммавий шартномаларни тузиш ва бажаришда тарафлар учун мажбурий бўлган қоидалар (намунавий шартномалар, қоидалар ва ҳоказо) чиқариши мумкин.

Оммавий шартноманинг ушбу модда иккинчи ва бешинчи қисмлари билан белгилаб қўйилган талабларга мос келмайдиган шартлари ҳақиқий эмас.

359-модда. Шартноманинг намунавий шартлари

Шартномада унинг айрим шартлари тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган намунавий шартлар билан белгиланиши назарда тутилиши мумкин.

Шартномада намунавий шартларга ҳавола қилинмаган ҳолларда бундай намунавий шартлар тарафларнинг муносабатларига иш муомаласи одатлари сифатида қўлланилади.

Намунавий шартлар намунавий шартнома ёки ушбу шартларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжат шаклида ифодаланиши мумкин.

360-модда. Қўшилиш шартномаси

Шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул қилиши мумкин бўлган шартнома қўшилиш шартномаси дейилади.

Агар қўшилиш шартномаси, гарчи қонун ҳужжатларига зид бўлмаса-да, бироқ қўшилувчи тарафни одатда ана шундай турдаги шартномалар асосида бериладиган ҳуқуқлардан маҳрум этса, иккинчи тарафнинг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлигини истисно этса ёки чекласа ёхуд унда қўшилган тараф учун очикдан-очик оғир бўлган, бу тарафда шартнома шартларини белгилашда қатнашиш имконияти бўлганида у ўзининг манфаатларини кўзлаб қабул қилмайдиган шартлар ёзиб қўйилган бўлса, шартномага қўшилган тараф шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шартномага қўшилган тараф қандай шартлар асосида шартнома тузаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмайди.

361-модда. Дастлабки шартнома

Дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар.

Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади. Дастлабки шартноманинг шакли тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак.

Дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади. Агар дастлабки шартномада бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузилган пайтдан бошлаб бир йил ичида тузилиши шарт.

Дастлабки шартномани тузган тараф асосий шартномани тузишдан бош торган тақдирда ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Агар тарафлар асосий шартномани тузишлари лозим бўлган муддатнинг охиригача у тузилмаса ёки тарафларнинг биронтаси ҳам иккинчи тарафга ана шундай шартнома тузиш ҳақида таклиф юбормаса, дастлабки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади.

362-модда. Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома

Тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Қарздор кредиторга қарши қўйиши мумкин бўлган эътирозларини шартномада учинчи шахснинг талабларига қарши қўйишга ҳақли.

Учинчи шахс шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, башарти қонун ҳуж-

жатлари ва шартномага зид бўлмаса, кредитор бу ҳуқуқда фойдаланиши мумкин.

363-модда. Шартномани шарҳлаш

Суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шarti аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, тарафларнинг ҳақиқий умумий хоҳиш-иродаси шартноманинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бунда барча тегишли ҳолатлар, шу жумладан шартнома тузиш олдидан олиб борилган музокаралар ва ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт иш муомаласи одатлари, тарафларнинг кейинчалик ўзларини қандай тугганлиги эътиборга олинади.

26-бобга шарҳлар

Ўтмишда мажбуриятларнинг деярли кўпчилиги режалаштириш ҳужжатлари асосида вужудга келар эди. Бозор муносабатлари мажбуриятнинг шартномага асосан вужудга келишини тақозо қилади.

Ушбу талабга риоя қилинган ҳолда мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмида шартноманинг тушунчасига, хусусиятларига бағишланган умумий қоидаларга, мажбуриятларнинг вужудга келишида асосий юридик факт сифатида унинг эгаллаган ролига бағишланган 32 моддадан иборат учта алоҳида боб (26-28 боблар) берилди. Аввалги Кодексда бундай боблар йўқ, чунки унда мажбуриятларнинг вужудга келишининг асоси сифатида асосан режалаштирув ва маъмурий ҳужжатларга эътибор берилган. Шартнома унинг тарафларининг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигидан, муносабатларда иштирок қилиш учун ўз хоҳиш ва мақсадларини эркин равишда расмий ифода этишларидан дарак беради. Демак, шарт-

нома Фуқаролик кодекси моддалари билан тартибга солиш услубининг (методининг) моҳиятини, хусусиятини белгилаб берувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат ролини бажаради. Унга одатдагидек фақат битимнинг бир тури сифатида қарамасдан, балки фуқаролар, юридик шахслар, давлатлар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий, маданий муносабатларни тартибга соладиган юридик ҳужжат сифатида қарашни талаб қилади.

Ушбу бобда ўтмишда фуқаролик қонунчилигида советлар ҳокимияти даврида инкор қилинган қоидалар ўз аксини топди. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни тақсимлашни қатъий планли равишда амалга ошириш даврида, шартнома тузиш учун шартномавий ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан иборат бўлган унинг тарафларига ўз манфаатларини кўзлаб ўз хоҳишларини эркин изҳор қилишларига ҳожат йўқ эди.

Маҳаллий аҳоли шартнома тузишда мусулмон ҳуқуқида маълум бўлган етук ривожланган қоидалардан фойдаланиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлди. Шариатда шартномага кенг эътибор берилади, унинг турлари хусусиятларига кўра ҳар томонлама тавсифланади. Шартномани тузишда, мазмунини, бажариш усуллариини белгилашда, бузилган тақдирда юзага келадиган оқибатларини келишиб олишда унинг тарафларига кенг ҳуқуқ берилади. Бир томонлама ёки икки томонлама эрк билдириб тузилган ҳар қандай битим шартнома ҳисобланади. Битим ва шартнома ягона арабча “аҳд” атамасидан иборат бўлиб, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш учун қўйилган ҳар қандай муносабатларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги тушунчани ифода этади.

Жамиятда турли шаклдаги мулкчиликнинг тенг ҳуқуқли тамойилга асосан ҳаракатда бўлиши ва мулкий муносабатларда, тадбиркорликни амалга оширишда мол-мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахснинг эгалик ҳуқуқига, яъни мулк ҳуқуқи субъектларининг ўзгариши билан ўтиши ушбу шахслар ўртасидаги мавжуд муносабатларни товар - пул муносабатлари, яъни баҳоланиш аҳамиятига, ҳақ эвазига амалга оши-

риладиган муносабатлар эмас, дейишга асос қолмайди ва уларни режали ишлаб чиқариш ва тақсимлаш усулларини қўллаш эмас, балки шартномалар воситасида тартибга солишга тўғри келади. Шартнома жамиятда моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш соҳасида эҳтиёж ва тақлиф қилиш масалаларини оқилона белгилаш, тўғри ҳал қилиш учун имконият яратади.

Шартноманинг кенг қўламда қўлланиши жамиятда турли соҳада, жумладан мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида ҳам демократик тамойилларнинг ривож топишидан дарак беради. Шартноманинг ўзи ўз маъноси ва моҳияти билан демократияни ифода этади. Унинг бундай хусусият-хос маъноси унда қатнашувчи тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш ва иродаларини эркин ифода этишдан иборат.

Шартномага ушбу бобда биринчи марта ўтмишда анъана бўлган, юридик жамоатчилик томонидан қабул қилинган **тушунча** берилди. Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувига шартнома дейилади (353-модда, 1-қисм). Бундай келишув шахсан шартнома тарафлари томонидан ўзаро изҳор этилган эркига асосланади. Бундай тушунча ўтмишда амалиётда ҳукм сурган, яъни шартнома тарафларини ва унинг мазмунини тегишли ҳужжатларда (наряд, разнарядка ва ҳоказо) олдиндан белгилаб қўйишга асосланган тартибни инкор этади.

Фуқаролар ва юридик шахсларни шартнома тузишга ҳеч ким мажбур қилмайди. Улар шартнома тузишда ва унинг мазмунини белгилашда, шартларини аниқлашда ўз хоҳишларини **эркин ифода этадилар**. Улар нафақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шунингдек назарда тутилмаган шартномаларни ҳам тузишлари мумкин. Бундай қоидани белгилашда “қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни бажаришга рухсат этилади” деган умумий қоидага амал қилинади.

Шартноманинг шартларини белгилашда ҳам унинг тарафларига кенг эркинлик берилди. Шартнома шартларини белгиловчи норма диспозитив характерга эга. Тарафлар ушбу шартларни ўзгартириши ёки мутлақ бошқа шартларни қабул қилиши, шунингдек тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган, иш муомаласи одатларига мос келадиган ва жавоб берадиган шартларни ҳам қабул қилишлари мумкин.

Шартнома шартлари қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган бўлиши ҳам мумкин. Бундай қонуннинг ўрнатилиши, айниқса истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур. Шу масала ҳисобга олиниб, Кодексда шартномада назарда тутилган ва қонун билан белгиланган **шартларнинг** бир-бирига нисбатан боғлиқ бўлиши ҳақида махсус қоида кўзда тутилди. Бунга кўра, агар шартнома шартлари мазмун жиҳатдан қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилмаган тақдирда, улар тарафларнинг хоҳиши билан белгилаши мумкин (353-модда, 5-қисм).

Бозор иқтисодиётининг таркиб топиши ҳисобга олиниб, **шартнома ҳақ эвазига** амалга оширилади, деган қонуннинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинган товарнинг, бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг ҳақи тўланиши керак. Шартнома текинга тузилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин қонун ҳужжатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, шартноманинг мазмуни ва моҳиятидан ўзгача маъно англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган деб ҳисобланади (355-модда).

Шартноманинг амал қилиши деб номланган 357-моддага шартнома билан мажбуриятнинг бир-бирига нисбатан ўзаро боғлиқ бўлишига бағишланган янги қоида киритилди. Шартнома тузилган вақтдан бошлаб тарафлар учун бажарилиши шартдир. Қонун ҳужжатида ёки шартномада шартноманинг муддати тугагач, тарафларнинг мажбуриятлари ҳам тугайди, деб кўрсатилган бўлиши мумкин. Агар бундай шарт кўрсатилмаган бўлса, шартноманинг муддати мажбурият бажарил-

гунга қадар давом этади. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни шартномани бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етказиб берувчиларга аванс (бўнак) бериш контрактация шартномасининг шартларидан ҳисобланади. Бир йилга тузилган шартноманинг муддати тугагач, аванс олмаган деҳқон шартнома бўйича маҳсулотни сотиб олувчидан жарима ундириш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди.

158-модда билан **очиқ шартнома** деган янги тушунча киритилди. Ушбу шартнома биринчи галда истеъмолчилар, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Унинг воситасида бозор муносабатларида монополия ҳолатини эгаллаган тадбиркорлар томонидан ўзбошимчалик, яккаҳоқимлик ҳаракатларига мумкин қадар йўл қўймаслик, бундай ҳолларнинг олдини олиш масалаларини ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилган.

Очиқ шартноманинг хусусияти шундан иборатки, чакана савдо, умум фойдаланадиган транспортда юк ва йўловчиларни ташиш, ишлар бажариш ёки хизмат кўрсатиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат ва шу каби фаолиятлар билан шуғулланувчи тижоратчи ташкилотлар, корхоналар ўзларига мурожаат қилган ҳар бир шахсга нисбатан бир хил ва бир текисда муомалада бўлишлари керак. Шартнома шартлари, масалан, унинг нархи ҳамма истеъмолчилар учун баб-баравар. Айрим истеъмолчилар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин. Тижоратчи ташкилотта шартномани тузишдан асоссиз бош тортишга йўл қўйилмайди. Бу қатъий, яъни императив характерга эга бўлган қоидалардан иборат.

Тадбиркорлик соҳасида биргаликдаги фаолиятнинг тобора ривожланиш жараёни ҳисобга олиниб, Кодексга киритилган янгиликлардан яна бири **қўшилиш шартномасидан** иборат (360-модда). Ушбу шартномага кўра бир тараф шартлари олдиндан формуляр ёки бошқа стандарт шаклда белгиланган, таърифланган шартномани тузишни таклиф қилади,

иккинчи тараф ушбу шартномада кўзда тутилган шартларни бутунлай қабул қилиш йўли билан унга қўшилиши мумкин.

Агар қўшилиш шартномаси, гарчи ҳужжатларга зид бўлмаса-да, бироқ қўшилувчи тарафни одатда ана шундай турдаги шартномалар асосида эгаллаши мумкин бўлган ҳуқуқлардан маҳрум этса, мажбурият бузилганлиги учун жавобгарлик қўшилган тараф учун очикдан-очик оғир бўлса ва унинг бошқа манфаатлари ҳисобга олинмаган бўлса, қўшилган тараф шартномани бекор қилиш ёки ўзгартиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Демак, биринчидан, олдиндан шартлари маълум бўлган шартномага қўшилиш ёки қўшилмасликни ҳал қилиш иккинчи тарафнинг хоҳиш билдиришига боғлиқ, иккинчидан, агар у шартномага қўшилган тақдирда шартномада унинг ҳуқуқига ва манфаатларига путур етказадиган шартлар мавжуд бўлса, бундай шартномани бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эга, учинчидан, агар унинг бундай талаби қабул қилинмаса, у шартномадан чиқиб кетишга ҳақли. Бундай қоидалар, энг аввало қўшилган тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Аввалги Кодексларда ҳам **дастлабки шартнома бўлган**. Лекин унинг предмети фақат тураржой олди-сотдисидан иборат эди. Энди унинг предмети ҳозирги бозор иқтисодиётига хос вазият ҳисобга олиниб, анча кенгайтирилди. 361-моддага мувофиқ дастлабки шартнома бўйича тарафлар турли усулда мол-мулкни ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида келажакда асосий шартнома тузиш мажбуриятини оладилар. Асосий шартномани тузиш муддати дастлабки шартномада кўрсатилган бўлиши керак. Агар муайян муддатда тарафлар асосий шартномани тузишга хоҳиш билдирмасалар, дастлабки шартнома бекор бўлган деб ҳисобланади.

Дастлабки шартномани тузган тараф асосий шартномани тузишдан бир томонлама бош тортган тақдирда, ушбу

Кодекс 377- моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Демак, дастлабки шартномага асосан унинг мазмунини ташкил қилган шартларни бажариш, яъни бирон-бир ҳаракатларни амалга ошириш, чунончи маҳсулотни топшириш, ишни бажариш юзасидан мажбурият вужудга келмайди, балки ушбу шартномада белгиланган шартлар ҳисобга олинган ҳолда келажақда асосий шартнома тузиш ҳақида мажбурият юзага келади.

Кодексдаги 363-янги модда тузилган шартномани шарҳлаш билан боғлиқ қоидаларга бағишланган. Мазкур Кодекс 354-моддасининг учинчи қисмида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартнома тузилиши мумкинлиги ҳақида умумий қоида белгиланди. Шундай экан, демак Кодексга маълум бўлмаган ва маълум бўлган шартномалар, уларнинг шартлари, мазмуни, шакли ҳақида тарафлар ўртасида турли фикр ва келишмовчиликлар вужудга келиши мумкин. Бундай шартномаларни таърифлаш, уларнинг мазмунини аниқлаш учун илмий ва амалий шарҳлаш усулларида фойдаланиш мумкин. Лекин тарафлар ўртасида низо юзага келган тақдирда, шартномани шарҳлаш йўли билан масалани ҳал қилиш суд зиммасига юклатилади. Шунинг учун ҳам ушбу моддада суд шартномани шарҳлашда қандай талабларни, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт ва шароитни, бошқа ҳолатларни эътиборга олиши ҳақидаги қоидалар белгиланди.

27-БОБ

ШАРТНОМА ТУЗИШ

364-модда. Шартнома тузиш тўғрисидаги асосий қоидалар

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига қўра келишиб олинган зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади.

Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

365-модда. Шартноманинг тузилиш пайти

Оферта йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтда шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ушбу Кодекснинг 185-моддаси).

366-модда. Шартноманинг шакли

Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса - шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ўзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Агар шартнома тузиш ҳақидаги ўзма таклиф ушбу Кодекс 370-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибда олинган бўлса, шартноманинг ўзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

367-модда. Оферта

Бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак.

Оферта уни йўллаган шахсни оферта йўлланган шахс билан у офертани олган пайтдан бошлаб боғлайди.

Агар офертани чақириб олиш тўғрисидаги билдириш офертанинг ўзидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, оферта олинмаган ҳисобланади.

368-модда. Офертанинг чақириб олинмаслиги

Қабул қилувчи тараф олган оферта уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида чақириб олиниши мумкин эмас, башарти бошқача тартиб офертанинг ўзида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса.

369-модда. Офертага таклиф этиш. Оммавий оферта

Номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, офертага таклиф этиш деб қаралади.

Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф оферта (оммавий оферта) ҳисобланади.

370-модда. Акцепт

Оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади.

Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак.

Агар қонундан, иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

Офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказо), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

371-модда. Акцептни чақириб олиш

Агар акцептни чақириб олиш ҳақидаги билдириш оферта юборган шахсга акцептдан олдинроқ ёки у билан бир вақтда етиб келган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

372-модда. Акцепт муддати кўрсатилган оферта асосида шартнома тузиш

Офертада акцепт муддати кўрсатилган бўлса, акцепт оферта йўллаган шахс томонидан унда кўрсатилган муддат мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

373-модда. Акцепт муддати кўрсатилмаган оферта асосида шартнома тузиш

Ёзма офертада акцепт муддати кўрсатилмаган акцепт оферта йўллаган шахс томонидан қонун ҳужжатларида бел-

гилаб қўйилган муддатларда, агар бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса - бунинг учун нормал зарур бўлган вақт мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Оферта акцепт учун муддат кўрсатмасдан оғзаки тарзда қилинганида бошқа тараф уни акцентлаганини дарҳол айтган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

374-модда. Кечикиб олинган акцепт

Акцепт тўғрисида ўз вақтида йўлланган билдириш кечикиб олинган ҳолларда оферта йўллаган тараф бошқа тарафга акцепт кечикиб олинганини дарҳол билдириб қўймаса, акцепт кечиккан ҳисобланмайди.

Агар оферта йўллаган тараф бошқа тарафга унинг кечикиб олинган акцептини қабул қилганини дарҳол маълум қилса, шартнома тузилган ҳисобланади.

375-модда. Бошқа шартлар асосидаги акцепт

Офертада таклиф қилинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик билдириш ҳақидаги жавоб акцепт ҳисобланмайди. Бундай жавоб акцептдан бош тортиш ва айни вақтда янги оферта ҳисобланади.

376-модда. Шартноманинг тузилган жойи

Агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилган бўлмаса, шартнома оферта йўллаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган ҳисобланади.

377-модда. Мажбурий тартибда шартнома тузиш

Ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ оферта (шартнома лойиҳаси) йўлланган тараф учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда бу тараф оферта олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак.

Оферта йўллаган ҳамда шартнома тузиши мажбурий бўлган тарафдан офертани бошқа шартларда акцептлаш тўғрисида билдириш (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар

баённомаси) олган тараф бундай билдириш олинган ёки акцепт учун муддат тугаган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга топширишга ҳақли.

Ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиш оферта (шартнома лойиҳаси) йўллаган тараф учун мажбурий бўлган ва унга ўттиз кун мобайнида шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси юбориладиган ҳолларда бу тараф келишмовчиликлар баённомасини олган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга шартномани унинг таҳририда қабул қилишини ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этишини билдириши шарт.

Келишмовчиликлар баённомаси рад этилганида ёки уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги билдириш кўрсатилган муддатда олинмаганида келишмовчиликлар баённомасини йўллаган тараф шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга топширишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатлар тўғрисидаги қоидалар, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса ёки тарафлар уларни келишиб олган бўлмасалар, қўлланилади.

Агар ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу туфайли етказилган зарарларни бошқа тарафга тўлаши керак.

378-модда. Шартнома олдидан бўладиган низолар

Шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликлар ушбу Кодекснинг 377-моддасига мувофиқ қараб чиқиш учун судга берилган ҳолларда шартноманинг тарафлар ўртасида келишмовчиликлар чиқишига сабаб бўлган шартлари суд қарорига мувофиқ белгиланади.

379-модда. Кимошди савдосида шартнома тузиш

Агар шартноманинг мазмунидан бошқача тартиб англашилмаса, у кимошди савдосини ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Шартнома кимошди савдосида қолиб чиққан шахс билан тузилади.

Ашённинг мулкдори ёки мулкрий ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот кимошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин. Ихтисослашган ташкилот ашённинг мулкдори ёки мулкрий ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиш асосида иш олиб боради ва улар номидан ёки ўз номидан ҳаракат қилади.

Ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда кўрсатилган ҳолларда ашён ёки мулкрий ҳуқуқни сотиш тўғрисидаги шартномалар фақат кимошди савдоси ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин.

Кимошди савдоси аукцион ёки танлов шаклида ўтказилади.

Кимошди савдосининг шакли, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, сотиладиган ашённинг мулкдори ёки сотиладиган мулкрий ҳуқуқнинг эгаси томонидан белгиланади.

Фақат битта иштирокчи қатнашган аукцион ва танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 380-ва 381-моддаларида назарда тутилган қоидалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суд қарорини ижро этиш тартибидан ўтказиладиган кимошди савдосига нисбатан ҳам қўлланилади.

380-модда. Кимошди савдосини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби

Аукционлар ва танловлар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ аукционда ва очиқ танловда хоҳлаган шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ аукцион ва ёпиқ танловда шу мақсад учун махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашадилар.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташкилотчи кимошди савдоси ўтказилиши тўғрисида камида ўттиз кун олдин хабар қилиши керак. Хабарда, ҳар қандай ҳолда ҳам, кимошди савдосининг вақти, жойи ва шакли, кимошди савдосига нима қўйилаётгани ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан кимошди савдосида қатнашишни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Агар кимошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилаётган бўлса, бўлажак кимошди савдоси тўғрисидаги хабарда бунга бериладиган муддат кўрсатилиши керак.

Агар қонунда ёки кимошди савдоси ўтказилиши ҳақидаги хабарда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хабар берган кимошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтида, лекин у ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин, танлов ўтказишдан эса - танлов ўтказиладиган кундан камида ўттиз кун олдин бош тортишга ҳақли.

Кимошди савдосининг ташкилотчиси уни ўтказишдан мазкур муддатларни бузиб бош тортган ҳолларда иштирокчиларнинг кўрган ҳақиқий зарарларини тўлаши шарт.

Ёпиқ аукцион ёки ёпиқ танлов ташкилотчиси хабар юборилганидан кейин айнан қанча муддатда кимошди савдосидан бош тортганлигидан қатъи назар, ўзи таклиф этган иштирокчиларнинг реал зарарини тўлаши шарт.

Кимошди савдосининг қатнашчилари кимошди савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда закалат пули тўлайдилар. Агар кимошди савдоси ўтказилмаса, закалат қайтариб берилиши керак. Закалат кимошди савдосида қатнашган, лекин унда голиб чиқмаган шахсларга ҳам қайтариб берилади.

Кимошди савдосида голиб чиққан шахс билан шартнома тузиш да у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади.

Кимошди савдосида голиб чиққан шахс ва кимошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ёки танлов ўтказил-

ган куни кимошди савдосининг натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс баённомани имзолашдан бош тортса, тўлаган закатидан маҳрум бўлади. Баённомани имзолашдан бош тортган кимошди савдосининг ташкилотчиси закатни икки ҳисса қилиб қайтариши, шунингдек кимошди савдосида ғолиб чиққан шахсга кимошди савдосида қатнашиш туфайли ўзига етказилган зарарнинг закат пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлаши шарт.

Агар кимошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилган бўлса, бундай шартномани тарафлар кимошди савдоси тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан кейин кечи билан йигирма кунда ёки хабарда эълон қилинган бошқа муддатда имзолашлари керак. Улардан бири шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, шартнома тузишга мажбур этишни, шунингдек уни тузишдан бош тортиш натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

381-модда. Кимошди савдосини ўтказиш қоидаларини бузиш оқибатлари

Қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган кимошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топилган кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади.

27-бобга шарҳлар

Ушбу бобнинг мазмуни аввалги боблардагидек азалдан маълум ва сўнгги йилларда мулкӣ муносабатларни ўрнатиш тартиб-қоидаларида юз берган ўзгаришлар, шунингдек халқаро шартномалар, жумладан товарлар олдисотдиси ҳақидаги 1980 йилги Вена конвенцияси ҳужжат-

лари ҳисобга олиниб ишланган янги қоидалардан ташкил топади (364-385-моддалар).

Бобнинг биринчи - 364-моддаси фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартнома тузиш учун ўз хоҳишларини эркин равишда ифода этишлари ва уларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тегишли кафолатлар билан таъминланган бўлиши нуқтаи назаридан **шартнома тузиш тўғрисидаги асосий қоидаларга** бағишланди. Моддада шартноманинг шакли, унинг мазмунини ташкил қилувчи шартлар, булар ҳақида бир томон иккинчи томонга таклиф (оферта) йўллаши, иккинчи томон таклифни қабул қилишига (акцепт) оид қоидалар ўрнатилди.

Кодексга киритилган янгиликлардан **шартноманинг** шаклига нисбатан назарда тутилган талабларга эътибор бериш лозим (366-модда). Унда шартнома тузиш учун таклифларни жўнатиш ва қабул қилишда ҳозирги замонда алоқа ўрнатиш воситаларининг ривожланган бўлиши ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги ҳисобга олинди. Бундай воситалар телеграф, телетайп, электрон алоқа ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин. Лекин бундай воситалар орқали юборилган ҳужжатлар шартномадаги тарафдан чиққанлиги ишончли суратда аниқланган ва исботланган бўлиши керак.

Шартноманинг шаклини танлашда тарафларга чега-ра белгиланган эмас. Муайян шартнома учун қонунда муайян бир шакл белгилаб қўйилмаган бўлса, у битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин. Тижорат алоқаларининг муқаддам ва тезда ўрнатилиши амалиётда қўлланиб келган қоида билан мустаҳкамланган. Шартноманинг шаклига тааллуқли бўлган бундай қоида 370-модданинг тўртинчи қисмида ўз аксини топди. Унга кўра таклифни (офертани) акцептлаш учун олган шахснинг (акцептантнинг) шартномага тегишли маълум ҳаракатларни бажариши шартномани тузишга берган розилиги деб ҳисобланади.

Режага асосан иккала тараф ҳам мажбурий равишда тузадиган шартномалар тузилмаган тақдирда арбитраж қарори билан қўлланадиган чораларга боғлиқ қоидалар туширилиб қолдирилди. Лекин, шунинг билан бирга, Кодексга **мажбурий** тартибда шартнома тузиш ҳақида янги норма киритилди. Бундай шартномани тузиш режага асосланган эмас, унинг тузилиши истеъмолчиларнинг манфаатларини таъминлашни оғишмай амалга оширишдан иборат, масалан, очиқ шартнома (358-модда) бир тараф учун мажбурий ҳисобланади. Мажбурий тартибда шартнома тузиш жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳам қўлланиши мумкин. Бунга мисол қилиб Кодекснинг иккинчи қисмидаги давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш ҳақида 453, 455-моддаларда белгиланган қоидаларни келтириш мумкин.

Иқтисодий муносабатлар соҳасида аукцион ёки танлов шаклида ўтказиладиган савдоларнинг тобора ривож топиши ҳисобга олинди. Кодексда **кимошди савдосида шартнома тузиш** қоидаларига урта модда (379, 380, 381-модда) бағишланди. Уларда шартномани тузиш тартиби, шартноманинг мазмуни ва шакли, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кимошди савдосини ташкил қилиш ва уни ўтказиш тартиби, шартномани бузишдан вужудга келадиган оқибатлар ҳақидаги қоидалар белгиланди.

Шартноманинг нарсаси (предмети) мол-мулкдан, ашёлардан ёки мулквий ҳуқуқни сотишдан иборат бўлиши мумкин. Шартнома кимошди савдосида ютган шахс билан тузилади. Кимошди савдосини мол-мулк эгаси ёки мулк ҳуқуқи эгасининг ўзлари ташкил қилишлари мумкин. Уни ташкил қилишда ихтисосланган ташкилотлар қатнашган тақдирда кимошди савдоси ушбу ташкилотлар билан мол-мулк эгаси ёки мулк ҳуқуқи эгаси ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Бундай савдо суд қарорини ижро этиш тартибида ҳам ўтказилиши мумкин. Кимошди савдосининг шакли, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сотиладиган мол-мулк (ашё) ёки мулк ҳуқуқи эгалари тарафидан белгиланади.

ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

382-модда. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари

Агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қўйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- 2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда. Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Бир тараф шартномани бажарилган тўла ёки қисман бош тартиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувидан бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

383-модда. Вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади. Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келишса олмаган бўлсалар, шартнома манфаат-

дор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра эса - ўзгартирилиши мумкин, агар айни вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкий манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса. Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганида суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган фавқулодда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

384-модда. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома

ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқ-
маса. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш
ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан
кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки
шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмага-
нида эса - ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан-кейин,
шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни
судга тақдим этиши мумкин.

385-модда. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг оқибатлари

Шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбурият-
лари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади. Шартнома бекор
қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.
Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар
келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бош-
қача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани ўзгартириш
ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд
тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганида эса - суд-
нинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги
қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбурият-
лар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади. Агар
қонунда ёки тарафларнинг келишувиде бошқача тартиб бел-
гилаб қўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилгун-
ча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган
нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар.
Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлар-
дан бирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса,
иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш
туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

28-бобга шарҳлар

Бобнинг тегишли моддаларида (382-385) ўз аксини топ-
ган янги қоидалар муҳим аҳамиятга эга. Шартномавий алоқа-
ларнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида **шартнома-**
ларни ўзгартириш ва бекор қилиш асослари ва тартиби анча

кучайтирилди. Кодексда, бошқа қонунларда ва шартноманинг ўзида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, шартнома жиддий суратда бузилган тақдирда тарафлардан бирининг талаби билан суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши назарда тутилади (382-модда). Ушбу бобда 383-модда ҳам эътиборга сазовор. Унга кўра **вазият жиддий** ўзгариши билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари назарда тутилади. Шартнома тузиш чоғида тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада белгиланган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англанилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши деб, агар унинг шундай даражада ўзгаришини тарафлар олдиндан кўра билганларида улар шартномани умуман тузмасликлари ёки анча бошқача шартлар билан тузган бўлишлари мумкинлигига айтилади. Бундай вазият туфайли шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки уни бекор қилиш масаласини биринчи галда тарафларнинг ўзлари ҳал қилишлари мумкин. Агар тарафлар бу масалада келиша олмасалар низо суд томонидан ҳал қилиниши назарда тутилади. Моддада суд томонидан кўрилиши учун сабаб бўладиган асослар ва шунингдек шартноманинг бекор бўлиши натижасида вужудга келадиган оқибатларнинг суд томонидан ҳал қилинишига оид тартиб ва қоидалар назарда тутилди (384, 385-моддалар).

Шартномавий ҳуқуқнинг умумий қоидалари юқорида таърифлаб ўтилган ва Кодекснинг 26, 27, 28-бобларига киритилган бошқа моддаларда ўз аксини топди. Кодекснинг иккинчи қисмидан жой эгаллаган алоҳида турдаги шартномалар моҳияти ва мазмуни жиҳатдан ушбу моддаларда назарда тутилган қоидаларга асосан белгиланади.

Кодекснинг биринчи қисми унинг предметини ташкил этувчи муносабатларнинг тартибга солинишини белгилаб берувчи ва муҳим аҳамиятга эга бўлган қоидалар йиғинидан иборат. Кодекснинг иккинчи қисмидаги ҳар бир норма ушбу қоидалар билан шакллантирилади ва ифодаланади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши..... 4

I. ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

1. Лойиҳа устидаги ташкилий ишлар..... 9
2. Кодекс тушунчаси ва унинг номи..... 13
3. Ҳозирги Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда мусулмон ҳуқуқи даври..... 20
4. Совет тузуми даврида Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг тартибга солиниши..... 36
5. Ўзбекистон Республикаси янги Фуқаролик Кодексининг моҳияти..... 52
6. Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар..... 58
7. Фуқаролик Кодексининг ҳажми ва тузилиши..... 62

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 август қарори..... 66

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ БИРИНЧИ ҚИСМИГА УМУМИЙ ШАРҲЛАР

I бўлим. Умумий қоидалар

- 1 - кичик бўлим. Асосий қоидалар
- 1-боб. Фуқаролик қонун ҳужжатлари..... 70
- 2-боб. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиши. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш..... 88
- 2 - кичик бўлим. Шахслар
- 3-боб. Фуқаролар (жисмоний шахслар)..... 102

4-боб. Юридик шахслар.....	133
5-боб. Давлат фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчиси сифатида.....	217
3 - кичик бўлим. Объектлар	
6-боб. Умумий қоидалар.....	220
7-боб. Моддий неъматлар.....	225
8-боб. Номоддий неъматлар.....	231
4 - кичик бўлим. Битимлар ва вакиллик	
9-боб. Битимлар.....	239
10-боб. Вакиллик ва ишончнома.....	275
5 - кичик бўлим. Муддатлар. Даъво муддати	
11-боб. Муддатларни ҳисоблаш.....	293
12-боб. Даъво муддати.....	298

II бўлим. Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар

13-боб. Умумий қоидалар.....	307
14-боб. Хўжалик юритиш ҳуқуқи. Оператив бошқариш ҳуқуқи.....	319
15-боб. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва унинг бекор бўлиши.....	327
16-боб. Хусусий мулк.....	346
17-боб. Оммавий мулк.....	352
18-боб. Умумий мулк.....	357
19-боб. Мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.....	373

III бўлим. Мажбурият ҳуқуқи

1 - кичик бўлим. Мажбуриятлар тўғрисида умумий қоидалар	
20-боб. Мажбуриятлар тушунчаси ва тарафлари.....	379
21-боб. Мажбуриятларни бажариш.....	384
22-боб. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.....	398

23-боб. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши.....	429
24-боб. Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик.....	436
25-боб. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши.....	461
2 - кичик бўлим. Шартнома тўғрисида умумий қоидалар	
26-боб. Шартнома тушунчаси ва шартлари.....	474
27-боб. Шартнома тузиш.....	487
28-боб. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.....	497

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ**

**БИРИНЧИ ҚИСМИГА
УМУМИЙ ТАФСИФ ВА ШАРҲЛАР**

Муаллиф: ЎЗР ФА мухбир аъзоси,
юримдик фанлари доктори, профессор
Раҳмонқулов Ҳожи-Ақбар

Менежер: Муслимов Бахтиёр
Нашр учун масъул: юримдик фанлар номзоди
Убайдуллаев Зиёдулла
Нашриёт муҳаррири: Абдуқодиров Абдулла
Саҳифаловчи: Қодиров Хуршид

ББК 67.99(2)3

№ 101-97

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Республикасининг давлат кутубхонаси
Нусха 5000
Карт. нусхаси 10000

Босишга рухсат этилди 7.02.97 й.
Бичими 60x90 1/16. Ҳажми 32 б.т. Адади 10000
Буюртма № К-5276

"Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи
Мустақиллик майдони, 2
Тел.: 144-03-88

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмита-
сининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

